

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ
ВАЗИРЛИГИ

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

Туркистонда матбуот тарихининг долзарб муаммолари

(бакалавриятнинг тарих йўналиши талабалари учун ўқув-услубий қўлланма)

БУХОРО-2015

Ушбу қўлланма Тарих таълим йўналиши 4-курс талабаларига ўтиладиган “Туркистонда матбуот тарихининг долзарб муаммолари” танлов фани ўқув машғулотлари учун мўлжалланган.

Тузувчи: т.ф.н. Камол Раҳмонов

Масъул муҳаррир: т.ф.д. Шодмон Ҳайитов

Тақризчилар: т.ф.д. Ҳ.Ҳ.Тўраев

катта ўқитувчи М.З.Орзиев

МУНДАРИЖА

Кириш	
Туркистон матбуоти тарихини ўрганишнинг аҳамияти ва даврлаштириш муаммолари.....	
Туркистонда матбуот юзага келиши арафасидаги ижтимоий-сиёсий вазият ва рус мустамлакачилиги даври матбуоти.....	
Туркистон миллий матбуоти вужудга келишининг асосий хусусиятлари ва омиллари.....	
XIX аср охири – XX аср бошларида Бухородаги иқтисодий – сиёсий вазият ва матбуотнинг аҳволи.....	
Бухоро Халқ Совет Республикаси даври матбуоти.....	
БХСР матбуоти саҳифаларида иқтисодиёт соҳалари ва ижтимоий муаммолар талқини.....	
“Бухоро ахбори” ва “Озод Бухоро” газеталари – БХСРнинг маориф, маданият ва ташқи алоқалари тарихини ўрганиш манбаси.....	

Кириш

Туркистон матбуоти тарихини ўрганишнинг аҳамияти ва уни даврлаштириш масалалари

Режа:

1. Туркистон матбуоти тарихини ўрганишнинг долзарблиги, мақсад ва вазифалари

2. Туркистон матбуоти тарихини даврлаштириш

3. Туркистон матбуоти тарихини ёритишга бағишланган айрим манба ва адабиётларнинг қисқача мазмуни ва шарҳи

Ўзбекистон Республикасининг мустақилликка эришиши, барча соҳаларда бўлгани каби, тарихчи олимлар зиммасига ҳам масъулиятли вазифаларни юклади. Мустақиллик қўлга киритилгандан кейин совет ҳукмронлиги йилларида сохталаштирилган тарихни турли тазйиқлардан холи равишда ҳаққоний ёритиш асосий талаблардан бирига айланди. Ўзбекистон тарихини ўрганиш давлат сиёсати даражасига кўтарилди ва кун тартибига ҳаққоний тарихни бирламчи манбалар асосида яратиш, уни ҳолисона талқин этиш, баҳс ва мунозаралар асосида тарихий ҳақиқатни тиклаш вазифаси қўйилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов халқимизнинг катта маънавий мерос эгаси эканлигига алоҳида тўхталиб таъкидлаганидек: “...бугунги кунда кутубхоналаримиз хазинасида сақланаётган минг-минглаб қўлёзмалар, уларда мужассамлашган тарих, адабиёт, санъат, сиёсат, ахлоқ, фалсафа, тиббиёт, математика, минералогия, кимё, астрономия, меъморчилик, деҳқончилик ва бошқа соҳаларга оид қиммаатбаҳо асарлар бизнинг буюк маънавий бойлигимиздир”¹. Халқнинг миллий ўзлигини англашида алоҳида аҳамият касб этган маънавий мерос ичида даврий матбуот ҳам алоҳида ўрин тутди.

Айниқса, Ўзбекистоннинг мустамлака даври тарихини ўрганишда даврий материаллари катта аҳамиятга эга. Шунинг учун 1870-1925 йилларда Туркистон ва Бухорода нашр этилган газета ва журналларнинг бой фактик материаллари тарихимизни ҳолисона ёзиш учун муҳим манбалардан бири сифатида хизмат қилмоқда. Бу жиҳат эса **матбуот тарихини ва унинг манбавий аҳамиятини ўрганиш нақадар долзарб эканлигини англатади.**

¹ Каримов И.А. Юксак маънавият-енгилмас куч. –Тошкент: Маънавият, 2008. –Б. 31.

Туркистон матбуоти тарихини долзарб муаммоларини ўрганишнипг **асосий мақсади** миллий матбуотимиз босиб ўтган тарихий йўлни холислик принципига риоя этган ҳолда илмий ёритиб беришдир. Ушбу мақсаддан келиб чиққан ҳолда қуйидаги **вазифаларни амалга ошириш** тақозо этилади:

- Туркистон матбуоти тарихининг долзарб муаммоларини ўрганишнинг аҳамиятини, даврлаштириш масалаларини, манбалар аҳамиятини очиб бериш;
- Туркистонда матбуот юзага келиши арафасидаги ижтимоий-сиёсий вазиятни таҳлил қилиш, рус мустамлака матбуотининг хусусиятлари ва мақсадларини таҳлил этиш;
- Туркистонда миллий матбуот пайдо бўлишининг ижтимоий-сиёсий характерини изоҳлаш;
- XIX аср охири – XX аср бошларида Бухородаги иқтисодий – сиёсий вазият ва матбуотнинг аҳволини умумий тавсифлаш;
- Бухоро Халқ Совет Республикаси даври матбуоти ва унинг манбавий аҳамиятини очиб бериш;
- “Бухоро ахбори” ва “Озод Бухоро” газеталари – БХСР тарихини ўрганиш манбаси эканлигини исботлаб бериш.

Туркистон матбуоти тарихини даврлаштириш юзасидан дастлабки уриниш Чўлпоннинг «Фукаро фуюзоти» журналининг (Бокуда нашр этилган) 1920 йил 1-сонидан эълон қилинган «Туркистонда матбуот» сарлавҳали мақоласида учрайди. У Туркистон матбуоти босиб ўтган йўлни уч даврга бўлади:

1. Туркистон чор Россияси томонидан забт этилиб, мустамлака ҳрлига тушган даврдаги ўзбек матбуоти.

2. 1917 йил февраль ва октябрь тўнтаришлари оралигидаги ўзбек матбуоти.

3. Октябрь тўнтаришидан кейинги давр ўзбек матбуоти.

Кўринадики, Чўлпон ўзбек матбуоти тарихини даврлаштиришда ижтимоий тузумнинг хусусиятидан келиб чиққан. Матбуотимиз тарихининг йирик тадқиқотчиси Зиё Саид (Косим Солихов) ҳам 1927 йили нашр қилинган «Ўзбек вақтли матбуоти тарихига материаллар (1870-1927)» номли китобида ўзбек матбуоти тарихини учга бўлади:

1. Чор мустамлакачилиги даври ўзбек матбуоти.

2. Жадидлар матбуоти.

3. Шўро даври ўзбек матбуоти.

Профессор Т. Эрназаров ва доцент А. Акбаровларнинг Туркистон матбуоти тарихига бағишланган уч қисмдан иборат ўқув қўлланмасида (1976-1978 йиллари рус тилида нашр қилинган) матбуотимиз тарихини даврлаштиришда шўро тузумининг ғоявий ва амалий раҳбари В. Лениннинг концепциясидан келиб чиқилган. У 1914 йилда ёзган «Россиядаги ишчилар матбуотининг ўтмишидан» сарлавҳали мақоласида Россия “... ишчилар матбуотининг тарихи демократик ва социалистик ҳаракат тарихи билан чамбарчас боғлангандир» деган қарашни илгари суриб, «Россиядаги озодлик ҳаракати рус жамиятининг ҳаракатига таъсирини кўрсатган уч асосий синфига мувофиқ, суратда, уч асосий даврни босиб ўтди: 1) тахминан 1825 йилдан 1861 йилгача давом этган дворянлар даври; 2) тахминан 1861 йилдан 1895 йилгача давом этган разночинлик ёки буржуа-демократик даври; 3) 1895 йилдан ҳозиргача (Мақола ёзилган пайт -1914 йил назарда тутилади.) давом этиб келаётган пролетар даври», деб кўрсатган эди. Мана шу концепция асосида Т. Эрназаров ва А. Акбаровлар Туркистон (Ўзбекистон) матбуоти тарихини уч катта босқичга: тайёргарлик, пролетар ва совет даврига бўлганлар.

Тарих фанлари доктори Н. Абдуазизова 1999 йили Тошкент давлат университети (ҳозирги ЎзМУ)да нашр қилинган «Ўзбекистон журналистикаси тарихи (1870-1917)» номли қисқача маърузалар матнида матбуотимиз тарихини тўрт даврга бўлган:

1. Чор мустамлакачилиги даврида Туркистон матбуоти (1870-1917 й.);
2. 1917 йил февраль инқилоби ва октябрь тўнтариши оралигидаги Туркистон журналистикаси (1917 йил февраль— (1917 йил октябрь);
3. Совет мустамлакачилиги йилларидаги Ўзбекистон матбуоти (1917 - 1991 август);
4. Мустақил Ўзбекистон журналистикаси (1991 йил август -ҳозирга қадар).

Бу таснифга жамиятнинг моҳиятини белгилайдиган воқелик, яъни давлат тузуми асос қилиб олинган.

Бойбўта Дўстқораевнинг “Ўзбекистон журналистикаси тарихи” дарслигида матбуот тарихини тасниф қилишда бош мезон сифатида мустақиллик ҳодисаси олинган ва шу тушунчадан келиб чиққан ҳолда унинг асосий даврга бўлди:

1. Мустабидлик даври Ўзбекистон журналистикаси (1870-1991 йил 31 август);
2. Мустакиллик даври Ўзбекистон журналистикаси (1991 йил 31 августдан кейинги йиллар).

Мазкур ўқув қўлланманинг тузувчиси томонидан эса Бухоро миллий матбуоти тарихини қуйидаги босқичларга бўлиб ўрганиш тавсия қилинади:

- 1-давр. Бухорода миллий матбуотнинг вужудга келиши (1912-1913 йиллар)
- 2-давр. Бухоро миллий матбуотининг янги даври (1918-1920 йиллар)
- 3-давр. БХСР даври матбуоти (1920-1924 йиллар)

Туркистондаги матбуот тарихини ўрганишда таниқли публицист Зиё Саид (Соли Қосимов) асари муайян аҳамиятга эга. Унинг “Ўзбек вақтли матбуоти тарихига материаллар” номли китоби² Туркистон минтақасида салкам 60 йил (1870-1927 йиллар) давомида нашр этилган даврий матбуотнинг ўзига хос библиографияси ҳисобланади. Унда, жумладан, “Бухоро ахбори” ва “Озод Бухоро” газеталари ҳақида илк бор маълумот келтирилганлиги муҳимдир. Бироқ муаллифнинг ушбу газеталар нашри билан боғлиқ йил ва уларда муҳаррирлик қилган шахслар тўғрисидаги маълумотларида қатор ноаниқликлар учрайди.

Бевосита матбуот тарихига дахлдор бўлган тадқиқотлардан С. Иноятлов, Т.Эрназаров ва А.Акбаровларнинг ишларини кўрсатиш лозим³. С.Иноятловнинг номзодлик диссертацияси даврий матбуотда қишлоқ хўжалигини жамоалаштириш масалаларининг ёритилиши муаммосига бағишланган. Мазкур муаллифнинг монографиясида эса матбуотнинг ижтимоий ҳаётдаги ўрни ва роли янада кенгроқ очиб берилган. Бу тадқиқотларда тарихчи олим ҳар қандай тарихий даврни атрофлича ўрганишда матбуот материаллари манба бўла олишини исботлаган. Т.Эрназаров ва А.Акбаровларнинг фикрича, Бухорода амирлик тузуми ағдарилган биринчи кунларданок (1920 йил сентябр) Бухоро коммунистик партияси марказий комитети органи “Бухоро ахбори” газетаси чиқа бошлаган, газета ўзбек тилида 2500 нусхада, 2 саҳифада, айрим ҳолларда 4

² Зиё Саид. Ўзбек вақтли матбуоти тарихига материаллар (1870-1927). –Тошкент-Самарқанд: Ўздавнашр, 1927. -180 б. (Қайта нашри: Зиё Саид. Танланган асарлар. -Т.: Фафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1974).

³ Иноятлов С. Роль партийно-советской печати Узбекистана в осуществлении коллективизации сельского хозяйства (1929-1934 гг.): Автореф. дисс. ... канд. ист. наук. - Ташкент, 1969; Ўша муаллиф. Роль печати в интернациональном воспитании трудящихся. - Ташкент: Фан, 1986; Эрназаров Т., Акбаров А. История печати Туркестана. - Ташкент: Ўқитувчи, 1976.

саҳифада нашр қилинган⁴. Ушбу асар коммунистик мафкура таъсирида юзага келган бўлиб, унда XX аср бошларида чоп этилган миллий тилдаги матбуот органларига ҳолисона баҳо берилмаган, большевиклар матбуотининг роли эса орттириб кўрсатилган.

Мустақилликнинг дастлабки йилларида XX асрнинг 20-30-йиллари даврий матбуоти ҳақида тадқиқотлар ёзиш анъанаси давом эттирилди. В.Мухаммаджонованинг номзодлик иши ушбу мавзуга бағишланган⁵. Шунингдек, XX аср биринчи чорагида Туркистон минтақасидаги матбаачилик, миллий матбуотнинг ўрни ва роли, демократик ислохотларни амалга оширишда матбуотнинг аҳамияти масалалари ҳам бир қатор илмий асарларнинг мавзуси бўлди. Журналистика тарихи билан шуғулланувчи олимлар: **Н.Абдуазизова**⁶ ва **Б.Дўстқораев**⁷ кабиларнинг китоб ва дарсликлари ўзбек матбуотчилиги ва журналистикаси тарихини тадқиқ қилишдаги илк қадамлар бўлди. Тарихчи олим А.Мингноровнинг номзодлик диссертацияси ва рисоласида⁸ миллий матбуот материаллари асосида Туркистонда 1917-1918 йиллар давомида фаолият юритган миллий ташкилотлар тарихи очиб берилган.

Тарихчи олима **С.Шодмонованинг** докторлик диссертацияси ва монографияси⁹ ҳам матбуотнинг манбавий аҳамиятини кўрсатишга қаратилган. Тадқиқотчи 1870-1917 йил февралигача чоп этилган ўзбек ва рус тилидаги даврий матбуот материаллари асосида Туркистон минтақасида кечган ижтимоий-иқтисодий ва маданий жараёнларни илмий таҳлил қилган. Ёш изланувчи **М.Орзиевнинг** бир қатор илмий мақола ва тезислари¹⁰

⁴ Эрназаров Т., Акбаров А. История печати Туркестана. - Ташкент: Ўқитувчи, 1976.

⁵ Мухаммеджанова В. Периодическая печать 20-30-х годов о раскрепощении женщины Узбекистана: Автореф. дисс. ... канд. ист. наук. - Самарканд, 1994.

⁶ Абдуазизова Н. Ўзбекистон журналистикаси тарихи (1870-2000) - Тошкент: Академия. 1999; Ўша муаллиф. Миллий журналистика тарихи (Генезис ва эволюция). Биринчи жилд. -Тошкент: Шарқ, 2008.

⁷ Дўстқораев Б. Ўзбекистон журналистикаси тарихи. (1870-1917 йил ноябрь). Дарслик. - Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2009.

⁸ Мингноров А. Вопросы национально-освободительного движения в национальной периодике (февраль 1917-середина 1918 г.): Автореф. дисс. ... канд. ист. наук. - Тошкент, 2001; Ўша муаллиф. Туркистонда 1917-1918 йиллардаги миллий сиёсий ташкилотлар (Миллий матбуот материаллари асосида). - Тошкент: Маънавият, 2002.

⁹ Шадманова С. Вопросы социально-экономического и культурного положения Туркестана на страницах периодической печати (1870-1917 гг.) Автореф. дисс. ... докт. ист. наук. - Ташкент, 2011; Шодмонова С. Туркистон тарихи-матбуот кўзгусида (1870-1917 йиллар). -Т.: Yangi nashr, 2011.

¹⁰ Орзиев М. XX аср бошларида Бухорода хорижда чоп этилган матбуот тарғиботи // “Тарихий хотира – маънавият асоси” мавзусидаги илмий-назарий анжумани материаллари. –Бухоро, 2010. –Б. 87-88.; Ўша муаллиф. “Бухорои шариф” ва “Турон” газеталари – тадқиқотчилар нигоҳида // “XIX аср охири – XX аср бошларида Бухоро” мавзусида республика илмий-назарий анжумани материаллари. –Бухоро, 2010. –Б. 22-24.; Ўша муаллиф. XX аср бошларида Бухоро амирлигидаги иқтисодий аҳвол хусусида (“Бухорои шариф” газетаси материаллари асосида) // “Тарихий хотира – маънавият асоси” мавзусидаги илмий-назарий анжумани материаллари. –Бухоро, 2011. –Б. 52-54.

“Бухорои Шариф” ва “Турон” газеталарининг манбавий аҳамиятига йўналтирилганлиги ҳам эътиборга лойиқдир.

Ҳозирги вақтда Бухоро вилоятида чоп этилаётган “Бухоронома” газетасининг ходимлари ва жамоатчи мухбирлари томонидан унинг 20 000-сони нашр этилиши муносабати билан боғлиқ “20.000 – учрашув” номли публицистик рисола¹¹ чоп қилинди. Ушбу рисолада “Бухоро ахбори” 1-сони чоп этилган 1920 йил сентябрдан 2007 йилнинг декабрига қадар чиққан матбуот органлари ва бугунги кунда “Бухоронома” номи остида чиқаётган газетанинг фаолиятида иштирок қилган муҳаррир ва мухбирлар ҳаёти ҳақида мақола ва тарихий лавҳалар келтирилган. Бу рисола Бухоро матбуотчилиқ тарихи соломасини яратишда муҳим аҳамиятга эга.

Шу ўринда мазкур қўлланма муаллифининг номзодлик диссертация ҳамда илмий монографияси ва бир қатор мақолаларини¹² таъкидлаб ўтиш мумкин.

Адабиётлар:

1. И.Каримов. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. -Тошкент.: Шарқ, 1998. -31б.
2. И.Каримов. Юксак маънавият -енгилмас куч. -Т.: Маънавият, 2008. -176б.
3. Абдуазизова Н. Ўзбекистон журналистикаси тарихи (1870-2000) - Тошкент: Академия. 1999. -192 б.
4. Абдуазизова Н. Миллий журналистика тарихи (Генезис ва эволюция). Биринчи жилд. –Тошкент: Шарқ, 2008. -380 б.
5. Дўстқораев Б. Ўзбекистон журналистикаси тарихи. (1870-1917 йил ноябрь). Дарслик. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2009. -378 б
6. Зиё Саид. Ўзбек вақтли матбуоти тарихига материаллар (1870-1927). – Тошкент-Самарқанд: Ўздавнашр, 1927. -180 б. (Қайта нашри: Зиё Саид. Танланган асарлар. -Т.: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1974. -Б. 14-115).

¹¹ 20.000 - учрашув (“Бухоронома” газетаси 20.000-сони чиққанига бағишланган публицистик рисола).- Бухоро, 2007.

¹² Раҳмонов К. “Бухоро ахбори” ва “Озод Бухоро” газеталари – Бухоро Халқ Совет Республикаси тарихини ўрганиш манбаси” : тарих фанлари илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. – Тошкент: 2009; **Раҳмонов К. БХСР тарихи матбуот саҳифаларида. Т., 2012.** Раҳмонов К., Ҳайитов Ж. Бухорода маҳаллий матбуотнинг вужудга келиши тарихидан (XX асрнинг биринчи чораги) // Бухоро давлат университети илмий ахбороти. –Бухоро, 2008. -№3; Раҳмонов К. БХСРдаги кишлоқ хўжалиги муаммоларининг даврий матбуотда ёритилиши // Ўзбекистон тарихи ёш тадқиқотчилар нигоҳида (Ёш тарихчи олимларнинг илмий мақолалари тўплами). –Т.: “O‘ZBEKISTON” НМИУ, 2010; Ўша муаллиф. Матбуотда дунё мамлакатларидаги ижтимоий-сиёсий муаммолар талқини // Бухоро давлат университети илмий ахбороти. –Бухоро, 2011. -№1 ва ҳоказо.

7.Раҳмонов К. БХСР тарихи матбуот саҳифаларида. -Т.: ABU MATBUOT-KONSALT, 2012.

8.Туркистон матбуоти тарихи (1870-1917) / Тузувчи Н.А.Абдуазизова. -Т.: Академия, 2000. -238 б.

9.Шодмонова С. Туркистон тарихи-матбуот кўзгусида (1870-1917 йиллар). – Т.: Yangi nashr, 2011. -296 б.

10.Эрназаров Т. , Акбаров А. История печати Туркестана (1970-1925). – Тошкент: Ўқитувчи, 1976. -287 с.

Туркистонда матбуот юзага келиши арафасидаги ижтимоий-сиёсий вазият ва рус мустамлакачилиги даври матбуоти

Режа:

1. Чор Россияси мустамлакачиларининг иқтисодий ва маданий сиёсати.
2. Рус мустамлакачилиги матбуоти ва унинг вазифалари
3. Туркистонда хусусий газета ва журналларнинг вужудга келиши.

XIX асрнинг 60-йилларига келиб Россия Пётр 1 давридаёқ тузилган режа-Туркистонни босиб олишга киришди. 1865 йилнинг 15 июнида Тошкент забт этилиши билан Россия ўзининг режаси деярли амалга ошганини сизди. Туркистон ва Еттисув вилоятлари ташкил этилиб, Оренбург генерал-губернаторлиги таркибига киритилди. Туркистон вилоятининг ҳарбий губернатори (волийси) этиб ўлкани босиб олишда рус кўшинларига бошчилик қилган золим ва маккор генерал М. Черняев тайинланади. Шу тарика, Туркистон халклари бўйнига миллий истибдод заиждирлари солинди. 1867 йил Туркистон генерал-губернаторлиги ташкил этилиб, 14 июлда унга генерал-губернатор қилиб генерал К.П.фон-Кауфман тайинланади. Унинг 1868 йилги Бухоро амирлигига уюштирган хужуми натижасида амирликнинг бир қисм ҳудуди тортиб олиниб, Самарқанд вилояти ташкил этилади ва Туркистон генерал-губернаторлиги таркибига киритилади. 1873 йилда эса Кауфман Хива хонлигига юриш қилиб, ундан бир қисм ҳудудини юлиб олиб, Амударё бўлимини ташкил этади. 1876 йилда Кўкон хонлигини босиб олади ва Фаргона вилояти юзага келади. (Кауфман вафот этгач, 1882 йил 25 майда Еттисув вилояти Туркистон генерал-губернаторлигидан олиниб, Степной генерал-губернаторлигига берилади, орадан 16 йил ўтгач, императорнинг 1898 йилги 7 март фармони билан Еттисув ва Закаспий вилоятлари ҳам Туркистон генерал-губернаторлигига қўшилган эди). Шу тариқа жуда катта ҳудудга эга бўлган Туркистон генерал-губернаторлиги юзага келади. Кауфман бундай катта ҳудудга эга бўлган ўлкани Россиянинг бир области, губерниясига айлантириши лозим эди. Бу ишга у жуда ҳафсала ва уddaбуронлик билан киришди. Чор маъмурларининг бош мақсади Туркистонни пахта, қорақўл, пилла, мева-сабзавот ва полиз маҳсулотлари билан ички Россияни таъминлайдиган бир минтақага айлантириш эди. Шунингдек, ўлканинг ер усти ва ер ости бойликларига эгалик қилишни, арзон ишчи кучини ташкил этувчи маҳаллий аҳолидан истаганча

фойдаланишни режалаштирдилар. Шундай қилиб, Туркистонда бошқаришнинг ваҳший шакли - ҳарбий-бюрократик тизим ўрнатилди. Россиянинг бошқа губерналаридан фаркли ўларок Туркистон генерал-губернаторлиги ички ишлар вазирлигига эмас, ҳарбий вазирлик ихтиёрига берилди. Бу Россиянинг Шарқий Хиндистонгача эбт этиш режаси билан боғланган эди.

Истилочилар ишни шундай ташкил эта бордиларки, Туркистон абадулабад Россиянинг колонияси, унинг таркибий исми бўлиб қолиши керак эди. Бунга ўзларинигина эмас, бошқаларни ҳам ишонтиришга уриндилар. Самарқанд забт этилганидан икки йил ўтар-ўтмас «Русский Самарқанд» деган китоб нашр килинди. «Русский Туркестан» деган ибора кундалик, оддий тушунчага айлантирилди. Кауфман ўзи Туркистонга келганида манзара қандай бўлганини ўлими арафасида ёзишга киришган хотираларида шундай тасвирлайди: «Генерал-губернаторлик таъсис қилинган пайтда ўлкадаги руслар, рус ҳукумати эндиgina юришни тўхтатиб лагерда кун кечиришарди... Русларнинг масканлари, кўшинларнинг жойлашиши ва муассасалар, буларнинг барчаси вақтинчалик характерда, тартибсиз, деярли мискин кўринишда эди. Ташкаридан караганда, забт этилган аҳолига истилонинг мустаҳкамлиги сезилмас, аксинча уларга гўё руслар чангалидан тез орада кутулиш умидини туғдирарди....»

Кауфман мана шу таассуротни килиш, Туркистон абадий забт этилгани ҳар жиҳатдан англашилиб туришига ҳаракат қилди. Шу тарика у ўлкани ўзлаштириш тадбирларини бошлаб юборди. Шундай тадбирларнинг бири **матбуотни юзага келтириш** ва унинг кудратли кучидан ўз мақсадлари йўлида фойдаланиш бўлди. Матбуот ташкил этиш режаси тузиларкан, рус тилидаgina эмас, маҳаллий тилларда ҳам газета чиқариш мўлжалланганди. Ушбу режани амалга ошириш учун, энг аввало, Туркистонда моддий-техник асос, аниқроғи, босмахона ташкил қилиш талаб этиларди. Ҳарбий вазирнинг 1867 йил 14 июлдаги буйруғига мувофиқ Туркистон ҳарбий округи штаби ҳузурида кириллица шрифти билан ишлайдиган босмахона очилди.

Маҳаллий тилларда газета чиқариш учун эса, араб шрифти ҳам зарур эди. Бундай ҳарфлар Туркистонда йўқ бўлганлиги учун уни ички Россиядан олиб келишга тўғри келди. Россияда эса араб шрифти билан ишлайдиган илк босмахона 1723 йили Астраҳанда ташкил топганди. Сўнг бундай босмахоналар Петербург, Москва, Қозон шаҳарлари ҳамда Кавказ ва Қримда юзага келганди. Туркистонга араб босма шрифтларини сўраб генерал-губернатор 1869 йили пойтахтга махсус мактуб йўллайди. Ўша йилнинг 6

ноябрида ташкил этилажак «Туркестанские ведомости» газетасининг муҳаррири этиб тайинланган пиёда аскарлар зобити Н. А. Маев босмахона шрифтлири, қоғоз ва бошқа зарур нарсалар олиб келиш учун ноябр ойида Петербург сафарига жўнатилади. Орадан 3 ой ўтгач, Тошкентга Петербургдан босма кирилл ва араб ҳарфлари ва матбаада ишлаш учун ҳарф терувчи мутахассислар этиб келади. (Ўша пайтда темир йўл факат Оренбурггача бўлгани учун юklar Тошкентга туяларда етказиб келинади). Ҳарф терувчилар орасида Шахингарай Беккулов, Абдулатиф Евушев ва Али Бектемиров деган татар ва бошқирд миллатига мансуб ишчилар бор эди. Шу тариқа, Тошкентда рус босмахонаси қошида мусулмон бўлими ташкил килинади. Унга 1868 йилдан буён рус босмахонасида ишлаётган ўзбек Муҳаммадшариф Каримов бошчилик қилди. Ҳарф терувчилар сафига маҳаллий аҳолидан Сирожиддин Хўжаев, Хамид Хўжаев, Абдурахмон Хўжаевлар ҳам қабул килинади. Ана шу тарзда Туркистонда матбуотни юзага келтириш учун моддий-техник асос барпо қилишади. 1872 йилнинг 11 октябрида Туркистон генерал-губернаторининг ҳарбий бошқармаси (одатда, 1885 йилгача ҳарбий-халк бошқармаси деб аталган) ҳузурида яна бир босмахона очилади. 1873 йилдан мазкур босмахона араб шрифтларида босиладиган нашрларни ҳам чоп қила бошлайди. «Туркестанские ведомости» ва «Туркистон вилоятининг газети» маълум муддат ана шу босмахонада чоп этилганди. Ўзбек тилида босма йўл билан чиқарилган илк китоб - бу Шоҳимардон Иброҳимов тузган ва 1871 йили нашр этилган «Календарь»дир.

«Туркестанские ведомости» газетаси. 1870 йилнинг 28 апрели (10 майи)да рус тилида «Туркестанские ведомости» газетасининг 1-сони босилиб чикди. Россиянинг бошқа губерна ва областларидан фаркли ўларок, газетага муҳаррир этиб ҳарбий киши — Н. А. Маев тайинланган. У Ўрта Осиёни тадқиқ этишда географ ва этнограф сифатида иштирок этган бўлиб, бу соҳага оид бир канча китобларнинг муаллифи эди. Н. Маев газетага 1870 йилдан 1892 йилнинг 28 апрели (газетанинг 1- 102-сони)гача муҳаррирлик қилган. Амалда дастлабки беш йил давомида «Туркестанские ведомости»га генерал-губернатор фон-Кауфманнинг ўзи муҳаррир бўлган. Бунинг боиси бор, албатта. Фон-Кауфман «Туркестанские ведомости»ни ташкил этар экан, ўлкани колония тарзида ўзлаштиришда газета бир қанча муҳим вазифаларни бажаришни назарда туттанди. Энг аввало, **газета жамоатчиликка гўё истилочилар Туркистон аҳолисига тинчлик, тараққиёт, замонавий маданият ва фаровонлик олиб келди**, деган фикрни сингдириши, ўлканинг забт этилиши мустабидлик эмас, балки бахт-саодат келтирди, деган таассуротни ҳосил қилиши лозим эди. **(Ажабо, қўшни давлат халкига**

бундай эзгуликни истаган мамлакат канчадан-канча одамларнинг конини тўғиб уни забт этиши шартми?!).

“ТВ»нинг биринчи сонидagi «Туркестанские ведомости» — ҳафталик газета» сарлавҳали бош мақолада (таржимаси): «Нашрнинг «бош мақсади: ҳар бир кишига осийча деспотизм зулми остида узоқ вақт ботқоққа ботиб қолган мамлакатда — фуқаролик тартиби, цивилизацияси ва халқ хавфсизлиги киритилганликдан иборат улкан имкониятларни аста-секин амалга ошайтганини кузатиш имконини бериш. Газетанинг яна бир муҳим вазифаси шундан иборатки, Туркистон ўлкасига ва унинг Россия учун бўлган аҳамиятига тўғри қарашга ўргатиш. Ўлка тарихи, географияси, этнографияси ва статистикасига тааллуқли мақола ва хабарлар воситасида газетхонларни Туркистон ўлкасидаги рус аҳолининг аҳволи, эҳтиёжи ва талаблари билан таништириш.

«Туркестанские ведомости» дастлаб ойига уч марта, пировардида (тахминан 1870 йилнинг 1 августидан) ҳафталик бўлиб чиқади, ҳар бир сони 2 дан то 3 босма табоқча ҳажмда бўлади».

“Туркестанские ведомости» газетасида рус олимлари, шарқшуносларидан В.В.Бартольд, Л.С.Берг, Н.А.Северцев, А.П.Федченко, К. Мушкетов, В.Ф.Ошанин, В.П.Наливкин, А.Л.Кун ва бошқаларнинг мақолалари эълон қилиниб турилган.

«Туркестанские ведомости»га Н. А. Маевдан ташқари турли йилларда А.П. Романович (1892—1899), С.А. Геппенер (1899—1901), Н.Г. Малицкий (1901—1907)лар ҳам муҳаррирлик қилишади. Унинг 1870 йили 17 та сони чиққан. Газета 1871 йилдан ҳафтада бир, 1903 йил декабрдан уч марта, 1907 йил июлидан ҳар куни чиқади. «ТВ» 1917 йил 15 декабрча нашр қилинган. Адади дастлабки пайтларда 100 нусха, сўнг 2500 нусхагача етган.

«Туркистон вилоятининг газети. 1870 йил 28 апрель (10 май)дан «Туркестанские ведомости»га илова тарзида ўзбек ва қозоқ тилларида «Туркистон вилоятининг газети» чиқарила бошлади. Газетанинг илк сони қозоқ тилида бўлиб, «Туркистон газети» деган ном билан чиққан. У А-3 форматда, 4 саҳифалик.

«Туркистон вилоятининг газети» 1917 йилги феврал тўнтаришидан кейин эски ҳукумат (монархия) нашри сифатида чиқишдан тўхтади.

XIX асрнинг охирига келиб Туркистонда «Туркестанские Ведомости» ҳамда «Туркистон вилоятининг газети»дан ташқари расмий ва хусусий газеталар юзага келади.

Дастлабки хусусий газета Самарқандда рус тилида «Окраина» номи билан 1890 йилда чиқди. Мухаррир ва ношири Н. В. Полторанов. У сиёсий, ижтимоий ва адабий газета бўлган, 1894 йилдан “сиёсий” деган атама олиб ташланган. Ташкил қилинган йили кундалик, 1891 йилдан ҳафтасига уч марта, 1894 йилга келиб ҳафтасига икки марта, 1897 йилдан тўхтагунча (1898 йил 6 ноябрь) ҳафтасига уч марта чиқкан. 1894 йилнинг 1- сонидан 62— сонигача П. Ф. Брейденбах, 63— сонидан С.И. Петухов газета муҳаррири бўлган.

1898 йил январдан 1918 йил майигача Ашхободда «Асхабад» газетаси нашр қилинган. У адабий, сиёсий, тужжорий нашр бўлган. Газетага узок муддат З.Д. Жавров муҳаррирлик қилади. Навбати билан В.В. Любимский, А.М. Дуплицкий, Н. С Иванов, Б. Н, Агапьев, П. Я. Циркунов, Н.П. Маслов ва бошқалар ҳам муҳаррир бўлишган.

«Русский Туркестан» ҳам хусусий газета бўлиб, 1898 йилдан 1907 йилгача нашр қилинган. Мухаррири дастлаб И. И. Гейер, кейин А.А. Сморгунер, И. Каслерович, Н.Н. Касьятгов, М.В. Морозов, А.Б. Борейша, А.В. Худалтар навбати билан газетани бошқарган. Туркистонда XIX асрнинг охирига келиб рус тилида журналлар ҳам чиқарилади. 1896—1897 йиллари «Среднеазиатский вестник» (Урта Осиё ахбори) номли ойлик илмий-адабий журнал чиқкан. Мухаррир ва ношири Е. Т. Смирнов. Журналнинг мақсади Урта Осиё ва унинг атрофидаги мамлакатлар тўғрисида турли илмий-оммабоп материаллар ёритиб бориш.

1907 йил 1 октябрдан рус тилида Туркистонинг биринчи ҳажвий журнали “Туркестанский скорпион» (Туркистон чаёни) нашр қилина бошлайди. Мухаррири П.В. Тугарина. Жами 9 сони босилган.

Адабиётлар:

1.Жадидчилик: ислохот, янгиланиш, мустақиллик ва тараққиёт учун кураш. (Туркистон ва Бухоро жадидчилиги тарихига янги чизгилар) /Даврий тўплам. -№ 1. -Т.: Университет, 1999. -218 б.

2.Туркестан в начале XX века: к истории истоков национальной независимости /Науч. ред. Раджапова Р. -Т.: Шарқ, 2000. -672 с.

3. Ўзбекистоннинг янги тарихи. 2-китоб. Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида /Илмий муҳаррир Жўраев М. -Т.: Шарқ, 2000.-688 б.

4. Ўзбекистон давлатчилиги тарихи очерклари /Масъул муҳаррирлар: Алимова Д, Ртвеладзе Э. -Т.: Шарқ, 2001. -224 б.

5. Ўзбекистон тарихи (Олий ўқув юр்தларининг номутахассис факультетлари талабалари учун дарслик) /Р.Муртазаеванинг умумий таҳрири остида. -Т.: Янги аср авлоди, 2003. -675 б.

6. Ўзбекистон тарихи солномаси /Тузувчи муаллифлар: Ражабов Қ., Ҳасанов Ф. -Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2007. -230 б.

Туркистон миллий матбуоти вужудга келишининг асосий хусусиятлари ва омиллари

Режа:

1. Туркистон, Бухоро ва Хоразмда вужудга келган жадидчилик ҳаракати, унинг ўзига хос хусусиятлари
2. Туркистонда миллий матбуот юзага келишининг ижтимоий зарурати ва омиллари
3. Ўзбек миллий матбуотининг атоқли намояндалари.

Туркистон чор Россияси томонидан забт этилганидан сўнг унинг колонияга айлантирилиши, Бухоро амирлиги ва Хива хоплигининг вассал даражасига тушиши маҳаллий халқнинг моддий ва маънавий ҳаётига салбий таъсир кўрсатди. Туркистон ўлкасининг тубжой аҳолиси Россиянинг йирик шаҳарлари ва саноат марказларига хомашё: пахта, пилла, қоракўл, мева ва сабзавот, полиз маҳсулотлари етказиб бериши учун кулларча меҳнат қилишга мажбур эдилар. Иккинчи томондан, миллий зулм маҳаллий аҳолининг рухий-маънавий ҳолатини маҳв этмокда, мустабидларнинг маҳаллий миллат вакиллари камситиши, инсоний шаънини ерга уриши, ҳақорат қилиши ва руҳан эзиши, айниқса, ёшларда ички норозилик хиссининг жунбишга келишига замин ҳозирламокда эди. Бу эса маҳаллий аҳолининг муайян катламида «Нега биз мустақиллигимизни йўқотдик? Нима сабабдан биз мустабидлик занжирига тушиб қолдик? Мустабидлик занжирларидан қутулиб, мустақилликнинг наъшасини тотитининг иложи топиладими? Бунинг учун нималар қилиш керак?» деган қатор саволларга жавоб излаш жадидчилик ҳаракатини юзага келтирди. Бу ҳаракат пировардида халқни орқасидан эргаштирган ҳолда миллий-озодлик курашига отланиши зарурлигини яхши тушуниб етмокда эди. Эрк ва озоддик ҳаракатининг етакчилари бўлишни истаган маҳаллий зиёлилар англаб етдиларки, Россиядек кучли ва маккор салтанатга ибтидоий қуроллар билан қарши чиқиш беҳуда. Мустақилликка эришиш учун мустамлакачилик асоратига тушиб қолганликларининг сабабларини ҳар томонлама таҳлил этиб, аввало, мамлакатни шу ҳолга келтирган иллатларнинг томирини йўқ қилиб ташлаш лозим. Туркистон халқларининг мустабидлик исканжасига тушиб қолганликларининг асосий сабаблари — бу ўлкада ҳукм сураётган жаҳолат, ижтимоий тараққиётда Европа давлатларига нисбатан бир неча

асрлар масофада орқага колиб кетиш, феодал тарқоқлик, ўлка халқлари орасида ҳамжихатликнинг йўқлиги эди. Шу боис, энг аввало, маҳаллий аҳолини маърифатли қилиш, жаҳолат ботқоғидан олиб чиқиш, унинг миллий онгини ошириб, унга ўзлигини, ўз аҳволини англатиш лозим эди. Бу тарихий вазифа «жадидлар» деб аталган сиёсий оким вакиллари зиммасига тушди. Жадидлар ижтимоий келиб чиқишларига кўра, турли тоифаларга мансуб бўлиб, уларни ягона ғоя — миллий истиқлол ғояси бирлаштирган эди. Бу йўлда маориф сингари матбуотнинг ҳам хизмати катта бўлиши табиийлигини улар яхши тушунишган. Мана шу эҳтиёж ва талаб **Туркистонда миллий матбуот юзага келишининг ижтимоий омили** бўлди.

Туркистондаги маҳаллий аҳоли вакиллари матбуотнинг канчалик кудратли кучга эга бўлишини муайян даражада тасаввур қилардилар. Улар Бокчасаройда 1883 йилдан буён чиқаётган «Таржумон» газетасини, Волга бўйида нашр қилина бошлаган татар ва бошқирд тилларидаги газеталарни, умуман олганда, хорижда (Туркия, Эрон, Хиндистон ва Миср) чоп этилаётган туркча ва форсча газеталарни ўқишиб, «кўзлари очилаётган», онгида ўзгаришлар содир бўлаётганди.

XIX аср охири - XX аср бошларида Туркистон минтақасида миллий истиқлол учун кураш, демократик тартибларни ўрнатиш, халқни жаҳолат, илмсизлик ва хурофотдан қутқариш мақсадида жадидлар кенг фаолият олиб бордилар. Бундай хайрли мақсадга эришиш йўлида матбуот кудратли куч эканлигини тўғри англаганлар. Бу йўналишда Туркистон минтақасидаги жадидчилик ҳаракатининг таниқли намояндалари Маҳмудхўжа Бехбудий, Файзулла Хўжаев, Абдурауф Фитрат, Мунавварқори Абдурашидхонов, Абдулла Авлоний, Убайдулла Хўжаев кабилар маҳаллий матбуотни шакллантиришда муҳим рол ўйнадилар. Минтақадаги миллий даврий нашрлар ташкил қилинишига қрим-татар миллати вакили Исмоилбей Гаспирали (Гаспиринский)нинг (1851-1914) 1883-1914 йилларда чоп этган “Таржумон” газетаси, Туркияда чоп этилиб яширин равишда юртимизда тарқатилган “Сиротул мустақим” (“Тўғри йўл”), Афғонистонда 1909-1919 йилларда чиқиб турган “Сирожул ахбор афғония” (“Афғон хабарлари ёритгичи”) каби газеталарнинг таъсири катта бўлди. Бундан ташқари Хиндистон ва Мисрда чоп этилган матбуот органлари ҳам XX аср бошларида Бухорога кириб келди. Жумладан, Хиндистондан форс тилида нашр этиладиган “Ҳабл-ул-матн”, Мисрдан “Чеҳранома” каби журналлар келиб турарди¹³. Тадқиқот ва изланишлар шуни кўрсатдики, Эрондан “Адолат” ва

¹³ Рашидов У., Рашидова Л. Бухоро амирлигида жадидчилик ҳаракати ва унинг шаклланиш омиллари /Из истории культурного наследия Бухары. (10 выпуск). -Бухара: Бухара, 2006. -С. 81.

“Ал-ҳадид” (“Темир”) газеталари ҳам Бухорога келиб турган¹⁴. Юқоридаги қайд этилган газета ва журналлар орқали Бухоро зиёлилари дунё воқеалари, Биринчи жаҳон уруши майдонларидаги ҳарбий ҳаракатлар, дунё иқтисодиёти, фани, техникаси соҳаларида рўй берган янгиликлар ҳақида хабардор бўлиб, ўзлари яшаб турган ўлканинг тараққиётдан ортда қолганлигига ишонч ҳосил қилдилар. Бухорода монархия тузумини танқид остига олган жаҳидларнинг вакилларида бири Садриддин Айний (1878-1954) “Таржумон” газетасини ўқиб, “парламент” сўзининг моҳиятини англаганлигини қайд этади¹⁵.

XX аср бошларида Туркистонда чинакам маҳаллий матбуотнинг юзага келишида 1906 йил Исмоил Обидов муҳаррирлигида “Тараққий” газетасининг чоп этилиши муҳим рол ўйнайди. Россия империяси маҳаллий маъмурларининг қатъий цензурасига қарамай, “Хуршид” (1906), “Шухрат” (1907), “Осиё” (1908) каби матбуот органлари нашр қилинди¹⁶.

Н.Абдуазизованинг таъкидича, миллий матбуот ривожланиш жараёнининг иккинчи босқичи 1912-1915 йилларни ўз ичига олади. Бу даврда “Самарқанд”, “Ойина” (1913), “Садои Туркистон” (1914-1915), “Садои Фарғона” (1914) каби матбуот органлари ўз йўлидаги жиддий тўсиқ ва ғовларга қарамай, миллий онг, миллий тил, миллий адабиёт ва журналистикани шаклланишида муҳим рол ўйнади¹⁷.

Тарихий жараёнлар кескинлашган 1917 йилда ижтимоий-сиёсий фаоллик ва миллий бирликни таъминлаш мақсадида ўнлаб газета ва журналлар ўз фаолиятини юритди. Ушбу йилда нашр этилган “Нажот”, “Турк эли”, “Турон”, “Улуғ Туркистон”, “Хуррият”, “Эл байроғи” газеталари, “Юрт”, “Чаён” журналлари кабиларни қайд қилиш мумкин¹⁸.

Маҳмудхўжа Бехбудий 1875 йилнинг 19 январиди Самарқанддан унча узоқ бўлмаган Бахшитепа қишлоғида таваллуд топган. Унинг асли исми Султонхўжа бўлиб, “Бехбудхўжа” унинг лақаби бўлган.

Маҳмудхўжанинг фикрий уйғонишида 1899-1900 йиллари ҳаж амалларини бажариш учун қилган сафари катта аҳамиятга эга бўлди.

¹⁴ Ҳозирда “Адолат” газетасининг 4 та сони, “Ал-ҳадид” газетасининг 8 та сони Бухоро давлат меъморий-бадий музей-қўриқхонасининг Камолиддин Бехзод номидаги санъат музейи кутубхонасида сақланмоқда.

¹⁵ Эргашев Б.Х. Идеология национально-освободительного движения в Бухарском эмирате. -Т.: Фан, 1990. - С.22.

¹⁶ Очилов Н. Даврий матбуот //Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси. Ж.12. -Т.: ЎЗМЭ нашриёти. 2006. - Б.227.

¹⁷ Туркистон матбуоти тарихи (1870-1917). Тузувчи Н.Абдуазизова. -Т.: Академия. 2000. -Б. 6.

¹⁸ Мингноров А. Вопросы национально-освободительного движения в национальной периодике (феврал 1917-середина 1918 гг.): Автореф. дисс. ... канд. истор. наук. -Т., 2001. -С. 20.

Бехбудий 1903 йилдан “Туркистон вилоятининг газети”га ёза бошлади.

У “Шухрат” газетасининг 1908 йил 7 февралдаги 9-сонидан эълон қилинган “Таъмини истиқбол” сарлавҳали мақоласида шундай ёзади: “...ҳозирги мадрасаларда сарфи ва наҳви арабий ўқуғон рушид талабалардан Туркистон ва Бухорони ҳар бир шахридан ақал мартаба 4 нафардан Миср ул-Қоҳира таҳсили илми диний ва фалсафий замоний ва адабиёти арабий учун юбормоқ керак. Ва булар Мисрда уч йил муддат таҳсили илмга машғул бўлуб, сўнгра Ватанимизга келиб илми калом, тафсир, ҳадис, адабиёти замония таълимига қўшиш қилсинлар”.

М.Бехбудийнинг “Икки эмас, тўрт тил лозим” мақоласида (“Ойна”, 1913 йил 1-сон) масала маҳаллий аҳолининг турмуш шароитидан келиб чиқилган ҳолда қўйилганди. У мусулмон қавмларининг фарзандлари ҳар жиҳатдан, тилларни билиш нуқтаи назаридан ҳам бекаму кўст бўлишларини истарди.

Мунавварқори 1878 йили Тошкентнинг Дархон маҳалласида дунёга келади. Унинг дастлабки саводи оиласида чиққан. 1898 йили Бухородаги мадрасалардан бирида диний билимларини такомиллаштиради.

1907 йилда “Адиби аввал” дарслигини ёзган.

Мунавварқори 1906 йилга келиб матбуот соҳасига кириб келган. Унинг “Тараққий” газетасининг 1906 йил 14 июл сонидан босилган “Бизни жаҳолат – жаҳли мураккаб” мақоласи унинг энг машҳур, айти пайтда, ўз даврининг мафкуравий “жанглари” сабаб бўлган асаридир. Муаллиф биринчи марта мактаб ва мадрасалардаги камчиликларни тўла ва муфассал баён этди.

Абдулла Авлони 1878 йилнинг 12 июлида Тошкентнинг Мерганча маҳалласида дунёга келган.

Авлоний сиёсий онгининг ўсишида XX аср бошларидаги йирик ижтимоий воқеалар муҳим омил бўлди. У аввало, моҳир педагог ва янги усул матабларининг ташкилотчиси сифатида танилди.

Авлоний матбуотга ўзига хос тарзда кириб келди. Туркистонда миллий матбуот юзага келгач, ақл-заковати билан мана шу типдаги газета ва журналлар халқимизнинг миллий манфаатларини чинакамига ҳимоя қила олишини тушунди.

Убайдулла Асадуллаҳўжаев 1885 йил Тошкентнинг Мирғани маҳалласида дунёга келган.

Унинг публицистик ва муҳаррирлик фаолияти, асосан, “Садои Туркистон” билан боғлиқ.

У. Хўжаевнинг талайгина мақолалари юртдошларининг жоҳиллиги, замонавий ҳуқуқий тушунчага эга бўлмаганликлари оқибатида моддий ва маънавий зиён кўришлари, чигал масалаларни ҳал қилиш илинжида судларда беҳуда вақт ўтказишларини тушунтиришга бағишланган.

Адабиётлар:

- 1.И.Каримов. Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди. 13-жилд. - Т.: Ўзбекистон, 2005. -445 б.
- 2.Бехбудий. Танланган асарлар. –Т.: 2000.
3. Аҳмад Заки Валидий Тўғон. Бўлинганни бўри ер. Туркистон халқларининг миллий мустақиллик учун кураши тарихидан хотиралар /Бошқирд тилидан Турдиев Ш. таржимаси. -Т.: Адолат, 1997. -280 б.
4. Мунаввар Қори Абдурашидхонов. Хотиралар /Танланган асарлар. -Т.: Маънавият, 2003. -Б. 294-301.
- 5.Аъзамхўжаев С. Туркистон мухторияти: миллий-демократик давлатчилик қурилиши тажрибаси. -Т.: Маънавият, 2000. -168 б.
- 6.Маҳмудов М. Барҳаёт сиймолар (Қатағон қурбонлари ҳақида лавҳалар). -Т.: Ўзбекистон, 1991. -96 б.
- 7.Ражабов Қ., Ҳайдаров М. Туркистон тарихи (1917-1924 йиллар) /Ўқув кўланма. -Т.: Университет, 2002. -168 б.

XIX аср охири – XX аср бошларида Бухородаги иқтисодий – сиёсий вазият ва матбуотнинг аҳволи

Режа:

1. Бухоро амирлигининг ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий аҳволи
2. Бухорода маҳаллий матбуот вужудга келишининг тарихий омиллари
3. Бухоро миллий матбуот ривожининг янги даври

XIX асрнинг иккинчи ярмида Ўрта Осиё ҳудудидаги энг йирик давлатлардан бири - Бухоро амирлиги Россия империясининг ярим мустамлакаси бўлиб, ташқи алоқаларда қарам, ички масалаларда эса бир қадар мустақил эди. Бироқ амирликдаги бошқарув 1885 йилдан Россия империясининг Бухородаги сиёсий агентлиги томонидан қатъий назорат қилинган. Мамлакат иқтисодий жиҳатдан қолоқ бўлиб, аҳолининг асосий машғулоти сунъий суғориш билан узвий боғланган деҳқончиликдан иборат эди. 1920 йил арафасида амирликда экин экиладиган ерлар майдони 2 млн. 250 минг десятина бўлиб, 2,5 миллионли аҳолининг 90 фоизи деҳқонлардан иборат бўлган¹⁹. Узоқ асрлардан буён амирликда ерга эгалик қилишнинг “амлок” (давлат ерлари), “мулки хос” ёки “мулки холис” (хусусий ерлар) ҳамда “мулки вақф” (масчит, мадраса, хонақоларга тегишли ерлар) каби шакллари мавжуд бўлиб келаётган эди. Гарчи мулклар давлат, хусусий ва вақфларга ажратилган бўлсада, бироқ солиқ тизими бўйича хирожий (33%), ушрий (10%) ҳамда хирожий вақф ва ушрий вақф ерларига бўлинган. Давлат ерларида ижарачи деҳқонлар меҳнат қилиб, улар етиштирган маҳсулотлари юзасидан натура, қисман пул кўринишида солиқлар тўлар эдилар. Вақф ерларидан келган даромад маориф тизимини маблағ билан таъминлашнинг асосий манбаи ҳисобланарди. Шунингдек, ҳамма солиқ, тўлов ва жамоат ишларидан озод этилган ерлар - “мулки хурри холис” ёки “дару баст” (яъни, солиқчилар учун бундай ерларнинг эшиклари ёпик) деб юритилган.

Мамлакатда табақачилик тартиби амал қилиб, амир, унинг амалдор ва аъёнлари юқори табақа вакиллари ҳисобланиб кенг имтиёзга эга эдилар. Давлатни бошқариш ишида руҳонийларнинг таъсири кучли бўлиб, ҳуқуқ-тартибот ишлари ислом ҳуқуқи асосида амалга ошириларди. Руҳонийлардан сўнг бой савдогарларнинг мавқеи жамиятда таъсирчан кучга эга бўлиб, иқтисодий жиҳатдан қудратли тижоратчилар салмоғи анчагина эди. Шаҳар

¹⁹ Алимов И. Аграрные преобразования в Народных Советских Республиках Хорезма и Бухары (1920-1924гг).- Т.: Узбекистан, 1970. -С. 7-8.

аҳолисининг асосий машғулоти савдо-сотиқ ва ҳунармандчиликдан иборат бўлган. Кўп сонли қишлоқ аҳолисининг асосий тирикчилик манбаи деҳқончилик хўжалиги билан боғлиқ бўлган. Деҳқончиликнинг сунъий суғоришга асосланган тармоғи билан бирга тоғ ва тоғолди ҳудудларида лалмикор деҳқончилик билан ҳам шуғулланилган. Боғдорчилик, узумчилик, сабзавот етиштириш ярим мустамлака йилларида сезиларли даражада қисқарган. Бунинг сабаби деҳқончиликнинг пахтачилик тармоғига Россия империясининг мустамлакаси йилларида алоҳида эътибор қаратилиб, ғўза экишга ерларнинг катта қисми ажратилди. Пахтадан олинадиган фойда барча маҳсулотлар даромадидан устун бўлиб, амирлик тобора Россиянинг хом ашё базасига айланиб бораётган эди. 1893 йилдан 1917 йилга қадар Бухорода пахта экиладиган ерлар миқдори 300 000 танобгача бўлиб, ундан олинадиган даромад 25 млн. олтин сўми ташкил этган²⁰. Пахтачилик билан бирга чорвачилик, айниқса, қорақўлчилик, ипак ва жун маҳсулотларини ишлаб чиқариш соҳалари йилдан-йилга нисбатан ўсиб борган. Бухоро амирлигидан Россияга мустамлака даврининг дастлабки йилларида 30 000-40 000 дона қорақўл тери чиқарилган бўлса, 1914 йилга келиб бу нисбат 1.800 000 донани ташкил қилди. Пахта ва қорақўл терининг 80 фоизи Россияга экспорт қилинар эди²¹.

Россияда 1917 йилдаги феврал инқилоби ва Октябр тўнтаришидан сўнг гарчанд Бухоро амирлигининг мустақиллиги Муваққат ҳукумат ва совет ҳокимияти томонидан тан олинган бўлса-да, лекин унинг ҳудуди, чегаралари совет Россияси ихтиёрида бўлиб, Бухоро ташқи дунёдан ажралиб қолган эди. Амирликдаги 26 та пахта тозалаш, 4 та ёғ, 10 та совун заводлари ишлаб чиқарган маҳсулотлар, қорақўл тери ва бошқа маҳаллий аҳамиятга эга бўлган товарлар четга чиқарилмай омборларда тўпланиб қолаверди. Оқибатда 1919 йилга келиб четга пахта чиқариш 20 марта, қорақўл тери сотиш 10 марта қисқарди. Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари нархи пасайиб кетди. 1917 йил 1 пуд пахта 11 сўм баҳоланган бўлса, 1919 йилга келиб 2 сўму 80 тийинга тушди. 1 пуд жун 6 сўмдан 2 сўмга, 1 дона қорақўл тери 7 сўмдан 1 сўм 20 тийинга тушиб кетди²².

Мамлакатдаги иқтисодий танглик сиёсий инқирозни ҳам чуқурлаштирди. Россиянинг марказий районларида рўй берган кескин сиёсий ўзгаришлар, демократия ва эркинлик учун кураш ўрта аср анъаналари

²⁰ Бухоро ахбори. 108-сон. 1922 йил 5 ноябр.

²¹ Алимов И. Аграрные преобразования в Народных Советских Республиках Хорезма и Бухары (1920-1924гг). -Т.: Узбекистан, 1970. -С. 9.

²² Қосимов Ф., Рашидов У. Бухоро амирлигининг тугатилиши /Бухоро тарихи масалалари. -Бухоро. 1996. -Б. 69-70.

асосидаги бошқарувни сақлаб келаётган Бухоро амирлигига ўз таъсирини ўтказди. Амирликдаги тараққийпарвар кучлар мавжуд тартибларни ислоҳ қилиш, мамлакатда конституцион монархия тузумини жорий қилиш талаби билан чиқа бошладилар. Бухородаги жади́дчилик ҳаракати етакчи вакиллари Амир Саййид Олимхондан ислоҳот ўтказишни қатъий талаб қилишди. 1917 йил 7 апрелда Бухоро амирининг ислоҳотлар жорий этиш бўйича манифести (фармони) эълон қилинди²³. Манифестда пойтахт Бухорода обрўли арбоблардан иборат маҳкамани тузиш, амалдорлар, уларнинг даромадлари устидан назорат ўрнатиш, солиқ тизимини тартибга солиш, давлат бюджетини жорий қилиш, саноат, тижорат, маърифатни ривожлантириш учун чора-тадбирлар кўрилиши ваъда қилинди²⁴. Бухоро жади́дларининг сўл қаноти аъзолари амир манифестини қўллаб-қувватлашга қаратилган намоёиш ташкил қилдилар. 1917 йил 8 апрелда жади́дларнинг “Яшасин ислоҳот!”, “Яшасин амир!” шиорлари остида Бухоро ва Каркида ўтказган намоёишлари ўққа тутилди. Бухородаги намоёишда қонли тўқнашувлар туфайли 30 нафар Ёш бухороликлар ташкилоти аъзолари қамоққа олиниб, кўпларнинг ҳаёти ҳавф остида қолди²⁵. Амирликда мутаассиблик авжига чиқди, жазоланишдан сақланиш учун омон қолган Ёш бухороликлар Тошкент, Самарқанд ва Янги Бухоро (Когон)га оммавий равишда муҳожир бўлиб кета бошладилар.

Бухоро амирлигидаги сиёсий жараёнларнинг кескинлашуви 1918 йилнинг март ойида “Колесов воқеаси” номи билан тарихга кирган воқеаларда яққол кўзга ташланади. Туркистонда совет ҳокимияти ўрнатилишдан 3-4 ой ўтмасданок Туркистон ХКС раиси Ф.Колесов (1891-1940) 1918 йил март ойида Янги Бухоро (Когон)га келиб, Эски Бухоро (ҳозирги Бухоро шаҳри)га ҳужумга ўтди. Бироқ унинг амирлик тартибларини ағдариш билан боғлиқ мақсади ва ҳарбий ҳаракати муваффақиятсизлик билан якунланди. Ф.Колесовнинг амирликка қарши ҳарбий юришида 10 000 киши ҳалок бўлди.²⁶ Когонни Термиз, Китоб билан боғлаб турувчи темир йўллар бузиб ташланди. 1918 йил 25 мартда имзоланган Қизилтепа битимига кўра, Ф.Колесовнинг тажовузорлиги шармандаларча барбод бўлди.

²³ Ўзбекистон тарихи солномаси /Тузувчи муаллифлар: Ражабов Қ, Ҳасанов Ф. -Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2007. -Б. 91.

²⁴ Алимова Д. ва б. Ўзбекистон тарихи (1917-1991 йиллар). Т.: Шарқ, 2000. -Б. 44-45; Нуруллин Р. Хива хонлиги ва Бухоро амирлигининг қизил армия томонидан тугатилиши. ХХСР ва БХСРнинг ташкил топиши //Ўзбекистоннинг янги тарихи. 2-китоб. Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида. -Т.: Шарқ, 2000. -Б. 114.

²⁵ Ҳайитов Ш. Усмон Хўжа Пўлатхўжаев - миллий истиқлол курашчиси. -Бухоро, 2007. -Б. 22.

²⁶ Генис И. Разгром Бухарского эмирата в 1920 году //Вопросы истории. 1993. № 7.- С. 41; Ражабов Қ. Колесовнинг Бухорога босқини ва Қизилтепа битими //Қизилтепа тонги, № 47-53. 2004 йил 12 ноябр-24 декабр.

“Колесов воқеаси”дан сўнг Бухоро амирлигида тараққийпарвар кучларга нисбатан сиёсий реакция янгидан авж олдирилди. Муҳожирликда яшашга мажбур бўлган жадидлар Самарқанд, Тошкент, Москва ва бошқа шаҳарларда туриб ташвиқот ва тарғибот ишларини олиб боришга мажбур бўлдилар. Абдурауф Фитрат, Файзулла Хўжаев ва бошқалар бу ҳаракатда фаол қатнашдилар. “Колесов воқеаси”дан кейин Тошкентда яшаган Фитрат “Чиғатой гурунги” адабий-маърифий ташкилотига асос солди. Ф.Хўжаев эса Ёш бухороликлар ғоялари руҳидаги дастурий ҳужжат-маромномани тузди ва нашр этди, “Учкун” газетасининг чиқишини ташкил қилди.

1918-1920 йиллардаги Бухоро амирлигида ва унинг атрофида кескин кечган сиёсий воқеалар ижтимоий-иқтисодий жараёнларнинг мўътадил тизимини ўзгартириб юборди. Бухоро амирлиги билан Туркистон АССР ўртасидаги савдо алоқалари деярли тўхтаб қолди. Россия ярмаркаларида Бухоро моллари сотилмай қолиб кетди. Таъкидланган даврда Бухоро амирлиги билан Англия ўртасидаги ўзаро савдо-сотиқ алоқалари бир қадар жонланганлигини ҳисобга олмаса, амирликнинг ташқи савдоси тўхтаб қолган эди. Бухоро амирининг совет Россияси билан музокаралари боши берк кўчага кириб қолди. Амир ва совет ҳукумати ўртасидаги ўзаро элчилик алмашувлари, совет ҳокимиятининг амирликка ҳарбий ёрдам бериш билан боғлиқ иккиёқлама музокаралари амалий натижа бермади. Совет ҳокимияти томонидан Бухоро амирлигига қарши сиёсий тазйиқ ва ҳарбий ҳавф кучайиб борди. Бу ҳақда Амир Саййид Олимхон ўз эсдаликларида ёзган эди: “Улар (большевиклар) Бухоро давлатига ғайриқонуний талаблар қўйиб, уларнинг ижро этилишини талаб қиладиган бўлишди, улар қандай бўлмасин, бир амаллаб уруш бошлашни ўзларига ҳунар қилиб олишди... Ислом давлатининг бу душманлари анчагина аскар ва қурол-яроғлар тўплаб, Бухоройи шарифга ҳужум қилишни истайдилар”²⁷.

Россия империясининг ярим мустамлакаси бўлган Бухоро амирлигида XX аср бошларида тараққийпарварлар ҳаракати юзага келди. Бу янги усул мактаблари очилиши жараёнида ҳамда яширин маорифчилар жамияти ҳисобланган “Тарбияи атфол” (“Болалар тарбияси”) махфий жамиятининг тузилишида намоён бўлди. “Тарбияи атфол”ни тузишда Абдувоҳид Бурҳонов, Аҳмаджон Ҳамдий, Мукамил Бурҳонов, Ҳамидхўжа Мехрий, Хўжа Рофий кабилар фаол бўлдилар²⁸. Кейинчалик бу жамиятнинг сафи

²⁷ Амир Саййид Олимхон. Бухоро халқининг ҳасрати тарихи. -Т.: Фан, 1991. -Б. 13-14.

²⁸ Ражабов Қ. “Тарбияи атфол” //Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси. Ж. 8. -Т.: ЎзМЭ нашриёти. 2004. -Б. 271.

кенгайиб, газета, журнал, маорифга оид китоблар орқали амирликдаги саводсизликни тугатиш учун амалий тадбирларни қўллай бошладилар.

“Болалар тарбияси” жамияти аъзолари ўзларининг моддий имкониятларидан фойдаланиб, “Китоб савдоси дўстлиги маориф жамияти” ва “Баракот акционерлик жамияти” ташкилотлари орқали Боку (Озарбайжон), Истанбул (Туркия) каби шаҳарларда чоп этилган диний ва дунёвий адабиётларни ҳамда газета, журналларни халқ орасида яширин тарқата бошладилар. Бухоро амирлиги сиёсий ҳаётида 1885 йилда ташкил топган Россия императорлигининг Бухородаги сиёсий агентлиги (1885-1917) мудҳиш рол ўйнади. Мамлакатда газета ва бошқа турли китобларни чоп этиш учун Россия ҳукуматининг ушбу идорасидан расмий рухсат олиниши керак эди.

1912 йилда “Тарбияи атфол” махфий жамияти аъзоларидан Муҳиддин Мансуров²⁹ ва Мирза Сирож Ҳаким³⁰ кабиларнинг саъй - ҳаракатлари туфайли амирликда тожик тилида “Бухоройи шариф” газетаси³¹ни чиқаришга рухсат олинди. Газетанинг раҳбари Россия сиёсий агентлигида таржимон бўлиб фаолият юритган Мирҳайдархўжа Мирбадалов эди. “Бухоройи шариф”нинг биринчи сони 1912 йилнинг 11 мартда Янги Бухоро (Когон) шаҳрида чоп этилди³².

“Бухоройи шариф” газетаси ҳафтада дастлаб 2-3 маротаба нашр қилиниб, газетанинг тузилмаси 4 саҳифадан иборат эди. 1-саҳифаси муҳарририят мақоласи, чет эл ва Ўрта Осиёдаги янгиликлар, воқеалар, 2- ва 3-саҳифаларида публицистик мақолалар, таниқли адибларнинг асарлари таржималаридан парчалар ва унга таҳририятнинг нуқтаи назари, жаҳон адабиёти асарларидан намуналар чоп этилган бўлса, сўнгги саҳифада асосан

²⁹ Муҳиддин Мансуров - XX аср бошларида Бухородаги энг бадавлат савдогарлардан бири. Маорифни тарғиб қилувчи ташкилотларни ҳамда “Бухоройи шариф” газетасини маблағ билан таъминлашда фаол қатнашган. Мазкур газетанинг таъсисчиларидан ҳисобланади. 1917 йил апрелида қисқа муддатда бўлсада Ёш бухороликлар ташкилотини бошқарган. 1918 йил амир таъқибидан қочиб Красноводскда яширинган. 1920 йилдан БХСР ҳукуматида савдо-саноат нозири, БХСРнинг Москвадаги ваколатхонаси раҳбари лавозимларида ишлаган. У Бутун Бухоро марказий ревкоми раиси, кейинчалик савдо-саноат нозири, Тожикистон АССР Халқ Комиссарлар Совети раиси лавозимларида ишлаган Абдулқодир Муҳиддиновнинг отаси.

³⁰ Мирзо Сирож Ҳаким 1878 йилда Бухорода туғилган. Тиббиёт ходими, шоир, маориф тарғиботчиси. Узок муддат Европа ва Шарқ мамлакатлари бўйлаб саёҳатда бўлган. Хориждаги саёҳатлари таассуротлари асосида “Тухфаи аҳли Бухоро” (“Бухоро аҳолисига совға”) номли 333 саҳифали китобини ёзган. “Бухоройи шариф”, “Самарқанд” газеталари ва “Ойина” журналининг таъсисчиларидан бири ҳисобланади. 1914 йил вафот этган.

³¹ Ушбу газетанинг нашр қилинган барча сонлари Бухоро давлат меъморий-бадий музей-қўриқхонасининг вилоят ўлкашунослик музейи (Арк)да ҳамда Камолиддин Бехзод номидаги санъат музейи кутубхонасида сақланмоқда.

³² Элен Каррер Энкауз. Яширин жамиятлар даври. (1910-1914 йиллар) //Ўзбек тили ва адабиёти. 1994. №1-2. -Б. 63; Ўзбекистон тарихи солномаси /Тузувчи муаллифлар: Ражабов Қ, Ҳасанов Ф. -Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2007. -Б. 88.

эълонлар, билдиришлар, савдо дўконлари манзиллари газетанинг деярли барча нашрларида босилган. Газетанинг танишилган мавжуд сонлари орқали неча нусхада ўқувчиларга тарқатилганлиги билан боғлиқ аниқ қайд этилган рақамга дуч келинмади.

“Бухоройи шариф” газетасида Садриддин Айний ва Мирзо Сирож Ҳаким ўзларининг публицистик мақолалари билан фаол қатнашдилар. Кейинги даврда матбуотчилик тарихи билан боғлиқ эълон қилинган тадқиқотларда “Бухоройи шариф” газетасининг турли сонларида чоп этилган мақола ва бадиий ижод намуналари атрофлича таҳлил ва тавсиф қилинмоқда. Жумладан, тадқиқотчи У.Амонов “Бухоройи шариф”нинг 53-, 59-, 94-, 96-сонларида эълон қилинган Мунзим (Абдулвоҳид Бурҳонов) ҳамда Фитрат шеърӣ асарларидан айримларини таҳлил қилади. Мунзимнинг “Ватан”, “Тобақай” (“Қачонгача”), “Мактаб” каби шеърларидан парча келтириб, уларнинг ўзбекча таржимасини беради. “Бухоройи шариф”нинг 1912 йил 29 июн 94-сонид ва 3 июл 96-сонид Фитратнинг 40 мисрадан иборат “Фарёд” номли тожик тилида битилган шеърини ўз мақоласида тўлиқ келтириб, унинг ўзбекча матнидан ўқувчиларни хабардор қилганлиги ҳам эътиборга лойиқ³³.

“Бухоройи шариф” газетаси орқали унинг ўқувчилари рус адаби Л.Толстойнинг “Илёс”, “Бир-бирингизни севинг”, “Хитой маликаси Си Лин Чи”, “Меҳнаткаш Емильян ва бўш барабан”, “Икки савдогар”, “Кавказ асири” каби ҳикоялари билан танишдилар³⁴.

“Бухоройи шариф” газетасига муҳаррирлик қилиш учун Бокудан матбуотчилик соҳасида бир қадар тажрибага эга бўлган Мирзо Жалол Юсуфзода таклиф қилиниб, тарихий маълумотларга кўра, газета 4 ой давомида муттасил унинг муҳаррирлиги остида чоп этиб турилган.

Бироқ Бухоро амирлигида аҳолининг асосий фоизи ўзбек тилида сўзлашувчи бўлганлиги талабидан келиб чиқиб, илғор фикр намояндалари ўзбек тилида ҳам газета нашр қилишни йўлга қўйдилар. “Бухоройи шариф” газетасига асос солинган санадан 4 ой ўтиб, яъни 1912 йил 11 июл “Турон” газетасининг 1-сони нашр қилинди³⁵. Дастлабки 14 сонига Мирзо Жалол Юсуфзода муҳаррирлик қилган. (Бироқ 1-сонига Мирзо Сирож Ҳаким имзо чеккан). Ношири К.Левин бўлиб, 15-сондан ноширлиги “Бухоройи шариф” ширкати ихтиёрига ўтади. Мазкур сондан бошлаб газетанинг 21-сонигача

³³ Амонов У. “Бухоройи шариф” рўзномасини ўқиб... //Педагогик маҳорат. 2007. № 1. -Б. 50-51.

³⁴ Эргашев Б. Идеология национально-освободительного движения в Бухарском эмирате. -Т.: Фан, 1990. -С. 27.

³⁵ Қосимов Ф. Бухорода миллий демократик ҳаракатнинг ўзига хос хусусиятлари /Марказий Осиё XX аср бошларида: ислохотлар, янгиланиш ва тараққиёт учун кураш. -Т., 2001. -Б. 11.

Мирҳайдархўжа Мирбадалов муҳаррир бўлган. Қисқа вақт, яъни 22-сондан 25-сонгача Ҳусайн Иброҳимов, 26-сондан охиригача яна Мирҳайдархўжа Мирбадалов масъул муҳаррирлик қилган. “Турон”нинг 1-сонидан шундай рукндаги материаллар учрайди: бош мақола, ижтимоий-маданий мавзудаги мақолалар, телеграф хабарлари, маҳаллий, хорижий, доҳилий (ички), тижорий хабарлар: реклама ва эълонлар. Бу тузилиш газетанинг деярли охиригача сақланиб қолган. Филолог олим Б.Дўстқораев “Турон” газетасининг деярли барча сонларидаги турли соҳаларга доир мақолаларни таҳлил қилиб, мазкур матбуот органи ҳам Бухоро ижтимоий-иқтисодий, маданий-маърифий ҳаётида муҳим рол ўйнаганлигини алоҳида қайд этади³⁶.

Кейинчалик “Бухоройи шариф” ҳафтада 3-4 маротаба, “Турон” газетаси эса 2-3 маротаба чиқар эди. Молиявий аҳволнинг танглиги муносабати билан Левиннинг типография фирмаси³⁷ газеталарни босиб чиқаришдан бош тортганидан кейин, жадинлар “Бухоройи шариф” ширкатини тузиб, унинг аъзоларидан пул тўплай бошладилар ва газеталарнинг чиқишини таъминладилар.

Юқоридаги матбуот органлари оз сонли ўқувчилари орасида қизиқиш билан ўқилса-да, бироқ уларни чоп этишга сарфланаётган харажатни қопламас эди. Биринчидан, обуна бўлганлар оз сонли эди. Газеталарни чоп этиш харажатларини ўз зиммасига олган ҳомийлар ҳамда босмахона раҳбарияти моддий манфаатдорлик бўлмаганлиги учун газеталар фаолиятини тўхтатиб қўйиш фикрида бўлдилар. Бухоро жадинчилик ҳаракати намояндалари ўзлари асос солган дастлабки матбуот органларини фаолияти тўхташининг олдини олувчи чора-тадбирларни кўрдилар. Газеталар дунё юзини кўришида жонбозлик кўрсатган М.Мансуров уларга кетадиган сарф-харажатларни шахсан ўз зиммасига олади. Усмон Хўжа (Усмон Хўжа Пулатхўжаев; 1878-1968) ҳам “Тарбияи атфол” ташкилоти фаолиятида ва газеталар нашр қилинишида хизматини аямаган³⁸.

“Бухоройи шариф” ва “Турон” газеталари амирликдаги қолоқ тартиблар ҳамда мустамлака ҳукуматининг зўравонлик сиёсати кабиларни танқид остига олганлиги, ҳукумат доираларида газеталар чоп этилишига қарши фикрларни кучайтирди. Яна бир жиҳати шундаки, “қадимчилар” ва

³⁶ Дўстқораев Б. Бухорода миллий матбуотнинг юзага келиши //Маърифат. 2008 йил 21, 25, 28 июн.

³⁷ 1894 йил Янги Бухоро (Когон)да Россия фуқароси К. Левин томонидан 1-типолитография очилди. Бу босмахонада 1912 йилгача 35 номда китоблар нашр қилинди. Жумладан, Наршахийнинг “Тарихи Бухоро”, Носириддин тўра ибн Музаффарнинг “Тухфат-ул-зоирин” асарлари ва б.

³⁸ Қаранг: Ражабов Қ. XX аср бошларида Туркистон ёшлари. Уларнинг сиёсий фаолияти ва Шарқ мамлакатларидаги ёшлар ҳаракатлари билан узвий алоқалари // Ҳуқуқ ва бурч. 2000. №1.-Б. 39-43.

амирликдаги реакцион доиралар газеталарни нашр қилиш ишига имкон қадар тўсқинлик қила бошладилар. Бу борада Бухоро амири ҳамда унинг амалдорлари, консерватив кучлар ва Бухородаги Россия сиёсий агентлигининг фикри мувофиқ келди. Юқоридаги тўсиқлар оқибатида 1913 йилнинг 2 январиди “Турон” газетаси ўзининг 49-сонига келиб, 2 январда “Бухоройи шариф” эса 153-сониди ўз фаолиятини тўхтатди. Демак, “Бухоройи шариф” 1912 йилнинг 11 мартидан - 1913 йил 2 январгача, “Турон” газетаси 1912 йил 11 июлдан - 1913 йил 2 январигача чоп этиб турилган³⁹.

“Бухоройи шариф” ва “Турон” газеталари қисқа муддатда чоп этилган бўлса-да, Бухоро амирлигида замонавий матбуотчилик тарихини бошланишида муҳим босқич бўлди. Газеталар амирликнинг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва маданий-маърифий аҳволининг XX аср бошларидаги қиёфасини оммага ўткир мақолалар орқали етказа олди. Жумладан, амирликдаги қишлоқ хўжалиги ва савдо-сотиқнинг аянчли аҳволи, саноат тараққиётидаги қолоқлик каби салбий жиҳатларни бир қатор мақолалар орқали баён қилиб берди. Бухоро амирлигида халқнинг кўпчилиги саводсизлиги, Бухоро шаҳрида икки юзга яқин мадрасалар бўлиб, уларда асосан диний илмларга эътибор қаратилиши, машғулотларнинг араб тилида олиб борилиши, талабаларнинг кўпчилиги чаласавод бўлиб чиқаётганлиги газеталарда танқидий руҳда қайд қилинган.

Газеталар мавжуд камчиликларни танқид қилибгина қолмай, айрим мақолаларда амирликда маориф ва маданиятни ривожлантириш йўлларига қаратилган аниқ таклиф ва мулоҳазалар билдирилганлигининг гувоҳи бўлиш мумкин. Жумладан, нафақат ўғил болаларни, балки қизларни ҳам саводини чиқарадиган мактаблар очиш, мактаб ўқитувчиларига маош жорий қилиш орқали таълим тизимини яхшилаш таклифи билан газета саҳифаларида мақолалар билан чиқилган.

“Бухоройи шариф” ва “Турон” газеталари Бухоро амирлигида миллий демократик ғояларни тарғиб қилиш, саводхонликни ошириш орқали асрий қолоқликдан қутилиш каби тарғиботчилик ишида Бухородаги тараққийпарварларни бирлаштиришда ўзига хос аҳамиятга эга бўлди. Садриддин Айнийнинг эътироф этишича, “ушбу икки газета ҳар бир нарсадан хабарсиз Бухоро аҳолисини тарихдан, сиёсатдан, жуғрофиядан, мусулмонларнинг ҳалокат чуқурига тушаётганларидан хабардор қилдилар. Ёшлар бошига адабиёт, қалам ва ўқимоқ фикрлари тушди. Оталар эсларига

³⁹ Ўзбекистон тарихи солномаси /Тузувчи муаллифлар: Ражабов Қ, Ҳасанов Ф. -Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2007. -Б. 88-89.

бола тарбияси ва ўқутмоқ хаёллари келди”⁴⁰. “Бухоройи шариф” ва “Турон” газеталари орқали Бухорода матбуотчилик тарихи бошланиб, ушбу соҳада бир қадар тажриба ҳосил бўлди ва журналистика йўналишининг дастлабки даврига асос солинди. Бухоро амирлигида кечган кескин сиёсий жараёнлар матбуотчилик ишида 3-4 йил танаффус қилишга сабаб бўлди. Бундан кейинги матбуот ривожини муҳожирликка маҳкум Бухоро жаидлари томонидан Туркистон минтақасининг бошқа шаҳарларида давом эттирилди.

1918 йилнинг баҳорида рўй берган “Колесов воқеаси” оқибатида Бухоро жаидлари таъқиб ва тазйиқ остига олинди. Муҳожирликка яшашга мажбур бўлган ислоҳот тарафдорлари Тошкент, Самарқанд, Москва шаҳарларида ўз сиёсий фаолиятларини давом эттириш билан бирга матбуот органларини чоп эттирдилар. Ёш бухороликлар 1919 йилда “Қутулиш”, 1920 йилда “Учқун” газеталари ва “Тонг” журналининг чиқардилар. Ушбу газеталар ва журналда Файзулла Хўжаев, Фитрат, Пўлат Солиев (Бўлат Солиев) кабиларнинг мақолалари эълон қилинди. “Қутулиш” форсча шеърлари билан Бухорога оташпоралар сачратди. “Учқун” ҳам ўз навбатида баъзи бир алангалар ташлади”⁴¹ - деб ёзади Айний. Бироқ ушбу матбуот нашрлари ҳам маблағ етишмаслиги ва моддий техник базанинг деярли мавжуд эмаслиги, реакцион кучларнинг таъқибини оқибатида жаидларнинг ўз яшаш жойларини тез-тез ўзгартириб турганлиги каби омиллар туфайли узоқ фаолият юрита олмади.

Бухоро матбуотчилик тарихининг бундан кейинги даври бевосита амирлик тузумининг ағдарилиши ва унинг ўрнида БХСР ҳукуматининг ўрнатилиши билан боғлиқ. 1918-1920 йилларда Бухоро амирлигидаги ижтимоий-сиёсий воқеаларнинг тарихан ўта мураккаб ва зиддиятли кечганлиги матбуот масаласига алоҳида эътибор қаратиш имконини бермади.

Хуллас, XX аср бошларида ҳам Россия империясининг ярим мустамлакаси бўлиб қолган Бухоро амирлигига дунёда юз бераётган кескин ижтимоий, сиёсий, маданий жараёнлар ўзининг сезиларли таъсирини ўтказди. Бухоро тараққийпарварларининг маърифатчилик ҳамда ислоҳотчилик ҳаракати бошланди. Бу эса амирликда жаидчилик ҳаракатининг кенг қулоқ ёйиши, Ёш бухороликларнинг илғор фикрларини халқ орасида тарғиб қилиши кабиларда яққолроқ намоён бўлди. Замонавий илғор фикр ва ғояларни тарғиб қилишнинг энг муҳим воситаси бўлган даврий матбуот органларига асос солиш ҳаракатига XXаср иккинчи ўн

⁴⁰ Айний С. Бухоро инқилоби тарихи учун материаллар /Асарлар. 8 томлик. Т.1. -Т., 1963. -Б. 243.

⁴¹ Айний С. Ўша асар. -Б.346.

йиллигининг бошларида киришилган эди. Қисқа муддатда бўлсада, чоп этиб турилган “Бухоройи шариф” ва “Турон” газеталари Бухоро амирлигида жадидчилик ғояларини кенг ёйишда, уларнинг истак ва мақсадларини аҳоли орасида етказишга ёрдам берди. Шунингдек, ушбу матбуот нашрлари амирликдаги маҳаллий матбуотчилик тажрибасини шаклланишида ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлди.

Бухоро амирлигида 1918-1920 йиллар давомида кечган сиёсий воқеалар, жадидлар ҳаракатининг фаоллашуви матбуотчилик ривожига ҳам таъсир этди. “Учкун”, “Қутулиш” газеталари ва “Тонг” журналининг бир неча сонларининг чоп этилиши Бухоро тараққийпарварларининг бу йўналишдаги фаолиятини давомийлигини кўрсатади. Бироқ ушбу журнал ва газеталар амирлик ҳудудидаги аҳоли кенг қатламлари орасига етиб бормади.

1920 йил 2 сентябрда Бухорода амирлик тартиби ағдарилди ва БХСР ташкил топганидан сўнг мунтазам чоп этиладиган матбуотга асос солинди. Хуллас, XX аср бошларида Бухоро матбуотчилиги тарихи ўзига хос йўлдан борганлигини ва тараққийпарварларнинг узлуксиз чиқиб турадиган маҳаллий матбуотга асос солишдек ҳатти-ҳаракатларини амалдаги натижасини кўрсатади.

Адабиётлар:

1. Айний С. Қисқача таржимаи ҳолим /Асарлар. 8 томлик. -Т.: Ўздавадабийнашр, 1963. Т.1. -Б. 17-104.
2. Амир Саййид Олимхон. Бухоро халқининг ҳасрати тарихи /Форсийдан Ирисов А. таржимаси. -Т.: Фан, 1991.-32 б.
3. Алимова Д., Рашидов У. XIX аср охири – XX аср бошларида Бухородаги сиёсий ҳаракатлар ва курашлар. Бухоро – 2009. -116 б.
4. Амонов У. “Бухоройи шариф” рўзномасини ўқиб... //Педагогик маҳорат. - Бухоро, 2007. -№1. -Б. 50-51.
5. Орзиев М. “Бухорои шариф” ва “Турон” газеталари – тадқиқотчилар нигоҳида //“XIX аср охири – XX аср бошларида Бухоро” мавзусида республика илмий-назарий анжумани материаллари. –Бухоро, 2010. -Б. 22-24.
6. Орзиев М. XX аср бошларида Бухоро амирлигидаги иқтисодий аҳвол хусусида (“Бухорои шариф” газетаси материаллари асосида) // “Тарихий хотира – маънавият асоси” мавзусидаги илмий-назарий анжумани материаллари. –Бухоро, 2011. –Б. 52-54.

7.Рашидов У., Рашидова Л. Бухоро амирлигида жадиdчилик ҳаракати ва унинг шаклланиш омиллари /Из истории культурного наследия Бухары. (10 выпуск). -Бухара: Бухара, 2006. -Б.81-84.

8.Эргашев Б. Идеология национально-освободительного движения в Бухарском эмирате. -Т.: Фан. 1990. -34 с.

9.Қосимов Ф., Рашидов У. Бухоро амирлигининг тугатилиши /Бухоро тарихи масалалари. -Бухоро, 1996.-Б.69-93.

Бухоро Халқ Совет Республикаси даври матбуоти

Режа:

1. Бухоро амирлигининг ағдарилиши ва БХСРнинг тузилиши
2. “Бухоро ахбори” газетасининг умумий тавсифи ва мазмуни
3. “Озод Бухоро” газетасига тавсиф ва газетага мафкуравий таъсирнинг кучайиши

Бухоро амирлигини тугатиш масаласида совет ҳукумати раҳбари Ленин томонидан Туркистон минтақасига юборилган Туркбюро вакиллари ҳамда большевик раҳбарлар “Марказ” билан ягона фикрга келдилар. Амирликка қарши ҳарбий ҳаракатларни бошқариш вазифаси Туркистон fronti қўмондони Михаил Васильевич Фрунзенинг шахсан зиммасига юклатилди. Фрунзе 1920 йил 12 августда амирликни тугатиш мақсадида Чоржўй, Когон, Каттақўрғон ва Самарқанд гуруҳларидан иборат 4 гуруҳли ҳарбий қисмларни тузди. Қизил қўшин ягона Самарқанд-Бухоро группасига бўйсиндирилиб, улар таркиби 7000 пиёда, 2,5 минг отлик, 5та оғир артиллерия, 25 та енгил тўп, 5 та бронеавтомобил, 220 та замбарак, 5 та бронепоезд ва 11 та аэропландан иборат эди. Бу даврда амир армиясида 16 000 сарбоз, 55 та эскирган тўп ва 12 та пулемёт бўлган, холос. Бухоро сарбозлари сони кўпчиликти ташкил этса-да, лекин замонавий қуролланиш жиҳатидан большевиклар устунлик қиларди⁴².

Бухоро амирлигига қарши ҳарбий ҳаракатлар 1920 йил 23 августда Чоржўйда Бешим Сардор бошчилигидаги туркман ёлланган отлиқларининг “янги қўзғолон”идан бошланди. Ўша куни Чоржўй ревкоми тузилиб, беклик хазинаси қўлга киритилди, бек ва унинг амалдорлари асир олинди. Ҳокимият инқилобий қўмита (ревком) қўлига ўтди⁴³. 1920 йил 25 августда Чоржўй ревкомининг мурожаатини олган қўмондон Фрунзе ўзининг 36-67 рақамли махфий буйруғини эълон қилди. Унда Самарқанд - Бухоро гуруҳи 1920 йил 28 августда ҳарбий тайёргарликни тугатиши, Эски Бухорони эгаллаши қайд қилинган эди⁴⁴. 1920 йил 29 август Самарқанд гуруҳи 3-Туркистон ўқчи полки, 1-Туркистон отлиқ дивизия, алоҳида Туркистон отлиқ бригадаси, инженерлар ротаси ёрдамида Бухоро шахрига ҳужум қилди. 1920 йилнинг 29 августидан 2 сентябрга қадар ҳаводан ва пиёда қўшинларининг ҳужумлари оқибатида Бухорода монархияга қарши “ҳалқ инқилоби” амалга оширилади.

⁴² Қосимов Ф., Рашидов У. Бухоро амирлигининг тугатилиши /Бухоро тарихи масалалари. -Бухоро, 1996. - Б.77.

⁴³ Ишанов А. Бухарская Народная Советская Республика. -Т., 1969. -С. 187.

⁴⁴ Генис В. “С Бухарой надо кончать...” К истории бутафорских революций /Документальная хроника. -М., 2001. -С. 35-36.

Шаҳарни 3 кун давомида 11 та аэроплан бомбардимон қилди. Бухоро шаҳри катта моддий зарар кўрди, бегуноҳ кишиларнинг қони тўкилди. Амир қароргоҳи-Арк, Бухоро атрофидаги қишлоқлар, амирнинг ёзги саройи - Ситораи Моҳи Хоса ҳам ярим вайрона ҳолатига келтирилди.⁴⁵

Бухоро амирлиги хазинаси, кўпгина хонадонларнинг буюм ва маблағлари, озиқ-овқат захиралари аёвсиз таланди ва Туркистон fronti кўмондонлиги ҳисобига ўтказилди. Булардан ташқари пахта захиралари, жун, ипак, қорақўл тери, қуритилган мевалар ҳам мусодара қилинди⁴⁶. 1920 йил сентябрда амир Бухоро шаҳрини тарк этаётганда пойтахтда ўз ҳарамини қолдириб кетишга мажбур бўлган эди. Унинг бутун оила аъзолари ва қариндош-уруғларидан иборат ҳарам (архив ҳужжатларида уларнинг умумий миқдори 118 киши деб номма-ном кўрсатилган) қўлга олиниб, Бухорода уй қамоғида сақланади⁴⁷.

Бухоро амири Саййид Олимхон кучлар тенг бўлмаган жанглarda енгилиб, шаҳарни ташлаб чиқиб кетишга мажбур бўлди. Ўз жонини зўрға сақлаб қолган амир оз сонли амалдор ва аъёнлари билан Шарқий Бухорога (ҳозирги Тожикистон ва Жанубий Ўзбекистон) чекинди. Унинг Шарқий Бухоро ҳудудида большевикларга қаршилик кўрсатиш ҳаракати 1921 йилнинг баҳорига қадар давом этиб, шу йилнинг март ойида Афғонистонга ўтиб кетди.

1920 йил 14 сентябрда бўлган Халқ Нозирлар Шўроси, ревком ва БКП МКнинг умумий йиғилишида 9 кишидан иборат Бутун Бухоро инқилобий кўмитаси (раиси Абдулқодир Муҳиддинов) ва республика ҳукумати - 11 кишидан иборат Халқ Нозирлар Шўроси (раиси Файзулла Хўжаев) тузилди. Бухоро инқилобий кўмитасининг аъзолари қилиб Муинжон Аминов, Олимжон Акчурин, Абдулҳамид Орипов, Собир Юсупов, Ҳожи Ҳасан Иброҳимов, Файзулла Хўжаев, Қулмуҳамедов тайинланди. Мамлакатни бошқариш мақсадида тузилган Бухоро Халқ Нозирлар Шўроси таркиби қуйидагича эди: раис ва хорижий-ташқи ишлар (нозир-Ф.Хўжаев), маориф (Қори Йўлдош Пўлатов), ички (доҳилия) ишлар (М.Саиджонов), молия (У.Пўлатхўжаев), давлат назорати (Н.Хусаинов), фавқулодда комиссия

⁴⁵ Ражабов Қ. Бухорога қизил армия босқини ва унга қарши кураш. -Т.: Маънавият, 2002. -Б. 12; Рашидов У. Бухоро Халқ Республикаси. -Бухоро: Бухоро, 2003. -Б. 33.

⁴⁶ Ҳолбоев С. Бухоро амирлигининг олтин хазинаси. -Т.: Фан, 2008. - Б. 31.

⁴⁷ Ўзбекистон МДА, 47-фонд, 1-рўйхат, 425-иш, 278-варақ.

(раиси-Иброҳимов), адлия (М.Бурҳонов), ҳарбий (Шихобуддинов), савдо-саноат (М.Мансуров) нозирликлари⁴⁸.

1920 йил 6-8 октябрда чақирилган Бутун Бухоро халқ вакилларининг 1-курултойида Бухоро Халқ Совет Республикаси - БХСР тузилганлиги тантанали равишда эълон қилинди. Мазкур тадбир амирнинг ёзги саройи - Ситораи Моҳи Хосада бўлиб ўтди. БХСР ҳукумати зиммасига қисқа муддат ичида ўрта асрчилик анъаналари мерос қолган амир Бухоросини демократик давлатга айлантиришдек тарихий вазифани бажариш тушди. Қурултой қонун чиқарувчи олий орган - Бухоро инқилобий қўмитаси (марказий ревком) ва Бухоро Халқ Нозирлар Шўроси (ХНШ) - дастлабки ҳукумат таркибини узил-кесил тасдиқлади. Уларнинг ваколат муддати 2-курултойгача узайтирилди. Ёш ҳукумат етакчиси Ф.Хўжаев мураккаб ва оғир шароитда ишлашга мажбур бўлди. Бухоро ҳукумати ичида сиёсий бўлиниш кучайди. Бир тарафдан Бухоро Коммунистик партияси ичидаги “сўл” ва “ўнг” коммунистларга қарши ғоявий жиҳатдан кураш олиб боришга тўғри келса, иккинчи тарафдан, РСФСР ва унинг фавқулодда органлари бўлган Турккомиссия, Туркбюро ёш “мустакил давлат”нинг босган ҳар бир қадамини сергаклик билан назорат қилиб турар эди. Шундай бўлишига қарамадан Ф.Хўжаев, У.Пўлатхўжаев, О.Хўжаев, А.Фитрат, М.Аминов, М.Саиджонов, С.Хўжаев, М.Мансуров, А.Муҳиддинов ва бошқалар ҳукуматда демократик йўл тутиб, мўътадил мавқеда турдилар. Улар БХСРнинг амалда мустакил бўлиши, эътиқод эркинлиги, ислохотлар ўтказиш зарурлигини ёқлаб чиқдилар.

1921 йил 18-23 сентябрда бўлган Бутун Бухоро халқ вакилларининг 2-курултойида демократик руҳдаги БХСР Конституцияси қабул қилинди. Бухоро тарихидаги дастлабки Конституция фуқароларнинг демократик ҳуқуқ ва эркинликларини қонун йўли билан мустаҳкамлади. Конституцияда давлатни идора этиш учун халқнинг барча табақа вакилларининг иштироки таъминланди. Хусусий мулк ва савдо-сотиқ эркинликлари Конституцияда ўз ифодасини топди. Бухорода ўрнатилган тузум халқ демократик республикаси эди. БХСРнинг Конституцияси барча фуқароларга тенг сиёсий ҳуқуқ берди, миллий тенгсизликни йўқотди. Халқ вакилларининг 2-курултойида ҳокимиятнинг олий органи – Бухоро Марказий Ижроия комитети (МИК) тузилди. Унинг биринчи раиси қилиб Усмонхўжа Пўлатхўжаев (Усмон

⁴⁸ Ражабов Қ. Бухоро Халқ Республикаси: монархиядан демократия сари дастлабки қадамлар (1920-1924 йиллар) /Ўзбекистон тарихининг долзарб муаммоларига янги чизгилар. Даврий тўплам. № 2. -Т.: Шарқ, 1999. -Б. 151; Шу муаллиф. Бухоро Халқ Совет Республикаси /ЎзМЭ. Ж.2. -Т., 2001. -Б. 300.

Хўжа, 1878-1968) сайланди. Кейинчалик Муинжон Аминов, Порсо Хўжаев МИК раиси бўлдилар⁴⁹.

БХСР йилларида амирлик даврида мавжуд бўлган мамлакат маъмурий бўлинишидаги 27 та бекликлар тартиби ўрнига вилоятлар, туманлар, кентлар, қишлоқлар сингари маъмурий бошқарув тартиби жорий қилинди. “Озод Бухоро” газетасининг 1923 йил ноябр ойида нашр этилган сонларидан бирида қайд этилишича, БХСР 10 та вилоят, 41 туман, 132 кентга бўлиниб, вилоятлардаги аҳоли сони қуйидагича эди:

Бухоро вилояти - 420 000 киши;

Кармана вилояти - 180 000 киши;

Беҳбудий (аввалги Қарши) вилояти - 220 000 киши;

Карки вилояти - 160 000 киши;

Чоржўй вилояти - 250 000 киши;

Шаҳрисабз вилояти - 250 000 киши;

Шеробод вилояти - 220 000 киши;

Ҳисор вилояти - 140 000 киши;

Қўлоб вилояти - 140 000 киши;

Ғарм вилояти - 80 000 киши⁵⁰.

Бухоро ҳудудидаги қизил армия ҳарбий қисмлари ва совет тартибларига нисбатан 1920 йил кузидан бошлаб БХСРда қуроли қаршилик кўрсатиш ҳаракати бошланиб кетди. Бу ҳаракат ҳукумат мавжуд бўлган 4 йилдан ортиқ даврда гоҳ кучайиб, гоҳ пасайиб давом этиб турди. Совет режимида қарши қуроли курашларда Иброҳимбек Лақай (1889-1932), Давлатмандбек, Фузайл Махдум, Мулла Абдулқаҳҳор(1884-1924) каби йирик кўрбошилар ва туркиялик ҳарбий саркарда Анвар пошшо (1881-1922) муҳим рол ўйнайдилар⁵¹.

БХСР раҳбарияти дастлабки йилларда (1920-1922 й) мустақил ички ва ташқи сиёсат юритишга ҳаракат қилди. Бир қатор хорижий мамлакатларда

⁴⁹ Alimova D. va boshq. Ozbekiston tarixi (1917-1991 yillar): 10-sinf oquvchilari uchun darslik. –T.: Sharq, 2004. - B. 97.

⁵⁰ Бухоро Жумҳуриятида қанча халқ бор? //Озод Бухоро. 14-сон. 1923 йил 21 ноябр; Қаранг. Ҳайитов Ш., Раҳмонов К. Бухоро Халқ Республикаси ва Германия: ҳамкорликнинг тарихий лавҳалари (1920-1924 йиллар). -Т.: Фан, 2004. -Б. 7.

⁵¹ Ражабов Қ. Бухорога қизил армия босқини ва унга қарши кураш. Т.: Маънавият, 2002. -Б. 35-37.

БХСРнинг ваколатхоналари бу даврда мустақил фаолият юритди.⁵² Мамлакат иқтисодий, ижтимоий ҳаётини ўнглашга қаратилган чора-тадбирлар қўрилди. Бироқ БХСР ҳукумати манфаатлари Марказга бўйсундирилиши ва тазйиқ ўтказилиши оқибатида хориждаги ваколатхоналар РСФСР элчихоналари таркибига киритиб юборилди ва республика мустақил ички ва ташқи сиёсат юритиш ҳуқуқидан маҳрум бўлиб борди.

Ўрта Осиёда ўтказилган миллий - ҳудудий чегараланиш тадбирларининг амалга оширилиши туфайли Туркистон АССР ва ХХСР сингари БХСР ҳам 1924 йил охирларига келиб тугатилди.

1920 йил август охирлари ва сентябр ойи бошларида Бухоро амирлиги ағдарилганидан кейин унинг ўрнида тузилган Бухоро Халқ Совет Республикаси ҳукуматининг режа, дастур ва вазифаларини собиқ амирлик ҳудудида яшовчи аҳолига етказиш мақсадида маҳаллий матбуотга асос солиш, яъни махсус бир газета чоп этириш масаласи кун тартибига қўйилади. БХСР ҳукумати аъзолари орасида матбаачилик мактабини бир қадар ўтаган, муҳожирликда бўлса-да, газеталар чоп этишга мутасаддилик қилган, журналистик малакага эга бўлган вакиллар бор эди. Янги ҳукумат сиёсатини кенг жамоатчиликка тарғиб қилишдек вазифани бажаришда матбуотнинг роли беқиёс эканлигини англаган масъул лавозимлардаги раҳбарлар газета нашр этиш ишига муҳим масалалардан бири сифатида қарадилар. Шунинг учун 1920 йил 9 сентябрда, яъни амирлик тузуми ағдарилганидан роппа-роса бир ҳафта ўтиб, БХСРнинг маркази Эски Бухоро (ҳозирги Бухоро) шаҳрида ўзбек адабий тилида, ислоҳ қилинган араб имлосида “Бухоро ахбори” (بخارا اخبارى) номи билан газета чоп этилди⁵³. “Бухоро ахбори”нинг 1920 йил 9 сентябрда босмахонадан чиққан 1-сонида “Мақсад ва маслак” номли муҳарририят томонидан босилган йирик мақолада: “Газетанинг мақсади бухороликларга инқилобимизнинг ва унинг амалларини, сабабларини, унинг қоида ва фазилатларини бир суратда тушунтирмакдан иборатдур... Шу баробар келажак ишларининг саодат ва иқболи йўлинда рағбат этиб, Бухоронинг ободлиғига хизмат этмак”⁵⁴ каби фикрлар мавжуд. Газета илк сонидagi ушбу мақолада бундан кейин Бухоро ҳаётида рўй берадиган сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, илмий-адабий,

⁵² Ҳайитов Ш. ва б. Бухоро Халқ Совет Республикаси: иқтисодиёт, ижтимоий сиёсат, маданий ҳаёт. -Бухоро: Бухоро, 2005. -Б. 60.

⁵³ Газета нусхалари ҳозирда Ўзбекистон Республикаси Марказий Давлат архивида ва Абу Али Ибн Сино номидаги Бухоро вилоят марказий кутубхонасида сақланмоқда.

⁵⁴ مه قسه د وه مه سله ك // بخارا اخبارى. 1- سان. 1920 يىل 9 سېنته بر. Мақсад ва маслак //Бухоро ахбори. 1-сон. 1920 йил 9 сентябр. (Бундан кейинги барча маълумот ва манбалар қирилл имлосида қайд қилиб борилади - диссертант изоҳи).

маърифий-маданий ўзгаришларга эътибор қаратилиши ҳам алоҳида таъкидланади. Тўрт саҳифада чоп этилган “Бухоро ахбори” газетасининг дастлабки сони билан батафсил танишилганда, унинг 1-саҳифаси юқори қисмида "بخاراليك وه ته نداشله ر! ئازاد وه ته نينگيز موباره ك بولسون!" яъни: “Бухоролик ватандошлар! Озод Ватанингиз муборак бўлсун!” шиори қайд қилинган. Кейинги барча сонларига совет даври матбуоти учун анъана бўлиб қолган "بوتون دونيا يوقسولله رى برله شينگيز!" яъни: “Бутун дунё йўқсуллари бирлашингиз!” шиори асос қилиб олинган.

“Бухоро ахбори” газетаси шакли билан танишилар экан, газета катта форматда 2 саҳифада, ўрта форматда 4 саҳифада, юпқа ва сифати юқори даражада бўлмаган сарғиш рангли босмахона қоғозида чоп этилган. Газета биринчи сонининг 1-саҳифасида ҳукумат раҳбарларининг салмоқли мақолалари ва турли-туман маълумотларга эга бўлган муҳарририят томонидан тайёрланган мақолалар босилган. Юқоридаги фикр далили сифатида айтиш лозимки, газетанинг илк сониди БХСР Халқ Нозирлар Шўроси раиси Файзулла Хўжаевнинг “Кунтуғди” "كونتوغدى" номли йирик мақоласи эълон қилинган. Газетанинг 1-саҳифаси тенг ярмини эгаллаган мазкур мақолада Бухорода 1920 йил сентябр оyi бошларида юз берган кескин сиёсий жараёнлар ўз даври талабларидан келиб чиққан ҳолда баён қилинган⁵⁵.

“Бухоро ахбори” газетасининг 2-саҳифасида муҳарририят аъзолари ва айрим мутасадди ҳукумат раҳбарларининг ички муаммоларга оид йирик мақолалари ҳамда БХСР хўжалик ҳаётининг турли тармоқларига тегишли хабарлар босилган.

Газетанинг 3-саҳифаси БХСР атрофидаги мамлакатларнинг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ҳаёти, Шарқ ва Ғарбнинг турли давлатларида кечаётган воқеалар тафсилотига йўналтирилган. Юқоридаги турли-туман чет эл матбуот органларидан кўчирилган мақолалар “Биздан ташқарида”, “Чет элларда”, “Шарқда”, “Шўролар иттифоқида”, “Туркистонда” каби рукнлар остида босилган. Кейинги сонларда бу рукнлар доираси янада кенгайиб борган.

“Бухоро ахбори”нинг тўртинчи, яъни сўнгги саҳифаси БХСР ҳукуматининг буйруқ ва қарорлари, ҳукумат муассасалари ва нозирликларнинг билдиришномаларидан иборат бўлиб, улар “Ҳукумат тадбирлари” ва “Расмий қисм” рукнлари остида берилган.

⁵⁵ Файзулла Хўжа. Кунтуғди //Бухоро ахбори. 1-сон. 1920 йил 9 сентябр.

“Бухоро ахбори” газетаси Бутун Бухоро инқилобий қўмитаси (ревком), кейинчалик (1921 йилдан) БХСР Марказий Ижроия қўмитаси (МИК) органи сифатида чоп этилган.

“Бухоро ахбори” газетаси 1920 йил 9 сентябрда чоп этилган 1-сонидан бошлаб 2 йил давомида, яъни 1922 йил 21 сентябрга қадар ҳафтада бир марта 1000-1500 нусхада босмахонадан чиқарилиб турилган.

“Бухоро ахбори” газетасининг 1-сони 4-саҳифаси охиридаги маълумотдан аниқ бўладики, газетанинг дастлабки муҳаррири маърифатпарвар, матбаачилик соҳасида муайян тажриба ортирган Маҳмуд Саид Аҳрорий⁵⁶ ҳисобланади. Бир қатор тарихий тадқиқотларда ва матбаачилик ўтмишига бағишланган публицистик мақолаларда “Бухоро ахбори”нинг биринчи муҳаррири машҳур адиб, БХСР ҳукумати нозирларидан бири Абдурауф Фитрат (1886-1938) бўлган мазмунидаги хабар ва маълумотлар учрайди⁵⁷. Газета 1-сонининг асл нусхаси юқоридаги фикрнинг асоссиз эканлигини манбавий исботидир.

БХСРда аҳолининг ўзбеклардан кейин кўп сонлилиги жиҳатидан тожиклар иккинчи ўринда турган, шу сабабли “Бухоро ахбори”нинг 2-сонидан бошлаб газетанинг айрим саҳифаларида тожик тилида ҳам хабар ва мақолалар эълон қилинган. Бироқ газетанинг олтинчи сонига келиб, тожик тилида материаллар берилиши тўхтаб қолди. С.Аҳрорийнинг мақоласида ёзилишича, бунга сабаб тожик тили муҳарририяти аъзоларининг тез-тез ўзгариб туриши, масъулиятсизлиги, малакали журналистларнинг етишмаслиги эди⁵⁸.

Саид Аҳрорий муҳаррирлик қилган даврда (1920 йил 9 сентябр-1921 йил 30 июн) “Бухоро ахбори” юқорида таъкидланганидек, бир ойда 4-5 марта, яъни ҳафта давомида бир марта чоп этиб турилган. Газета чоп этиладиган ҳафтанинг аниқ, қатъий белгиланган куни мавжуд бўлмай, баъзи ҳафтада душанба, баъзан чоршанба, баъзи ҳафталарда эса жума кунларига тўғри келган. Саид Аҳрорий муҳаррирлик қилган даврдаги газеталарнинг

⁵⁶ Маҳмуд Саид Аҳрорий -1895 йилда Арабистонда туғилган. 1920 йилнинг кузида Бухорога келади ва Ёш бухороликлар партиясига аъзо бўлиб қиради. Шу вақтдан бошлаб, БХСРнинг ягона матбуот органи “Бухоро ахбори” газетасида муҳаррир вазифасида хизмат қилади. 1921 йил июнидан БХСРнинг Озарбайжондаги консули бўлиб ишлади. Бухорога қайтгач, 1923-1924 йиллар давомида “Озод Бухоро” газетасида муҳаррир ўринбосари ва давлат нашриёти раҳбари лавозимларида фаолият юритди. 1925 йилдан Саид Аҳрорий Самарқандда молия-иқтисод техникумида ўқитувчилик қилган. 1930 йил 12 ноябрида айнан шу ерда хибсга олинган. 1931 йил 23 майда Москва шаҳрида РСФСР жиноят мажмуасининг 58-моддаси 4-банди билан отувга ҳукм этилган. Ўлиmidан сўнг оқланган.

⁵⁷ Наимов Н. Бухоро жадидлари (тарихий очерклар). -Т.: Фан, 2000.

⁵⁸ Саид Аҳрорий. Газетанинг биринчи даври // Озод Бухоро. 88-сон. 1924 йил 11 май.

ўнлаб сонлари билан танишилганда, бу ҳолат аниқланди. Бош муҳаррирнинг ташкилотчилик салоҳияти ва хизмати шундаки, у газета атрофида мухбир ҳамда матбаачи мутахассисларни тўплади, улар таркибини шакллантирди. БХСРнинг чекка вилоятларидан хабар тўплаб газетага юбориб турадиган қишлоқ мухбирлари гуруҳини ҳам вужудга келтирди.

Муҳарририят таркибида фаолият олиб бораётган мухбирлар ҳамда айрим ҳукумат аъзолари газета саҳифаларидаги чиқишларида кўп миллионли⁵⁹ Бухоро аҳолиси учун ягона газета ва унинг 1000-1500 тадан ошмайдиган нусхалари етарли эмаслигини қайд қилишади. “Бухоро ахбори” газетаси тиражининг кам нусхада чоп этилиши полиаграфия базасининг ожизлиги, нашриёт ишларининг замон талаблари асосида йўлга қўйилмаганлиги, мусулмон шрифтининг етишмаслиги, малакали матбаачи мутахассисларнинг деярли йўқлиги, моддий қийинчиликлар каби кўпгина омиллардан келиб чиққан. Бевосита “Бухоро ахбори” газетасида босилган айрим хабар ва рукнлардан маълум бўладигани, матбаачи мутахассисларни газета ишига жалб қилиш учун ҳукумат раҳбарлари ҳамда бош муҳаррир хориждан бу борадаги зиёлиларни таклиф қилишган. Жумладан, газета маълумотларидан бирида: “Қозондан 14 нафар матбаачи мутахассис Бухорога таклиф қилинди. Улар давлат нашриётида ишлай бошладилар. Бироқ тезда улардан 9 нафари “Бухоро варажаси” (безгак) касалига чалиниб, ҳаётдан кўз юмди. Кўпгина татар мутахассислари ишлаш шарт-шароитларининг оғирлиги, маош озлиги ва касалликлар билан боғлиқ сабаблар туфайли ўз юртлариға қайтиб кетмакдалар”, - деб ёзилади⁶⁰.

“Бухоро ахбори” газетасида 1921 йилнинг 30 июнига қадар чоп этилган саҳифалар таҳлилидан аниқландики, бу даврда, яъни С.Ахрорий муҳаррирлиги давомида “Бухоро хабарлари”, “Вилоятларимизда”, “Шарқ дунёси”, “Чет элларда”, “Фан ва техника”, “Ҳукумат тadbирлари” каби рукнларга асос солинган. Айниқса, “Бухоро хабарлари” рукни остида БХСР ва унга қўшни бўлган Туркистон АССР, ХХСР, РСФСР кабилардаги иқтисодий, ижтимоий, сиёсий, маданий ҳаёт ўзгаришлари мунтазам бериб борилган.

“Бухоро ахбори” газетасининг оммавийлиги ва ўқимишлигини таъминлашда бош муҳаррир Саид Ахрорийнинг долзарб муаммоларга бағишланган ўнлаб мақола ва бадий ижод намуналари муҳим рол ўйнади. У таҳририятни бошқариш билан бирга газетада бош муҳаррирлик қилган

⁵⁹ “Бухоро ахбори” ва “Озод Бухоро” газеталарида БХСР аҳолиси 3 млн, 3,5 млн, 5 млн кишидан иборатлиги билан боғлиқ турли маълумотлар келтирилади.

⁶⁰ Қаранг. Ҳайитов Ш. ва б. Татар зиёлилари Бухорода //Бухоро мавжлари. 2007. №2. -Б. 41-43.

кейинги вакиллардан (бундан Қори Йўлдош Пўлатов мустасно) ўзининг мақоланавислиги ҳамда юксак журналистик маҳорати билан ажралиб турди. С.Ахрорий кейинчалик бошқа масъул вазифаларда фаолият юритганига қарамай, “Озод Бухоро” газетаси саҳифаларида ҳам унинг бир қатор таъсирчан, даврнинг долзарб муаммоларига бағишланган салмоқли мақолалари чоп этилди. Унинг мақолаларида БХСРдаги ижтимоий муаммоларнинг муҳим бўғини бўлган хотин-қизлар масаласи, халқ саломатлиги муаммолари, маориф ва маданиятга тегишли бўлган вазифалар ҳамда ҳукумат органлари ишини такомиллаштириш билан боғлиқ жиҳатлар қамраб олинган. Саид Ахрорийнинг “Қиш келди, товушсизлар қотмасин”⁶¹ номли мақоласида БХСРдаги кишиларнинг турмуш тарзи, ижтимоий аҳволи баён қилинади. Мамлакатда 1923 йил қиши қаттиқ келганлиги, бадавлат хонадонларда, корхоналарда яшаётган уй-жойсиз, иқтисодий ночор аҳволда бўлган етим-есир ўғил ва қизлар анча фоизни ташкил қилишини ёзар экан, Саид Ахрорий бу масалага ҳукумат идораларининг диққатини жалб этади. “Товушсизлар (яъни хўжайин томонидан қувғинга учрамаслик учун товуш чиқаришга журъат қилолмайдиганлар - К.Р.) Шарқдаги мамлакатларда фақат овқат учунгина хизмат қилиб турмайдилар, балки уларга айрим мояна берилмоғи билан баробар йилига икки маротаба ёзлик ва қишлик кийим берилади, ўқитилади, уйлантириладур”⁶², - деб ёзган муаллиф. Ночор ва қашшоқ кишилар, аёл ва болалар ярим яланғоч, оёқяланг ҳолда ҳовуздан сув ташиб, юк кўтариб, чорва молларини боқиб, қор кураб, қоровуллик қилиб, бир бурда нонларини топаётганлиги билан боғлиқ ҳақиқий аҳволни ифодаловчи фикрлар билдирилган. “Хотун” мақоласида эса хотин-қизларнинг ҳақиқий маънодаги тенгликка эришмаганлиги, улар орасида саводсизлик, эрксизлик ҳамон кучлилиги билан боғлиқ аччиқ ҳақиқат очик баён қилинган. “Эркакнинг ўйлаганича хотин эрмакдур, ўйинчокдур, кўғирчокдур. Кўнгли қандай тиласа шундай севадур, мижғалайдур, синдирадур ва эзадур”⁶³. Бу масалада Саид Ахрорийнинг шахсий фикри эса олийжаноб бўлиб: “Хотунга ҳурмат билан қарамагон эркак тубанлардан тубандур”.

1923 йил 9 сентябрда “Бухоро ахбори” газетаси Саид Ахрорийнинг “Тўртинчи инқилобий йилимиздан нималар кутамиз?”⁶⁴ номли йирик мақоласини босди. Таъкидлаш жоизки, ушбу мақола БХСРнинг 3 йил давоми (1920-1923 йиллар)даги иқтисодиёт, қишлоқ хўжалиги, маданий - маърифий,

⁶¹ Махмуд Саид Ахрорий. Қиш келди, товушсизлар қотмасун //Озод Бухоро. 30-сон. 1923 йил 28 декабр.

⁶² Ўша жойда.

⁶³ Бухоро ахбори. 213-сон. 1923 йил 15 октябр.

⁶⁴ Саид Ахрорий. Тўртинчи инқилобий йилимиздан нималар кутамиз //Бухоро ахбори. 199-сон. 1923 йил 9 сентябр.

миллий, сиёсий - ҳарбий соҳалардаги фаолиятини таҳлил қилиб, келгусида бажариладиган вазифалар тўғрисида баҳс юритади. Муаллиф Бухоро давлат банкининг фаолияти, фабрика ва заводлардаги ишлаб чиқариш, ширкат хўжаликлари ҳақида ёзар экан, ўтган тарихий даврда ҳукумат деҳқонларга: “буғдой, уруғлик, ғалла, ҳўкиз, асбоб ва оқча билан жами 300 млн. олтин сўмлик ёрдам берди”, - деган фикрларни келтиради. Бу йилларда “алоҳида деҳқонлар банки” ташкил этилганлигини аҳамияти тўғрисида гапириб: “Бир масала бордурки, ҳамма деҳқонларимизни маънавий жиҳатдан тарбия этмак, янги усулда фаний ишлар ўргатмак, машина ва бошқа асбоб қўллатиб, оз заҳмат ва оз чиқим билан кўп маҳсулот олиб деҳқон хўжалигини бой қилмакдур”, - дейилиши муҳимдир. БХСР ҳукумати истиқбол режасида замонавий технология асосида қишлоқ хўжалигини вужудга келтириш, кооперация тизимини тараққий қилдириш каби улуғ мақсадлар бор эди.

Саид Аҳрорий БХСРдаги миллий масалага ҳам алоҳида тўхталган. Айниқса, иқтисодий ва маданий жиҳатдан қолоқ бўлган туркман ва қирғизларнинг турмушини яхшилаш масаласидаги тадбирларга эътибор қаратилади. Маълумки, Амир Саййид Олимхон билан бирга ва ундан кейинги даврларда 35 минг оила туркманлар 2 млн.га яқин чорва молларини хайдаб, тушуниб-тушунмай, турли ташвиқотларга учиб, қўшни давлат - Афғонистонга ўтиб кетган эди. Бухоро ҳукумати ўзга мамлакатдаги туркманларни 1922-1923 йилларда ўз юртига қайтариб келиш ва улар хўжалигини тиклашга ёрдам кўрсатди.

БХСРдаги сиёсий ва ҳарбий масалаларнинг аҳволи ҳақида ёзар экан, Саид Аҳрорий қизил армиячилар сони 200 минг атрофида бўлиб (1923 йил) шундан 2 та полк маҳаллий миллат вакиллари билан иборатлигини таъкидлайди⁶⁵. Мақолада қизил армия аскарлари ва қизил милиционерларни боқиш давлат бюджетига катта чиқим бўлаётганлигига алоҳида урғу берилади. Армияда миллий мутахассисларни кўпайтириш чораларини кўриш кун тартибидаги муҳим масала бўлиб қолаётганлиги уқтирилади.

Кўриниб турибдики, С. Аҳрорий муҳаррирлиги остида чиққан газета сонларидаги мақолалар кечаётган воқеаларни объектив, танқидий, аини пайтда оддий аҳолига тушунарли қилиб етказиши билан муҳим манба ҳисобланади.

Ҳукумат муассасаларида сиёсий раҳбарларга ва дипломатик ходимларга эҳтиёж дастлабки йилларда кучлилиги туфайли “Бухоро

⁶⁵ Ўша жойда.

ахбори”нинг биринчи муҳаррири С.Аҳрорий 1921 йил июнда Озарбайжон Республикасига БХСРнинг мухтор вакили қилиб юборилди.

Саид Аҳрорийдек тажрибали журналистнинг масъул вазифага ўтказилиши “Бухоро ахбори” газетасини истиқболда ушбу шахс сингари салоҳиятли ва газета савиясини аввалги даражада сақлаб қолиб, янада оширишга йўналтира оладиган муҳаррирга зарурат туғилди. Навбатдаги бош муҳаррирлик масъулияти машҳур адиб ва шоир Абдулҳамид Сулаймон ўғли Чўлпон⁶⁶ зиммасига юкланди. Газетанинг 41-сонидан 67-сонига қадар (салкам олти ой, 1921 йил 30 июн - 1922 йил 25 январ) унга Чўлпон муҳаррирлик қилди. У шахсан устози Фитратнинг таклифи билан Бухорога келган. Иккинчидан эса, Бухородаги сиёсий, ижтимоий, иқтисодий ўзгаришлар ёзувчи ва публицист Чўлпонни жуда қизиқтирар эди⁶⁷. Хуллас, Чўлпоннинг табиатан янгиликка интилувчанлиги, ўзгаришларни ўз кўзи билан кўришга ҳаракат қилиши, маслакдошлари билан бирга бўлиш каби мақсадлари уни Бухорога келиб, ўз ижодий фаолиятини давом эттиришига сабаб бўлган. 1921 йилнинг иккинчи ярмида газета ҳақиқий халқ минбарига айланди. Бу даврда “Бухоро ахбори”да “Маориф ишларимиз”, “Иқтисодий ишларимиз”, “Очиқ хатлар”, “Биздан ташқарида”, “Қора тахтага”, “Мубоҳасалар”, “Сиёсий алоқалар”, “Фирка турмушидан”, “Касабачилик ҳаракати” каби янгидан-янги рукнларга асос солинди. Айниқса, “Очиқ хатлар” ва “Мубоҳасалар” рукни остида чоп этилган хабар ва мақолалар БХСРда иқтисодий, ижтимоий, маданий жараёнларни танқид тўғрисида ёритиб, газета ўқувчиларини баҳс ва мунозарага чорлади.

Абдулҳамид Чўлпоннинг муҳаррирлик даврида ижодкорнинг касбий маҳорати туфайли адабий-бадиий муҳит юксак поғонага кўтарилди. “Адабиёт”, “Фельетон”, “Кичик ҳангома” каби бир қатор рукнлар ташкил этилди. Мазкур рукнларнинг газетхонларга манзур бўлишида Чўлпон ижодидан намуналар ҳам бериб борилиши муҳим рол ўйнади. Жумладан, шоирнинг “Адабиёт” рукни остида газетанинг бир қатор сонларида “Ағдарилиш”, “Халқ”, “Тарихдан”, “Сўз”, “Юрт йўли”, “Оғриғонда”, “Ўликларга қарши”⁶⁸ шеърлари эълон қилинди. Чўлпоннинг “Матбуот-кучлик бир давлатдур”, “Ҳукумат наشري” каби мақолалари⁶⁹ бевосита матбаачилик фаолиятини ва даврий матбуотнинг таъсир кучини ошириш

⁶⁶ Абдулҳамид Сулаймон ўғли Чўлпон (1898, Андижон – 1938, Тошкент) - шоир, ёзувчи, драматург, таржимон ва жамоат арбоби.

⁶⁷ Алиев С. Чўлпон наздида Бухоро //Бухоро ҳақиқати. 1997 йил 20 декабр.

⁶⁸ Бухоро ахбори. 44-сон. 1921 йил 10 июл; 46-сон. 1921 йил 20 июл; 54-сон. 1921 йил 3 ноябр; 57-сон. 1921 йил 1 декабр; 58-сон. 1921 йил 8 декабр; 71-сон. 1922 йил 18 феврал; 167-сон. 1923 йил 7 май.

⁶⁹ Бухоро ахбори. 41-сон. 1921 йил 30 июн; 72-сон. 1922 йил 25 феврал.

мақсадларига қаратилган. Газета саҳифаларида муҳаррирнинг “Ҳукумат курултойи”, “Адабиёт кечаси”, “Театр-томоша”, “Эргашиш”, “Тизгин талаш” каби мақолалари⁷⁰ эса ўзининг ижтимоий характери билан аҳамиятлидир. Газетада чоп этилган шеър ва мақолалари унинг “Чўлпон”, “Қаландар” каби таҳаллуслари остида босилган. Айрим ҳолларда эса “Абдулҳамид Сулаймон ўғли” исми - шарифи ёзиб қўйилганлигининг гувоҳи бўлинди.

Чўлпоннинг “Бухоро ахбори”да эълон қилинган ижод намуналарини 3 гуруҳга бўлиш мумкин. Шеърини ижод намуналари, давр руҳини танқидий акс эттирган публицистик мақолалар ҳамда бевосита матбуотчилик тарихи муаммоларига бағишланган асарлардир. Унинг “Матбуот - кучлик бир давлатдур” мақоласида айнан матбуот органларининг жамият тараққиётидаги роли ҳақида фикр юритилади. "مه تبونات خهلقينگ تيليدير... گه زيته حوكومه تينگ تيليدير. شونينگ ئوچون بوتون حوكومه ت مؤسسسه سه له رينينگ قيلگه ن ئيشله ريني وه قيليب تورگه ن له ريني شونينگ ئوچون بوتون حوكومه ت مؤسسسه سه له رينينگ قيلگه ن ئيشله ريني وه قيليب تورگه ن له ريني كيره كدو" غەلىقەنىڭ تىلىدۇر... گە زىتە ھۆكۈمەت تىنىڭ تىلىدۇر. شۇنىڭ ئۈچۈن بوتون ھۆكۈمەت مۇئەسسەسەسە لە رىنىڭ قىلگە ن ئىشلە رىنى ۋە قىلىپ تورگە ن لە رىنى كىرە كدۇ. "Матбуот халқнинг тилидур... Газета ҳукуматнинг тилидур. Шунинг учун бутун ҳукумат муассасаларининг қилган ишларини ва қилиб турганларини хабар бериб, халққа гапириб туриши керакдур"⁷¹, - деб ёзилади.

Газета ҳаётнинг долзарб муаммоларини табиий равишда баён қилса, фойдадан ҳоли бўлмаслигига бу каби мақолаларда эътибор қаратилган. “Бухоро ахбори” халқ оммаси тушунадиган воқеа ва хабарларни эълон қилиши кераклиги, фельетон жанрини, бадиий рукни кучайтирилиши мақолаларда алоҳида таъкидланади. Чўлпон газетанинг қудрати ва аҳамиятини: “дунёда беш кучлик давлат бўлса олтинчиси, олтига бўлса еттинчиси матбуотдир”⁷², - деб ёзади.

Газета саҳифаларида бош муҳаррир Бухородаги барча зиёлиларни, каламкашларни, мухбирларни мунозараларга чорлаб, “Бухоро ахбори” саҳифалари жамият тараққиётига хизмат қилувчи ҳар қандай эркин фикрлар учун очиклигини қайта-қайта таъкидлайди. “Ўртоқ Қиличзода (БХСР ёшлар иттифоқининг раиси)нинг жавоби”, “Сўнгги сўзим (ўртоқ Қиличзодага жавоб)”⁷³-каби мақолаларнинг эълон қилиниши диққатга сазавордир.

Шуни қайд этиш керакки, маълум сабабларга кўра, “Бухоро ахбори”нинг 68-сони (1922 йил 4 феврал)дан бош муҳаррир ўзгарган бўлсада,

⁷⁰ Бухоро ахбори. 44-сон. 1921 йил 10 июл; 51-сон. 1921 йил 5 октябрь; 58-сон. 1921 йил 8 декабр; 60-сон. 1921 йил 14 декабр; 65-сон. 1922 йил 15 январь;

⁷¹ "مه تبونات كوجل ك بير ده وله تدور //بوخارا اخبارى. 41 سان، 1921 يىل 30 ايون. Абдулҳамид Сулаймон ўғли. Матбуот кучлик бир давлатдур //Бухоро ахбори. 41-сон. 1921 йил 30 июн.

⁷² Ўша жойда.

⁷³ Бухоро ахбори. 64-сон. 1922 йил 12 январь; 65-сон. 1922 йил 15 январь.

унинг собиқ муҳаррири газета билан алоқани узмайди. Кейинги сонларда Чўлпон ҳам Саид Аҳрорий сингари газетада мақоланависликни давом эттириб, республика ижтимоий-сиёсий муаммоларини ёритишга қаратилган унинг 3 та йирик мақоласи⁷⁴ чоп этилганлиги аниқланди.

1922 йил 4 февралдан бошлаб Зиё Усманий “Бухоро ахбори”да бош муҳаррирлик вазифасини бажара бошлаган. У “Бухоро ахбори”нинг 1922 йил 4 февралдан 1922 йил 27 майга қадар чиқиб турган 68-87-сонларига муҳаррирлик қилган. Чоп этилган газеталар, улардаги маълумотлар шуни кўрсатадики, бу даврда “Бухоро ахбори”нинг умумий тиражи 1000 нусхада бўлиб, айрим сонлари 1500 нусхада ҳам босилган. Лекин газетанинг ҳар ойда чоп этилиши жараёни бир текис бўлмаган. Айрим ойларда газета 4 марта, унинг муҳаррирлиги даврининг сўнгги 2 ойида (апрел, май) 3 мартадан чоп этилган. Зиё Усманий муҳаррирлик қилган қисқа даврда (салкам 4 ой) газета сонларининг ойлик нашрлари 5-6 мартадан 3-4 мартагача тушиб қолиши БХСР ҳукуматининг молиявий аҳволидаги танглик билан ҳам боғлиқ. Ушбу ҳолатни муҳаррирнинг газета саҳифаларида бевосита ўзи томонидан чоп этилган бир қатор мақолалари мазмунидан билиш мумкин. Зиё Усманий “Матбуотимиз нима учун юксалмайдур”⁷⁵ ҳамда кейинчалик чоп эттирган “Матбуот ҳақида яна бир-икки сўз”⁷⁶ каби салмоқли мақолаларида БХСР матбуотининг маъсулиятини бармоқ билан санарли 2-3 нафар мухбир тортаётганлиги, газета ишида иштирок қиладиганлар оз сонлилиги ҳақида куюнчаклик билан ёзади. Ҳатто, “Адабиёт билан яшаган ва шу билан ўсган ва шу йўлда кўплаб хизматлар кўрсатган Фитрат ҳам газетага мақолалар ёзмаганлиги”⁷⁷ни танқид қилади. Зиё Усманий “Бухоро ахбори”ни халқ севиб ўқийдиган, эътироф этадиган газета бўлиши зарурлигини ўз мақолаларида уқтириб ўтади.

Зиё Усманий “Бухоро ахбори”да узоқ муддат муҳаррирлик қилмаганлигининг сабаби мазкур газетанинг 87-сониди (1922 йил 17 июн) “Истеъфо” сарлавҳаси билан босилган шахсий аризасида кўрсатилган. Бош муҳаррир бир ярим йил (1921-1922) давомида нашриёт ва газетада тинимсиз ишлаганлиги ва қаттиқ касалга чалинганлиги, бу эса муҳаррирлик маъсулиятини бажаришга имкон бермаётганлигини хабар қилади. “Бухоро ахбори” газетасида Зиё Усманийдан сўнг газетанинг мухбирларидан бири

⁷⁴Чўлпон. Оғриғонда //Бухоро ахбори. 71-сон. 1922 йил 18 феврал; Тизгин талаш //Бухоро ахбори. 72-сон. 1922 йил 25 феврал; Ўликларга қарши (Инқилобий ҳукумат томонидан шаҳар ичидаги қабрлар йўқотила бошланғони муносабати ила) //Бухоро ахбори. 167-сон. 1923 йил 7 май.

⁷⁵ Бухоро ахбори. 83-сон. 1922 йил 9 май.

⁷⁶ Бухоро ахбори. 107-сон. 1922 йил 2 ноябр.

⁷⁷ Ўша жойда.

Остонкул Абдулқийёмов⁷⁸ таҳририят бошқарувини ўз қўлига олди. У бош муҳаррирлик қилган салкам 4 ойлик (1922 йил июн-сентябр) муддатда “Бухоро ахбори”нинг нашр нусхаси (1500 та) ўз ҳолича сақланиб, бир ой давомида чоп этилиши сонлари эса 2 баробарга қисқариб кетади, яъни ойида газета атиги 2-3 мартадан чоп этилганлиги аниқланди. Остонкул Абдулқийёмов “Бухоро ахбори” газетасида 3-4 мақоласи билан иштирок қилган, холос. Остонкул Абдулқийёмов газетанинг 99-сонига (1922 йил 14 сентябрга) қадар бош муҳаррирлик вазифасида ишлаган. Тарихий жараёнларнинг таҳлили шуни кўрсатадики, 1922 йилда БХСРда ички ҳарбий тўқнашувлар авж олган, асосий эътибор ҳарбий эҳтиёжларга қаратилган. Бу ҳолат матбаачилик ишини моддий жиҳатдан йўлга қўйишда салбий таъсир кўрсатган.

Зиё Усманий ва Остонкул Абдулқийёмов газетада муҳаррирлик қилган даврда матбуотда пасайиш жараёни кузатилди. Матбуотнинг жамиятдаги ролини ҳамда “Бухоро ахбори” газетасининг Саид Аҳрорий ва Чўлпон муҳаррирлиги давридаги обрў-эътиборини кўтариш мақсадида бўлса керак, бевосита ҳукумат аъзоси, БХСРда биринчи маориф нозири бўлган Қори Йўлдош Пўлатов⁷⁹га бош муҳаррирлик қилиш маъсулияти юклатилди. Янги бош муҳаррир ҳукуматдаги раҳбарлик лавозими билан бирга бу вазифани давом эттирган. У бир пайтнинг ўзида БХСР маориф нозири лавозимида ишлаб турган эди. Қори Йўлдошнинг газетадаги муҳаррирлик фаолияти роппа-роса бир йил давом этиб, “Бухоро ахбори”нинг 100-204-сонлари унинг раҳбарлигида чоп этилган даврда (1922 йилнинг 21 сентябридан 1923 йил 21 сентябригача) матбуот 1 ойда 7-8 марта чоп этилиши йўлга қўйилди. Газета тиражи ҳам 2000-2500 нусхага етказилиб, барча вилоятларга газетани бир текисда тарқатилиши қатъий назорат остига олинди.

Қори Йўлдош Пўлатов ҳукумат раҳбарларидан бири сифатида 1922-1923 йил қиш фаслида РСФСР шаҳарларидан Москва ва Петроградга саёҳат қилиб, сафари давомида маориф тизимини такомиллаштиришга хизмат қиладиган вазифалар билан бирга матбаачилик ва нашриётчиликнинг моддий асослари ҳамда замонавийлигини таъминлайдиган асбоб-ускуналар келтиришга эришган. Бу ҳақда муҳаррирнинг “Бухоро ахбори” газетасининг 5 та сонига кетма-кет чоп этилган “Йўл хотиралари”⁸⁰ деб номланган

⁷⁸ Остонкул Абдулқийёмов шахси билан боғлиқ маълумотларни ҳозирча аниқлай олмадик.

⁷⁹ Қори Йўлдош Пўлатов (1890, Бухоро амирлигидаги Карки шаҳри - 1965, Тошкент)- давлат ва жамоат арбоби. Бухорода жадидчилик ҳаракати намояндаси. БХСР ҳукуматида бир қатор масъул мансаб ва лавозимларда ишлаган. 1937 йилдан бошлаб бир неча бор қамокқа олинди. 1957 йил оқланган. Қамокдан қайтгач, умрининг охиригача фақирона ҳаёт кечирди.

⁸⁰ Бухоро ахбори. 133-сон. 1923 йи 11 феврал; 134-сон. 15 феврал; 137-сон. 1 март; 138-сон. 3 март; 139-сон. 6 март.

мақоласидан хабардор бўлиш мумкин. Газетани чоп этилишига масъул бўлган шахслар томонидан Россия сафаридан синтография⁸¹ олиб келишга муваффақ бўлинди. Бу тадбир “Бухоро ахбори” газетасини 1923 йил баҳоридан бошлаб фотолавҳалар билан чоп этилишини таъминлади⁸². Синтографияни ўрнатиш ва ишга тушириш, доимий ишлаб туришини таъминлаш мақсадида татар матбаачи ва ношир зиёлилардан фойдаланилганлиги ҳам муҳимдир⁸³. Қ.Й.Пўлатов газета фаолиятини бошқарган даврда мусулмон шрифти, газета полиаграфия базаси, мухбир ходимлар билан таъминланиши масалаларида ҳам ижобий силжишлар кузатилади. Айниқса, Татаристон АССРдан катта миқдорда мусулмон шрифтининг келтирилиши муҳимдир.

1923 йилнинг ёзида Германиядан мусулмонча ҳарф териш машинасининг Бухорога келтирилиши ноширчилик соҳасида бурилиш ясади. Юқоридаги омиллар “Бухоро ахбори” газетасини бундан буён 4 саҳифада эмас, балки 8 саҳифада чоп этиш имконини берди. Газета нафақат ҳажман кенгайибгина қолмай, балки мазмунан бойиди, ўқувчига кўпроқ манзур бўлди, ундаги хабар ва мақолалар долзарблиги ошди. Айниқса, танқидий, реал ҳаётни тасвифловчи материалларнинг газета саҳифаларида чоп этилиши, республиканинг турли вилоятларида газетхонлар сони кўпайишига олиб келди. Энг фаол мақоланавислардан бири Қори Йўлдош Пўлатовнинг ўзи бўлиб, газета сонларида кўплаб мақолалар эълон қилган⁸⁴. Қори Йўлдош Пўлатовнинг “Доҳилий қарзга ёзилингиз”, “Муҳим вазифамиз”, “Бугунги вазифамиз”, “Порахўрлик билан кураш”, “Мустақил бир мамлакат қандай бўлур?” “Солиқ ҳақида бир-икки сўз” каби мақолалари БХСРнинг ижтимоий-иктисодий аҳволини ўрганишга ёрдам беради.

Қори Йўлдош Пўлатовнинг “Солиқ ҳақида бир-икки сўз” мақоласи маълумотлари шуни кўрсатадики, БХСР ҳукумати аҳолидан ушр, закот сингари солиқлар олади. Бу солиқлар миқдори унча катта бўлмаса-да, 2 йил солиқсиз яшаб келган халққа қаттиқ ботиши табиий эди. Бундай вазиятда аҳолига матбуот орқали солиқ солишдан мақсад нима эканлигини оддий ва жўн қилиб тушунтириш керак эди. Бу ҳақда Қори Йўлдош Пўлатов: “Ҳозирги ҳукумат солиқни ўзининг сафоси учун йиғмасдан, балки халқни ўқитмоқ, хароб бўлган шаҳар ва қишлоқларни таъмир этмоқ, турли касалликлар билан курашмоқ, халқ хўжалигини ислоҳ қилмоқ, юртни

⁸¹ Синтография - матбуот учун зарур бўлган аксилхона, яъни расмхона асбоблари.

⁸² Иброҳимов И. Маърифат зиёси //”20.000-учрашув” .“Бухоронома” газетаси 20.000-сони чиққанига бағишланган публицистик рисола. -Бухоро, 2007. -Б. 21.

⁸³ Ҳайитов Ш. Татар зиёлилари Бухорода //Жамият ва бошқарув. 2007. №3. -Б. 125-126.

⁸⁴ 64-бетдаги 2-жадвалга қаранг.

иктисодий турмушини кўтармоқ, халқни тинчлигини муҳофаза этмоқ каби олий мақсадлар учун йиғнайдурун”, - деб ёзади⁸⁵. Ушбу фикрлар орқали инсонпарвар ҳукуматнинг солиқ сиёсати қандай бўлиши кераклиги билан боғлиқ моҳият очиқ берилган. Ўз юртини севган ва тараққий қилишини истаган ҳар бир инсон солиқни юрт ва ҳукумат ҳақи деб тушуниши мақола мазмунида ифодаланган.

“Бухоро ахбори” газетасининг моддий ва техникавий базасини бир қадар мустаҳкамлашга эришган ҳамда газетани ҳафтада мунтазам 2 марта чиқиб туришини таъминлашга катта ҳисса қўшган бош муҳаррир Қ.Й.Пўлатов республика ҳукумати идораларидаги масъул вазифаларга (БХСР меҳнат шўроси раиси, муҳофаза нозири) жалб қилинганлиги сабабли газета ташкил топганидан буён анча вақт фаол мухбирлардан бири бўлган Қосим Сорокин⁸⁶ бош муҳаррирлик лавозимига тайинланади. У “Бухоро ахбори” газетасига 204-сондан, яъни 1923 йил 21 сентябридан муҳаррирлик қилишни бошлаган. Сорокиннинг бош муҳаррирлик даври “Бухоро ахбори”нинг 204-213 сонлари (1923 йил 16 октябрга қадар) ҳамда янги “Озод Бухоро” газетаси чоп этила бошланган унинг 1-сонидан 87-сонига қадар 8 ойдан ортиқ (1923 йил 21 октябр-1924 йил 5 май) бўлган муддатни ўз ичига олади. Демак, унинг муҳаррирлиги остида “Бухоро ахбори” газетасининг бор-йўғи 9 та сони чоп этилиб, газета шакли ва мазмунида деярли ўзгаришлар рўй бермади.

Хуллас, “Бухоро ахбори” газетасининг 1920 йил 9 сентябрдан 1923 йилнинг 16 октябргача 214 сони чоп этилган. Газета дастлаб 4 саҳифада 1000-1500 нусхада чоп этилган бўлса, 1922 йил кузидан бошлаб, у 7-8 саҳифада ҳафтада 2-3 марта, ойида 8-10 марта, 2000-2500 нусхада нашр этилди. “Бухоро ахбори” газетаси оддий ҳолатда чоп этилишидан тортиб, фотолавҳалар ва замонавий техник воситалар билан чиқарилишига қадар бўлган босқични босиб ўтди.

⁸⁵ Қори Йўлдош. Солиқ ҳақида бир-икки сўз // Бухоро ахбори. 144-сон. 1923 йил 17 март.

⁸⁶ Қосим Сорокин - Сорокин Қосим Иброҳимович (1899. 17. 12, Симбирск губерняси, ҳозирги Ульяновск обл. - 1939) - журналист, ўзбек совет матбуотининг намоёндаларидан. 1919 йили Тошкентга ўқишга келган. Шу даврдан журналистлик ва муҳаррирлик фаолияти бошланган. “Қосим”, “Ўрмонлик” таҳаллуслари билан ижод этган. У 1919 йил “Янги Шарк”, 1920 йили “Меҳнат байроғи” газетасига муҳаррирлик қилган. 1921-1923 йилларда “Қизил байроқ”, “Туркистон” газеталари, “Коммунист”, “Коммунистлар йўлдоши”, “Инқилоб” журналларида масъул котиб ва муҳаррир. 1924-1926 йилларда РКП(б) МК матбуот бўлими инструктори. 1927-1928 йилларда “Қизил Ўзбекистон” газетаси масъул муҳаррири. 1929-30 йилларда Ўзбекистон КП МК матбуот сектори мудири. 1931-33 йилларда Москвада марксизм-ленинизм курсида ўқиди. 1933 йилдан Андижон областида МТС сиёсий бўлими бошлиғи. 1936 йилдан ЎзССР Маориф халқ комиссари бўлиб ишлаган. 1939 йил вафот этган.

“Бухоро ахбори” газетаси БХСРнинг ички ва ташқи сиёсати, ўз даврининг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, маданий жараёнлари ва муаммолари масалаларини ўнлаб рукнлар остида имкон қадар холисона ҳамда танқидий руҳ билан ёритишди.

“Бухоро ахбори” газетаси ўрнига 1923 йил октябр ойи ўрталаридан бошлаб “Озод Бухоро” газетаси чоп этилди. Янги газета ҳақидаги расмий хабар “Бухоро ахбори”нинг 211-сонини (1923 йил 7 октябр)даёқ “Ўқувчилар диққатига!” номли эълон остида маълум қилинди⁸⁷.

“Озод Бухоро” газетасида ҳам юқорида қайд қилинганидек, Қосим Сорокин бош муҳаррирлик фаолиятини давом эттириб, газетанинг полиаграфия базасини кенгайтириш, иқтисод шўросининг ёрдамида матбуот ишларига маблағ ажратиб, мусулмон шрифти, нашр ишлари учун асбоб-ускуна ва турли ашёлар олишга эришган. Газета бироз ўзининг моддий аҳволини яхшилаш мақсадида хўжалик ҳисобига ўтиб, масъул идора ва корхоналар маълумотлари (эълонлар, билдиришлар, буйруқлар, фармонлар ва ҳоказо) кабиларни газета саҳифаларида тўлов эвазига чоп этиб борган. Бу ҳақда қуйидаги билдиришнома газетанинг бир неча сонларида ҳам қайта-қайта бериб борилган: “Озод Бухоро газетаси қисман бўлса ҳам хўжалик асосига кўчди. Бундан кейин ҳеч бир эълон ва буйруқлар газетага бепул босилмас”⁸⁸.

Бироқ “Озод Бухоро”газетаси ролини ошириш, уни мунтазам чиқиш туриши учун мухбирлар ва ходимлар етишмаслигини бартараф этиш муаммоси ҳал қилинмаган. “Озод Бухоро”да чоп этилган маълумотлар билан танишиш шуни кўрсатадики, газета чиқариш учун 3-4 мухбир ва муҳаррир озлик қилиши, мухбирлар қишлоқ ва шаҳар ҳаёти билан боғлиқ воқеаларни тўла ёрита олмаётганлиги, даврий матбуот “Бухоронинг ойнаси” бўлолмаётганлиги бир қатор мақола ва хабарларда ёзилган. “Озод Бухоро” газетасини малакали мутахассис мухбирлар билан таъминлаш, унинг вилоят, туман ва кентлардаги доимий мухбир ва жамоатчи мухбирлари таркибини кенгайтириш борасида айрим чора-тадбирлар кўрилган. Тадқиқот натижасида “Озод Бухоро”нинг бир қатор сонлари орқали ушбу матбуот нашрининг вилоятлардаги мухбирлари таркибини аниқлашга эришилди. Жумладан, Хабибуллаев, Нуриддинов (Кармана вилояти мухбирлари), Ислон Шариф (Шарқий Бухоро ҳудудлари бўйича мухбир), “Кўй боқар”, Ғани (Карки вилояти мухбирлари), Шероз (Ленин-туркман (Чоржўй) вилояти

⁸⁷ Бухоро ахбори. 211-сон. 1923 йил 7 октябр.

⁸⁸ Озод Бухоро. 6-сон. 1923 йил 31 октябр.

мухбири), “Ажнабий” (Шаҳрисабз вилояти мухбири), Исматий (Ғузор вилояти мухбири), А.Сафаров (Бойсун вилояти мухбири), Эргаш (Бехбудий (Қарши) вилояти мухбири) кабиларни қайд қилиш мумкин⁸⁹. Мухбирлар таркиби билан танишиш шуни кўрсатдики, айрим газета ходимларининг таҳаллуслари берилиб, асл исм-шарифларини аниқлаш имкони бўлмади. Чунки “Озод Бухоро”да эълон қилинган турли вилоятлардан юборилган мақола ва хабарлар остида ушбу таҳаллуслар қайта-қайта берилади.

1924 йилнинг бошларидан “Озод Бухоро” газетасида коммунистик мафкура таъсири кучайганлиги кўринади. Газетадаги хабар ва мақолалар кўпроқ “Қизил чойхона”, “Қизил бурчак”, “Фирқа турмушиндан”, “Фирқага аъзолик шартлари”, “Қора тахтага” (БКП сафидан чиқарилганлар ҳақида - К.Р.) каби рукнлар остида эълон қилинган.

“Озод Бухоро” газетаси мафкуралашиб бораётган ҳамда советча тартиблар ва қоидаларни тарғиб қилиш минбарига айланган бир даврда большевик тарғиботчиларни унинг ишига жалб қилишга алоҳида эътибор қаратилган. Бухоро Коммунистик партияси (БКП)нинг ташвиқот ва тарғибот ишларидаги илғор кадрларидан бири Аббос Алиев 1924 йил апрел ойидан бошлаб бу масъул вазифага лойиқ деб топилган. Бу ҳақда “Озод Бухоро”нинг “Бухоро хабарлари” рукнида: “Марказий фирқўм тарафиндан газетамизга Аббос Алиев, Аҳмад Аҳмадов ва Абу Зариф ўртоқлардан иборат 3 кишилик ҳайъат таҳририя тайин этилди. Булардан Алиев - сиёсий масъул йўлбошчи (бош муҳаррир), Аҳмадов - аъзо, Абу Зариф - техник муҳаррир вазифасини ўтажаклар”⁹⁰, - деб ёзилганди.

“Озод Бухоро” газетасида 1923 йилнинг охири ва 1924 йил бошларида коммунистик мафкура таъсирида янги рукнлар очилди. Шундай рукнлардан “Босмачиликнинг сўнгги кунлари”, “Босмачиликка қарши кураш”, “Босмачиларга қарши тadbирлар”, “Икки ҳафталик” (маориф икки ҳафталиги, ушр икки ҳафталиги ва ҳоказо), “Хотин-қизлар ўртасида”, “Коммунист ёшлар ҳаётидан” кабиларни санаб ўтиш мумкин. Айниқса, “босмачилик ҳаракати”⁹¹ билан боғлиқ мақола ва хабарларнинг кўп миқдорда ҳамда

⁸⁹ Ушбу маълумотлар 1924 йил давомида “Озод Бухоро” газетасининг 3-4-саҳифаларида бериб борилган “Бухоро хабарлари” рукни остидаги материаллардан олинди.

⁹⁰ Озод Бухоро. 155-сон. 1924 йил 12 апрел.

⁹¹ “Босмачилик ҳаракати” - Туркистон минтақасида совет тузумига қарши қуролли ҳаракат назарда тутилмоқда. Бу ҳақда тарихчи олим Қ. Ражабовнинг тадқиқотларида батафсил сўз юритилади. Қаранг: Ражабов Қ. Мустақил Туркистон фикри учун мужодалалар (1917-1935 йиллар). -Т.: Ўзбекистон, 2000; Шу муаллиф. Развертывание освободительного движение в Бухаре //Туркестан в начале XX века: к истории истоков национальной независимости. -Т.: Шарқ. 2000. -С. 522-553; Ўша муаллиф. Бухоро ва Хоразм Республикаларидаги қуролли муҳолифат кураши (1920-1924) //Ўзбекистоннинг янги тарихи. 2-китоб. Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида.-Т., 2000; Ўша муаллиф. Бухоро ва Хоразм Халқ Республикалари: давлатчилигининг демократик шакли //Ўзбекистон давлатчилиги тарихи очерклари. -Т.,

деярли газетанинг ҳар бир сонида берилиши⁹² юқоридаги фикрнинг далилидир. Коммунистик мафкура таъсирининг газета мазмунига чуқур кириб борганлигини унинг саҳифаларида “босмачилик ҳаракати”га қарши митингларда сўзланган маърузаларнинг тўлиқ чоп этилиши, 1924 йилнинг октябр ойидаги сонларидан бошлаб газетанинг 9-10-саҳифалари рус тилида (қрилл имлосида) “Постановление”, “Приказ”, “Положение”, “Декрет” каби ҳужжатларнинг эълон қилиниши, миллий-худудий чегараланиш масалаларига тегишли ҳукумат раҳбарларининг маърузалари тўлиқ матнининг келтирилиши билан изоҳлаш мумкин. Ҳатто 1924 йил 2 сентябрда чоп этилган “Озод Бухоро”нинг 135-сони махсус нашр сифатида чиққан бўлиб, унда “Бухоро инқилоби”нинг жаҳоншумул аҳамияти бир томонлама орттирилиб кўрсатилган⁹³. Ушбу йилнинг 7 ноябрида октябр инқилоби (тўнтариши) кунига бағишлаб чиқарилган махсус сон ҳам газета коммунистик мафкуранинг тарғиботчисига айланиб бўлганлигидан далолат беради.

“Озод Бухоро” газетасининг мафкуралашув жараёни газетада ўқимишли ва жиддий мақолалар мутлақо босилмади, деган маънони англатмайди. “Озод Бухоро” номи билан чиқа бошлаган 1-сонидан бошлаб даярли барча нашрларда “Фан ва техника” рукни остида илм ва маданият

2001; Ўша муаллиф. Бухорога қизил армия босқини ва унга қарши кураш. -Т.: Маънавият, 2002; Ўша муаллиф. Вооруженное движение в Туркестанском крае против советского режима (1918-1924 гг.) Автореф.дисс. соис.учен. степ. докт. ист. наук. -Т., 2005; Ўша муаллиф. Теоретико-методологическая основа изучения истории вооруженного движения в Туркестане в 1918-1935 гг. Россия-Узбекистан: история и современность (ч.II) //ЕвроАзия. Москва, 2008. № 3. -С. 4 -15.

⁹² Босмачилар кизил аскардан қочадур. //Озод Бухоро. 32-сон. 1923 йил 29 декабр; Босмачи таслим бўладур; Жўра Аминнинг таслими //Озод Бухоро. 68-сон. 1924 йил 29 март; Вобкент тумани тинчланди //Озод Бухоро. 71-сон. 1924 йил 5 апрел; Босмачиликнинг кейинги кунлари (рукн): Босмачиларни урамиз; Дехқонлар босмачиларга қарши; 1 та босмачи асир тушди //Озод Бухоро. 81-сон. 1924 йил 23 апрел; Босмачиликнинг сўнгги кунлари: Яна битта таслим бўлди; Иброҳимбек қочадур; Жума қоровулбеги ўлдирилди; Мулла Абдулқаҳҳор ҳам урилмақдадур //Озод Бухоро. 82-сон. 24 апрел; Босмачилар билан кураш: Шерободда Тангрибек қўрбоши тор-мор қилинди; Карманада Бобоёр, Хатирчида Омонтош қўрбошилар енгилди; Каркида Мулла Рўзининг таслим бўлиши; 83 та босмачининг таслим бўлиши; Собир полвон ва 8 та йигити ўзини ҳукуматга топишди; Турсун эшон ўлдирилди //Озод Бухоро. 95-сон. 1924 28 май; Босмачилик билан кураш; Май ойида бизнинг муваффақиятларимиз; Мирзо юзбоши ва Қози ясовулбоши таслим бўлдилар //Озод Бухоро. 102-сон. 1924 йил 12 июн; Босмачиликнинг кейинги кунлари: Бухоро вилоятида босмачилик битди //Озод Бухоро. 118-сон. 1924 йил 16 июл; Босмачилик билан кураш; Турди Тўқсабо дастаси билан тўқнашув; Берди додхоҳ дастаси тарқатилди //Озод Бухоро. 133-сон. 1924 йил 27 август.

⁹³ “Озод Бухоро” газетасининг 135-сони (махсус сон) қуйидаги мақолалардан иборат: Бухоро инқилоби ва босмачилик ҳаракати (И.); Инқилоб ва тилакларимиз (А.Алиев); Бухоро коммунистик партияси ва инқилоб (О.Оқчурун); Бухоро инқилоби ичида ёшлар ҳаракати (С.Қосимов); Бухоро инқилоби ва дехқонлар (Ёш қўшчи); Бухоро инқилоби ва маориф (Л.М.); Байрам муносабати билан авфи умумий (МИҚ раиси Порсо Хўжа).

янгиликларини тарғиб қилувчи долзарб мақолалар, хабарлар бериб борилди⁹⁴.

“Бухоро ахбори” ва “Озод Бухоро” газеталари номи билан чоп этилган ушбу алоҳида нашрларнинг биргаликдаги 300 - махсус сони (1924 йил май)да 1920-1924 йиллардаги маҳаллий матбуот ходимлари, уларнинг фотосуратлари ва таржимаи ҳолларининг берилиши Ўзбекистон матбуоти тарихи солномасини яратиш учун бой манбалардан бири бўла олади.

Аббос Алиевнинг газетадаги фаолияти даври таҳлил қилинар экан, Бухоро ва бутун Туркистон минтақасидаги совет ҳокимиятига қарши кураш ҳаракат коммунистик мафкура нуқтаи назаридан баҳоланиб, барча маданий-маърифий муассасаларнинг советлаштирилиши тарғиб қилинганлиги, БХСР (кейинчалик БССР) иқтисодий манфаатларини Марказ ихтиёрига буйсундириш манфаатига уринилганлиги гувоҳи бўлинади. Ўрта Осиё Иқтисодий Кенгаши (СредазЭКОСО)⁹⁵ фаолиятининг ижобий баҳоланганлиги, БКПнинг ҳар бир тадбирини тўғри ва адолатли деб ҳисобланганлиги ҳақидаги мақолалар учун газета очиқ мафкура минбари ва майдонига айланди. Газетанинг бир қатор сонларида “Сиёсий ҳангома” рукни остида ҳукуматнинг маҳаллий халқ орасидан чиққан ҳалол ва миллатпарвар айрим раҳбарлари ва миллий зиёлиларнинг вакиллари ҳажвий танқид остига олинди⁹⁶.

“Озод Бухоро” газетаси БХСРда кечаётган йирик ижтимоий-иқтисодий, сиёсий муаммолар ва уларнинг ечимлари тўғрисида мақола ва хабарлар босиш ўрнига майда ижтимоий муаммолар: кичик ўғрилиқ, ичкиликбозликка берилган одамлар, майда талафотлар, гиёҳванд айрим кимсалар ҳақидаги маълумотларни берган⁹⁷.

Мафкуравий чекланиш, саёз ва бўш мазмун касб этувчи мақолаларнинг кўпайиши “Озод Бухоро” ўқувчиларининг газетага қизиқишини бир оз

⁹⁴ Электрик автомобиллар; Электрик оташ ароба; Кўчма уйлар; Куяга қарши дору //Озод Бухоро. 98-сон. 1924 йил 2 июн; Тоғ бойликлари текшириш усуллари //Озод Бухоро. 100-сон. 1924 йил 7 июн; Офтоб ҳамда сувдан даволаниш //Озод Бухоро. 121-сон. 1924 йил 31 июл ва ҳоказо.

⁹⁵Ўрта Осиё Иқтисодий Кенгаши (СредазЭКОСО) - 1923 йилда ташкил топган бўлиб, унинг биринчи таъсис қурултойи 1923 йилнинг 5 март куни ўтказилган. 1926 йилда у қайта тузилган.

⁹⁶ “Абу Ваража”. Смета сметаси //Озод Бухоро. 96-сон. 1924 йил 29 май; “Гаранг махсум”. Гап топсам ёзарман //Озод Бухоро. 109-сон. 1924 йил 3 июл; Ўша муаллиф. Жаннат дарвоза бинолари //Озод Бухоро. 111-сон. 1924 йил 6 июл; шу муаллиф. Қандингни е, амир! //Озод Бухоро. 113-сон. 1924 йил 10 июл; Ўша муаллиф. Раззоқ поччам мўъжизаларидан //Озод Бухоро. 119-сон. 1924 йил 27 июл; “Искаб топар”. Гаранг махсумдан сўранглар //Озод Бухоро. 151-сон. 1924 йил 14 октябр ва ҳоказо.

⁹⁷ Ўғри болаларга қарши курашмак керак //Озод Бухоро. 75-сон. 1924 йил 12 апрел; Оғуларлар қўлга тушди //Озод Бухоро. 79-сон. 1924 йил 19 апрел; Майда жиноятчилик билан кураш //Озод Бухоро. 83-сон. 1924 йил 26 апрел; Дангасалик билан кураш тегиш //Озод Бухоро. 89-сон. 1924 йил 14 май; Вобқанд туманида майда ўғрилиқ кўпайибдур //Озод Бухоро. 151-сон. 1924 йил 14 октябр ва ҳоказо.

сусайтиргани табиий ҳол. Газета саҳифалари кўпроқ молиявий ҳолатни яхшилаш учун пул топиш эвазига катта-ю кичик эълон, билдириш, реклама тарзидаги хабарлар билан тўлдириб ташланган. Бу салбий жиҳат билан бирга кичик хабар, эълонларнинг остидаги исм-шарифлар орқали БХСР ҳукумати аъзолари, вилоят ва туманлардаги раҳбар ходимлар, давлат муассасаларининг турли лавозимларида ишлаган кишилар ҳақида ҳамда совет режимига қарши қуролли ҳаракатларда иштирок қилган шахслар билан боғлиқ кенг маълумот олиш мумкин. Бу эса ўз даври тарихий жараёнларини атрофлича таҳлил қилиб ўрганишга ёрдам беради.

“Озод Бухоро” газетасида БХСРдаги матбуотнинг аҳволи, матбаачилик иши, газета ва журналлар чоп эттириш, матбуот билан боғлиқ муаммо ва вазифалар ҳақида ҳам мақолалар чоп этиб борилган. Газеталардаги матбуот ҳақида ёзилган хабар ва мақолалардан матбуотнинг ўша даврдаги умумий аҳволи, газетхонларнинг матбуотга муносабати, газеталарнинг моддий-техникавий базасини яратиш йўлидаги ишлар, газеталарни унинг ўқувчилари орасида тарқатиш кабилардан воқиф бўлинади. “Озод Бухоро”нинг кўплаб сонларида ва ундан олдин чоп этилган “Бухоро ахбори” газетасида “Матбуотимиз нима учун юксалмайдур”, “Матбуот ҳақида яна бир-икки сўз” (Зиё Усманий), “Туркистонда матбуот” (мухбир), “Матбуот нимадур?” (Бекбой), “Газетага кўмак беринг!” (тахририят), “Бухорода матбуот”, “Учкун” журнали” (Бухоро хабарлари), “Чоржўйда тил газетаси” (мухбир), “Матбуот ва адабиёт” (мухбир), “Газетага ёрдам беринглар” (тахририят), “Қўрқма, газета гуноҳсизларни тишламайдур!” (“Муфаттиш”), “Газета юборишга диққат қилинсун!” (Бехбудийлик-Қарши шахридан), “Газетанинг биринчи даври”, “Газетани тузатиш масаласи”, “Матбуот байрамига тайёрланмак керак” (Саид Ахрорий), “Газетанинг қишлоқда тарқалиши” (мухбир) каби мақола ва хабарлар⁹⁸ ўрин олган. Ушбу мавзудаги мақола ва хабарларнинг мазмуни асосан қуйидаги масалаларга қаратилган. Аввало, БХСРда туб жой аҳоли тилида (ўзбек тилида) газета ва журналлар чиқариш ва тарқатиш бошланганлиги, газетанинг тарғиботчилик фаолиятидаги ўрни, матбуот уни ўқувчилар учун зарурий маънавий озуқа эканлиги, бу ишда барча зиёлилар иштирок қилиши кераклиги баён қилинади. Айрим мақолаларнинг асосий мавзуси эса 3-3,5 млн. аҳолига эга бўлган БХСР учун 2000-2500 нусхада чоп этиладиган “Озод Бухоро” газетаси етарли эмаслиги, муҳаррир ва мухбирларнинг етишмаслиги ва мавжудларининг ҳам малакавий

⁹⁸ Бухоро ахбори. 83-сон. 1922 йил 9 май; 107-сон. 1922 йил 2 ноябр; 111-сон. 1922 йил 19 ноябр; 136-сон. 1923 йил 23 феврал; 139-сон. 1923 йил 6 март; 146-сон. 1923 йил 22 март; 159-сон. 1923 йил 19 апрел; 166-сон. 1923 йил 5 май; Озод Бухоро. 6-сон. 1923 йил 31 август; 27-сон. 1923 йил 20 декабр; 28-сон. 1923 йил 22 декабр; 88-сон. 1924 йил 11 май; 91-сон. 1924 йил 17 май; 103-сон. 1924 йил 14 июн; 127-сон. 1924 йил 14 август.

тажрибасизлиги, нашриёт (полиаграфия) ишидаги сон-саноксиз камчиликлар ва етишмовчиликлар⁹⁹, қоғоз ва бошқа ашёвий буюмлар, мусулмон шрифтининг четдан келтирилиши муаммоларига йўналтирилган.

Кўпгина мақолаларда фикрлар қайтарилиб, вилоят мухбирлари етарли даражада фаолият олиб бормаётганлиги, шунинг учун республика миқёсида атрофлича маълумот олиш имкони йўқлиги, ҳукумат раҳбарларидан Файзулла Хўжаев ва Қори Йўлдош Пўлатов сингарилардан бошқалар мақолалар билан унинг ишида жиддий иштирок қилмаётганлиги қайта-қайта таъкидланади.

“Озод Бухоро” саҳифалари орқали 1923-1924 йилларда ушбу газетадан ташқари бошқа матбуот органларига асос солиниши йўлида хайрли ҳаракатлар, уринишлар бўлганлигидан воқиф бўлиш мумкин. Жумладан, Бухоро маориф нозирлиги томонидан ойда бир марта сиёсий, иқтисодий, адабий нашр “Учкун” журналининг 1-сони (1923 йил, март) нашрдан чиққанлиги, журнал 36 саҳифа ҳажмида бўлиб, унда Абдурауф Фитрат ва Қори Йўлдош Пўлатовларнинг фотосуратлари ҳам акс эттирилганлиги хабари босилган.

“Қозоқ матбуоти” мақоласи орқали қозоқ тилида чоп этиладиган “Оқ жўл” (“Оқ йўл”), “Экбахчим қозоқ” (“Меҳнаткаш қозоқ”), “Қозоқ тили”, “Бўстондук таври” (“Озодлик байроғи”), “Қизил Қозоғистон”, “Чўлпон”, “Темир қозоқ” каби газета ва журналлар Туркистон АССР, РСФСР, Бошқирдистон, Уралбўйи ҳудудларида босилиб чиққанлиги аниқланди. 1923 йилда Чоржўй вилоятида туркман тилида “Тил” номли газетани чоп этишга уринишлар бўлган.

БХСР ҳукумати томонидан 1923 йили янги “Очиқ сўз” газетасини чоп этиш чоралари кўрилган. Ҳатто унинг 1-сони учун 1000 олтин сўм ҳам ажратилган эди¹⁰⁰. Бироқ ушбу нашр чоп этилганлиги тўғрисида учратган манбаларда ҳеч қандай маълумотлар мавжуд эмас.

“Бухоро ахбори” газетасининг биринчи муҳаррири Саид Аҳрорийнинг “Озод Бухоро” саҳифаларида “Газетанинг биринчи даври” номли салмоқли мақоласининг босилиб чиқишини 4 йил давомида Бухородаги матбуотчилик ишининг таҳлилига бағишланган ўзига хос ҳисобот сифатида баҳолаш мумкин¹⁰¹. Мазкур мақолада “Бухоро ахбори” ҳамда “Озод Бухоро”

⁹⁹ 3. يا اوسمانى. مه تبوناتيميز نيمه اوچون يوكسه لمة يدور // بوخارا اخبارى. 83-سان. 1922 يىل 9 مه ى. Усманий. Матбуотимиз нима учун юксалмайдур // Бухоро ахбори. 83-сон. 1922 йил 9 май.

¹⁰⁰ Озод Бухоро. 1-сон. 1923 йил 16 октябр.

¹⁰¹ Саид Аҳрорий. Газетанинг биринчи даври // Озод Бухоро. 88-сон. 1924 йил 11 май.

газеталарида ишлаган мухбир ва ходимлар, улар томонидан ёзилган мақола ва хабарларнинг ўзига хос жиҳатлари, газетанинг такомиллашиб бориш жараёни атрофлича таҳлил қилинади. Шунинг ўрнида газеталар қарийб 45 та турли-туман рукнлар остида материаллар босганлигини алоҳида қайд этиш мумкин.

Хуллас, “Озод Бухоро” чоп этилган 1923 йилнинг кузидан 1925 йилгача бўлган тарихий даврда, айниқса, унга А.Алиев муҳаррирлик қилган вақтида ҳукмрон мафкура таъсири яққол сезилади. Шахсан муҳаррирнинг ўзи газеталардаги фаолияти билан коммунистик ташвиқот ва тарғиботнинг курак ижросиси бўлиб қолганлиги кўринади.

“Озод Бухоро” газетасида “Бухоро ахбори”га нисбатан вилоят мухбирларининг роли ошиб, уларнинг газета таҳририятига йўллаган айрим мақолалари ичида жойларда кечаётган воқеалар тафсилотини ҳолисона ёритган айрим мақолалар борлигини ҳам инкор қилиб бўлмайди. Баъзи муаммолар устида бошланган мунозаралар газетанинг ўнлаб сонларида давом эттирилган.

Хулоса қилиб айтганда, Бухорода матбуотчилик тарихи “Бухорои шариф” ва “Турон” газеталарининг чоп этилиши билан бошланди. Шунингдек, Бухоро тараққийпарварларининг 1918-1920 йилларда муҳожирликда чоп этган журнал ва газеталари даврий матбуот нашрларининг давомийлигини таъминлашдаги уриниш бўлганди. БХСР ҳукуматининг ўрнатилиши билан даврий матбуотчилик ҳаракатининг янги саҳифаси очилди.

“Бухоро ахбори” ва “Озод Бухоро” газеталари ўзбек тилидаги матбуот нашрлари бўлиб, улар ҳар ойда камида 4-6 марта чоп этилган. Газеталарнинг нашр сони йилдан-йилга ўсиб борган¹⁰². “Бухоро ахбори”да Саид Аҳрорий, Абдулхамид Чўлпон, Зиё Усманий, Остонкул Абдулқийёмов, Қори Йўлдош Пўлатов бош муҳаррир бўлиб фаолият юритган бўлсалар, “Озод Бухоро” газетасида эса Қосим Сорокин, Аббос Алиев каби масъул муҳаррирлар ҳамда иккала газетада 90 нафардан ортиқ мухбирлар ва муаллифлар ўз мақолалари билан қатнашганлар. Газеталарнинг сифати, сони, маънавий-маърифий жиҳатдан таъсирчан кучи, ўз даврида кечган жараёнларни ҳолисона баён қилиниши, айниқса, Саид Аҳрорий, Абдулхамид Чўлпон, Қори Йўлдош Пўлатовларнинг “Бухоро ахбори”да муҳаррирлик қилган йилларида

¹⁰² “Бухоро ахбори” газетаси 1920 йил (сентябр-декабр)да 15 та сон, 1921 йил давомида 44 та сон, 1922 йил 63 та сон, 1923 йил 89 та сон, “Озод Бухоро” газетаси эса 1923 йил (октябр-декабр) 33 та сон, 1924 йил давомида эса 165 та сони нашрдан чиққан.

юксалган ҳамда ўзининг шакли, моҳияти, мазмуни, уни чоп этишдан кўзланган мақсад ва вазифаларига кўра зарурий жанговор матбуот даражасига кўтарила олди. Газета чоп этилган 3 йилдан ортиқ даврда аҳоли турмушининг турли жабҳаларида рўй бериб турган воқеаларга ҳозиржавоблик билан ўз муносабатини билдирди, жамиятдаги иллатларни очиб ташлайдиган танқид руҳида ёзилган мақолаларни чоп этилиши билан ўзига хос ўрин тутди.

1923 йил октябр ойи ўрталарига келиб “Озод Бухоро” номи остида янги газета чоп этилди. Мазкур газетанинг шакли ва мазмунида ўзгаришлар рўй берганлигини алоҳида қайд қилиш керак. Масаланинг яна бир жиҳати шундаки, “Озод Бухоро” газетасининг 1924 йил декабрига қадар бўлган даври ўрганилди, Холбуки, “Озод Бухоро” газетаси 1930 йил октябр ойига қадар чоп этилган. Газетанинг кейинги 6 йиллик фаолияти монографик тадқиқотимиз хронологик доирасига кирмаганлиги сабабли шундай йўл тутилди.

“Бухоро ахбори” ва “Озод Бухоро” газеталарини қиёсий таҳлил қилганда қуйидаги ҳолатлар аниқланди. Агар “Бухоро ахбори” газетаси БХСР Марказий Ижроия Қўмитаси органи сифатида Эски Бухоро (ҳозирги Бухоро) шаҳрида чоп этилган бўлса, “Озод Бухоро” газетаси эса Бухоро Коммунистлар фирқасининг Марказий Қўмитаси, БХСР Марказий Ижроия Қўмитаси, Марказий касабалар шўроси кабиларнинг нашрига айлантирилиб, газетанинг 1924 йил январ ойи сонларидан бошлаб таҳририят манзили Янги Бухоро (Когон) шаҳри, Қарши кўчаси, 13-уйда деб қайд этилади. Иккинчидан, “Бухоро ахбори” саҳифаларида миллий зиёлилар ва тараққийпарварларнинг фикри ҳамда қарашлари тарғиботига катта ўрин берилганди. “Озод Бухоро” газетасида эса жамиятдаги советлаштириш (1923 йил июн ойидан бошлаб) билан боғлиқ сиёсатнинг таъсири акс эттирилди. “Озод Бухоро” газетасида большевикча мафкуравий таъсир кучли бўлган. Учинчидан, “Озод Бухоро” газетаси БХСРда кечаётган йирик ижтимоий-иқтисодий, сиёсий муаммолар ва уларнинг ечимлари тўғрисида мақола ва хабарлар босиш ўрнига кундалик ҳаётда учрайдиган кичик ижтимоий муаммоларга кенг ўрин берган.

Хуллас, “Бухоро ахбори” ва “Озод Бухоро” газеталари XX асрнинг 20-йилларидаги ўзбек миллий матбуотчилиги тарихида ўзига хос ўрин ва мавқега эга бўлиш билан бирга тарихий манба бўла олиши жиҳатидан ҳам аҳамиятлидир.

Адабиётлар:

- 1.Амир Саййид Олимхон. Бухоро халқининг ҳасрати тарихи /Форсийдан Ирисов А. таржимаси. -Т.: Фан, 1991.-32 б.
2. Генис В. Разгром Бухарского эмирата в 1920 году //Вопросы истории. 1993. -№ 7. -С. 39-53.
3. Генис В. “С Бухарой надо кончать...” К истории бутафорских революций. -М.: Центр стратегических и политических исследований, МНПИ, 2001. -96 с.
- 4.Наимов Н. Мен яшашни истайман (роман-хроника). -Бухоро, “Бухоро” нашриёти, 1994. -326 б.
- 5.Ражабов Қ. Бухоро ва Хоразм Халқ Республикалари: давлатчиликнинг демократик шакли /Ўзбекистон давлатчилиги тарихи очерклари. -Т.: Шарқ, 2001. -Б.185-202.
6. Ражабов Қ. Бухорога қизил армия босқини ва унга қарши кураш. -Т.: Маънавият, 2002. -144 б.
7. Ражабов Қ. Бухоро Халқ Совет Республикаси /ЎзМЭ. 2-жилд. -Т., 2001. -Б.299-302.
- 8.Ражабов Қ. Файзулла Хўжаев (тарихий эссе). –Т.: “ABU MATBUOT-KONSALT” нашриёти, 2011. -48 б. –(Тарих ва тақдир).
9. Рашидов У. Бухоро инқилоби: у қандай бўлган эди? //Бухоро ҳақиқати. 1995 йил 23 август.
10. Рашидов У. Бухоро Республикасида қаршилик ҳаракатининг биринчи босқичи (1920-1922 йй.) /Бухоро тарихи масалалари (мақолалар тўплами). – Бухоро, 1996. -Б.95-123.
11. Рашидов У. Бухоро Халқ Республикаси. -Бухоро: Бухоро, 2003. -99 б.
- 12.Раҳмонов К. БХСР тарихи матбуот саҳифаларида. -Т.: ABU MATBUOT-KONSALT, 2012.
- 13.Қосимов Ф. Бухорода миллий демократик ҳаракатнинг ўзига хос хусусиятлари /Марказий Осиё XX аср бошларида: ислохотлар, янгиланиш ва тараққиёт учун кураш. -Т. , 2001. -Б.115-118.
- 14.Ҳайитов Ш., Бадриддинов С., Раҳмонов К. Бухоро Халқ Совет Республикаси: иқтисодиёт, ижтимоий сиёсат, маданий ҳаёт. – Бухоро: Бухоро, 2005. - 154 б.
15. Ҳайитов Ш. Ўзбек муҳожирлиги тарихи (1917–1991 йиллар). -Т.: ABU MATBUOT-KONSALT, 2008. – 207 б.

БХСР матбуоти саҳифаларида иқтисодиёт соҳалари ва ижтимоий муаммолар талқини

Режа:

1. “Бухоро ахбори” ва “Озод Бухоро” газеталари саҳифаларида иқтисодий аҳвол
2. Газеталарда БХСРдаги ижтимоий муаммоларнинг ёритилиши
3. БХСР давлат бошқаруви ва ҳарбий масалаларнинг газеталарда талқин этилиши

“Бухоро ахбори” ва “Озод Бухоро” газеталари БХСРдаги иқтисодий жараёнлар ва ўзгаришлар, унинг янгича тарихий шароитдаги ҳуқуқий асослари ҳақида маълумотлар берувчи муҳим манбадир. БХСР аграр мамлакат бўлиб, аҳолининг асосий қисми қишлоқ хўжалиги билан машғул бўлган. Газеталарнинг 1920-1921 йиллардаги ўнлаб сонларида чоп этилган мақолалар ва хабарлар орқали аввало, аграр муносабатларни йўлга қўйишда махсус зироат ишлари кенгаши ташкил этилганлиги, унинг вазифалари ҳамда мутасадди вакиллари тўғрисида маълумотга эга бўлинади. БХСР ҳукумати таркибида зироат (қишлоқ хўжалик) ишлари нозирлиги ташкил этилиб, Мирзо Абдулраҳим Юзуфзода (1880-1937) ушбу нозирликни 1920 йилнинг кузидан 1921 йил январига қадар бошқарди. Ундан сўнг Порсо Хўжа (1868-1937) ва Сафо Жўрабоевлар ушбу масъул вазифада фаолият юритишган.

Аграр муносабатларни тартибга солиш, деҳқонларга ерларни бўлиб бериш масаласида ҳукумат томонидан 1920 йилнинг кузида ва 1921 йил давомида бир қатор қонун, қарор, фармон, буйруқлар чиқарилган¹⁰³. Ер тўғрисидаги қонун (декрет) лойиҳаси дастлаб Бухоро Компартияси МК мажлисида (1920 йил 20 сентябр), сўнгра БХСР Инқилобий қўмитаси (Марказий ревком) мажлисида (1920 йил 24 сентябр) муҳокама қилинган. Ушбу қонун аграр соҳадаги дастлабки ҳужжат бўлиб, унда БХСР иқтисодий сиёсатининг ташкилий асослари кўрсатилган¹⁰⁴. Зироат назоратининг ер шўъбаси томонидан Бухоро атрофларидаги амир амалдорларига тегишли бўлган 4000 таноб ер мусодара қилиниб, 50-60 танобдан ерсиз деҳқонларга бўлиб берилганлиги, Бухоро туманларида 1000 таноб ер рўйхатга олиниб,

¹⁰³ Бухоро Шўролар Жумҳурияси Марказий Инқилобий қўмитасининг 6-рақамли буйруғи //Бухоро ахбори. 8-сон. 1920 йил 21 ноябр; Бухоро Шўролар Жумҳурияси Халқ Нозирлар Шўроси тарафидан номер 18-буйруқ //Бухоро ахбори. 9-сон. 1920 йил 26 ноябр; Бухоро вилоят ер-сув шўъбаси тарафидан 3-буйруқ //Бухоро ахбори. 38-сон. 1921 йил 28 май.

¹⁰⁴ Ражабов Қ. Бухоро Халқ Республикаси: монархиядан демократия сари дастлабки қадамлар (1920-1924 йиллар) Ўзбекистон тарихининг долзарб муаммоларига янги чизгилар //Даврий тўплам. № 2.-Т.: Шарқ, 1999. -Б.153.

ишчи ҳайвонлар ва асбоблари билан ерсиз, кам ерли деҳқонларга тақсимланганлиги¹⁰⁵, 1921 ёзида зироат назоратига 96 миллион сўм маблағ ажратилганлиги¹⁰⁶ билан боғлиқ рақамлар қайд қилинади.

БХСРда қишлоқ хўжалик ривожини сунъий суғоришсиз тасаввур қилиш қийин. Ҳукумат бу масалада юритган сиёсат ва тадбирлар ҳам газеталарда баён қилинган. Маълумки, БХСР ҳудудидаги экин экиладиган ерлар асосан Зарафшон дарёси суви билан суғорилган. Газета материалларида ўлкани сув билан таъминлаш муаммоси бир неча бор Туркистон АССР ва БХСР ўртасида муҳокама қилинганлиги, масалани ижобий ҳал қилиш учун иккала республика ҳукумати аъзоларидан иборат “3 кишилик”, “5 кишилик” комиссия ҳайъатлари тузилганлиги¹⁰⁷ ҳақида маълумотга эга бўлинади. Хабарлардан бирида: “1921 йил шартномасида Самарқандга қарашли 72.885 десятина ер Зарафшондан суғорилмайди, кейин текшириш натижасида англашилганким, ул ерлар Зарафшон суви билан суғорилаётган экан”¹⁰⁸, - деб ёзилади. Ниҳоят, Самарқанд ва Каттакўрғон шаҳарларида икки республика ўртасида олиб борилган музокаралардан сўнг, Нарпайдарё устидан назорат БХСР қўлига ўтади.

Матбуот манбалари маълумотича, БХСР ҳукумати мавжуд бўлган йилларда ҳам Россия империяси мустамлакачилиги давридаги Зарафшон дарёси сувининг 3/1 қисмини Бухорога берилиши билан боғлиқ шартнома ўз кучида қолган. Бу эса БХСР ҳудудини сув билан таъминлаш ҳамда янги ерларни ўзлаштириб, деҳқончилик маҳсулотлари миқдорини ошириш имкониятини чегаралаган. Шунинг учун 1923-1924 йиллардаги газета мақолаларида Амударё сувини БХСР ерларига йўналтириш, сув иншоотлари барпо этиш билан боғлиқ маълумотлар кўп баён қилинган¹⁰⁹. Газетанинг 1924 йил 2 апрел 70-сонида “Бухорода зиёд сув йўқ” номли мақола берилиб, унда сув хўжалиги соҳасига малакали мутахассисларни жалб қилиш, чиғир ўрнига машиналар ёрдамида Амударё сувини юқорига кўтариб бериш, Амударёдан

¹⁰⁵ Ер тақсими //Бухоро ахбори. 20-сон. 1921 йил 18 январ.

¹⁰⁶ Катта бепарволик //Бухоро ахбори. 56-сон. 1921 йил 26 ноябр.

¹⁰⁷ Сув масаласи //Бухоро ахбори. 42-сон. 1921 йил 3 июль.

¹⁰⁸ Ўша жойда.

¹⁰⁹ Суғориш йўллари //Озод Бухоро. 43-сон. 1924 йил 2 феврал; Хўжалик ишларимиз: Суғориш ишларида хусусий ширкат. Амударёдан машина билан сув чиқариш //Озод Бухоро. 8-сон. 1924 йил 29 март; Суғориш ишларимиз: Янги усулга кўчайлик. Суғориш ишларида янгилик. Бухорода зиёд сув йўқ //Озод Бухоро. 70-сон. 1924 йил 2 апрел; Нарпай ариғи ҳамда «қозоқ банд» //Озод Бухоро. 84-сон. 1924 йил 27 апрел; Суғориш ишларимиз: Ер ва сув шўъбалари ҳақида лойиҳа. Сувларни текшириш. Мусулмонлардан мутахассислар. Шўролар Иттифокидан қарзга пул сўраладур //Озод Бухоро. 113-сон. 1924 йил 10 июл; Сув учун кураш бошламоқ керак! //Озод Бухоро. 153-сон. 1924 йил 17 октябр; Суғориш ишларимиз ҳақида бир таклиф //Озод Бухоро. 155-сон. 1924 йил 22 октябр; Сув жанжалини битириш йўлида //Озод Бухоро. 159-сон. 1924 йил 3 ноябр;

ариқ ва каналлар чиқариш ишини жонлантириш масалалари устида фикр юритилган¹¹⁰.

“Бухоро ахбори” ва “Озод Бухоро” газеталаридаги “сув муаммоси” билан боғлиқ мақола, хабарлар, ҳукумат қарорлари таҳлил қилинар экан, республиканинг дастлабки йилларида бу масалага эътибор кучли бўлиб, 1921-1922 йилларда эса бу ҳақда маълумотлар камроқ келтирилганлиги мамлакатдаги сиёсий ва ҳарбий вазият билан боғлиқдир.

БХСР ҳукумати даврида қизил армияга қарши кураш туфайли ирригация иншоотлари ишдан чиқди ёки бузиб ташланди. Ариқ ва каналларни лойқа ва чим босиб, яроқсиз ҳолга келиб қолди. Ҳосилдор ерлар ташландиқ жойларга айланди. Шунинг учун республикада қишлоқ хўжалигининг муҳим тармоғи бўлган пахтачилик соҳаси ҳам инқирозли ҳолатга тушган эди. Бу ҳолат даврий матбуотда чоп этилган. 1921 йилда пахта майдонлари амир даврига нисбатан 30 000 танобга камайганлиги, 1893 йилдан 1917 йилга қадар Бухорода пахта экиладиган ерлар майдони 300 000 танобгача бўлиб, ундан олинадиган даромад 25 млн. олтин сўмни ташкил этганлиги¹¹¹ маълумотини “Бухоро ахбори”нинг саҳифаларида ўқиш мумкин.

Газета материаллари ўрганилганида, пахта ҳосилининг кескин камайганлиги омиллари сифатида нафақат сунъий суғориш иншоотлари қаровсиз ва яроқсиз бўлиб қолганлиги, балки Бухоро деҳқонлари фойдаланган меҳнат қурулларининг оддий курак ва кетмондан иборатлиги, етиштирилган ҳосил ўз вақтида сотилмаганлиги, пахта уруғи ва бошқа ҳаражатлар учун деҳқонларга ёрдам пули ўз вақтида берилмаётганлиги кабилардан келиб чиққанлиги қайд қилинади¹¹². Товар-пул муносабатларининг инқирози туфайли пахта маҳсулотини бартер усулида сотиш деҳқонларни хонавайрон қилди. Чунки саноат маҳсулотлари қиммат ва тақчил бўлган.

Газеталардаги “Хитобнома: Пахта ва ғўза экинини таъриф қилдирмоқ хусусинда”, “Пахта мавсуми”, “Бухорода пахтачилик ишини кўтармоқ учун чиқарилган қарор-хитобнома - 21”, “Бутун куч - иқтисодий аҳволимизни кўтариш майдониға”, “Пахтани қазодан сақлаш масаласи”, “Бухоро Жумҳуриятидан пахта чиқариш ҳақида”, “Ќўза савдоси очикдур”,

¹¹⁰ Бухорода зиёд сув йўқ //Озод Бухоро. 70-сон. 1924 йил 2 апрел.

¹¹¹ “Деҳқон”. Жумҳуриятнинг қишлоқ хўжалиги //Бухоро ахбори. 108-сон. 1922 йил 5 ноябр.

¹¹² Бухоро Жумҳурияти учун ер суратурган машиналар //Бухоро ахбори. 132-сон. 1923 йил 10 март; Пахта экувчи деҳқонларға ёрдам //Бухоро ахбори. 138-сон. 1923 йил 3 март; Туркман деҳқонлариға ёрдам //Бухоро ахбори. 166-сон. 1923 йил 5 май; Пахта мавсумиға ҳозирлик //Бухоро ахбори. 203-сон. 1923 йил 19 сентябрь; Бухоро деҳқонлариға қарз бериш //Озод Бухоро. 1-сон. 1923 йил 16 октябрь; Деҳқонлар учун //Озод Бухоро. 9-сон. 1923 йил 8 ноябрь. Бўғдой нархини пасайиб туриши //Озод Бухоро. 12-сон. 1923 йил 17 ноябрь.

“Даллоллар ёрдамидан фойдаланиш масаласи”, “Пахта мавсумиға ҳозирлик”, “Бухоро деҳқонлариға қарз бериш”, “Бўнак масаласи”, “Бўнак бермакни маън қилмоқ хусусинда”¹¹³ каби мақолалар республикада пахтачиликни ривожлантириш иқтисодий тиклашнинг муҳим омили бўлганлигидан далолат беради. Архив ҳужжатларидан бирида маълумот берилишича, 1923 йил ёзида Ўрта Осиё қишлоқ хўжалик банкининг Бухоро бўлими очилди. У Бухорода пахтачиликни ривожлантириш учун кредит ширкатлари ташкил этишга қарор қилди. 1923 йил бундай ширкатлардан 7 таси тузилди.

1924 йил 1 июлга келиб БХСРда қишлоқ хўжалиги кредит ширкатларининг сони 64 тага етди¹¹⁴, уларга 9688 киши аъзо бўлди¹¹⁵.

Пахта экувчи деҳқонларга имтиёзлар бериш, пахтанинг янги америка навини кўпроқ етиштириш, пахта банклари очиш, деҳқонларни кооператив ташкилотлар атрофида бирлаштириш, пахта ширкатларини тузиш ва кенгайтириш масалаларининг 1924 йил “Озод Бухоро” саҳифаларида кенг миқёсда берилиши БХСРнинг иқтисодий жиҳатдан хом ашё етказиб берувчи мамлакатга айланиб бораётганлигини англатади¹¹⁶.

Республикада америка навли пахта экиш афзаллиги бир қатор мақолаларда қайд қилинган¹¹⁷. “Азалдан ғўза экиб келар эдик, ғўза амриқони пахтага нисбатан кам фойда берар экан. 1 таноб ерға ғўза экилғонда 20 пуд беради. Бунинг пудини 2,5 сўмдан сотғонда 50 сўм бўладур. 1 таноб ерға экилғон амриқони уруғ 15 пуд пахта бериб, пудини 5 сўм сотғонда 75 сўм бўладур”¹¹⁸.

1924 йилда республика вилоятларида пахта экиладиган майдонлар нисбати (таноб ҳисобида) газетанинг “Бу йил бизда пахтачилик ишлари” номли сарлавҳа остидаги мақолада аниқ келтирилган¹¹⁹.

4-жадвал.

¹¹³ Бухоро ахбори. 10-сон. 1920 йил 29 ноябр; 35-сон. 1921 йил 10 май; 141-сон. 1923 йил 10 март; 145-сон. 1923 йил 20 март; 163-сон. 1923 йил 28 апрел; 211-сон. 1923 йил 7 октябр; 199-сон. 1923 йил 9 сентябр; Озод Бухоро. 1-сон. 1923 йил 16 октябр; 4-сон. 1923 йил 25 октябр; 8-сон. 1923 йил 6 октябр.

¹¹⁴ Ўзбекистон МДА, 48-фонд, 1-рўйхат, 292-иш, 43-варақ.

¹¹⁵ Ўзбекистон МДА, 48-фонд, 1-рўйхат, 274-иш, 131-варақ.

¹¹⁶ Пахтакор деҳқонларга енгиллик //Озод Бухоро. 43-сон. 1924 йил 2 феврал; Деҳқонларға 500 минг сўм олтин қарз //Озод Бухоро. 43-сон. 1924 йил 2 феврал; Пахта нархи қатъийдур //Озод Бухоро. 50-сон. 1924 йил 16 феврал; Пахтачиликни кўтариш плани //Озод Бухоро. 43-сон. 1924 йил 82 апрел; 20 вагон пахта чуритилган //Озод Бухоро. 108-сон. 1924 йил 2 июл; Пахтачилик: Вобканд туманида; Ширин қишлоқ тарафда; Кумушкент районида //Озод Бухоро. 114-сон. 1924 йил 17 июл; Вобканд пахта саройида ёнғин //Озод Бухоро. 162-сон. 1924 йил 12 ноябр;

¹¹⁷ Ғўза ҳамда амриқони пахта //Озод Бухоро. 43-сон. 1924 йил 2 феврал; Қанча амриқони пахта ҳосили олинғон? //Озод Бухоро. 48-сон. 1924 йил 13 феврал; Амриқони пахта: Амриқони пахтанинг фойдаси кўпроқ; Амриқони тухум етиштириш йўлида //Озод Бухоро. 70-сон. 1924 йил 2 апрел;

¹¹⁸ Қанча амриқони пахта ҳосили олинғон? //Озод Бухоро. 48-сон. 1924 йил 13 феврал.

¹¹⁹ Бу йил бизда пахтачилик ишлари //Озод Бухоро. 75-сон. 1924 йил 12 апрел;

БХСРда пахтачилик ҳолати

Т р.	БХСРнинг пахта экиладиган худудлари (айрим худудлар мисолида)	Маҳаллий ғўза экиладиган майдонлар (таноб ҳисобида)	Америка навли пахта экиладиган майдонлар (таноб ҳисобида)	Изоҳ
1.	Зирабулоқ	4500	10. 000	Ғўза майдонлари 160.000 таноб ¹²⁰ (60%), америка пахтаси 50-60.000 таноб (40%) ерга экилган.
2.	Кармина	8000	6000	
3.	Қизилтепа	60. 000	4000	
4.	Бухоро	50. 000	10. 000	
5.	Қорақўл	20. 000	1000	
6.	Чоржўй	16. 000	13. 000	
7.	Карки	—	2000	

Манбалар маълумотича, ҳукумат қанча тиришмасин издан чиққан пахтачилик соҳасини ўзи тузган истиқболли режалар ва лойиҳалар асосида тиклай олмаган. Мамлакатда пахта ҳосили Биринчи жаҳон урушидан олдинги даражага кўтарила олмайди. 1923 йил кузига келиб экин экиладиган ерларнинг 80 фоизига уруғ қадалган ва ҳосилдорлик даражаси ҳам паст бўлган.

Газеталарнинг маълумотича, БХСР хўжалигида пахтачилик соҳасидан кейин ғаллачилик тармоғи муҳим ўрин тутганлиги англашилади¹²¹. Бироқ республика аҳолисини ўзи етиштирган ғалла билан таъминлай олмаган. Бу ҳақда “Бухоро ахбори” газетасида ёзилишича: “Бухоро ҳукумати томонидан турли жойлардан олингон буғдой (200.000 пуд) Бухорога келмакда. 44 вагон Петерскийдан, 21 вагон Оренбург ва Орскдан Бухорога узатилиб, ҳозирда 6

¹²⁰ Таноб - ер ўлчови бирлиги бўлиб, 200-250 кв.м. ер майдони.

¹²¹ Бухорога буғдой келадур //Бухоро ахбори. 129-сон. 1923 йил 29 январ; Ғалла олмоқ тўхтатиладур //Бухоро ахбори. 115-сон. 1923 йил 5 феврал; Бухоро ғалла сотиш комиссияси тарафидан //Озод Бухоро. 115-сон. 1924 йил 20 июл; Ғалла ва ун //Озод Бухоро. 116-сон. 1924 йил 23 июл; 100 минг пуд ун келадур //Озод Бухоро. 126-сон. 1924 йил 13 август.

вагон етиб келгон”¹²²; “Волга-нақлиёт” ширкати воситаси билан Красноводскка 2 пароход буғдой келгон. Шундан 680.180 пуди Бухороға юборилгон”¹²³; “Савдо-саноат назоратининг ташаббуси билан яқин кунларда Туркистон Жумхуриятидан Бухороға 100.000 пуд ҳар турли ун келиши кутиладур”¹²⁴. Демак, маълумотлардан аниқ бўладики, пахта хом ашёси эвазига четдан (асосан РСФСР) буғдой келтирилиши бошланган.

Қишлоқ хўжалигининг муҳим тармоқларидан бири - чорвачилик бўлиб, унинг қорақўлчилик тармоғи ҳақида газеталарда кўплаб мақолалар учрайди. Чорвачиликнинг ҳолати ҳам республика йилларида амирлик даври даражасига кўтарилмаганлиги мақола ва хабарлардан аён бўлади. Масалан, “1890 йилда бутун мамлакатда турли насл қўй ҳамда эчкилар 800.000 адад бўлса, 1916 йилда 2,5 млн.га қадар ошгондур. Бугун (1923 йил) қўй ва эчкилар сони 500.000 дан ортиқ эмасдур, яъни 1916 йилга нисбатан 5 баробар камайиб кетгон”¹²⁵, - деб ёзилади “Бухоро ахбори”да. “Озод Бухоро”нинг 7-сонигаги “Бухорода қорақўлчилик иши” мақоласидан эса: “20-асрнинг бошларидан 1913 йилга қадар амирликда ҳар йили 1.500.000-2.000.000 донагача қорақўл тери етиштирилгон. 1920 йилга келиб, бу рақам 200.000 донага тушиб қолгон. Фақатгина 1922 йилда бу соҳада бироз жонланиш бўлиб, 800.000 дона қорақўл терилар етиштирилгон”¹²⁶, - тарзидаги маълумотларни ўқиш мумкин.

Мазкур мақола ва хабарлар билан танишилар экан, қорақўлчилик инқирозига сабаб, қўйлар сонининг камайиши, ички урушлар туфайли қорақўл териларининг хорижга чиқариш кескин қисқариши, уларга давлат томонидан юқори бож белгиланиши омилларидан воқиф бўлинади¹²⁷. 1920-1922 йилларда қорақўл териси етиштиришдан даромад олмаган туркманлар оддий қўйлардек уларни сўйиб йўқотганлиги, хусусий тадбиркорлар эса ўз молларини Афғонистон орқали Англия бозорларига яширин равишда чиқарганликлари билан боғлиқ қимматли маълумотлар келтирилади.

“Бухоро ахбори” ва “Озод Бухоро” газеталарининг бир қатор сонларидаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари нархи билан боғлиқ

¹²² Бухороға буғдой келаду //Бухоро ахбори. 129-сон. 1923 йил 29 январ.

¹²³ Буғдой келаду //Бухоро ахбори. 131-сон. 1923 йил 5 феврал.

¹²⁴ 100 минг пуд ун келаду //Озод Бухоро. 126-сон. 1924 йил 13 август.

¹²⁵ “Дехқон”. Жумхуриятнинг қишлоқ хўжалиги //Бухоро ахбори. 108-сон. 1921 йил 5 ноябр.

¹²⁶ Бухорода қорақўлчилик иши //Озод Бухоро. 7-сон. 1923 йил 1 ноябр.

¹²⁷ Бухоро ахбори. 108-сон. 1922 йил 5 ноябр; 127-сон. 1923 йил 18 январ; 132-сон. 1923 йил 8 феврал.

маълумотлар орқали аҳолининг турмуш даражаси пасайиб, нарх-наволар ошиб кетганлигидан хабардор бўлинади ¹²⁸.

Қишлоқ хўжалигининг ипакчилик, сабзавотчилик, боғдорчилик, полизчилик каби соҳалари ҳам кўзланган натижаларни бермаганлиги газеталардаги маълумотларда очиб берилган ¹²⁹.

БХСР иқтисодиётида муҳим ўрин тутган вақф мулкларига муносабат масаласи ҳам газеталардаги мақола ва хабарларда бериб борилган. Бу масала янгича тарихий шароитда алоҳида лойиҳага талаб ва эҳтиёжни вужудга келтирди. Мазкур лойиҳа Абдурауф Фитрат томонидан 1922 йилнинг июн ойида ишлаб чиқилган бўлиб, у 19 моддадан иборат. Фитратнинг “Вақф ишлари ҳақидаги лойиҳа”си “Бухоро ахбори” газетасида тўлалигича босилган. ¹³⁰ Лойиҳа вақф мулкларини ҳукумат солиғидан озод этиб, улардан фақатгина ушр солиғи олишни сақлаш, вақф идорасини 5 та шўъбага бўлиш (диния, илмия, молия, ижара, хўжалик), асосий вақф даромадларини 6 қисмга тақсимлаш (масҷид ва масҷид ишлари, мактаб ва кутубхона, маҳкама, ошхона, авлодий, Макка ва Мадина вақфлари), мутаваллилар фаолиятини назорат қилиш, вақф мудирияти хазинасини вужудга келтириш кабиларни ўзида мужассамлаштирган.

Газета маълумотларига қараганда, Бухоро, Қарши, Чоржўй, Кармана вилоятларида вақф идорасига қарашли 276.737 таноб ерлар борлиги, бундан бошқа вақф идораси қарамоғида 57 та сарой, 10 та ҳаммом, 23 та тегирмон, 24 та бозор жойи, биргина Бухоро шаҳрида 1769 дўкон ҳамда 262 та ҳовли борлиги, 1923 йил вақф мулкларидан 4. 128. 871 танга ҳамда 12. 212 ботмон бўғдой олинганлиги қайд этилади ¹³¹.

Вақф масаласини ҳал қилиш учун республика тарихида биринчи марта 1923 йил октябр ойида Бутун Бухоро вақф қурултойи чақирилади. Қурултой ишида ҳукумат раҳбарларидан Файзулла Хўжаев, Порсо Хўжа, Абдулла Раҳимбоевлар иштирок қилганлар. Қурултой кун тартибига 6 та асосий, 4 та кўшимча, жами 10 та масала қўйилди. Қурултой фаолияти, унда тингланган маърузалар, қабул қилинган қарорлар “Бухоро ахбори” ва “Озод Бухоро” газеталарида батафсил баён қилинган ¹³². Вақф идораси мудирининг

¹²⁸ 6- жадвал “Бухоро ахбори”нинг 8-сон (1920 йил 11 октябрь), 57-сон (1921 йил 1 декабрь), 127-сон (1923 йил 18 январ) нашрлари асосида тузилди.

¹²⁹ Ипак ширкати ҳақида //Озод Бухоро. 43-сон. 1924 йил 2 феврал; Бухоро учун ипак тухуми //Озод Бухоро. 43-сон. 1924 йил 2 феврал; Ипакчиликни кўтариш йўлинда //Озод Бухоро. 114-сон. 1924 йил 17 июл.

¹³⁰ Бухоро ахбори. 88-сон. 1922 йил 29 июн.

¹³¹ Бухоро ахбори. 204-сон. 1923 йил 21 сентябр.

¹³² Бухоро ахбори. 212-сон. 1923 йил 10 октябрь; Озод Бухоро. 1-сон. 1923 йил 16 октябрь.

хисоботида Бухородаги вақфлардек кўп даромадли вақфлар ҳеч бир мамлакатда бўлмаганлиги қайд қилинади.

Вақф ерлари ва вақфкор деҳқонлар масаласи билан боғлиқ мақолаларда ёзилишича, ерларнинг 70-80 фоизи экилмай қолганлиги, ижарадорларнинг яширин солиқ талаб қилаётганлиги, ҳосилнинг бир қисмини эски хўжайинларига хуфиёна етказилаётганлиги каби камчиликлар очиб ташланади¹³³.

БХСР ҳукумати маҳаллий хунармандчиликни йўлга қўйиш юзасидан республиканинг биринчи йилидаёқ махсус буйруқлар қабул қилган. 1920 йил 17 октябрдаги 22-рақамли буйруқда: “Мамлакатда фабрикалар йўқлиги учун фуқароларни кийим-бош билан таъминлаш мақсадинда пахта ипларини маҳаллий хунарманд тўқимачиларга бериб, кийим тиктириш чораларини кўриш қайд қилинғон”¹³⁴. Ундан олдинги 1 октябр буйруғида кийим-бош ва ҳарбий асбоблар тайёрлаш корхоналарини очиш савдо-саноат назорати зиммасига юклатилган¹³⁵. Демак, ҳукумат касабачиликни сақлаб қолишдан манфаатдор бўлган.

Республикада тери ва тери бўйаш заводлари, совун заводи, ипакчилик корхоналари ҳамда ёғ-мой ва пахта заводлари қуриш, эскириб қолган корхоналарни таъмирлаш билан боғлиқ чоралар кўриш “Бухоро ахбори” газетасининг “Иқтисодий ишлар” рукнидаги ўнлаб хабарларда қайд қилинади¹³⁶. БХСРда миллий саноат асосларини яратиш учун бўлган уринишлар муваффақиятсиз чиққанлиги матбуот назаридан четда қолмаган. Матбуотда БХСР ҳудудида бинолар, иморатлар, завод ва фабрикалар, электр станцияси бино қилиш мақсадида 1-Бухоро саноат ширкати барпо этилаётганлиги қайд қилинади¹³⁷.

Пахтачилик саноати билан боғлиқ маълумотлар газеталарда кўп учрайди. Хабарларда: “Чоржўйдаги пахта заводи ҳар 24 соатда 2 вагонга қадар ғўза ва пахтани тозаламакда, пахта хом ашёси етишмаяпти. Карманадаги пахта заводи таъмироти 1923 йил 12 февралда якунланадур”¹³⁸; “Янги Бухорода тўхтаб қолғон пахта заводларини ишга тушириш учун

¹³³ Тўртинчи курултойда вақф масаласи //Озод Бухоро. 7-сон. 1923 йил 1 ноябр.

¹³⁴ Бухоро ахбори. 8-сон. 1920 йил 21 ноябр.

¹³⁵ Ўша жойда.

¹³⁶ Иқтисодий ишлар: Савдо-саноат тараққийси //Бухоро ахбори. 12-сон. 1920 йил 3 декабр; Тери ва тери бўйаш заводлари. Совун заводи //Бухоро ахбори. 47-сон. 1921 йил 14 август; Пахта заводлари йўлга қойилур //Бухоро ахбори. 166-сон. 1923 йил 5 май; Пахта заводлари йўлга қойилмакда //Бухоро ахбори. 170-сон. 1923 йил 15 май;

¹³⁷ 1-Бухоро саноат ширкати //Бухоро ахбори. 66-сон. 1922 йил 19 январ.

¹³⁸ Мурожаат қабул этилмаган //Бухоро ахбори. 132-сон. 1923 йил 8 феврал.

махсус мутахассислар юборилгон”¹³⁹; “Пахта тозалайтургон заводлар Бухоро шахрида баҳор фаслининг охирига қадар ишга тушадур”¹⁴⁰, - деган турли-туман маълумотлар келтирилади.

Транспорт воситаларини мамлакат вилоятлари бўйлаб эркин ҳаракат қилиши учун йўлларга тош ётқизиш, дарё ва каналлар устида кўприклар қуриш масалаларига ҳам махсус эътибор берилган. “Бухоро ахбори”нинг 1922 йилги сонларида йўл иншоотлари қуриб, уларни тартибга келтириш билан боғлиқ талайгина хабарлар чоп этилган. Уларда ароба ва фойтунлар юрадиган йўлларни тузатиш, йўл бўйларида сув сақлайдиган қудуқлар қозиш, кўприклар қуриш масалалари алоҳида таъкидланади¹⁴¹.

БХСР мавжуд бўлган даврда собиқ Бухоро амирлигини Россия империяси билан боғлаган темир йўл транспорти фаолияти давом эттирилган, Бухоро темир йўлининг Чоржўй-Зирабулоқ, Когон-Термиз йўналишлари ва темир йўл станцияларини таъмирлаш, почта, телеграф, темир йўл фаолиятини узлуксиз йўлга қўйишга ҳам алоҳида эътибор берилган.¹⁴² Газета материаллари билан танишилар экан, темир йўл излари 1921-1922 йиллардаги ҳарбий ҳаракатлар туфайли бузилганлиги, вилоятлар ўртасида муттасил транспорт қатновини йўлга қўйиш имконияти мавжуд эмаслиги каби кўпгина омиллар иқтисодиёт ривожига салбий таъсир кўрсатганлиги матбуотда ойдинлашади.

1923-1924 йилларда республика вилоят ва туманларини пойтахт Бухоро билан боғлаш мақсадида туманлараро ички темир йўллар қуриш ва ишга тушириш билан боғлиқ вазифалар кун тартибига қўйилган. 1923 йилнинг кузида Бухоро-Вобкент-Ғиждувон темир йўлини қуриш масаласи кўтарилган¹⁴³. Ғиждувон, Вобкентдан ташқари Қоракўл туманларини марказ билан боғлашга ҳаракат қилинган¹⁴⁴. Бу тадбирлар саноат корхоналарини хом ашё етиштириладиган ҳудудлар билан яқиндан боғлаш мақсадини кўзлаган эди. Бироқ БХСРнинг бу йўналишдаги режалари ўз ҳолича қолиб кетди ва амалга ошмади.

1923 йилнинг баҳорида БХСР ҳукумати бошлиғи Ф.Хўжаев СССР ва РСФСР пойтахти Москвада бўлиб, республика ҳудуди бўйлаб самолётлар

¹³⁹ Пахта заводлари йўлга қойилур //Бухоро ахбори. 166-сон. 1923 йил 5 май.

¹⁴⁰ Пахта тозалаш ишлари //Бухоро ахбори. 170-сон. 1923 йил 15 май.

¹⁴¹ Йўллар тузатилгусидур //Бухоро ахбори. 100-сон. 1922 йил 21 сентябр; Йўл иншоотлари тўғрисида //Бухоро ахбори. 107-сон. 1922 йил 2 октябр.

¹⁴² БХШЖ МИҚ тарафидан 19-буйруқ //Бухоро ахбори. 8-сон. 1920 йил 21 ноябр; Русия Ижтимоий Қўшма Шўролар Жумҳурияти билан Бухоро Халқ Шўролар Жумҳурияти орасида муҳоҳада (шартнома) //Бухоро ахбори. 11-сон. 1920 йил 1 декабр.

¹⁴³ Бухоро-Вобкент-Ғиждувон темир йўли //Бухоро ахбори. 205-сон. 1923 йил 23 сентябр.

¹⁴⁴ Тор ҳадлик темир йўллар //Озод Бухоро. 78-сон.1924 йил 17 апрел.

сотиб олиш бўйича шартнома тузган. Шартномага кўра, БХСРга Германияда ишлаб чиқарилган “Юнкерс” русумли самолётлар юборилган. Самолётлар учун Россияга 50.000 сўм олтин ҳисобида пай пули берилган¹⁴⁵. Аэропланлар Бухоро шаҳрини Шарқий Бухоро (Душанбе), Хива, Тошкент, Олмаота билан боғлаши керак эди¹⁴⁶. Республикада мунтазам ҳаво флотини яратиш учун 3 кишидан иборат махсус комиссия тузилади. Комиссия Эски Бухоро, Когон, Термиз, Душанбе, Кўлоб, Қарши каби шаҳарларда самолётлар қўниши ва учиши учун аэропортлар қуришни уюштириб, йўлга қўйиши керак эди¹⁴⁷. “Бухоро ахбори”да: “Бухоро-Душанбе ҳаво йўлини очиш ва ҳаво кемалари тўхтайтурғон майдонлар ясамак (юзага келтириш-К.Р.) учун Бухоро ҳукумати 35.000 олтин сўм ажратди”¹⁴⁸, дейилади. 1923 йили республикада “Ҳаво флоти дўстлари жамияти” ҳамда “Ихтиёрий ҳаво флоти ширкати” кабилар тузилади¹⁴⁹. Ушбу жамиятларнинг ташаббуси билан республикадаги ташкилот ва муассасалардан, аҳолидан ҳаво флоти фойдасига ёрдам пуллари тўпланган.

Самолётлар хориждан олинаётганлиги ва қиймати баландлиги учун республика ҳукумати 1923 йил 5 августдан - 12 августгача “Ҳаво флотига ёрдам ҳафталиги”ни ташкил қилди. Ҳафталик тадбирларида Бухоро аҳолиси фаол қатнашган. Бир ҳафта давомида тўпланган ионалар рўйхати “Бухоро ахбори” газетасида тўлиқ келтирилган: “Тилла билан-235 сўм, 50 тийин; кумуш билан - 233 сўм, 25 тийин; Бухоро олтин тангаси 25 дона, афғон тангаси- 4 дона; русларнинг 1923 йилги пули билан-318792 сўм тўпланди. Хўжаи Жаҳон (ҳозирги Ғиждувон) тумани - 20 минг сўм, 160 пуд ғалла; Когон тумани - 130 минг Россия рубли, тилла билан - 112 сўм, 50 тийин миқдорида ёрдам маблағи тўпладилар”¹⁵⁰. Юқоридаги рақамлардан кўриниб турибдики, Бухоро халқи ҳаво транспортини йўлга қўйиш ишида ҳукуматни қўллаб-қувватлаган.

“Бухоро ахбори” ва “Озод Бухоро” газеталари БХСР ташкил топган дастлабки даврданоқ товар-пул муносабатлари, нарх-наво ҳамда ички савдони тартибга солиш билан боғлиқ тадбирлар билан фаол шуғулланганлиги ҳақида маълумот берувчи манба сифатида ҳам муҳимдир. Аввало, жамиятдаги ижтимоий-иқтисодий муносабатларни йўлга қўйиш,

¹⁴⁵ Тўртта ҳаво кемаси //Бухоро ахбори. 175-сон. 1923 йил 19 июн.

¹⁴⁶ Ҳаво флоти ҳафтаси //Бухоро ахбори. 185-сон. 1923 йил 2 авг.

¹⁴⁷ Ҳаво флоти ҳафтасига ҳозирланмак керак //Бухоро ахбори. 180-сон. 1923 йил 5 июл: Ҳаво флотига кўмак ҳафтаси //Бухоро ахбори. 186-сон. 1923 йил 5 август.

¹⁴⁸ Бухоро-Душанбе ҳаво йўли //Озод Бухоро. 3-сон. 1923 йил 21 окт.

¹⁴⁹ Ҳаво флоти ширкатининг клуби //Озод Бухоро. 111-сон. 1924 йил 6 июл. Ҳаво флоти дўстлари жамиятида //Озод Бухоро. 113-сон. 1924 йил 10 июл.

¹⁵⁰ Ҳаво флоти дўстлари жамиятида //Озод Бухоро. 113-сон. 1924 йил 10 июл.

аҳолини маблағ билан таъминлаш мақсадида пул муносабатларини мувофиқлаштириш чоралари кўрилган. 1920 йилда БХСР Марказий Инқилобий қўмитаси (МИҚ) қоғоз пуллар ва уларнинг республика ҳудудида амал қилиш тартиблари билан боғлиқ бир қатор қонунлар қабул қилган. “Бухоро ахбори”нинг 1920 йил 21 ноябрдаги 8-сонида ҳукуматнинг бу масаладаги 2 та қонуни ҳамда молия назорати бўлимининг буйруғи чоп этилган. Ҳар бири 4 банддан иборат бўлган 7-8-рақамли қонунларда БХСР ҳудудида Бухорода аввалдан амал қилаётган қоғоз оқчалари ҳамда Туркистон АССР қоғоз пуллари ва 1919 йилда зарб этилган совет пуллари бирга муомалада бўлиши қайд қилинган¹⁵¹. Бироқ қадри пасайган Туркистон қоғоз пулларини 1921 йилнинг 1 январига қадар 10 сўмини 1 сўмга тенглаштириб, алмаштириш муддати ҳам белгиланган¹⁵². Газета маълумотидан шундай хулосага келиш мумкинки, БХСРда пул муносабатларини мумкин қадар тез ҳал қилиш, эркин товар-пул муносабатларига ўтиш чоралари кўрилган. Молия назоратининг 3-рақамли буйруғида муҳрсиз қоғоз оқчаларини тезда молия назоратига келтирилиб топширилиши, олиш-беришга қўллаган киши эса жазога тортилиши айтилади¹⁵³. Пул танқислиги, республикадаги иқтисодий аҳволнинг оғирлиги сабабларидан келиб чиқиб, ҳукумат 1920-1921 йиллар давомида 10.000 сўмлик қоғоз пуллар зарб қилишга мажбур бўлган. Бозорларда 1921 йилда 1920 йилга нисбатан нарх-наво 25 фоизга ошганлиги, қоғоз пулларнинг кўп миқдори айрим шахслар қўлида тўпланиб қолаётганлиги билан боғлиқ мақола ва хабарлар газеталарда танқид қилиб борилган¹⁵⁴. Айниқса, бу масалада ҳукумат аъзоларидан Саид Аҳрорийнинг “Ҳаннотларга мол берилмасун”, Ҳалим Ашуровнинг “Бухоро бозорларида нарса қимматлиғи сабаблари” номли салмоқли мақолалари республикадаги иқтисодий аҳволнинг танглиги сабаблари, товар-пул муносабатларидаги муаммолар, нархларнинг ошаётганлиги омиллари таҳлилига бағишланган¹⁵⁵.

Бу муаммолар республика тузуми мавжуд бўлган кейинги йилларда ҳам ҳал бўлмаган. Нарх-навонинг ошиб бориши, қоғоз пуллар инфляцияси каби жараёнлар давом этган. “Бухоро ахбори” ва “Озод Бухоро” газеталарининг 1922-1924 йиллар сонларида ҳам пул ислоҳоти тўғрисидаги буйруқлар, эълонлар, кичик хабарлар¹⁵⁶, бозорлардаги қимматчилик,

¹⁵¹ БШЖ МИҚ тарафидан 7-рақамли қонун //Бухоро ахбори. 8-сон. 1920 йил 21 ноябр. БШЖ МИҚ тарафидан 8-рақамли қонун //Бухоро ахбори. 8-сон. 1920 йил 21 ноябр.

¹⁵² БШЖ МИҚ тарафидан 7-рақамли қонун //Бухоро ахбори. 8-сон. 1920 йил 21 ноябр.

¹⁵³ Молия нозирининг 3-рақамли буйруғи //Бухоро ахбори. 8-сон. 1920 йил 21 ноябр.

¹⁵⁴ БХШЖнинг молия назорати тарафидан буйруқ //Бухоро ахбори. 28-сон. 1921 йил 20 март.

¹⁵⁵ Бухоро ахбори. 39-сон. 1921 йил 7 июн; //Бухоро ахбори. 30-сон. 1921 йил 5 апрел.

¹⁵⁶ Танга баҳоси //Бухоро ахбори. 94-сон. 1922 йил 3 август; Нукра танга зарби //Бухоро ахбори. 111-сон. 1922 йил 19 ноябр; Танга курси //Бухоро ахбори. 112-сон. 1922 йил 23 ноябр; 1000-2500-5000 сўмлик қоғоз оқча чиқармоқ тўғрисида декрет //Бухоро ахбори. 116-сон. 1922 йил 10 декабр; Марказий давлат хазинаси тарафидан умумий эълон //Бухоро ахбори. 128-сон. 1923 йил 21 январ; Олтин ҳисоби билан берилатурғон

чайқовчиликни танқид остига олган йирик мақола ва хабарлар¹⁵⁷ эълон қилинган.

Республикада пулнинг қадрсизланиши жараёни мамлакат миқёсида етиштириладиган энг муҳим қишлоқ хўжалиги ва чорвачилик маҳсулотлари: ғўза, ғалла, тери, юнг, қорақўл тери, ичак кабилар нархига таъсир кўрсатган. “Озод Бухоро” газетаси маълумотича, ушбу маҳсулотларнинг 1921-1922 йилларда нархи паст бўлиб, фақатгина 1924 йилда бироз кўтарилган. Хабарларда: “Ошланмаган қўй териси олтин ҳисоби билан 50-60 тийин, сигир териси 2 сўмдан 5 сўм 50 тийингача турадур”¹⁵⁸, “Ҳозирча юнгнинг пуди 3 сўм 80 тийиндан 5 сўмгачадур”¹⁵⁹, “Қорақўл териси эса 7 олтин сўм турадур”¹⁶⁰, “Ичакнинг чораги 60 тийин, ишланган ичакка 30 тийин, ишланмаган қўй териси 60 тийин турадур”¹⁶¹, - каби маълумотлар келтирилади.

“Бухоро ахбори” ва “Озод Бухоро” газеталарининг 1922-1924 йилларда чоп этилган ўнлаб сонларида республиканинг солиқ сиёсати билан боғлиқ маълумотлардан хабар берувчи мақолаларга дуч келинади. Мазкур мақола ва хабарларни 3 гуруҳга бўлиш мумкин. Биринчи гуруҳ маълумотларида солиқ сиёсати ва тарғиботи билан боғлиқ бўлган масалалар моҳияти талқин қилинади. Республиканинг дастлабки икки йилида халқдан кам миқдорда солиқ олинганлиги туфайли бу масала матбуотда унчалик ёритилмаган. 1922 йилдан бошлаб солиқ тўплаш ва унинг моҳиятини аҳолига тарғиб қилиш, тушунтириш билан боғлиқ ташкилий масалалар газеталарда баён қилинган¹⁶². Солиқ сиёсати билан боғлиқ манбалар билан танишилганда,

ойликларни камайитириш //Бухоро ахбори. 154-сон. 1923 йил 8 апрел; ХНШ томонидан буйруқ рақам 581-8 //Бухоро ахбори. 155-сон. 1923 йил 12 апрел; Танганинг расмий курсини орттириш //Бухоро ахбори. 158-сон. 1923 йил 18 апрел; Жумҳурият молия идораси тарафидан эълон //Бухоро ахбори. 158-сон. 1923 йил 18 апрел; Оқча ишларидаги ўзгаришлар муносабати билан //Бухоро ахбори. 166-сон. 1923 йил 5 май; Бухоро пулларини алмаштириш. 193-сон. 1923 йил 24 август; Червонец тўғрисида //Бухоро ахбори. 199-сон. 1923 йил 9 сентябр; Пул алмаштириш кассалари //Озод Бухоро. 4-сон. 1923 йил 25 октябр; Майда червонец қаерда? //Озод Бухоро. 61-сон. 1924 йил 11 март; Бухоро учун кумуш пуллар //Озод Бухоро. 64-сон. 1924 йил 21 март; Майда пулларнинг йўқлиги кимларга фойда? //Озод Бухоро. 66-сон. 1924 йил 26 март; Майда пулларнинг қаҳатлиги //Озод Бухоро. 78-сон. 1924 йил 17 апрел; Майда пуларнинг қаҳатлиги вақтинчадур //Озод Бухоро. 83-сон. 1924 йил 26 апрел.

¹⁵⁷ Амирий. Ҳаннотлар билан кураш //Озод Бухоро. 64-сон. 1924 йил 21 март; 3.Али. Бозор Ҳаннотлари билан кураш //Озод Бухоро. 109-сон. 1924 йил 3 июл; Бухоро хабарлари. Бозор Ҳаннотлари билан кураш //Озод Бухоро. 122-сон. 1924 йил 6 август.

¹⁵⁸ Тери бозори //Озод Бухоро. 37-сон. 1924 йил 10 январ.

¹⁵⁹ Юнг нархлари //Озод Бухоро. 37-сон. 1924 йил 10 январ.

¹⁶⁰ Қорақўл нархлари //Озод Бухоро. 99-сон. 1924 йил 4 июл.

¹⁶¹ Ичак ва тери нархлари //Озод Бухоро. 99-сон. 1924 йил 4 июл.

¹⁶² Муҳиддинов А. Ҳукуматнинг молияси нима билан бўладур? //Бухоро ахбори. 70-сон. 1922 йил 11 феврал; Оқчурун. Солиқ ва ушр ишларимиз ҳақида //Бухоро ахбори. 129-сон. 1923 йил 28 январ; Марказий солиқ идораси томонидан буйруқ //Бухоро ахбори. 147-сон. 1923 йил 2 март; Шикоят қилмоққа тўғри келмайдур //Озод Бухоро. 16-сон. 1923 йил. 26 ноябр; Солиқ камайитирилди //Озод Бухоро. 29-сон. 1923 йил 23 декабр; Солиқ ишларида ўзгаришлар //Озод Бухоро 28-сон 1923 йил 22 декабр; Солиқ ишлари: ушр

уларда “бу ҳукумат ҳам амирлик ҳукуматидан қолишмайди”, “солиқ менга кўп тушган” каби норозилик кайфиятидаги фикрлар баёнидан огоҳ бўлиш мумкин¹⁶³. Солиқ солиш ва ундан кўзланган мақсад моҳиятини халққа тушунтириб беришга қаратилган ҳукумат раҳбарларининг йирик мақолалари “Бухоро ахбори”да эълон қилинган. Жумладан, Қори Йўлдош Пўлатовнинг “Халқ ҳукумати”, “Мустақил бир мамлакат қандай бўлур?”, “Бугунги вазифаларимиз”, “Доҳилий қарзга ёзилингиз”, “Солиқ ҳақида бир-икки сўз”, “Муҳим вазифамиз”¹⁶⁴, Саид Аҳрорийнинг “Идораларнинг тузатилиши”, “Тўртинчи инқилобий йилимиздан нималар кутамиз?”, “Давлат ишларида ерлиларга ёрдам этилсун!”¹⁶⁵, Абдулҳамид Ориповнинг “Ушр ҳақида”, “Мақсад йўлида”¹⁶⁶, - каби мақолаларни қайд қилиб ўтиш мумкин.

Газеталардаги хабар ва мақолалар таҳлил қилинганда, республика ҳудудида аҳолидан олинадиган солиқларнинг турлари ва уларнинг миқдори, ҳуқуқий ва қонуний асослари билан боғлиқ масалаларни иккинчи гуруҳга киритиш мумкин. Бундай маълумотлар газетада “Қисқа хабарлар” ва “Расмий қисм” рукнларида берилган¹⁶⁷.

“Бухоро ахбори” ва “Озод Бухоро” газеталарида солиқ тўплаш жараёни ҳамда вилоятлар бўйича солиқларнинг тақсимот миқдори, сарфланган маблағлар ҳақида (3-гуруҳга оид) бой фактик маълумотлар берилади¹⁶⁸. Республика вилоятлари ва туманлари бўйича солиқ тўплаш ҳафталиги, ўн беш кунлиги каби тадбирлар уюштирилганлиги ҳамда натижалари

солиғи //Озод Бухоро 57-сон. 1924 йил 5 март; Солиқ ишларида енгиллик //Озод Бухоро. 67-сон. 1924 йил 27 март; Билвосита солиқлар //Озод Бухоро 75-сон. 1924 йил 12 апрел; Маҳаллий солиқларга аҳамият берайлик //Озод Бухоро. 153-сон. 1924 йил 17 октябр.

¹⁶³ Қори Йўлдош. Солиқ ҳақида бир-икки сўз //Бухоро ахбори. 144-сон. 1923 йил 17 март.

¹⁶⁴ Бухоро ахбори. 105-сон. 1922 йил 26 октябр; 107-сон. 2 ноябр; 114-сон. 3 декабр; 114-сон. 1923 йил 17 март; 148-сон. 29 март.

¹⁶⁵ Бухоро ахбори. 38-сон. 1921 йил 1 май.; 199-сон. 1923 йил 9 сент; Озод Бухоро. 17-сон. 1923 йил 28 ноябр.

¹⁶⁶ Бухоро ахбори. 32 -сон. 1921 йил 17 апрел; 39-сон. 7 июн.

¹⁶⁷ Солиқларни ҳамма киши беришга тегиш //Бухоро ахбори. 154-сон. 1923 йил 8 апрел; Патентларни текшириш //Бухоро ахбори. 158-сон. 1923 йил 18 апрел; Тамаки савдосига солиқ //Бухоро ахбори. 205-сон. 1923 йил 23 сентябр; Сентябрь ойида кирган солиқлар //Озод Бухоро. 2-сон 1923 йил 19 октябр; Октябр ойида кирган солиқлар //Озод Бухоро. 11-сон. 1923 йил 14 ноябр; Бозорчиларга солиқ. Нотўғри олингон солиқлар тўғрисида //Озод Бухоро. 12-сон. 1923 йил 17 ноябр; Марка солиғи низомномаси //Озод Бухоро. 18-сон. 1923 йил 1 декабр; Ноябрь ойида кирган солиқлар //Озод Бухоро. 20-сон. 1923 йил 19 декабр; Бу йилги солиқ ишлари //Озод Бухоро. 102-сон. 1924 йил 12 июн; Вилоятларга солиқ вакиллари юборилди //Озод Бухоро. 73-сон. 1924 йил 9 апрел.

¹⁶⁸ Қанча солиқ тўпланур //Бухоро ахбори. 191-сон 1923 йил 18 август; Солиқ ишларини ривожлантириш керак //Озод Бухоро. 53-сон. 1924 йил 26 февраль.

газетанинг хабар ва мақолаларида сарҳисоб қилиб борилган¹⁶⁹. БХСРнинг солиқ сиёсати билан боғлиқ масалаларидаги матбуот маълумотлари таҳлил қилинганда, ҳукумат аҳолидан солиқни 2 турда: маҳсулот ва пул тарзида тўплаганлигини, иқтисоди нисбатан ривожланган вилоятлар аҳолисидан солиқ фақат пул ҳисобида, Шарқий Бухоро ва туркман вилоятларидан маҳсулот тарзида олинганлигини гувоҳи бўлиш мумкин.¹⁷⁰ Аҳолидан солиқ мақсадида олинган маҳсулотлар бозор баҳосидан паст нархларда халққа сотилган¹⁷¹. Бундан кўзланган мақсад республика аҳолиси моддий турмуш тарзини яхшилаш эди.

“Бухоро ахбори” ва “Озод Бухоро” газеталари БХСР иқтисодий тизимида ўзига хос роль ўйнаган банк ва биржа билан боғлиқ масалалар тарихини ўрганишда ҳам муҳим манбадир. БХСРда банк тизимини яратишга 1921 йил бошларидан киришилган. Бу муаммо билан боғлиқ газета маълумотларида банкларнинг Марказий халқ банки, Давлат савдо банки, деҳқонларга қарз бериш банклари, хорижий республикалар (Туркистон АССР, РСФСР) банкларининг шўъбалари очилганлиги ва уларнинг фаолияти баён қилинади¹⁷².

БХСР матбуотида улгуржи ва кўтара савдони ривожлантириш мақсадида савдо биржасини очиш масалалари ҳамда уларнинг фаолияти ёритиб борилган.¹⁷³

¹⁶⁹ Ушр териш 2 ҳафталиги //Озод Бухоро. 58-сон. 1924 йил 6 март; Солиқ ишлари ҳафталиги хусусида низомнома //Озод Бухоро. 150-сон. 1924 йил 10 октябр; Солиқ йиғиш ҳафталиги компанияси қандай борадур? //Озод Бухоро. 153-сон. 1924 йил 17 октябр; Солиқ компаниясининг бориши //Озод Бухоро. 154-сон. 1924 йил. 20 октябр.

¹⁷⁰ Шарқий Бухорода солиқ ишлари //Озод Бухоро. 3-сон. 1923 йил 27 октябр; Солиқлар икки хилда олинадур //Озод Бухоро. 90-сон. 1924 йил 15 май.

¹⁷¹ **Ғалла сотиладур //Бухоро ахбори. 129- сон. 1923 йил 28 январ.**

¹⁷² Банк шўъбаси //Бухоро ахбори. 19-сон. 1921 йил 13 январ; Давлат банкида //Бухоро ахбори. 88-сон. 1922 йил 29 июн; Мамлакат банки //Бухоро ахбори. 92-сон. 1922 йил 25 июл; Ҳукумат банки очилғусидир //Бухоро ахбори. 100-сон. 1922 йил 21 сентябр; Давлат банки очилиши //Бухоро ахбори. 103-сон. 1922 йил 13 ноябр; Давлат банкида ҳам майда қарз //Бухоро ахбори. 118-сон. 1922 йил 17 декабр; Қимматли ашёларни сақламоқ қабул этиладур //Бухоро ахбори. 129-сон. 1923 йил 28 январ; Давлат банки Қаршида //Бухоро ахбори. 130-сон. 1923 йил 1 феврал; Давлат банки хайъат идораси //Бухоро ахбори. 169-сон. 1923 йил 12 май; Ўрта Осиё қишлоқ хўжалиги банки //Бухоро ахбори. 170-сон. 1923 йил 15 май; Ўрта Осиё савдо банки //Бухоро ахбори. 170-сон. 1923 йил 15 май; Бухоро қишлоқ хўжалиги банки //Бухоро ахбори. 181-сон. 1923 йил 12 июл; Бухоро давлат банки ишларини тўхтатди //Озод Бухоро. 62-сон. 1924 йил 17 март; Деҳқончилик банкида //Озод Бухоро. 96-сон. 1924 йил 29 май; Деҳқончилик банкнинг иши //Озод Бухоро. 110-сон. 1924 йил 26 июл.

¹⁷³ Бухорода савдо биржасининг очилиши //Бухоро ахбори. 135-сон. 1923 йил 18 феврал; Биржадан ташқарида бўлгон савдо муомалалари тўғрисида //Бухоро ахбори. 153-сон. 1923 йил 7 апрел; Савдо биржасининг очилиши муносабати ила //Бухоро ахбори. 163-сон. 1923 йил 28 апрел; Биржанинг маълумот варақалари //Озод Бухоро. 3-сон. 1923 йил 21 октябр; Биржада тўпланган солиқлар //Озод Бухоро. 4-сон. 1923 йил 25 октябр; Биржада тўпланган солиқлар //Озод Бухоро. 11-сон. 1923 йил 14 ноябр. Биржада мол шўъбаси //Озод Бухоро. 43-сон. 1924 йил 2 феврал; Биржадан ташқарида бўлгон муомаласи тўғрисида //Озод Бухоро. 43-сон. 1924 йил 2 феврал; Биржани кенгайтириш //Озод Бухоро. 40-сон. 1923 йил 16 январ.

“Бухоро ахбори”нинг 1923 йил 18 феврал сонида 12 февралдан эътиборан Файзулла Хўжа номидаги театр биносида ҳар куни 13.00 дан 14.00 гача савдо муомалалари бўлиб ўтиши, катта даллол лавозимига Шоххўжа Азизхўжаев тайинланганлиги, 22 нафар даллол у билан бирга ишлаши ҳақида маълумот берилган.¹⁷⁴

1924 йилнинг 13 апрелидан 20 апрелига қадар биржада 111.745 сўм 99 тийин миқдоридаги 33 та муомала операцияси қайд қилинганлиги “Озод Бухоро”да хабар қилинади¹⁷⁵. Бироқ савдо биржаси ҳам 1924 йилнинг июл ойига келиб ёпилган¹⁷⁶. Бу БХСР иқтисодий жиҳатдан РСФСР (1922 йилдан СССР) иқтисодий тизимига қўшиб юборилаётганлигининг оқибатларидан биридир.

Хуллас, “Бухоро ахбори” ва “Озод Бухоро” газеталари маълумотларидан келиб чиқиб қайд қилиш мумкинки, 1920-1921 йилларда БХСРда янгича тарихий шароитда республика иқтисодий тизимининг ҳуқуқий асосларини яратиш ва йўлга қўйиш учун амалий ҳаракатлар бўлди. Бироқ 1921-1922 йилларда қизил аскарлар билан “босмачилар” (совет режимига қарши қуролли ҳаракат иштирокчилари) ўртасидаги кураш туфайли халқ хўжалигини тиклаш, уни ривожлантириш, янги режа ва лойиҳаларни амалга тадбиқ қилиш имконияти бўлмади. Шу билан бирга ушбу йиллар БХСРда иқтисодиётнинг бир қадар мустақил ривожланиш жиҳатлари кузатилади. 1923-1924 йилларда эса Марказ БХСР иқтисодиётини барча тармоқларини ўз измига секин-аста бўйсиндира борди.

Бухоро амирлиги тузуми ағдарилиши билан амирлик давридаги вилоят ва бекликларга асосланган маъмурий-ҳудудий бўлиниш бекор қилинди. Тарихий адабиётларда БХСРнинг маъмурий-ҳудудий бўлиниши вилоят ва туманларга, қуйи бошқарув органлари эса кентлар, овул ва қишлоқлар тарзида тақсимланиши жорий қилинганлиги қайд этилади¹⁷⁷.

БХСРнинг маъмурий-ҳудудий бўлиниш масаласи даврий матбуотнинг ҳам диққат эътиборида бўлган. Газеталардаги бир қатор мақолаларда БХСР вилоятлари, уларнинг аҳолиси билан боғлиқ айрим маълумотлар

¹⁷⁴ Бухорода савдо биржасининг очилиши //Бухоро ахбори. 135-сон. 1923 йил 18 феврал.

¹⁷⁵ Биржадан ташқарида бўлгон савдо муомалалари тўғрисида //Озод Бухоро. 83-сон. 1924 йил 26 апрел.

¹⁷⁶ Сармоя ва мол биржаси ёпиладур //Озод Бухоро. 114-сон. 1924 йил 17 июль.

¹⁷⁷ Ражабов Қ. Бухоро Халқ Республикаси: монархиядан демократия сари дастлабки қадамлар (1920-1924 йиллар). Ўзбекистон тарихининг долзарб муаммоларига янги чизгилар /Даврий тўплам. № 2. -Т.: Шарқ, 1999. -Б.149; Туркестан в начале XX века: к истории истоков национальной независимости /Научный редактор Раджапова Р. -Т.: Шарқ, 2000. -С.554; Ўша муаллиф. Бухоро Халқ Совет Республикаси //ЎЗМЭ. 2-жилд. -Т., 2001. -Б.300; Ҳайитов Ш. ва б. Бухоро Халқ Республикаси ва Германия: ҳамкорликнинг тарихий лавҳалари (1920-1924 йиллар). -Т.: Фан, 2004. -Б.7.

келтирилади. Жумладан, “Бухоро ахбори”нинг 1921 йил 7 январдаги сониди БХСР Марказий Ижроия қўмитасининг 88-рақамли буйруғи босилган¹⁷⁸. Унда республика ҳудудида ташкил қилинган 10 та вилоят ҳамда уларга киритилган туманлар санаб ўтилади. “Бухоро ахбори” ва “Озод Бухоро” газеталаридаги айрим маълумот ва хабарларда ҳар бир вилоятда истиқомат қилаётган аҳолининг сони турлича рақамлар асосида кўрсатилган. Газета материалларида келтирилишича, БХСРда 1920-1924 йилларда истиқомат қилган аҳолини рўйхатга олиш, бу борадаги аниқ статистик маълумотларга эга бўлишга бир неча бор уриниб кўрилган. БХСР ҳукуматининг иқтисод нозири муовини Мусожон Саиджонов ўз мақоласида шундай ёзади: “Бухоро ўлкасида жон ҳисоби ҳеч вақтда бўлган ва юритилган эмас. Ҳозирда ҳам Бухоро Жумҳурияти ўзига қарашлик жоннинг сонини белгилай билмайдур”¹⁷⁹. Ҳақиқатан ҳам республикадаги беқарор сиёсий ва ҳарбий вазият ҳамда иқтисодий ночорлик туфайли аҳолининг ўз яшаш жойини тез-тез ўзгартириб туриши каби омиллар бу вазифани охиригача уддалашга имкон бермаган.

Газеталар маълумотича, ўша даврда республиканинг Шарқий Бухоро қисмида Сариосиё вилояти (Сариосиё, Қоратоғ, Юрчи, Боботоғ туманлари), Душанбе вилояти (Душанбе, Янгибозор, Файзиобод, Ховос туманлари), Фарм вилояти (Фарм, Қалъаи Хум, Дарвоз туманлари), Кўлоб вилояти (Ховалинг, Яксув, Мўминобод, Кўлоб туманлари), Қўрғонтепа вилояти (туманларга бўлинмаган)¹⁸⁰ каби вилоят ва туманлар мавжуд бўлган.

Республиканинг охириги йилида, яъни Ўрта Осиёда миллий-ҳудудий чегараланиш ўтказилиши арафасида маъмурий-ҳудудий бўлиниш билан боғлиқ ўзгаришлар газетада акс эттирилганлиги муҳимдир. Ф.Хўжаев, А.Муҳиддинов, И.Хидиралиев ва бошқа ҳукумат аъзоларининг бу масаладаги йирик мақолалари мавжудлигини қайд қилиб ўтиш ўринлидир¹⁸¹. Улар орқали БХСР таркибида тожик ва туркман вилоятлари ташкил этилиши

¹⁷⁸ Бухоро ахбори. 18-сон. 1921 йил 7 январ.

¹⁷⁹ Саиджонов М. Ҳақиқатдан йироқ ҳисоблар //Бухоро ахбори. 42-сон. 1921 йил 3 июл.

¹⁸⁰ Вилоятларда. Шарқий Бухорони вилоятларга бўлиш //Бухоро ахбори. 200-сон. 1923 йил 12 сентябр; Шарқий Бухоро босмачилиқдан кейин. Ўлкани маъмурий бўлиниши //Бухоро ахбори. 208-сон. 1923 йил 30 сентябр.

¹⁸¹ Файзулла Хўжа. Ўрта Осиёнинг миллий жумҳуриятларга бўлиниши //Озод Бухоро. 132-сон. 1924 йил 25 август; Ўша муаллиф. Марказда Ўрта Осиё масаласи //Озод Бухоро. 163-сон. 1924 йил 14 ноябр; Абдулқодир Муҳиддинов. Миллий жумҳуриятлар ташкили //Озод Бухоро. 67-сон. 1924 йил 24 март; Ўша муаллиф. Миллий жумҳуриятлар ташкили ва Бухоро туркманлари //Озод Бухоро. 80-сон. 1924 йил 20 апрел; Хидиралиев. Ўрта Осиё миллий тузилиши //Озод Бухоро. 132-сон. 1924 йил 25 август.

(1923 йил) билан боғлиқ мунозарали тарихий воқеалардан хабардор бўлинади¹⁸².

1924 йилнинг кузида тожик халқининг нуфузи 1.200 000 кишини ташкил қилганлиги ҳамда ўзбек жумҳурияти маркази - Самарқанд бўлишига бутун ўзбек вакиллари рози бўлганлиги, Ўзбекистон ССР тузилиши билан боғлиқ биринчи қурултой Бухоро шаҳрида чақирилиши ҳақида газетада ҳам маълумот берилади¹⁸³. Хуллас, “Бухоро ахбори” ва “Озод Бухоро” газеталарида БХСРнинг 1920-1924 йиллардаги маъмурий-ҳудудий бўлиниши, ундаги ўзгаришлар жараёни, вилоятларда яшаган аҳолининг сони, миллий таркиби, моддий шарт-шароитлари, миллатлараро муносабатлар тўғрисида қимматли маълумотлар мавжуд.

Мазкур даврда ўтказилган 5 та Бутун Бухоро халқ вакилларининг қурултой тафсилотлари тўғрисида “Бухоро ахбори” ва “Озод Бухоро” газеталарида берилган батафсил маълумотлар БХСРдаги ижтимоий-сиёсий жараёнларни атрофлича ўрганишда муҳим манба бўла олади. Ҳар бир қурултойда ҳал қилинган масалалар кўлами ва натижалари газета мухбирлари, масъул ходимлари томонидан таҳлил ва тавсиф қилинган¹⁸⁴. “Фирқа қурултойи”¹⁸⁵, “Бухоро иштирокиюн фирқаси қурултойи”,¹⁸⁶ “Туркманлар қурултойи”¹⁸⁷, “Қирғиз қурултойи”¹⁸⁸, “Умумий деҳқонлар қурултойи”¹⁸⁹, “Касабалар қурултойи”¹⁹⁰, “Бутун Бухоро муаллимларининг биринчи маориф қурултойи”¹⁹¹, “Умумий қозилар қурултойи”¹⁹², “Бутун

¹⁸² Абдулқодир Муҳиддинов. Миллий жумҳуриятлар ташкили ва Бухоро туркманлари //Озод Бухоро. 80-сон. 1924 йил 20 апрел.

¹⁸³ Файзулла Хўжа. Марказда Ўрта Осиё масаласи //Озод Бухоро. 163-сон. 1924 йил 14 ноябр.

¹⁸⁴ Бухоронинг илк қурултойи //Бухоро ахбори. 5-сон. 1920 йил 11 октябр; 9-сон. 1920 йил 26 октябр; Чўлпон. Ҳукумат қурултойи //Бухоро ахбори. 44-сон. 1921 йил 10 июл; Файзулла Хўжа. Қурултойга ҳозирлик //Бухоро ахбори. 45-сон. 1921 йил 15 июл; Бухоро Шўролар Жумҳуриятининг иккинчи қурултойи //Бухоро ахбори. 50-сон. 1921 йил 25 сентябр; Учинчи халқ қурултойи олдида турғон масалалар //Бухоро ахбори. 95-сон. 1922 йил 12 август; Бухоро Шўролар Жумҳуриятининг учинчи қурултойи //Бухоро ахбори. 96-сон. 1922 йил 24 август; 97-сон. 27 август; Аҳмадов. Тўртинчи қурултойга ҳозирланишлар! //Бухоро ахбори. 191-сон. 1923 йил 18 август; Тўртинчи Бутун Бухоро Шўролар қурултойи //Озод Бухоро. 1-сон. 1923 йил 16 октябр; Раҳмат Рафик. Тўртинчи қурултойда ер-сув масаласи //Озод Бухоро. 6-сон. 1923 йил 31 октябр; Тўртинчи қурултойда вақф масаласи //Озод Бухоро. 7-сон. 1923 йил 1 ноябр; Бешинчи Бутун Бухоро Шўролар қурултойи //Озод Бухоро. 143-сон. 1924 йил 23 сентябр.

¹⁸⁵ Бухоро ахбори. 22-сон. 1921 йил 1 феврал.

¹⁸⁶ Бухоро ахбори. 26-сон. 1921 йил 1 март.

¹⁸⁷ Бухоро ахбори. 31-сон. 1921 йил 13 апрел.

¹⁸⁸ Бухоро ахбори. 95-сон. 1922 йил 12 август.

¹⁸⁹ Бухоро ахбори. 128-сон. 1923 йил 21 январ.

¹⁹⁰ Бухоро ахбори. 132-сон. 1923 йил 8 феврал.

¹⁹¹ Бухоро ахбори. 140-сон. 1923 йил 8 март.

¹⁹² Бухоро ахбори. 145-сон. 1923 йил 20 март.

Бухоро вақф курултойи”¹⁹³, “Бухоро ёшларининг курултойи”¹⁹⁴, “Бутун Бухоро муаллимларининг иккинчи маориф курултойи”¹⁹⁵ каби турли соҳадаги курултойларнинг ҳам газеталарда чоп этилиши республика ижтимоий-сиёсий ҳаётини атрофлича ўрганишга ёрдам беради.

“Бухоро ахбори” ва “Озод Бухоро” газеталарида БХСРда ташкил топган айрим сиёсий ва ижтимоий ташкилотлар: касабалар уюшмаси, ёшлар иттифоқи, хотин-қизлар қўмитаси, уларнинг ўша даврдаги вазифалари, қабул қилган расмий ҳужжатлари, уставлари ҳақида хабар берувчи мақолалар босилганлиги бу йўналишдаги тарихий фактларни бойитади¹⁹⁶.

Газета материалларидаги маълумотлар таҳлилича, БХСР ҳукумати лавозимларида фаолият олиб борган энг юқори мансаб эгалари ҳам бир лавозимдан иккинчисига тез-тез алмашилиб турган. Иккинчидан, биргина мансабдор шахс бир пайтнинг ўзида 2-3 лавозимда фаолият олиб борганлиги аниқланди. Ҳукумат арбоблари Файзулла Хўжаев, Абдулқодир Муҳиддинов, Қори Йўлдош Пўлатов, Олимжон Окчурин, Абдулҳамид Орипов, Саид Аҳрорий каби бир қатор сиёсий арбобларнинг қандай мансаб ва лавозимларда ишлаганлиги билан боғлиқ маълумотлар газеталарнинг ўнлаб сонлари орқали аниқланди. Жумладан, Файзулла Хўжаев БХСР Халқ Нозирлари Шўроси (ХНШ) раиси, ҳарбий нозир, хорижия нозири, доҳилия нозири¹⁹⁷, Абдулқодир Муҳиддинов Бутун Бухоро Марказий Инқилобий қўмитаси раиси, БХСР савдо-саноат нозири, ХНШ раиси муовини, иқтисод шўроси раиси, ХНШ муваққат раиси¹⁹⁸, Қори Йўлдош Пўлатов БХСР маориф нозири, доҳилия нозири, муҳофаза идораси бошлиғи, меҳнат шўроси раиси, “Бухоро ахбори” газетаси масъул муҳаррири¹⁹⁹ каби турли лавозимларда ишлашган. Ҳукуматнинг бошқа аъзолари ҳам шу тариқа бир мансабдан иккинчисига ўтказиб турилган.

БХСРнинг дастлабки йилларидаги ижтимоий масалалардан бири - собиқ амирлик йилларида фаолият юритган амалдорлар тақдири газета материалларида қайд қилиб борилган. “Бухоро ахбори” газетасида

¹⁹³ Бухоро ахбори. 212-сон. 1923 йил 10 октябр.

¹⁹⁴ Озод Бухоро. 95-сон. 1924 йил 28 май.

¹⁹⁵ Озод Бухоро. 159-сон. 1924 йил 3 ноябр.

¹⁹⁶ Изчилар тўдаси очилди //Бухоро ахбори. 36-сон. 1921 йил 17 май; Статистика қўмитасининг аҳамияти //Бухоро ахбори. 72-сон. 1922 йил 25 феврал; Касабалар иттифоқларининг ташкил қилув ишлари //Бухоро ахбори. 148-сон. 1923 йил 29 март. Бизда кооперация ташкилотлари //Бухоро ахбори. 167-сон. 1923 йил 7 май; Кооперация ташкилоти ва деҳқонлар //Озод Бухоро. 17-сон. 1923 йил 28 ноябр.

¹⁹⁷ Бухоро ахбори. 3-сон. 1920 йил 29 сентябр; 26-сон. 1921 йил 1 март; 52-сон. 1921 йил 12 октябр; 86-сон. 1922 йил 27 май.

¹⁹⁸ Бухоро ахбори. 3-сон. 1920 йил 29 сентябр; 7-сон. 1920 йил 7 ноябр; 207-сон. 1923 йил 28 сентябр; //Озод Бухоро. 4-сон. 1923 йил 25 октябр; 62-сон. 1924 йил 15 март; 150-сон. 1924 йил 10 октябр.

¹⁹⁹ Бухоро ахбори. 3-сон. 1920 йил 29 сентябр; 66-сон. 1922 йил 19 январ; 100-сон. 1922 йил 21 сентябр-202-сон. 1923 йил 21 сентябр; 108-сон. 1922 йил 5 ноябр; 137-сон. 1922 йил 1 март.

ёзилишича, Домла Фаҳриддин, Абдулҳамидхўжа, Абдулраззоқ Боқи ўғли, Мухторхўжа Саидғанихўжа ўғли, Мулла Бадриддин қози ва бошқа Бухоро амирлигида юқори мансабларда ишлаган қози, мулла ва судурлар 1920 йил 6 сентябрда бўлган фавқулодда текширув комиссияси – Бухчека (БХСР фавқулодда комиссияси) раиси Ҳожи Ҳасан Аҳрорим ўғлининг қарори билан отишга ҳукм қилинганлар ва ҳукм ўша куни ижро қилинган²⁰⁰.

Ҳукумат бошқарувида ва расмий ҳужжатларни юритишда ўзбек тилига муносабат²⁰¹ ҳамда миллий масалаларни қамраб олган хабар ва мақолалар²⁰² ҳам БХСР матбуот органларида қайд қилинган. Расмий ҳужжатларни ўзбек тилида юритиш, ҳукумат раҳбарларининг давлат идораларида ўзбек тилида мулоқотда бўлиши қатъий белгилаб қўйилганлиги ва махсус қонун билан мустаҳкамланганлиги газета ва тарихий ҳужжатлардаги маълумотлар²⁰³ни мувофиқ келишидан далолат беради. Таъкидлаш жоизки, газетада давлат тили (ўзбек тили)нинг аҳамияти, миллий бирлик ва ўзликни мустаҳкамлашдаги мавқеи ва ўрнини ташвиқ этувчи, шу билан бирга танқид қилувчи салмоқли мақолаларни кўрсатиш мумкин²⁰⁴. Республика бошқарувининг иқтисодиёт, молия, ҳарбий соҳаларида етакчи раҳбар кадрларнинг етишмаслиги ва улар асосан европа миллатига мансуб эканлиги шарт-шароитидан келиб чиқиб, ушбу нозирликларда ўзбек тилида ўзаро мулоқот қилиш ва расмий ҳужжат юритишда мажбурийлик усули қўлланилмаган.

Ҳукумат сиёсатининг муҳим йўналиши бўлган аҳоли маиший турмушини яхшилаш билан боғлиқ шаҳар ва қишлоқларни ободонлаштириш, ботқоқликларни қуритиш ва қамишзорларни йўқотиш, истироҳат боғлари очиш каби масалалар ҳам газеталарда кенг ёритилган. Ҳукумат Бухоро кўчаларига тош ётқизиш, транспорт йўлларини тартибга келтириш ҳақида

²⁰⁰ Бухоро ахбори. 7-сон. 1920 йил 14 ноябр; Қаранг. Қ.Ражабов ва б. Бухоро воҳасида яшовчи бойлар ва уламоларнинг қатағон қилиниши //Бух ДУ илмий ахборотлари. 2008. № 3. -Б.13-18.

²⁰¹ Муҳиддинов А. Тилимиз ва маориф назорати //Бухоро ахбори. 35-сон. 1921 йил 10 май; Абу Бакр. Тил масаласи //Бухоро ахбори. 46-сон. 1921 йил 21 август; 49-сон. 1921 йил 18 сентябр; “Ўзбак”. “Сарт” масаласи //Бухоро ахбори. 49-сон. 1921 йил 18 сентябр; Маҳмуд Субоҳ. Тил масаласи //Бухоро ахбори. 107-сон. 1921 йил 2 ноябр.

²⁰² Туркманлар қайтдилар //Бухоро ахбори. 112-сон. 1922 йил 23 ноябр; Анқо Гелди. Туркманлар ҳаётидан //Бухоро ахбори. 161-сон. 1923 йил 14 апрел; Бухоро қозоқларининг аҳволига аҳамият бермак керак //Бухоро ахбори. 201-сон. 1923 йил 24 сентябр; Уйғурлар секцияси //Бухоро ахбори. 209-сон. 1923 йил 3 октябрь; Кўчманчи қозоқлардан солиқ олиш ишлари //Озод Бухоро. 9-сон. 1923 йил 8 ноябр; Туркман маориф шўъбаси ёрдамга муҳтождур //Озод Бухоро. 15-сон. 1923 йил 24 ноябр.

²⁰³ Халқ Нозирлар Шўроси 65-буйруғи //Бухоро ахбори. 18-сон. 1921 йил 7 январ; История БНСР /Сборник документов (1920-1924). -Т.: Фан. 1976. -С.42.

²⁰⁴ Чўлпон. Адабиёт кечаси //Бухоро ахбори. 60-сон. 1921 йил 14 декабр; Маҳмуд Субоҳ. Тил масаласи //Бухоро ахбори. 107-сон. 1921 йил 2 ноябр; “Бой-су”. Хангома: “Чўнтагимда қолибдур” //Бухоро ахбори. 108-сон. 1922 йил 5 ноябр; Саид Аҳрорий. Масалага яхши қарайлик //Бухоро ахбори. 206-сон. 1921 йил 26 сентябр; Ўша муаллиф. Луғат ва имло устуни. //Озод Бухоро. 15-сон. 1923 йил 24 ноябр; “Абу Ваража”. Хангома: “Маълумот учун” //Озод Бухоро. 7-сон. 1923 йил 1 ноябр.

ҳам бир катор тадбирлар белгилади. Матбуот материалларининг маълумотича, республика пойтахти Эски Бухоро шаҳри кўчалари тор, кечкурунлари баъзи кўчаларнинг қоронғилиги ва кўлмак суви туфайли ҳатто, яёв юриш қийинлиги қайд қилинади. Масалан, “Доҳилий (ички ишлар) назоратидан олинғон маълумотларга кўра, Бухоро кўчаларида тез юриғон автомобил ва фойтунлар орқасидан от-фойтун ёки автомобил остига қолиб ўлувчилар, оёқсиз, қўлсиз қолувчилар жуда кўпдур...”²⁰⁵, - деб ёзилади газета мақолаларидан бирида.

Газеталарда янги ҳукуматнинг Бухоро аҳолисини маиший турмушини яхшилашга қаратилган тадбирлари ҳақидаги маълумотлар ҳам мавжуд. “Бухоро ахбори”нинг ёзишича, 1922 йил Бухорода мактаб ўқувчилари учун ёзги таътил даврида дам олишга мўлжалланган “Болалар боғи” ташкил этилган²⁰⁶.

Маиший турмушнинг зарурий тармоғи бўлган почта ва телеграф билан боғлиқ ўзгаришлар газета мақола ҳамда хабарларида учрайди. 1922 йилда почта-телеграф мактабини 20 киши битирди²⁰⁷, - деб ёзилади газетада. Почта-телеграф ишлари 1922 йилга келиб йўлга қўйилган. Почта ва телеграф ишлари йўлга қўйилган бўлсада, коммуникация хизмати соҳасининг бу йўналишдаги фаолияти анча чекланган эди. 1922 йил 1 ноябрдан телеграфнинг ҳар сўзи 20 сўм, буюртма хатлари 50 сўм бўлиб, тўлов 1922 йилги оқча ҳисобидан амалга оширилган. Ҳар бир фуқаро 24 соат (1 сутка) ичида 1 та телеграмма беришга ҳуқуқли бўлган. Телеграмма иш жойидан тасдиқланган бўлиши, 5 сўздан ошмаслиги белгилаб қўйилган. Савдо хабарлари, табрик телеграммалари қабул қилинмаган. Фавқулодда ҳолат ва фожеали воқеа юз берганда телеграмма олинган²⁰⁸.

1923 йил бошида оммавий ахборот воситаларидан Бухорода радио станциялари қурилди. “Бу Минораи Калон остига ўрнатилғон”²⁰⁹, - деб ёзади “Бухоро ахбори” газетаси. Демак, газетанинг хабарларига кўра, Бухоро шаҳри аҳолиси 1923 йил феврал ойидан бошлаб радиоэшиттиришлардан баҳраманд бўлган.

Шаҳар кўчаларини ёритиш, аҳолини электр чироқлари билан таъминлаш учун БХСР ҳукумати чора-тадбирлар белгилаган. “Бухоро

²⁰⁵ Бухоро кўчалари //Озод Бухоро. 25-сон. 1923 йил 16 декабр.

²⁰⁶ Бухоро ахбори. 99-сон. 1922 йил 14 сентябр.

²⁰⁷ Почта-телеграф ходимлари //Бухоро ахбори. 93-сон. 1922 йил 27 июл.

²⁰⁸ Почта ва телеграф муносабатлари. Почта ва телеграф томонидан муҳим билдириш //Бухоро ахбори. 111-сон. 1922 йил 19 ноябр.

²⁰⁹ Янги радиостанция //Бухоро ахбори. 127-сон. 1923 йил 18 феврал.

ахбори”да келтирилишича, 1923 йил кузидан Бухоро шахридаги Регистон майдонида илк бор электр станцияси ўрнатилган²¹⁰. Хабарларда электр чироқлари билан шаҳарни ёритиш 1923 йилнинг 15 октябридан бошланади деб қайд қилинсада, аслида бухороликлар хонадонида ўша йилнинг 12 декабридан электр чироқлари ёнди²¹¹. Бухоро шахридан кейин 2-электр станцияси Чоржўй шахрида ўрнатилиб, аввало, ҳарбий хизматчилар жойлашган казармалар электр токи билан таъминланганлиги газеталар орқали хабар қилинади.

БХСР йилларида аҳоли моддий турмушининг амирлик давридан қолган паст даражаси: очарчилик, қашшоқлик, ичимлик суви муаммоси, кўпгина ҳудудларда курук, чанг-тўзонли, ўта иссиқ гармселли об-ҳаво, қиш фаслида иситиш шароитларининг яратилмаганлиги сабабли касалликлар ва юқумли эпидемияларнинг кўплаб турлари тарқалган. “Бухоро ахбори” ва “Озод Бухоро” газеталарида ёзилишича, вабо, иситма, ришта (тери ости қуртлаши), безгак (Бухоро варажаси), чечак, бўғма, захм, тери-таносил, кўз оғриғи каби касалликлар мавжудлиги санаб ўтилади²¹². Амирлик давридан асорат сифатида сақланиб келинаётган ягона соғлиқни сақлаш тизимининг яратилмаганлиги туфайли БХСР ҳукумати бу соҳада махсус нозирлик ва бошқарув идоралари тузишга алоҳида эътибор қаратган. Шу каби ҳужжатлардан бирида БХСР соғлиқни сақлаш халқ нозирлиги фаолияти кенг ёритилган. 1920 йил 14 ноябрда соғлиқни сақлаш нозирлиги томонидан тайёрланган махсус маърузада мазкур нозирликнинг ташкил топиши, унинг бўлим ва шўъбалари фаолияти кўрсатилган. Ҳужжатда келтирилишича, соғлиқни сақлаш халқ нозирлиги 1920 йил 1 ноябрда маориф нозирлиги таркибидан мустақил нозирлик сифатида ажралиб чиққан²¹³.

Газеталарнинг маълумотлари билан батафсил танишилганда, ўша даврдаги аҳолининг саломатлиги аянчли аҳволда эканлигидан воқиф бўлинади. “Термиз шахрида ҳозиргача (1923 йил) 200 киши чечак билан оғриғон, ўлгонларнинг сони 30 га етадур... Қўбодиён районида (ҳозирги

²¹⁰ Шаҳарда электр //Бухоро ахбори. 208-сон. 1923 йил 30 сентябр.

²¹¹ Электр станцияси //Озод Бухоро. 25-сон. 1923 йил 16 декабр.

²¹² Вабо касалига қарши //Бухоро ахбори. 89-сон, 1922 йил 8 июл; Иситма балоси //Бухоро ахбори. 94-сон. 1922 йил 3 август; Янги касаллар пайдо бўлган //Бухоро ахбори. 129-сон, 1923 йил 28 январ; Ваража хасталиклари билан кураш // Бухоро ахбори. 129-сон. 1923 йил 28 январ; Тиб-ваража касали билан кураш //Бухоро ахбори. 144-сон. 1923 йил 17 май; Термизда чечак касали //Озод Бухоро. 8-сон. 1923 йил 6 ноябр; Чечак касали //Озод Бухоро. 13-сон. 1923 йил 18 ноябр; Ёмон касаллар. Заҳм касали //Озод Бухоро. 18-сон. 1923 йил 1 декабр; Чечак касали кучаядур //Озод Бухоро. 20-сон. 1923 йил 11 декабр; Чечак қурбонлари //Озод Бухоро. 22-сон. 1923 йил 11 декабр; Кўз оғриғлари ва уларга қарши курашмак йўллари //Озод Бухоро. 79-сон. 1924 йил 19 апрел; Шаҳарда чечак касали пайдо бўлди //Озод Бухоро. 157-сон. 1924 йил 27 октябр.

²¹³ Ўзбекистон МДА, 48-фонд, 1-рўйхат, 64-иш, 22-23-варақ.

Тожикистон Республикаси ҳудудида - К.Р.) 1114 киши бу касал билан оғриб, 50 фоиздан ортиғи ўлғондур”²¹⁴,- деб ёзилади “Озод Бухоро” газетасида.

Газеталарда қайд қилинишича, “Халқ саломатлигини сақлаш марказий идораси” тўғрисида махсус низомнома имзоланиб, унда республика ҳудудида юқумли касалликларга қарши кураш марказларини очиш, хориждан доридармонлар келтириш, дорихоналар қуриш ва фаолиятини йўлга қўйиш, болалар ва ҳарбийлар саломатлиги марказларини очиш, хориждан тиббий мутахассисларни жалб қилиш каби масалалар кўрсатилган. Мазкур ҳужжат ижроси асосида 1922-1923 йилларда Германиядан БХСРга катта миқдорда доридармонлар, тиббий асбоб-ускуналар келтирилди²¹⁵. Безгак касаллигининг бошланганлиги оқибатида 40 000 сўм (олтин оқча ҳисоби билан)дан ошиқроқ маблағга хориждан доридармон олинганлиги “Бухоро ахбори”да алоҳида қайд қилинади²¹⁶.

БХСРда фельдшерлик пунктлари, касалхоналар очишга жиддий эътибор қаратилганлиги, фақатгина 1923 йилнинг август-сентябр ойларида Шеробод, Дарбанд, Шаҳрисабз, Карки, Қарши, Кармана, Нурато (Нурота), Вобкент каби туман, шаҳар ва вилоятларда касалхоналар очилганлиги матбуотда хабар қилинади²¹⁷.

Ҳарбий қисмларда юқумли касалликларнинг олдини олишга бағишланган конференциялар ташкил қилинди, туманларда кўчма тиббий назорат пунктлари, маслаҳатхоналар очилди. 1924 йилга келиб республикада тропик касалликлар институти, 5 та касалхона, 2 та амбулатория ва 8 та фельдшерлик пункти фаолият кўрсатди²¹⁸. Ушбу далиллар газеталарнинг мақола ва хабарларида ҳам қайд этилади.

Газета хабарларида туман ва кентларда очилган касалхоналарнинг 30 ёки 50 кишига мўлжалланганлиги, жойларнинг етишмаслиги, касалхона ва фельдшерлик пунктларида тиббиёт ходимларининг сони камлиги қайта-қайта таъкидланади. “Бухоро шаҳрида 1 та дорихона мавжуд бўлиб, аҳоли доридармонлар сотиб олиш учун 2-3 соатлаб навбатда турган”²¹⁹, - деб ёзилади “Озод Бухоро”да.

²¹⁴ Озод Бухоро. 8-сон. 1923 йил 6 ноябр; 20-сон. 1923 йил 6 декабр.

²¹⁵ Ҳайитов Ш. ва б. Бухоро Халқ Республикаси ва Германия: ҳамкорликнинг тарихий лавҳалари (1920-1924 йиллар). -Т.: Фан, 2004.-Б. 64.

²¹⁶ Ҳавзолсиҳат учун дорулар //Бухоро ахбори. 149-сон. 1923 йил 31 март.

²¹⁷ Озод Бухоро. 25-сон. 1923 йил 16 декабр.

²¹⁸ Ўзбекистоннинг янги тарихи. 2-китоб. Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида. -Т.: Шарқ, 2000. -Б.248.

²¹⁹ Саломатликни сақлаш шўъбаси биладурми? //Озод Бухоро. 25-сон. 1923 йил 16 декабр.

Учратилган манбаларда Бухоро амирлиги тузумини ағдариш вазифасини асосан қизил аскарлар ёрдамида бажарилганлигига алоҳида урғу берилиб, бундан кейин миллий-демократик мустақил давлатни барпо қилиш тамал тошларидан бири-маҳаллий халқ вакилларидан иборат қўшин тузиш зарурлиги қайд қилинади. Давлат ва сиёсий арбоблардан Файзулла Хўжаев, Абдулқодир Муҳиддинов, Қори Йўлдош Пўлатов, Маҳмуд Саид Аҳрорий, Абдулҳамид Орипов, Аббос Алиев кабиларнинг матбуотда айнан шу муаммога бағишланган салмоқли мақолалари чоп этилган. Жумладан, А.Муҳиддиновнинг “Эл аскари қизил аскар”²²⁰, А.Алиевнинг “5 феврал-армияга сафарбарлик куни”²²¹, С.Аҳрорийнинг “Ҳарбий ишларимиз ҳам алмашсун”²²², Ф.Хўжаевнинг “Душманларимиз билсунлар”²²³, Қ.Й.Пўлатовнинг “Мустақил бир мамлакат қандай бўлур?”²²⁴ каби мақолалари миллий ҳукуматнинг бўлажак армияси қандай бўлиши кераклиги, уни яратиш асослари, муаммолари билан боғлиқ кенг камровли масалаларни ўз ичига олади. Қ.Й.Пўлатов: “Мамлакат мудофаси учун оқча, озуқа ва молни аямаслик керак”²²⁵, - деб ёзса, С. Аҳрорий: “Эндиги вазифа расмий ҳужжатлар юритишдаги, команда беришдаги русча муомала ўрнига ўзбекча мулоқотни жорий қилишдур”²²⁶, - деб ёзганди. А. Муҳиддинов ўз мақоласи мазмунига қизил армия қисмлари Бухоро ҳудудида турар экан, республика мустақиллиги фақат сўздан иборат бўлиб қолади каби фикрларни сингдирган²²⁷.

БХСР ҳарбий ишлар халқ нозирлиги (нозир – Файзулла Хўжаев) 1921 йил 1 февралда қуйидаги ҳарбий қисмлар ва бошқармаларни ташкил қилиш тўғрисида қарор чиқарди: нозирлик шўъбаси; комендант, мусиқа, хўжалик ва ишчи роталари; Бухоро, Чоржўй, Кармана, Қарши, Шаҳрисабз, Ҳисор, Шеробод вилоятлари ҳарбий нозирликлари; командирлар тайёрлайдиган 1-Бухоро ҳарбий мактаби каби маълумотлар келтирилади архив ҳужжатларининг бирида²²⁸. “Бухоро ахбори” газетасида ёзилишича эса, 1921 йилдан бошлаб, 5 феврал санаси БХСР армиясига умумий сафарбарлик куни сифатида нишонланган²²⁹. Армиянинг миллий рамзларини яратиш, мардлик ва жасорат кўрсатган аскарларни тақдирлаш учун нишон жорий қилиш,

²²⁰ Бухоро ахбори. 23-сон. 1921 йил 5 феврал.

²²¹ Бухоро ахбори. 23-сон. 1921 йил 5 феврал.

²²² Бухоро ахбори. 34-сон. 1921 йил 1 май.

²²³ Бухоро ахбори. 90-сон. 1922 йил 15 июл.

²²⁴ Бухоро ахбори. 107-сон, 1922 йил 2 ноябр.

²²⁵ Қори Йўлдош. Мустақил бир мамлакат қандай бўлур?//Бухоро ахбори. 107-сон. 1922 йил 2 ноябр.

²²⁶ Саид Аҳрорий. Ҳарбий ишларимиз ҳам алмашсун //Бухоро ахбори. 34-сон. 1921 йил 1 май.

²²⁷ Абдулқодир М. Эл аскари - қизил аскар. //Бухоро ахбори. 23-сон 1921 йил 5 феврал.

²²⁸ Ўзбекистон МДА, 48-фонд, 1-рўйхат, 42-иш, 86-89-варақлар.

²²⁹ Бу ўринда 5 феврал - БХСРда миллий армия кунини байрам қилиш анъанасини ташкил қилиш ҳаракати бўлганлиги назарда тутилади.

миллий армияни мустаҳкамлаш оyi тадбирларини ўтказиш кабилар газеталарда кенг тарғиб қилинди ва ёритилди²³⁰. “Бухоро ахбори”да: “Бухоро инқилобий қўмитаси икки турда нишон таъсис этди. Биринчи нишон тиллодан бўлиб, 8 қиррали юлдуз, унинг ичида ҳукуматнинг байроғи. Иккинчи нишон ҳам ҳудди шу тартибда ясалиб, фақат нуқрадан қилинган”²³¹, - деб ёзилади. Тарихчи Қ.Ражабовнинг маълумотларига қараганда, ушбу нишонларнинг расми бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси Президенти Девони ҳузуридаги архивда сақланмоқда. Ҳукумат ҳарбийлар моддий аҳолини яхшилаш чораларини ҳам кўрган. Бу ҳақда газеталарда: “Нозирлар Шўроси ҳарбий ва доҳилия ишлари назорати ихтиёрига 7 пуд (4000 сўм) олтин берди, бу олтин аскарлар ва милицияга керагича сарф этилғусидур”²³². “Аскарлар жойлашган казармаларни таъмирлаш учун иқтисод шўроси тарафидан 183 минг танга ажратилди”²³³, - каби кўплаб маълумотлар келтирилади.

Аскарларни моддий шарт-шароитларини яхшилаш билан бирга улар маънавиятини кўтариш, маърифатли қилиш масаласи ҳам газеталарда чоп этилган бир қатор мақолаларда қайд қилинади²³⁴. Жумладан, газета мухбирларидан бири Бекбой армия ва милициядаги маънавий-ахлоқий тарбия тўғрисида фикр юритар экан, аскарларнинг паст даражадаги саводхонлигининг (айниқса, маҳаллий халқ вакиллари орасида) сабаби - “бу бутун илм Бухоро шахридаги мадрасаларга берилуб, халқдаги маорифга эҳтиёж аҳамиятсиз қолдирилганлиги асоратидур”²³⁵, - деб ёзади ўзининг мақолаларидан бирида.

“Бухоро ахбори” ва “Озод Бухоро” газеталари материаллари маълумотича, миллий армияни истиқболда республика ҳудудида ишлаб чиқариладиган куруллар билан таъминлаш ҳам режалаштирилган эди. 1922 йилда ҳарбий нозирлик томонидан амир замонидан қолган милтиқ ва тўпларни таъмирлашга буйруқ берилган²³⁶.

²³⁰ Бухоро ахбори. 90-сон. 1922 йил 15 июн; 181-сон. 1923 йил 12 июл; 192-сон. 1923 йил 22 август.

²³¹ Аскарлик хизматида фидокорлик ва қахрамонлик кўрсатганларга нишон //Бухоро ахбори. 90-сон. 1922 йил 15 июл.

²³² Ҳукумат аскар ва милицияни унутмайдир //Бухоро ахбори. 181-сон. 1923 йил 12 июн.

²³³ Казармаларни тузатиш //Бухоро ахбори. 205-сон. 1923 йил 23 сентябр.

²³⁴ Дастуриламал //Бухоро ахбори. 24-сон. 1921 йил 17 феврал; Саид Аҳрорий. Ҳарбий ишларимиз ҳам алмашсун! //Бухоро ахбори. 34-сон. 1921 йил 1 май. Интизомли аскар ташкил қилмак керак (?) //Бухоро ахбори. 78-сон. 1922 йил 11 апрел; “Мухбир”. Чоржўйда кўнгилли курсантлар курси //Бухоро ахбори. 130-сон. 1923 йил 1 январ; Бекбой. Милицияни ўқитмак керак //Бухоро ахбори. 134-сон. 1923 йил 15 феврал; Аҳмад Аҳмадов. Бухорода кизил милициялар курси //Бухоро ахбори. 155-сон. 1923 йил 12 апрел.

²³⁵ Бекбой. Милицияни ўқитмак керак //Бухоро ахбори. 134-сон. 1923 йил 15 феврал.

²³⁶ Ушбу буйруқ БХСР ҳарбий ишлар нозир Абдулҳамид Орипов томонидан имзоланган.

Матбуот нашрлари республиканинг охириги йилларида (1923-1924 йиллар) аскарлар таъминоти биров ўсганлиги, улар саводхонлиги ва ҳарбий тажрибаси ортганлиги, ҳарбийлар учун қурилган яшаш бинолари бунёд этилганлиги тўғрисида бир қадар ижобий маълумотларни келтиради²³⁷.

Бироқ миллий ҳукумат режалаштирганидек, маҳаллий халқлар вакилларида мунтазам армия тузиш, уни замонавий ҳарбий аслаҳалар билан қуроллантириш, мамлакат мудофаа қобилятини мустаҳкамлаш, маҳаллий ҳарбий трибунал²³⁸ни шакллантириш вазифалари бажарилмаган. Жумладан, ҳарбийлар соғлиғини назорат қилиш ҳам етарли йўлга қўйилмаган, ҳарбий шифокор мутахассислар етишмаган.

БХСР ҳукуматига муҳолифатда бўлган, қизил аскарларга қарши қурашаётган озодлик ҳаракатининг иштирокчилари, уларнинг ҳарбий ҳаракатлари, фаолияти, шахсияти, қураш жараёнидаги психологик ҳолатлари, тақдирлари шўро мафкураси талабларидан ва мезонларидан келиб чиқиб, “босмачилик” сифатида “Бухоро ахбори” ва “Озод Бухоро” газеталарида талқин қилинган. Шунинг учун БХСР Халқ Нозирлар Шўроси раиси ва айрим ҳукумат аъзолари ҳамда газета мухбирларининг бу масалага таалуқли бўлган барча мақолалари ҳам мафкуравий андозада ёзилган²³⁹. Ушбу мақолалар таҳлили шуни кўрсатадики, БХСР жуғрофий ҳудудида олиб борилаётган “босмачилар” ҳаракати нуқул салбий баҳоланди. “Босмачилар”- “халқ душманлари”, “хоин”, “сотқин”, “эскилик сарқити тарафдорлари”, “амир малайлари”, “янгилик душманлари” каби атамалар билан қораланади.

1920-1921 йиллар, яъни янги тузумнинг дастлабки 1,5-2 йили давомида “босмачилик” мавзуси²⁴⁰ газеталар саҳифаларида деярли баён қилинмайди.

²³⁷ Аскарлар турмушидан лавҳа //Бухоро ахбори. 169-сон. 1923 йил 12 май; Қазармаларни тузатиш //Бухоро ахбори. 205-сон. 1923 йил 23 сентябр. Отлиқ полқда ҳавзалсиҳат ишлари // Озод Бухоро. 144-сон. 1924 йил 24 сентябр. Аскарӣ ўқувчилар мажлиси //Озод Бухоро. 144-сон. 1924 йил 24 сентябр; Бухоро отлиқ полкида театр-томоша //Озод Бухоро. 118-сон. 1924 йил 26 июл.

²³⁸ Ҳарбий трибунал - бу ҳарбий жиноятларни суд қилиш ҳайъати бўлиб, БХСР йилларида бу атама ҳарбий идорага нисбатан ишлатилиб, у Марказдан юборилган коммунистлар қўлида бўлган.

²³⁹ Файзулла Хўжа. Шарқий Бухоро босмачилиқдан олғон яралариндин қутилишга тегиш //Бухоро ахбори. 182-сон. 1923 йил 14 июл; Ўша муаллиф. Шарқий Бухоро босмачилиқдан кейин //Бухоро ахбори. 207-сон. 1923 йил 28 сентябр; 208-сон. 30 сентябр; Ўша муаллиф. Халқ душманлариға омонлиғ йўқ //Озод Бухоро. 5-сон. 1923 йил 28 октябр; 8-сон. 6 ноябр; Абдулқодир Муҳиддинов. Шарқда озодлик ҳаракати //Бухоро ахбори. 65-сон. 1922 йил 15 январ; Азиззода Лазиз. Қучимиз ортмоқда //Бухоро ахбори. 27-сон. 1921 йил 13 март; Абдулҳамид Орипов. Тўсиқлар //Бухоро ахбори. 54-сон. 1921 йил 3 ноябр; Олимжон Оқчурин. Шарқий Бухоро мактублари //Бухоро ахбори. 27-сон. 1921 йил 13 март; Зиё Усмоний. Босмачилар ким? //Бухоро ахбори. 79-сон. 1922 йил 23 апрел; Босмачилик ҳаракатига қатъий зарба //Бухоро ахбори. 88-сон. 1922 йил 29 июн; Фотиҳ Сулаймонов. Босмачиларға ўлум зарбаси берилди //Бухоро ахбори. 195-сон. 1923 йил 29 август.

²⁴⁰ “Босмачилик” ҳаракати тарихи тўғрисида сўнги йилларида Ўзбекистон тарихи фанида Қ.Ражабов, Р.Ражапова, Н.Норжигитова, У.Рашидов, Д.Зияева, Д.Мўминов каби тарихчилар бир қатор тадқиқотлари яратишиб, уларда бу ҳаракат Туркистон халқларининг совет тузуми ва қизил армияга қарши миллий-озодлик қураши эканлиги кўрсатилди. Биз мазкур тадқиқотда бу ҳаракатнинг моҳияти ва БХСРдаги қуролли

Республика ҳудудида кечаётган ҳарбий ҳаракатлар кучайган ва БХСР ҳукуматининг муҳолифатга муносабати тўла равишда қарор топмаган бир вазиятда матбуот саҳифаларидаги кескин материаллар халқни таҳликага солиши, тартибсизликларни кучайтириши ва зиддиятли ҳолатларни вужудга келтириши мумкин эди. Шунинг учун бу йилларда мазкур ҳаракат тўғрисида газетада маълумот берилмайди. Масаланинг яна бир жиҳати шундаки, Бухородаги қуроли муҳолифатнинг ўзи ҳам ғоявий жиҳатдан турли гуруҳларга бўлинган эди²⁴¹.

1922-1924 йиллардаги газета сонларида “босмачилик” ҳаракати билан боғлиқ юзлаб мақола ва хабарлар берилади. Уларни қуйидаги гуруҳларга бўлиш мумкин:

1. “Босмачилар” ва уларнинг ҳарбий ҳаракатлари ҳудуди, мақсад ва вазибалари, таркиби, ташкилотлари, улар ўртасидаги ихтилофларни ёритувчи мақола ва хабарлар²⁴².

2. “Босмачилар” ва қизил аскарларнинг ҳарбий тўқнашувлари: кураш жараёни, оқибатлари, айрим қўрбошилар ва улар гуруҳларининг тарихий тақдири, БХСР ҳукуматига таслим бўлган қўрбоши ва “босмачилар” гуруҳлари вакиллариининг ҳарбий трибунал томонидан ҳукм қилиниши ҳамда жазога тортилиши билан боғлиқ хабарлар ва билдиришлар²⁴³.

Газета матнларидаги бу мавзуларга тегишли маълумотларни Бухоро вилояти давлат архиви ҳужжатлари ҳам тўлдиради. Шундай ҳужжатлардан бирида келтирилишича, 1923 йил ноябр ойида қўрбошилардан Жўра Амин, Аъзам Хўжа, Тош Мурдашўй, Бозорбек, Равшан Давлат кабиларнинг ҳаракати фаоллашган. Уларнинг ҳар бири 500-600 кишилиқ суворийлари

кураш ҳақида тўхталиб ўтирмасдан, фақат ўша давр Бухоро матбуотида “босмачилик” ҳаракати мавзусида ёритилган мақолаларни айтиб ўтиш билан чекланамиз.

²⁴¹ БХСРда юзага келган қуроли муҳолифат бир йўла икки кучга қарши: биринчиси, бу ҳудудда жойлашиб олган қизил армия қисмларига қарши мустақиллик учун курашни, иккинчиси эса, большевиклар ёрдамида ҳокимиятни эгаллаб олган демократик кучларга қарши муҳолифлик урушини олиб бордилар. Бу урушнинг Туркистондаги, хусусан, Фарғона водийсидаги истиқлолчилик ҳаракатидан ҳам фарқи ана шунда. Бу ҳақда тарихчи олим Қаҳрамон Ражабовнинг докторлик диссертацияси ва турли тадқиқотларида сўз боради.

²⁴² Босмачиларнинг махфий ташкилоти ҳақида //Бухоро ахбори. 95-сон. 1922 йил 12 август. Қарки босмачилари //Озод Бухоро. 40-сон. 1924 йил 16 январ. Баҳоргача босмачиларнинг қанотини қуйдириш керак //Озод Бухоро. 46-сон. 1924 йил 9 январ. Шаҳрисабз босмачилари //Озод Бухоро. 60-сон. 1924 йил 3 март. Беҳбудийда босмачилик //Озод Бухоро. 64-сон. 1924 йил 21 март. Ҳозирда босмачилик ҳаракати ва унинг тарихи (Ф.Хўжаевнинг 10 апрел(1924 йил)да Бухоро фирқа аъзоларининг умумий мажмуасида қилган маърузасидан) //Бухоро ахбори. 77-сон 1924 йил 16 апрел; Итлар ўзаро урушдилар //Озод Бухоро. 133-сон. 1924 йил 27 август.

²⁴³ Ҳарбий ҳукм маҳкамасида //Бухоро ахбори. 123-сон. 1923 йил 11 феврал; Ҳукуматга таслим бўлдилар //Озод Бухоро. 32-сон. 1923 йил 29 декабр; Вилоятларга комиссиялар юборилди. Таслим бўлгон камбағал босмачиларга ёрдам //Озод Бухоро. 118-сон. 1924 йи 26 июл; Байрам муносабати билан босмачиларга авф умумий //Озод Бухоро. 135-сон. 1924 йил 2 сентябр ва бошқалар.

билан Бухоро шахри атрофида ҳамда Кумушкент, Харғўш ва Хайробод кентларида қизил аскарлар билан жанг қилганлар²⁴⁴.

Газеталар эса совет мафкураси асосида бу масалага муносабат билдирган бўлсада, ундаги манбавий маълумотлар 1920-1924 йиллар БХСРдаги қуролли курашлар тарихини янада мукамал ўрганишни илмий-назарий жиҳатдан бойитади.

Бутун Шарқ дунёсида бўлгани каби Бухорода ҳам ижтимоий муаммоларнинг энг муҳим бўғинларидан бири - хотин қизлар муаммоси эди. “Бухоро ахбори” ва “Озод Бухоро” газеталари материаллари мазкур муаммони таҳлил қилишда ҳамда тегишли хулосалар чиқаришда муҳим манба бўлиб хизмат қилади. Газеталардаги ушбу йўналишга оид мақола, хабарларни мазмуни ва моҳияти жиҳатидан бир неча қисмларга бўлиш мумкин:

1. Хотин-қизлар маорифи муаммолари ва тарғиботи билан боғлиқ мақола ва хабарлар²⁴⁵.

2. Ҳукуматнинг хотин-қизлар учун амалга оширган мактаб-маориф тадбирларини ёритиб берувчи материаллар²⁴⁶.

3. Бухоро аёлларининг жамият ва оиладаги ҳуқуқ ҳамда эркинликлари масалаларига оид мақола ва хабарлар²⁴⁷.

Хотин-қизларни маърифатли қилиш масаласидаги мақолалар мазмунидан ҳукуматнинг мақсад ва вазифалари аниқ бўлади. Яъни, аёлларни маърифатли қилишдан мақсад, улар учун ўқиш ва ҳарф танитиш учунгина даркор бўлмай, айти пайтда маърифатли оналар воситаси билан ақлий ва жисмоний баркамол фарзандларни тарбиялаш, оила маънавияти ва асосини мустаҳкамлаш, адолат, тенглик, истиқлол, озодлик каби неъматларнинг моҳиятини тушуниш омилларига ҳам хизмат қилади деб қаралган.

Хотин-қизлар учун мактаб ва маориф ишлари борасида ҳукуматнинг амалга ошириб бораётган ҳар бир тадбирлари газета хабарлари орқали халққа

²⁴⁴ Бухоро вилояти давлат архиви (Бухоро ВДА), 777-фонд, 2-рўйхат, 34-иш, 1-2-варақлар.

²⁴⁵ Илёсова. Озод мамлакатда қул бўлмаслигига тегиш //Бухоро ахбори. 82-сон. 1922 йил 4 май; Фотима Давлаткулова. Муаллималар овози //Бухоро ахбори. 102-сон. 1922 йил 15 октябр; Шу муаллиф. Ҳақиқат очдур, ҳазм этмакка омухта бўлмак лозим //Бухоро ахбори. 114-сон. 1922 йил 3 декабр; Рафика. Хотин-қизларимизни ўқитмак керак //Бухоро ахбори. 138-сон. 1923 йил 3 март; “Ўртоқ”. Қизларнинг сағирхонаси керак //Бухоро ахбори. 158-сон. 1923 йил 18 апрел; Мукаррама Аҳмадова. Эсдан чиқарилмасун! //Бухоро ахбори. 222-сон. 1923 йил 10 октябр.

²⁴⁶ Хотун-қизлар курси //Бухоро ахбори. 41-сон. 1921 йил 30 июн; Бухорода хотунлар куни //Бухоро ахбори. 77-сон. 1922 йил 4 апрел; Хотунлар учун маориф //Бухоро ахбори. 83-сон. 1922 йил 9 май; Саводсиз хотин-қизлар учун мактаб //Бухоро ахбори. 90-сон. 1922 йил 15 июл; Ўқувчи қизлар юборилди //Бухоро ахбори. 180-сон. 1923 йил 5 июл; Каркида хотин-қизлар мактаби //Озод Бухоро. 24-сон. 1923 йил 15 декабр; Саид Аҳрорий. Соғлиғимиз, ҳаётимиз таҳликада //Озод Бухоро. 99-сон. 1924 йил 4 июн; Иш артеллари //Озод Бухоро. 143-сон. 1924 йил 23 сентябр; Хотин-қизлар учун мактаб керак //Озод Бухоро. 153-сон. 1924 йил 17 октябр.

²⁴⁷ Фотима. Бизда хотунларнинг ҳуқуқлари //Бухоро ахбори. 133-сон. 1922 йил 30 ноябр; «Овул боласи», Бизда хотун-қизлар //Бухоро ахбори. 173-сон. 1923 йил 10 июн; Саид Аҳрорий. Хотун //Озод Бухоро. 6-сон. 1923 йил 31 октябр; Ўша муаллиф. Қиш келди, товушсизлар қотмасун! //Озод Бухоро. 30-сон. 1923 йил 30 декабр; Хотун-қизларни ўғурлашга қарши //Озод Бухоро. 82-сон. 1924 йил 24 апрел; “Ўзбек кизи”. Хотун-қизлар орасида ишлаш //Озод Бухоро. 75-сон. 1924 йил 12 апрел; Ҳаёт Хидирӣ. Ўзбек кизи фожеаси //Озод Бухоро. 102-сон. 1924 йил 12 июн; Аҳмарова. Хотун-қизлар орасида //Озод Бухоро. 133-сон. 1924 йил 27 август.

маълум қилиб борилган. Жумладан, маориф назорати томонидан Эски Бухорода хотин-қизлардан муаллималар тайёрлаш учун 6 ойлик таълим-тарбия курслари очилганлиги²⁴⁸, 25 июнда (1922 йил) БХСР тарихида биринчи саводсиз хотин-қизлар мактаби (Бухоро шаҳрида) ташкил этилганлиги²⁴⁹ баён қилинади.

Бир қатор манбаларда²⁵⁰ БХСР ҳукуматининг хотин-қизларни ўқиш ва ўқитиш фаолиятидаги камчиликлар, фойдаланилмаган имкониятлар, тўсиқлар ва қарама-қаршиликлар танқид остига олинади. 1924 йилда 60 дан ортиқ мактабларнинг атиги 2 тасигина қизлар мактаби эканлиги, мазкур мактабларда режадаги 50-100 ўқувчи ўрнига 15-20 нафаргина қизлар тахсил кўраётганлиги айтилади. “Каркида хотун-қизлар мактаби” номли мақолада²⁵¹ қайд қилинишича, мазкур шаҳарда хотин-қизлар мактаби очилиб, 20 нафар талаба ўқиётганлиги, маориф назоратидан турли ўқув асбоблари ва муаллималар юбориш сўралганда, Бухородан: “20 кишига асбоб, муаллималар юбора олмаймиз, тайёр бўлгунча талабаларни марказга юборинг”, - деб жавоб берилган. “Ўз шаҳримизда ўқитмоқ қийин кечаётган бир даврда, буни қандай тушунмоқ керак”²⁵², - дейди мақола муаллифи “Туркман қизи”. Бу маълумотлар орқали чекка шаҳарларда очилган хотин-қизлар мактабининг ўқув-моддий базасини ташкил қилиш, маориф нозирлиги томонидан назорат қилиш ишлари сусти олиб борилганлигидан воқиф бўлинади.

Ёш қизларни турмушга бериш, уларни оилага тайёрламасдан узатиш жаҳолат эканлиги айрим мақолалар мазмунига сингдирилган. “Жаҳолат қурбони бўлурга маҳкум бўлгон мухтарам оналаримизнинг бисёрлари ямоқ кўрпачалар устида бекордан бекорга мажбур қилиш асосида болаликданок турмушга чиқиб, сақич чайнаб вақт зое қилгунча биров тафаккур қилсалар, миллат ва ватан юксалгон бўлур эди”²⁵³, - деб ёзилади “Бухоро ахбори”да. Бу каби танқидий мақолалар газеталарда талайгина.

Хотин-қизларни ҳаётга кенгрок тортиш мақсадида Бухорода биринчи маротаба 1922 йилнинг 17 мартида “Хотунлар куни” байрами ўтказилган. Хотин-қизлар иштирокида ўтган бу байрам тафсилотлари газета саҳифаларида ўрин олган “Бухорода хотунлар куни” мақоласи орқали кенг ёритилган.²⁵⁴ Хуллас, “Бухоро ахбори” ва “Озод Бухоро” газетаси маълумотлари БХСРда хотин-қизларнинг ижтимоий ҳуқуқи ҳамда маорифи масалаларини ўрганишда муҳим манба бўлиб хизмат қилади.

Хулоса қилиб айтганда, “Бухоро ахбори” ва “Озод Бухоро” газеталари республика иқтисодиётининг тўрт ярим йиллик давридаги ҳолати, хўжалик тармоқлари ривожига ўзгаришлар, мураккаблик ва зиддиятлар ҳамда

²⁴⁸ Хотун-қизлар курси //Бухоро ахбори. 41-сон. 1921 йил 30 июн.

²⁴⁹ Саводсиз хотун-қизлар учун мактаб //Бухоро ахбори. 90-сон. 1922 йил 15 июл.

²⁵⁰ Хотунларнинг ҳуқуқлари //Бухоро ахбори. 1922 йил 30 ноябр; Қизлар сағирхонаси керак //Бухоро ахбори. 158-сон. 1923 йил 18 апрел.

²⁵¹ Озод Бухоро. 24-сон. 1923 йил 15 декабр.

²⁵² Ўша жойда.

²⁵³ Фотима. Ҳақиқат очдур, ҳазм этмоққа омухта бўлмоқ лозим //Бухоро ахбори. 114-сон. 1922 йил 3 декабр.

²⁵⁴ Бухоро ахбори. 77-сон. 1922 йил 4 апрел.

айрим соҳалардаги инқирозли жихатларини хронологик кетма-кетликда ўрганиб, тегишли хулосалар чиқариш учун асосий манбадир.

“Бухоро ахбори” ва “Озод Бухоро” газеталари БХСРнинг 1920-1924 йилларда маъмурий-худудий бўлинишидаги ўзгаришлар, ҳукумат бошқаруви тизими, нозирлар, уларнинг фаолияти, миллий масала, аҳолининг миллий таркиби, сиёсий ташкилотлар тузилиши ва тарихи кабилар ҳақида тушунча ҳамда тасаввурларга эга бўлиш имконини беради.

БХСР ҳукумати ўзи учун мураккаб ва оғир бўлган ички ва ташқи вазиятга қарамай, ўша даврнинг замонавий коммуникация ва информация тизимлари янгиликларини жорий қилиш вазифасига киришган. Бироқ аҳолининг кенг қатламлари орасига, айниқса, чекка вилоят ва кентларда, қишлоқларда яшовчи кишилар турмушига почта-телеграф, радио ва электр тармоқлари каби кундалик ҳаётга кириб келган янгиликлар мутлақо жорий қилинмаганлигини Бухоро матбуоти орқали билиш мумкин.

XX асрнинг дастлабки ўн йилликлари даврида Бухорода тиббиёт, тиббий хизмат кўрсатиш паст даражада бўлиб, сурункали юқумли касалликлардан аҳоли азият чекарди ва санитария-гигиена қоидаларига амал қилинмасди. БХСРда тиббиёт ва халқ саломатлиги муаммоларини атрофлича ўрганишда “Бухоро ахбори” ва “Озод Бухоро” газеталари материаллари бой манба бўла олиши исбот талаб қилмайди.

Республика ҳукумати хотин-қизларнинг ҳуқуқлари ва жамиятдаги ўрни билан боғлиқ жиддий қарорлар қабул қилиш, уларни ҳаётга тадбиқ этишга улгурмади. Ҳукумат юксак режалар, истикболли мақсад ва вазифаларни кўзлаган бўлсада, моддий, иқтисодий, ҳарбий, ташқи омиллар улар ижросига имкон бермади. Барибир жамиятни маънавий соғломлаштириш, ўзбек аёлининг иффати ва ор-номусини сақлаш ҳукумат диққат-эътиборида бўлганлигини газетанинг бу йўналишдаги материаллари орқали чуқур англаб олиш мумкин.

Адабиётлар:

1. Ишанов А. Бухарская Народная Советская Республика. -Т.: Узбекистан, 1969. -392 с.
2. Йўлдошев Н. Матбаа ва матбуот тарихидан //Бухоро ҳақиқати. 1990 йил 15 август.
3. Каримов Р., Раджабов К. Политическая и экономическая ситуация в Бухарской Республике (1920-1924 гг.) //Истории Узбекистана (1917-1991гг.) - Т.: Шарк, 2002. -С. 63-70.

4. Мажид Ҳасаний. Файзулла Хўжаев. -Т.: Ўзбекистон, 1990. -204 б.
5. Маҳмудов М. Барҳаёт сиймолар (Қатағон қурбонлари ҳақида лавҳалар). -Т.: Ўзбекистон, 1991. -96 б.
6. Маҳмуд Саид Аҳрорий. Танланган асарлар /Тўплаб нашрга тайёрловчи Холида Аҳророва. -Т.: Маънавият, 2001. -101 б.
7. Ражабов Қ. Бухоро Халқ Республикаси: монархиядан демократия сари дастлабки қадамлар (1920-1924 йиллар). Ўзбекистон тарихининг долзарб муаммоларига янги чизгилар /Даврий тўплам. № 2. -Т.: Шарқ, 1999. -Б.149-158.
8. Ражабов Қ. Бухоро ва Хоразм Республикаларидаги қуролли муҳолифат кураши /Ўзбекистоннинг янги тарихи. 2-китоб. -Т.: Шарқ, 2000. -Б.249-270.
9. Ражабов Қ. Бухоро ва Хоразм Халқ Республикалари: давлатчиликнинг демократик шакли /Ўзбекистон давлатчилиги тарихи очерклари. -Т.: Шарқ, 2001. -Б.185-202.
10. Ражабов Қ. Бухорога қизил армия босқини ва унга қарши кураш. -Т.: Маънавият, 2002. -144 б.
11. Ражабов Қ. Бухоро Халқ Совет Республикаси /ЎЗМЭ. 2-жилд. -Т., 2001. -Б.299-302.
12. Ражабов Қ., Раҳмонов К. “Бухоро ахбори” ва “Озод Бухоро” газеталарида маориф масаласининг ёритилиши // Ўзбекистон тарихи ва маданияти (Республика илмий-амалий анжумани материаллари). Тошкент – 2011. –Б. 154-160.
13. Ражабов Қ. Файзулла Хўжаев (тарихий эссе). –Т.: “ABU MATBUOT-KONSALT” нашриёти, 2011. -48 б. –(Тарих ва тақдир).
14. Рашидов У. Бухоро инқилоби: у қандай бўлган эди? //Бухоро ҳақиқати. 1995 йил 23 август.
15. Рашидов У. Бухоро Республикасида қаршилик ҳаракатининг биринчи босқичи (1920-1922 йй.) /Бухоро тарихи масалалари (мақолалар тўплами). – Бухоро, 1996. -Б.95-123.
16. Рашидов У. Бухоро Халқ Республикаси. -Бухоро: Бухоро, 2003. -99 б.
17. Раҳмонов К. БХСР тарихи матбуот саҳифаларида. -Т.: ABU MATBUOT-KONSALT, 2012.
18. Қосимов Ф. Бухоро Республикаси тарихшунослиги. -Бухоро, 1997. -70б.
19. Қосимов Ф. Бухорода миллий демократик ҳаракатнинг ўзига хос хусусиятлари /Марказий Осиё XX аср бошларида: ислохотлар, янгиланиш ва тараққиёт учун кураш. -Т. , 2001. -Б.115-118.
20. Ҳайитов Ш. Биринчи муҳаррир //Бухоронома. 2003 йил 10 сентябрь.
21. Ҳайитов Ш., Раҳмонов К. Бухоро Халқ Республикаси ва Германия: ҳамкорликнинг тарихий лавҳалари (1920-1924 йиллар). -Т.: Фан, 2004. -101б.

22. Ҳайитов Ш., ва б. Бухоро Халқ Совет Республикаси: иқтисодиёт, ижтимоий сиёсат, маданий ҳаёт. – Бухоро: Бухоро, 2005. - 154 б.
23. Ҳайитов Ш. Ўзбек муҳожирлиги тарихи (1917–1991 йиллар). -Т.: ABU MATBUOT-KONSALT, 2008. – 207 б.
24. Ҳайитов Ш., Орзиев М. Садриддин Айний асарлари – Бухоро матбуоти тарихидан маълумот берувчи муҳим манба // Бухоро давлат университети илмий ахбороти. -Бухоро. 2009. № 4. -Б. 3 - 6.
25. Ҳолбоев С. Бухоро амирлигининг олтин хазинаси. -Т.: Фан, 2008. -180 б.

“Бухоро ахбори” ва “Озод Бухоро” газеталари – БХСРнинг маориф, маданият ва ташқи алоқалари тарихини ўрганиш манбаси

Режа:

1. “Бухоро ахбори” ва “Озод Бухоро” газеталарида маориф ва маданият масалаларининг ёритилиши.
2. Матбуотда дунё мамлакатларидаги ижтимоий-сиёсий муаммолар талқини.
3. БХСР ва хорижий давлатлар ўртасидаги алоқаларнинг газеталардаги баёни

БХСР ҳукумати таркибида маориф нозирлигининг ташкил этилиши ва ушбу нозирлик зиммасига замон талаблари асосида таълим - тарбияни йўлга қўйиш маъсулияти юклатилганлиги, бу йўналишдаги фаолият қирралари даврий матбуот талқинида ўз аксини топган. “Бухоро ахбори” газетасининг 1920-1921 йилларда чоп этилган сонлари билан танишилганда, эндигина вужудга келган республикада маориф тизими асосларини яратиш билан боғлиқ ҳукуматнинг буйруқ ва қарорлари, дастур ва қоидалар, фармонлар, чора-тадбирлар ҳамда турли-туман маориф масаласига оид эълонлардан воқиф бўлинади²⁵⁵. Масалан, 1920 йил 17 сентябрдаги буйруқда маориф назорати ихтиёрига амирлик даврида мавжуд бўлган барча китоб, ўқув-ёзув асбоблари топширилиши, маориф назоратининг рухсатисиз уларни хорижга олиб чиқмаслик, сотиб олиш маън этилиши зарурлиги қайд қилинганлиги “Бухоро ахбори”дан ўрин олган²⁵⁶. Юқорида қайд этилганидек, “Бухоро ахбори” газетаси маориф масаласига оид таълим-тарбия муаммоларини ҳал қилишга қаратилган ҳар бир ҳукумат тадбир ва қарорларини мутассил ўз саҳифаларида бериб борган. Уларда маориф назорати тарафидан муаллимлар тайёрлайдиган мадрасалар очилиши, ўқув муассасаларига мутахассисларни танлаш, жами мадрасаларни маориф назорати ихтиёрига бериш, турли ёшдаги шахсларни ўқишга жалб қилиш, ҳатто, ҳибсхонада ҳам ахлоқ тузатишга хизмат қиладиган қироатхона очиш, турли ҳунар артелларини

²⁵⁵ Буйруқ-рақам 14. (имзо: Марказий ревком раиси - Муҳиддинов) //Бухоро ахбори. 3-сон. 1920 йил 29 сентябр; Буйруқ! (имзо: Х.Н.Ш раиси – Файзулла Хўжа; маориф нозири - Қори Йўлдош) //Бухоро ахбори. 5-сон. 1920 йил 11 октябр; БХШЖ. М.И.Қ. тарафидан буйруқ, 27 рақам. (имзо: Муҳиддинов, Орипов) //Бухоро ахбори. 8-сон. 1920 йил 21 ноябр; Мактаблар ҳақида умумий қоидалар (Қори Йўлдош, Орипов) //Бухоро ахбори. 10-сон. 1920 йил 29 ноябр; БХШЖнинг маориф назорати тарафидан буйруқ. (Файзулла Хўжа, Қори Йўлдош) //Бухоро ахбори. 14-сон. 1920 йил 20 декабр; Маориф ишларини тафтиш қилиш //Бухоро ахбори. 19-сон. 1921 йил 13 январ; Мактаб раҳбарлари -“инструкторлар” учун дастурамал. (Қори Йўлдош, Исмоил Садри) //Бухоро ахбори. 25-сон. 1921 йил 22 феврал; 34-сон, 1921 йил 1 май; Мажбурий ўқитиш //Бухоро ахбори. 32-сон. 1921 йил 17 апрел; Маориф назорати томонидан эълон //Бухоро ахбори. 33-сон. 1921 йил 23 апрел.

²⁵⁶ Бухоро ахбори. 2-сон. 1920 йил 17 сентябр.

ташқил қилиш, ўқитувчи-мураббийлар тайёрлаш, мирзолар курсларини ташқил қилиш, туманларда таълим-тарбия курси очиб, маҳаллий ёшларни ўқишга жалб қилиш, турли ёшдаги ўқувчилар уюшмаларини очиш, ўқитувчиларни моддий жиҳатдан таъминлаш, уларнинг ҳужжатларини расмийлаштириш каби кўп қиррали жиҳатлар акс эттирилган²⁵⁷.

1921 йил 17 апрелда “Бухоро ахбори” саҳифаларида босилган хабарда: “ХНШнинг охириги мажлисида 25 ёшгача бўлгон кишиларнинг ўқишга мажбурий эканлиги тўғрисида қарор берилгон. Қаерда ишламасун зўрлаб ўқишга олиш бошлангон”²⁵⁸, - мазмунидаги маълумот берилган. Газетадаги ушбу маълумот БХСРда барча учун савод чиқариш мажбурий қилиб қўйилганлигидан воқиф қилади.

Маориф ва мактаб тизимини йўлга қўйишда энг асосий меъёрий ҳужжат БХСР маориф ноziри Қори Йўлдош Пўлатов раҳбарлигида ишлаб чиқилган “Мактаблар ҳақида умумий қоидалар” (“Қоидалар”) бўлиб, унинг матни “Бухоро ахбори” саҳифаларида тўла ҳолича эълон қилинган²⁵⁹. Мазкур “Қоидалар”да БХСРда маорифни йўлга қўйишнинг умумий вазифалари, мактаб маъмуриятида бошқарув, педагог ходимларга маош тўлаш тартиби, мактабда фанларнинг ҳамда таълим-тарбиянинг асосий йўналишлари қайд этилади. Газетанинг кейинги сонларида “Қоидалар” устидаги қизгин мунозара материаллари муттасил чоп этиб борилган²⁶⁰.

“Бухоро ахбори”нинг 1921 йил 22 февралдаги 25-сонида “Мактаб раҳбарлари - “инструктурлар” учун дастурамал” чоп этилиб, унинг давоми ушбу газетанинг 1921 йил 1 май 34-сонида ўз аксини топган. Бу дастурда мактабда ўқув жараёнини ташқил қилиш, ўқувчиларни мактабдан ташқари тадбирларга жалб этиш, ахлоқий тарбия бериш, мактаб муаллимлари ташкилотини тузиш, ўқувчиларни мактабда текин овқатлантиришни ташқил этиш каби масалалар 16 бандда қайд қилинган. Дастур матни газеталарнинг қайд этилган сонларида тўлалигича келтирилган.

Маориф назорати бошланғич мактаб ўқувчилари учун “Алифбо” китобини ёзиш бўйича конкурс эълон қилади. Ушбу конкурс шартлари ҳам “Бухоро ахбори”да берилган эди. Ёзилажак “Алифбо” ўзбек тилида бўлиши,

²⁵⁷ Маориф назорати томонидан эълон //Бухоро ахбори. 33-сон. 1921 йил 23 апрел; Изчилар тўдаси очилди //Бухоро ахбори. 36-сон. 1921 йил 17 май.

²⁵⁸ Мажбурий ўқитиш //Бухоро ахбори. 32-сон. 1920 йил 17 апрел.

²⁵⁹ Бухоро ахбори. 10-сон. 1920 йил 29 ноябр.

²⁶⁰ Азиззода Лазиз. Ҳамма нарсa билим учун //Бухоро ахбори. 30-сон. 1921 йил 5 апрел; Абдулқодир Муҳиддинов. Тилимиз ва маориф назорати //Бухоро ахбори. 35-сон. 1921 йил 10 май; Бекбой. Маориф ишлари теграсида //Бухоро ахбори. 55-сон. 1921 йил 18 ноябр; Қори Йўлдош. Маориф ишлари тўғрисида //Бухоро ахбори. 56-сон. 1921 йил 26 ноябр.

харфлар ислоҳ қилинган араб имлосида ёзилиши, таълимий-тарбиявий аҳамиятга эга бўлиши, ёт тиллардаги сўзлардан холилиги шарт қилиб қўйилган. Намунали деб танилган “Алифбо” китоби муаллифларига 500 минг сўм миқдорида мукофот ҳам таъсис этилганлигининг эълони газетадан ўрин олган.

Маориф назорати томонидан 1922-1924 йилларда маориф соҳасининг турли қирраларини қамраб олган ва такомиллаштиришга қаратилган бўйруқлар кетма-кет чиқиб турганлиги, маориф қурултойларини уюштириш ва ўтказиш билан боғлиқ тадбирлар, маорифни моддий жиҳатдан таъминлашга ажратилган маблағлар, маориф икки ҳафталиклари²⁶¹, бутун Бухоро муаллимларининг семинар-кенгашлари, уларда қўрилган масалалар, мактаб ислоҳотидаги ўзгартиришлар ҳақида БХСР матбуоти батафсил ёритиб борган.

Газеталардаги чоп этилган турли маълумотларда ўқув йилининг республика ҳудудида 1 октябрдан бошланиши ва кейинги йил июн ойи бошларига қадар ўқув жараёнларининг давом этиши, маориф назорати ҳисобида очилаётган янги мактаблар, уларни моддий жиҳатдан таъминлаш, ҳомий ташкилотлардан мактабларга берилган моддий ёрдамнинг миқдори аниқ рақамларда ифодаланади.

“Бухоро ахбори” ва “Озод Бухоро” газеталари БХСРда маориф ва унинг умумий аҳволи, ўзига хос томонлари, мураккаб ва зиддиятли жиҳатлари, бу йўналишдаги фойдаланилмаган имкониятлар, ютуқ ва камчиликлар тўғрисидаги маълумотларни манбавий жиҳатдан бойитади.

БХСРда 1920 йилнинг охири ва 1921 йил бошларида маориф тизимини йўлга қўйиш мақсадида турли шаклдаги таълим муассасалари очилган. “Бухоро ахбори” ва “Озод Бухоро” газеталаридаги маълумотларга таяниб, республикада фаолият бошлаган мазкур муассасаларни бир неча тармоқларга ажратиш мумкин. Пойтахт Бухоро шаҳри ва вилоятларида ибтидоий (бошланғич) ва умумий таълим берадиган мактаблар, намуна мактаблари, хотин-қизлар мактаблари, ҳунар мактаблари, мусиқа, духовой оркестр мактаблари, устахона мактаблари, сиёсий мактаблар, рус тили мактаблари, дорилмуаллимин (ўқитувчилар билим юрти), хотин-қизлардан муаллималар етиштириш учун 6 ойлик таълим-тарбия курслари, диний таълим берадиган эски усул мактаблари, шу соҳада олий таълим берувчи муллаваччалар

²⁶¹ Маориф икки ҳафталиги - БХСР йилларида даврий равишда ўтказилиб туриладиган маданий-маърифий тадбир.

тайёрлайдиган дорулим, саводсизликни тугатиш мактаблари, кечки курслар кабилар мавжуд бўлганлиги ёрқинлашади.

Бухоро вилояти маориф шўъбаси томонидан 1921 йилнинг январиди Эски Бухорода 5 та мактаб, бутун вилоят бўйича 15 та мактаб, 1 та хотин-қизлар мактаби, 1 та ҳунар мактаби мавжудлиги хабар қилинади. 1922 йилда шу каби мактабларни 80 тагача етказиш режаси қайд қилинган²⁶². Айни шу даврда 5 жойда кечки курслар ҳам фаолият олиб бориб, улардан биттасида форс, турк, рус, немис тилларида таълим берилиб, 120 киши таҳсил олган экан²⁶³.

Газеталарда келтирилишича: “Бухоронинг ўзида 1921 йилнинг ёзида 17 та ибтидоий (бошланғич) мактаблар, 2 та қизлар мактаби, 3 та етимхона, 1 та ҳунар мактаби, 1 та устахона, 1 та мусиқа мактаби, 1 та сиёсий мактаб мавжуд бўлган”²⁶⁴. БХСР ҳудудида бошланғич ва умумтаълим мактаблари сони 1921-1922 ўқув йилида қуйидагича бўлган: “Чоржўйда 6 та ибтидоий мактаб, бутун вилоят мактаблар сони 9 та; Қаршида вилоят бўйича 12 та; 7 таси Қарши шаҳринда; Карки вилоятида 3 та мактаб; Вобкантда 10 та мактаб; Ёғдудонда 8 та мактаб; Кармана вилоятида 15 та мактаб; Янги Чоржўйда 3 ойлик таълим-тарбия курслари; Чоржўй, Кармана, Хатирчи шаҳарларида етимхоналар бор”²⁶⁵.

Мактаблар олдида кечки савод курслари очилиб, шу йўл билан саводсизликка қарши кураш бошланган. Матбуот маълумотларидан аён бўладики, “саводсизликни битириш учун кураш” ҳаракати республикада 1922-1923 ўқув йили даврида авж олган. Бу ҳақда газетанинг 1922 йил октябр-декабр сонларида ўнлаб хабарлар “Саводсизлик билан кураш” рукни остида эълон қилинган²⁶⁶. Ҳар бир вилоятда 1-2 та саводсизликни битириш курси очилган. Катта ёшли шахсларга 3 ой давомида ўқиш ва ёзишни ўргатиш вазифаси долзарб қилиб қўйилган. “Озод Бухоро”нинг маълумотича, саводсизликни битириш курсларида она тили фани ҳафтасига 6 соат, ҳисоб 6

²⁶² М. Ҳасан. Вилоят маориф шўъбасининг ҳозиргача ишлаган ишлари //Бухоро ахбори. 22-сон. 1921 йил 1 феврал.

²⁶³ Ўша жойда.

²⁶⁴ Бухорода илм жойлари //Бухоро ахбори. 41-сон. 1921 йил 30 июн.

²⁶⁵ Вилоятларда маориф ишлари //Бухоро ахбори. 41-сон. 1921 йил 30 июн.

²⁶⁶ Саводсизликка қарши //Бухоро ахбори. 43-сон. 1921 йил 7 июл; Саводсизликни битирмак учун мактаб //Бухоро ахбори. 104-сон. 1922 йил 22 октябр; Саводсизликни битириш йўлида муҳим ҳаракатлар //Бухоро ахбори. 178-сон. 1923 йил 27 июн; Саводсизликни йўқ қилмак учун //Бухоро ахбори. 195-сон. 1923 йил 29 август; Саводсизлик битсун! //Бухоро ахбори. 211-сон. 1923 йил 7 октябр; Саводсизликни битириш мактаблариға муаллимлар тайёрлаш //Бухоро ахбори. 205-сон. 1923 йил 23 сентябр; Саводсизликни битириш ҳақида муваққат Дастуриламал //Озод Бухоро. 10-сон. 1923 йил 10 ноябр; Саводсизлик билан кураш //Озод Бухоро. 22-сон. 1923 йил 11 декабр; Битсун саводсизлик! //Озод Бухоро. 47-сон. 1924 йил 10 феврал; Саводсизликни битириш йўлида //Озод Бухоро. 74-сон. 1924 йил 10 апрел; 121-сон. 1924 йил 31 июл.

соат, жуғрофия, тарих, табиат, рус тили, сиёсий савод фанлари 1 соатдан ўқитилаётганлиги аён бўлади²⁶⁷.

1923-1924 ўқув йилида бутун республикада 70 000 ўқувчи тахсил олаётганлиги, янгидан 20 та хат-савод ўргатиш курслари очилганлиги газетада хабар қилинган²⁶⁸. Хат-савод курсларининг сони республика охириги йилига келиб, 51 тага етган, фақатгина 34 мактабдаги 1626 ўқувчи сони аниқлиги, қолганлари эса маълум эмаслиги ҳам ёзилган. Бироқ саводсизликни битириш курслари ўз олдиларига қўйган вазифани атиги 26 фоизини бажарганлиги билан боғлиқ камчилик алоҳида қайд қилинган²⁶⁹. Хат-савод мактаблари республикада истиқомат қилаётган рус, Бухоро яхудийлари ва бошқа миллат вакиллари ўқитиш учун ҳам очилганлигидан воқиф бўлинади.

Хат-савод ўргатиш мактабларини турли тиллардаги дарсликлар билан таъминлаш мақсадида Туркистон АССР, РСФСР, Татаристон АССР, Озарбайжон ва Туркиядан рус, турк, татар, ўзбек тилидаги адабиётлар келтирилган. Газеталар маълумотича, 1921 йилда хат-савод ўргатиш мактабларига 2000 та китоб, 1924 йил ёзида эса Туркистон АССРдан 15000 дан ортиқ китоб келтирилди²⁷⁰. Бу тадбирларни амалга ошириш учун давлат бюджетидан катта миқдорда маблағ ажратилди. Матбуот маълумотларини архив ҳужжатлари ҳам тасдиқлайди. Масалан, 1922-23 ўқув йилида давлат бюджетидан маориф ишлари учун 5,6 %, 1923-24 ўқув йилида эса 21 % маблағ ажратилган²⁷¹.

Республиканинг охириги йилида ҳам саводсизлик билан кураш масаласи кўндаланг бўлиб турди. Ўша даврда бу жабҳадаги умумий ҳолатни “Озод Бухоро” газетаси бир неча мақола ва хабарлар орқали изоҳлашга уринган²⁷². Айниқса, А. Бойматовнинг газетада чоп этилган “Хат-саводсизлик билан кураш жабҳасида” номли салмоқли мақоласи кенгроқ маълумот беради. Жумладан, мақолада ёзилишича: “Ҳар бир мактаб ҳузурида курс бўлмоққа тегиш топилди. Бу курсларда 2 нафар муаллим, 1 нафар мудир, 50 нафар талаба бўлиши лозимлиги белгилонгон. Вобкент, Ғиждувон, Қорақўл туманларида, Когон, Чоржўй, Кармана, Қарши, Шеробод, Ғузор, Карки каби шаҳарларда 1 тадан хат-савод мактаби борлиғи айтилди. Ҳар ой Бухорода

²⁶⁷ Саводсизликни битириш ҳақида муваққат дастуриламал //Озод Бухоро. 10-сон. 1923 йил 10 ноябр.

²⁶⁸ 26 фоиз бажарилган //Озод Бухоро. 10-сон. 1923 йил 13 январ.

²⁶⁹ Ўша жойда.

²⁷⁰ Хат-саводсизлик билан кураш //Озод Бухоро. 102-сон. 1924 йил 12 июн.

²⁷¹ Ўзбекистон МДА, 47-фонд, 16-рўйхат, 372-иш, 5-варақ.

²⁷² Камол Нўноқ. Хат-саводсизлик билан кураш ишларининг бориши //Озод Бухоро. 119-сон. 1924 йил 27 июл; Ўша муаллиф. Хат-саводсизлик билан кураш жабҳасида //Озод Бухоро. 121-сон. 1924 йил 31 июл; Ваҳобов. Хат-саводсизлик билан кураш //Озод Бухоро. 127-сон. 1924 йил 14 август.

840 сўм, вилоятларда 120 сўм ҳаражат қилинаётган экан. Ҳар мактаб 10 сўм 40 тийин олиб, 13 сўм 20 тийинга тушадур. Барча смета 21639 сўмдур (Шарқий Бухоро киргизилмаган). Ғарбий Бухорода эркаклар 560 000 нафар; хотунлар ҳам 560 000 нафар саводсиз ҳисобга олингон. Муаллимни 3 нафар қилиб, талабалар сонини 75 нафар қилиш керак. Бу мактабларга ибтидоий мактаб ўқитувчиларини жалб қилиб, 25% зиёд (60 сўм) ойлик бериш керак. Ўқитгонлари учун соатлаб 80 тийин беришга қарорлар бериш керак”²⁷³.

1921-1922 ўқув йилидан бошлаб Бухоро шаҳрида биринчи дорулмуаллимин (ўқитувчилар били юрти) очилган. Дорулмуаллиминда ўқиш муддати 2 йиллик бўлиб, “аҳзори” - сиртқи бўлим ҳам мавжуд эди. Дорулмуаллимин тайёрлов бўлимига қабул қилинадиган ўқувчи-талабалар ёши 15 дан кам, 22 ёшдан катта бўлмаслиги шарт қилиб қўйилган. “Дорулмуаллиминнинг очилиши илм ва маориф йўлида биринчи одимдир. Бухоронинг истиқболи ва саодати учун дорулмуаллиминнинг яшамоғи лозимдур. Бунга ҳукумат аҳамият бериб, бунинг яшамоғини таъмин этиш керакдур”²⁷⁴, - деб ёзилади “Бухоро ахбори” газетасида. Дорулмуаллиминда таҳсил олиш учун БХСРнинг 10 та вилоятидан ёшлар тўпланган.

1921-1922 ўқув йилида Янги Чоржўй шаҳрида иккинчи дорулмуаллимин ҳам иш бошлайди. “Янги Чоржўйда собиқ амир ҳукумати тарафидан солингон “Николай” гимназияси (Россия подшоси Николай II номи билан аталгон) ўқув юрти биносида ўтган сана (1921 йил) дорулмуаллимин иш бошлагон эди. Бунга маориф назорати томонидан “Файзулло Хўжа” исми берилиб, очилиш маросимида ҳукумат бошлиқлари қатнашди”²⁷⁵, - дейилади хабарларда.

“Бухоро ахбори” ва “Озод Бухоро” газеталарида умумтаълим мактаблари, хотин-қизлар мактаби ҳамда дорулмуаллиминларда имтиҳон олиш тартиби, имтиҳондан ўтган ўқувчи ва талабаларни рағбатлантириш билан боғлиқ мақола ва хабарлар ҳам талайгина²⁷⁶. Имтиҳонлар республика вилоятларида одатда 15 июндан кейин қабул қилинган. Хат-савод курсларида май ойининг биринчи ўн кунлигида имтиҳон олиниб, курсларни

²⁷³ Озод Бухоро. 93-сон. 1924 йил 22 май.

²⁷⁴ Бухоро ахбори. 54-сон. 1921 йил 3 ноябр.

²⁷⁵ “Файзулло Хўжа” Дорулмуаллимини //Бухоро ахбори. 113-сон. 1922 йил 30 октябр; Чоржўйда “Файзулло Хўжа” Дорулмуаллиминининг расмий очилиши //Бухоро ахбори. 116-сон. 1922 йил 10 декабр.

²⁷⁶ Имтиҳонлар //Бухоро ахбори. 86-сон. 1922 йил 27 май; Зиёфат //Бухоро ахбори. 90-сон. 1922 йил 15 июл; Имтиҳон қилингон талабалар сони //Бухоро ахбори. 103-сон. 1922 йил 19 октябр; Чоржўйда маориф ишлари //Бухоро ахбори. 164-сон. 1923 йил 29 апрел; Маориф ва имтиҳонга муносабатимиз //Бухоро ахбори. 181-сон. 1923 йил 12 июл; Туманларда имтиҳонлар //Озод Бухоро. 94-сон. 1924 йил 24 май; Кармана вилояти маориф вакилларида изҳори ташаккур //Озод Бухоро. 94-сон. 1924 йил 24 май; Бехбудийда имтиҳонлар //Озод Бухоро. 97-сон. 1924 йил 31 май; Хат-савод курсларида имтиҳонлар //Озод Бухоро. 97-сон. 1924 йил 31 май.

битирганларга гувоҳнома берилган. Газеталардаги имтиҳонлар билан боғлиқ маълумотларни таҳлил қилиш орқали шундай хулосага келиш мумкинки, умумтаълим мактабларида синфдан-синфга ўтказиш пайти ҳамда дорулмуаллиминларда битириш имтиҳонларини топшира олмаганлар қайта ўқиш учун юборилган. Имтиҳонларда иштирок қилиш учун ота-оналар ҳам таклиф қилинган. Имтиҳонлардан муваффақиятли, юқори баҳо билан ўтган ўқувчи ва талабалар тақдирланган²⁷⁷.

Ўқув муассасаларини педагог мутахассислар билан таъминлаш муаммоси ҳамда турли категориядаги ўқитувчиларнинг моддий аҳволи, уларнинг савияси замон талабларига жавоб бериши даражаси билан боғлиқ хабарларни газеталарда келтирилиши ҳам аҳамиятга эгадир. Бир қатор мақола ва хабарлар ўқитувчилар моддий шароити билан боғлиқ аянчли маълумотларни келтиради. Бундай камчиликлар, аввало, ўқитувчилар дарс бераётган бинолар талабга мутлақо жавоб бермаслиги, уларни тегишли кўргазмали қуроллар, ўқув асбоблари билан таъминланмаганлиги, мактаб ва маориф муассасалари айрим собиқ амир даври амалдорларининг уйларида жойлашганлиги, яъни торлиги, иккинчидан, ўқитувчиларга тўланадиган маошларнинг оз миқдордалиги билан боғлиқдир²⁷⁸.

Ўқув даргоҳларига кўшни республикалардан (Татаристон, Бошқирдистон, Туркистон АССР) педагог муаллимлар ишлаш учун таклиф қилинган²⁷⁹. Бироқ БХСР маориф тизимида фаолият кўрсатган ушбу вакиллар ноқулай табиий шароит, моддий аҳволнинг оғирлиги, маошларнинг ўз вақтида олмаслик, айниқса, республиканинг чекка вилоятларида уларга нисбатан шахсий ҳимоянинг йўқлиги каби сабаблар туфайли ўз ватанларига қайтиб кетишган. Бу ҳақда газеталардан тегишли маълумотлар олиш мумкин²⁸⁰.

Республиканинг дастлабки йиллариданоқ маданият муассасаларидан театр, кутубхона, қироатхона, музей, клуб, чойхона, болалар боғчаси ташкил

²⁷⁷ Бухоро ахбори. 103-сон. 1922 йил 19 октябр.

²⁷⁸ Ўқитувчими-жаллодми? //Бухоро ахбори. 69-сон. 1922 йил 4 феврал; Темир Бой. Муаллимлардан бир товуш //Бухоро ахбори. 155-сон. 1923 йил 12 апрел; Мана сизга “муаллим” //Озод Бухоро. 38-сон. 1924 йил 12 январ; Муаллим ва талабалар аскарый хизматдан озод қилинадур //Озод Бухоро. 99-сон. 1924 йил 20 август; Туркман вилоятида маориф ишлари //Озод Бухоро. 157-сон. 1924 йил 27 октябр.

²⁷⁹ Ҳайитов Ш., Бадриддинов С. Татар зиёлилари Бухорода //Жамият ва бошқарув. 2007. № 3. -Б.125-126.

²⁸⁰ Маориф учун //Бухоро ахбори. 20-сон. 1921 йил 18 январ; Татбиқот курси //Бухоро ахбори. 22-сон. 1921 йил 1 феврал; Четдан келган муаллимлар тўғрисида //Бухоро ахбори. 43-сон. 1921 йил 7 июл; Муаллимлар таъминоти //Бухоро ахбори. 43-сон 1921 йил июл. Остонкул. Яна мактаб масаласи //Бухоро ахбори. 64-сон. 1922 йил 11 январ; Маҳмуд Субоҳ. Юзни ювмоқ билан оқартмоқ каби қалбнида ўқимоқ билан оқартмоқ керак! //Бухоро ахбори. 104-сон. 1922 йил 22 октябр.

этиш билан боғлиқ амалий вазифалар бажарилган. Газеталарнинг маълумотича, маданият муассасалари халқ маорифи нозирлиги тасарруфига берилиб, ушбу нозирлик томонидан қатъий назорат остига олинган. БХСР вилоятларида миллий театр труппалари ташкил қилиш, мавсумий (қишки ва ёзги) театр бинолари қуриш масаласига алоҳида эътибор қаратилди. Театр санъатини йўлга қўйишнинг дастлабки тадбирлари ҳақида “Бухоро ахбори” газетаси: “Бухорода Ҳамза ўртоқ Ҳакимзоданинг лойиҳаси бўйича 40 кишилиқ кучли бир труппа тузишга қарор берилди. Труппанинг ярми юрадурғон ва ярми муқим, Бухорода қолатурғон қилиб тузилғусидур... Бухорода 3 йиллик расм мактаби очмоққа ҳам қарор берилди. Мактабга ҳар вилоятдан 5 нафардан жами 50 нафар талаба олинадур. Улар кучидан фойдаланиб, театр декарацияси йўлга қўйилади”²⁸¹, - деб ёзган эди.

1921 йилдаёқ республиканинг маркази Эски Бухоро ва Карки шаҳрида театр биноси қурилганлиги, 1922 йилдан бошлаб Қоракўл, Шеробод, Кармана, Чоржўй, Шаҳрисабз, Когонда ҳам театр томошалари ташкил этилганлиги “Бухоро ахбори” ва “Озод Бухоро” газеталарининг саҳифаларида босилган²⁸². Гарчи малакали мутахассис ва артистлар етарли бўлмасада, ҳаваскор труппалар томонидан “Қизил қўшин” (Шерободда), “Қозикалон” (Қоракўлда), “Жувонбоз қўрбоши” (Карманада) каби пьесалар муваффақиятли намоиш этилган²⁸³.

Театр труппалари ташкил этиш ва уларга тегишли бинолар қуриш масаласида ҳукумат раҳбарларининг бевосита иштироки, шахсан Файзулла Хўжаев ташаббуси билан Чоржўйдаги “Лира” номли театр 1922-1923 йилларда 800 томошабин сиғадиган бино сифатида қурилганлиги қайд қилинади²⁸⁴. Ф.Хўжаев ушбу санъат иншоотининг очилиш маросимида шахсан иштирок этиб, нутқ сўзлаган. Архив ҳужжатларидан бирининг маълумотича, мазкур театр биносида спектакл томошалари билан бирга цирк, расм ва картина намоишларини ўтказиш имкони бўлган²⁸⁵.

1922 йилнинг баҳорида “Азимжон” театри (Бухоро шаҳри)да ёнғин чиқиб, одамлар театр томошаларига қатнамай қўйганлар. Ҳатто Эски Бухородаги “Етимхон” театри ва Регистон майдонидаги ёзги театр томошаларига ҳам бормаганлар.

²⁸¹ Бухоро ахбори. 41-сон. 1921 йил 30 июн.

²⁸² Бухоро ахбори. 19-сон. 1921 йил 13 январ; 21-сон. 27 январ; 34-сон. 1 май; 128-сон. 1922 йил 21 январ; 136-сон. 1923 йил 23 феврал; Озод Бухоро. 13-сон. 1923 йил 17 ноябр; 21-сон. 7 декабр.

²⁸³ Бухоро ахбори. 34-сон. 1921 йил 4 май.

²⁸⁴ Бухоро ахбори. 136-сон. 1923 йил 22 феврал.

²⁸⁵ Ўзбекистон МДА. Р-59-фонд, 1-рўйхат, 107-ҳужжат, 2-варақ.

Газеталарнинг маълумотича, театр санъатини ривожлантириш учун режиссёр ва актёрлар, мусиқа ва декорация соҳасидаги етук ходимларга Бухорода катта эҳтиёж туғилган. Туркистон АССРдан Бухорога “Азимжон” театри фаолиятини йўлга қўйиш учун таниқли режиссёр Абдуманнон Уйғур²⁸⁶ таклиф этилади. Тарихий ҳужжатлар 1921 йил 21 ноябрда БХСРда давлат театрининг тузилганлиги ва раҳбарлик қилиш учун Тошкентдан машҳур режиссёр Маннон Уйғур келганлигини хабар беради²⁸⁷. “Бухоро ахбори” газетасида эса: “Уйғур ўртоқ 1922 йил баҳоридан ўз ёнига бир миқдор ёшларни йиғиб, эскиларини ҳам олиб труппа ясади. Уйғур ўртоқни бир мунча асарларни муваффақиятли суратда ўйнаб ўтқариши халқимизни яна сахнага (театр томошасига) тортди. Кечаларимиз яна жон олди”²⁸⁸, - мазмунидаги хабар босилган. Хуллас, Уйғур Бухорода театр режиссёри сифатида иш юритган қисқа даврда халқнинг сахна асарларига ва театр томошасига қизиқиши бироз ошган.

“Бухоро ахбори” ва “Озод Бухоро” саҳифаларида театр санъати соҳасидаги камчилик ва фойдаланилмаган имкониятларни кескин танқид тиги остига олувчи бир қатор мақолалар чоп этилган.

Жумладан, “Бухорода театр ва сахна ишлари” (“Сирли”), “Сўнгги сўзим: ўртоқ Қиличзодага жавоб” (Чўлпон), “Сахна” (“Абу Ваража”), “Сахнамиз болалар ўйини бўлмасун” (Рафиқ), “Томошахоналаримиз аҳволи” (Саид Ахрорий) каби йирик мақолалар²⁸⁹ театр соҳаси билан боғлиқ камчиликларни очиб ташлайди. Ушбу мақолалар матни орқали кўпгина пьесаларда миллий ахлоқий маданият мезонлари бузилганлиги, ўзбек, турк, форс, араб, татар, рус тилларидаги сўзлар қўшилиб кетганлиги, актёрларнинг ортиқча бачкана ҳатти-ҳаракатлари, қобилиятли санъаткорларга иккинчи даражали роллар берилганлиги, “Жўр-жўр”, “Балли бадай”, “Ман ўлмишам”, “Боқир ҳожи” каби сюжети бўш ишланган сахна асарларининг қайта-қайта қўйилиши баён қилинган.

С.Ахрорийнинг мақоласида: “Бухорода қандай бўлса ҳам ишсиз қолгон ҳар киши артистдур. Пьесалар турмушимизда келишмоғон каби тиллар ҳам аралаш тилдур... Пьесалар на мавзу жиҳатдан, на ахлоқ-ибрат жиҳатдан ҳеч бир қиммати йўқдур... Хулоса сахнамиз бир ибратхона эмас, балким

²⁸⁶ Уйғур, Маннон Уйғур (тахаллуси; асл исм-шарифи Мажинов Абдуманнон, 1897.11.10-Тошкент - 1955.15.10) - режиссёр, актёр, драматург. Ўзбекистон халқ артисти (1932).

²⁸⁷ История БНСР /Сборник документов (1920-1924). -Т.: Фан. 1976. -С.432.

²⁸⁸ Бухоро ахбори. 172-сон. 1923 йил 6 июн.

²⁸⁹ Бухоро ахбори. 28-сон. 1921 йил 20 март; 65-сон. 1922 йил 15 январ; 136-сон. 1923 йил 23 феврал; 172-сон. 6 июн; 200-сон. 16 сентябр.

ахлоқсизликни амалий суратда ўргатадурғон бир сафолотхона бўлди”²⁹⁰,- каби фикрлар мавжуд.

БХСР ҳукумати 1920 йилнинг охириданок маориф назорати қарамоғида турли тиллардаги адабиётлар мавжуд бўлган давлат кутубхонасини ташкил қилиш чораларини кўрганди. 1921 йилнинг ёзига келиб Бухородаги энг катта кутубхона Минораи Калон ёнидаги бинолардан бирида Абу Али ибн Сино номи билан очилганлиги газетада қайд қилинади²⁹¹. Бу марказий кутубхона бўлиб, унда ўзбек, татар, турк, тожик, араб, рус, яҳудий тилларида кўп жилдли китоблар жамланган. “Озод Бухоро” газетаси маълумотича, 1924 йилга келиб мазкур кутубхонада ўзбек, форс, тожик, турк ва араб тилларида 43000 жилд, рус тилида 20000 жилд, яҳудий тилида 1800 жилд китоб мавжуд бўлган. Матбуот органлари кутубхона ва қироатхоналарнинг китоб фонди, уларнинг доимий ўқувчилари, янги очилган қироатхона-кутубхоналар, уларга хориждан олиб келинган китоблар сони билан боғлиқ маълумотларни бериб борган. 1923-1924 йилларда Эски Чоржўй, Янги Чоржўй, Карки, Термиз, Қарши, Ғузор, Китоб, Шахрисабз, Карминада кутубхоналар бўлган. Матбуот материалларидан маълум бўладики, китоб фондларининг кўпчилигида эски китоблар бўлиб, янги китобларга катта эҳтиёж сезилади. Бухоро кутубхоналарига асосан Туркистон АССР, Татаристон Республикаси, Туркия ва Россиядан китоблар ҳамда газета-журналлар келиб турганлигидан қисқа хабарлар орқали воқиф бўлинади. “1922 йилда БХСР ҳукумати биносинда ҳукумат қироатхонаси очилди, бу қироатхонада 350 киши ўқир эди, кўп сўралатурғон нарсалар янги китоб, газета ва журналлар бўлиб, улар жуда оздур”²⁹². Мақолалардаги маълумотлар ёрдамида Бухородаги марказий кутубхонадан кейинги ўринда китоб фондлари жиҳатидан Чоржўй ва Каркидаги кутубхоналарнинг салмоғи катта бўлганлигини билиб олиш мумкин. БХСР миқёсида кутубхоналарга эҳтиёж ортиб борганлиги учун улар китобхонларни, ўқувчи ва талабаларни зарурий ўқув қўлланмалари ва дарсликлар билан тўла таъминлай олмасди. Қўшни республикалардан газета ва журналларнинг мунтазам етказиб берилмаслиги ҳам мавжуд ҳолатни мураккаблаштирган.

Музей ҳар бир халқ ёки миллатнинг ўтмишидан авлодларга хабар берувчи маънавий хазинадир. “Бухоро ахбори” газетасининг 1920 йил 17 сентябрдаги 3-сонида БХСР Халқ Нозирлар Шўросининг буйруғи чоп этилган. Ушбу буйруқда: “Бутун Бухоро мамлакатиндаги эски ва янги

²⁹⁰ Саид Ахрорий. Томошахоналаримиз ахволи //Бухоро ахбори. 200-сон. 1923 йил 16 сентябр.

²⁹¹ Умумий давлат кутубхонаси //Бухоро ахбори. 41-сон. 1921 йил 30 июн.

²⁹² Бухоро ахбори. 99-сон. 1922 йил 14 сентябр.

китоблар маориф назоратиға топшириладур... Хусусий кишиларда эски китоб ва нарсалар бўлиб, сотмакчи бўлсалар четга чиқармасдан ўз баҳосида оқчасини олсунлар ва шул юқоридаги ёзувларга қарши келганларга жазолар ила ҳукмға бериладур”²⁹³, - каби сатрлар мавжуд. Юқоридаги буйруқдан келиб чиқиб ўлка маданиятига оид осори-атиқа ва санъат асарларини тўплаш мақсадида Маориф нозирлиги таркибида “Тарихий осори-атиқа шўъбаси” ташкил қилинганлиги матбуот орқали кенг жамоатчиликка маълум қилинди. Кўп ўтмай, маориф нозирлигининг 1920 йилнинг 20 декабрида махсус буйруғи чиқиб, газетада босилган ушбу буйруқ матнида: “Агар Бухоронинг ўлка маданиятига оид осори-атиқа ва санъат асбоблари бўлса, маориф назоратидаги тарихий осори-атиқа шўъбасига келтириб топширсунлар. Маориф назорати ҳар асбобнинг қимматиға қараб пулини берадур. Бундай асбобнинг қўлдан-қўлга ўтуб сотилиб юрилиши қатъий мумкин эмас! Четга чиқармак ҳам қатъий мумкин эмас”²⁹⁴, - дейилган.

1922 йилнинг 8 ноябрида Ситораи Мохи Хосада музей очилди. Бухорода фаолият бошлаган биринчи музейнинг очилишида ҳукумат раҳбарлари ҳам иштирок қилиб, ўша пайтда Халқ Нозирлар Шўроси раиси вазифасини бажарувчи Атоулла Хўжа: “Бухорода бир музахона очилишини кўрмак илк буюк тилакларимиздан биридур. Бу кун шу муқаддас тилагимизнинг вужудға чиқишини кўриб жуда хурсанд бўлдик”- деган эди. Бухоро музейининг очилиши ва у билан боғлиқ маросим ва тантаналар ҳамда музейга тўпланган экспонатлар ҳақида “Бухоро ахбори” газетасида йирик мақола босилган²⁹⁵. Бухоронинг биринчи музейига “Қори Йўлдош музахонаси” номи берилган. БХСР пойтахтида музей очилганлиги ҳукумат амалга оширган муҳим тадбирлардан бири бўлсада, газеталарнинг кейинги бир қатор хабарларига кўра, вилоят ва туманларда унинг бўлимларини очиш ишлари ора йўлда қолиб кетган.

БХСРда аҳолини маданий ҳаётга кенгроқ тортиш учун 1923-1924 йилларда 5 та клуб, 10 та қизил чойхоналар очилган эди. Қизил чойхона ва клублар турли вилоят ва туманларда ҳам очилганлиги газета хабарларидан маълум бўлади. “Зиёвуддин қўмитаси 800 млн. сўм оқча сарфлаб, Зиёвуддин темир йўл станциясида чойхона очишға қарор берғон... Карминада ҳам қизил

²⁹³ Бухоро ахбори. 3-сон. 1920 йил 17 сентябр.

²⁹⁴ БХШЖнинг маориф назорати тарафиндан буйруқ //Бухоро ахбори. 14-сон. 1920 йил 20 декабр.

²⁹⁵ “Мусофир”. Бухорода биринчи музахонанинг очилиш маросими //Бухоро ахбори. 112-сон. 1922 йил.23 ноябр.

чойхона ва ёнида қироатхона очилгон”²⁹⁶. Янги Бухоро (Когон)да 1921 йилдаёқ Полторацкий номли клуб иш бошлаган эди²⁹⁷.

“Бухоро ахбори” ва “Озод Бухоро” газеталарининг турли сонларида юқоридаги каби қисқа хабарлар кўп миқдорда эълон қилинган бўлиб, бундан ҳукумат ташвиқот ва тарғибот ишига жиддий муносабатда бўлганлигини англаш мумкин.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш лозимки, “Бухоро ахбори” ва “Озод Бухоро” газетаси материаллари БХСРдаги маориф тизими, таълим турлари, ўқув юртлари ва уларнинг фаолияти масалалари билан боғлиқ бой маълумотлар беради. Мазкур газеталарнинг аҳамияти шундаки, уларда чоп этилган маориф ва маданий муассасаларга тегишли маълумотларни таҳлил қилмасдан туриб, БХСРнинг маданият тизимини ва ундаги муаммоларни мукамал ўрганиш мутлақо мумкин эмас.

“Бухоро ахбори” ва “Озод Бухоро” газеталарида XX аср 20-йилларида дунёнинг турли мамлакатларида кечган ижтимоий, сиёсий, иқтисодий, маданий-маърифий жараёнлар барча матбуот органлари сингари имкон қадар ёритиб борилган. Матбуот органида эълон қилинган материаллар ҳақида фикр юритилар экан, дунё мамлакатларида кечаётган жараёнларга бевосита газетада фаолият олиб бораётган мухбирларга тегишли бўлган мақола ва хабарлар ҳамда бошқа матбуот органларидан айнан кўчириб босилган долзарб мақолалар мавжудлиги аён бўлди. Совет Россиясида 1921-1923 йилларда юз берган даҳшатли очарчилик ҳақида «Бухоро ахбори»нинг ўнлаб сонларида маълумотлар учрайди. Мақола ва хабарларда Волгабўйида рўй берган очарчиликнинг сабаблари, келтириб чиқарган даҳшатли оқибатлар, очликка дучор бўлган районлардаги кундалик воқеалар батафсил кўрсатилган. Жумладан, газетанинг бир қатор сонларида «Очликнинг сабаблари», «Оч губерналардаги болалар», «Очлик буюрди», «Очлик даҳшатлари», «Оч болалар тўғрисида» каби мақола ва хабарлар чоп этилган.

«Очликнинг сабаблари» (А. Мукамилов) мақоласида Россия худудида 7-8 йил (аслида -3-4 йил-К.Р.) давом этган фуқаролар уруши, озиқ-овқат заҳираларининг йўқотилиши, ғаллакор районларда ҳосилсизлик ва қурғоқчилик каби омиллар санаб ўтилади²⁹⁸. Газетада Россиядаги очларнинг сони 25 млн. кишини ташкил этганлиги қайта-қайта таъкидланади.

Очарчиликни бартараф этиш, очликдан энг азият чеккан Бошқирдистон ва Татаристон Республикаларининг аҳолисига кўрсатилган маънавий ва моддий ёрдам, БХСР нинг бу хайрли ишдаги иштироки масалалари бир

²⁹⁶ Бухоро ахбори. 128-сон. 1923 йил 21 январ.

²⁹⁷ Бухоро ахбори. 39-сон. 1921 йил 7 июн.

²⁹⁸ Бухоро ахбори . 51-сон. 1921 йил 5 октябр.

катор мақола ва хабарларда акс эттирилган²⁹⁹. «Оч болалар Бухоро ҳукумати томонидан назоратга олинуб, улар сони 600-700 бўлуб, Татаристондан Термизга 200, Душанбега-200, Бухорога-200, Кармана ва Қаршига-150 тадан, Шахрисабз-100, Чоржўй ва Каркига 50 тадан тотор болалари келтирилуб, сағирхоналарга жойлаштирилгон»³⁰⁰-деб ёзади «Бухоро ахбори».

Газеталарда Туркиянинг сиёсий, иқтисодий ва маданий ҳаёти билан боғлиқ жабҳаларга салмоқли ўрин ажратилган. Бу ҳолат аввало, Туркияда 1920-1924 йилларда кечган қизгин сиёсий жараёнлар ва миллий мустақиллик учун кураш авж олиши билан боғлиқдир. Иккинчидан, Мустафо Камолнинг Туркия миллий мустақиллиги йўлидаги кураши ҳамда у тузган «Муваққат Анқара ҳукумати»нинг БХСРни биринчи бўлиб сиёсий ва дипломатик жиҳатдан тан олиш билан характерланади. Туркия воқеалари ҳақида «Бухоро ахбори» газетасида «Шарқ дунёсида Туркия: Миллат мажлисига кимлар сайланди?», «Туркияда янги Америка ширкати», «Туркияда миллий мажлис очилди», «Туркия ҳукуматининг Шимолий Америка Жумҳуриятига мурожаати», «Туркия-Арманистон муносабатлари», «Истанбул бўшатилади», «Туркияга мутахассисларни жалб қилиш», «Туркия урушга қарор берган» каби хабар ва мақолалар³⁰¹ мавжуд. Юқорида қайд этилган мақолаларда Туркия мамлакатадаги ички сиёсий жараёнлар ва бошқа давлатлар билан муносабатлар очиб берилган. Туркия озодлик учун кураш майдонига қатъий кирганлиги, бир қатор турк шаҳарларини мустамлакачилардан (Англия, Юнонистон) озод қилиш йўлидаги қаҳрамонона курашлар ўз аксини топган. «Бухоро ахбори» газетасининг «Шарқ дунёси» рукни остида босилган мақолада: «Туркияга ёрдам кўрсатмак ва шунинг билан турк халқига руҳ бермак Шарқ мамлакатларининг қарзидур» деган фикрларга алоҳида урғу берилган³⁰².

Газеталарда Мустафо Камол шахсияти ҳамда фаолияти билан боғлиқ кўпгина мақолалар чоп этилган³⁰³. «Озод Бухоро» газетасининг 11-сони (1923 йил 13 ноябр) М. Камол қиёфасини ҳам акс эттирди. Камол

²⁹⁹ Бошқирдистон вакиллари Бухорода //Бухоро ахбори. 46-сон. 1921 йил 20 июл; Бошқирдистонга ёрдам //Бухоро ахбори. 67-сон. 1922 йил 25 январ; Русия очлариға ёрдам //Бухоро ахбори. 69-сон. 1922 йил 4 феврал; Баёни ташаккур //Бухоро ахбори. 79-сон. 1922 йил 23 апрел; Боку руҳонийларининг бутун мусулмонларга мурожаатлари //Бухоро ахбори. 87-сон. 1922 йил 20 июл; Очларға ёрдам комиссияси битириладур //Бухоро ахбори. 106-сон. 1922 йил 29 октябр.

³⁰⁰ Бухоро ахбори. 177-сон. 1923 йил 23 июн.

³⁰¹ Бухоро ахбори. 185-сон. 1923 йил 2 август; 187-сон. 7 август; 188-сон. 11 август; 190-сон. 15 август; 195-сон. 29 август; 210-сон. 5 октябр; 212-сон. 10 октябр; 213-сон. 12 октябр //Озод Бухоро. 8-сон. 6 ноябр; 16-сон. 26 ноябр.

³⁰² Зиё Усманий. Туркия ҳамда юнон муҳорабаси //Бухоро ахбори. 50-сон. 1921 йил 25 сентябр.

³⁰³ Камол аскарларининг ҳаракати //Бухоро ахбори. 24-сон. 1921 йил 17 феврал; Инқилобий турк аскарларининг бошлиғи қаҳрамон Камол пошо //Бухоро ахбори. 106-сон. 1922 йил 29 октябр; Тўрақулов. «Минглар яша» (Камол пошо ҳақида ғазал) //Бухоро ахбори. 106-сон. 1922 йил 29 октябр; Камол пошо Миллат Мажлиси раиси //Бухоро ахбори. 193-сон. 1923 йил 24 август; Камол пошо-жумхурайис, Исмаил пошо-ҳукумат раиси //Озод Бухоро. 8-сон. 1923 йил 6 ноябр.

пошонинг Туркия мустақиллиги учун кураш йўлидаги сиёсий фаолияти, ҳарбий қўмондонлик маҳорати, Туркистонга муносабати юқоридаги мақолаларнинг бош мавзусидир. «Ҳозирда, - дейилади газетада, - Камол пошо турк халқи тарафидан эътироф этилган бошлиқ ва Туркия халқининг қимматли раҳбаридур... Шунинг ҳам айтмак керакдурким, асрлар бўйича бир-бирига катта душман бўлиб яшаган Россия-Туркия муносабатлари Камол пошо сиёсати соясинда ижобийдур»³⁰⁴.

Бироқ газета мақолаларидаги Мустафо Камол шахси билан боғлиқ барча маълумотлар ҳақиқий эмас. Масалан, газета мақолаларидан бирида: «Камол пошо насл жиҳатидан бир майда хунарманднинг боласи бўлиб, ёши 52 теграсиндадур (атрофида)» - деб ёзилган маълумот мавжуд. Аслида мазкур мақола чоп этилган 1922 йилда М. Камол 41 ёшда бўлган, у савдогар оиласида туғилган. Демак, юқоридаги фикр ҳақиқатдан йироқдир.

Шунга қарамай, «Бухоро ахбори» ва «Озод Бухоро» газеталари 1920-1924 йилларда Туркиянинг ички ва ташқи сиёсатини таҳлил қилишда, улурни материаллар билан бойитишда, Мустафо Камол шахси ва фаолияти қирраларини ўрганишда бой манба бўла олади.

Газеталарда Биринчи жаҳон урушидан кейин Антанта томонидан мағлуб бўлган Германиянинг сиёсий ва иқтисодий аҳволи, ички ва ташқи сиёсатига оид кўплаб мақола ва хабарлар чоп этилган. Европа сиёсатида яккалаб қўйилган Германия совет Россияси орқали ТуркистонАССР, БХСР кабилар билан алоқаларга киришган Ғарбий Европадаги ягона давлат эди.

Германиядаги сиёсий ва иқтисодий вазиятдан батафсил хабардор бўлиш БХСР ҳукумати учун зарур эди. Аввало, ҳукумат томонидан Германия билан келгусида иқтисодий, маданий-маърифий алоқалар ўрнатиш имконияти қидирилган бўлса, иккинчидан, бухоролик талабалар ўқиб, истиқомат қилаётган мамлакат ҳаёти ҳақидаги маълумотларни билиш муҳим эди. Юқоридаги омиллардан келиб чиқиб, «Бухоро ахбори» ва «Озод Бухоро» газеталари Германиядаги аҳвол ҳақида «Марка яна тушди», «Марканинг қиймати яна тушмоқда», «Иш ташладилар», «Марка курслари», «Германиядаги болалар оч ва яланғочдур», «Ноннинг қаддоғи 210 млн», «Кўча урушлари», «Германиядаги иқтисодий аҳвол», «Қанча киши ишсиз» каби турли мазмундаги юзлаб хабарлар ва мақолаларни эълон қилган. Германиядаги инфляция жараёни ҳақида «Бухоро ахбори»: «Берлинда долларнинг ғайрирасмий курси 242 млн. марка, Франкфуртда 245 млн. маркадур... 7 октябрда (1923 йил) эса Берлиннинг қора бозорида долларнинг курси 900 млн. маркага чиқди»³⁰⁵ каби хабарларни босади.

³⁰⁴ Бухоро ахбори. 106-сон. 1922 йил 29 октябр.

³⁰⁵ Марка курслари //Озод Бухоро. 4-сон. 1923 йил 25 октябр.

1923 йиллардаги очарчилик, инфляция, ишсизлик Германия худудини қанчалик қамраб олганлиги БХСР ҳукумати бошлиғи Ф. Хўжаевнинг «Бухоро ахбори»нинг 111-сонида чоп этилган «Берлин мактублари»³⁰⁶ мақоласида ҳам ёритилган.

«Бухоро ахбори» ва «Озод Бухоро» газеталарида Германия-Франция, Германия-Англия муносабатларига оид, Германиянинг Антанта давлатларидан қарздорлиги масалаларини ёритувчи мақолалар талайгина. «Германиянинг қарзлари масаласи», «Германиянинг уруш қарзлари», «Музокаралар қизиб борадур», «Германия қўймайдур», «Германиянинг нотаси», «Ғанимлар билан савдо қиладур» каби мақолаларда реперация (товон) тўловлари устидаги мунозаралар, Германия харажатларининг миқдори билан боғлиқ маълумотлар берилади. «Франция ҳукумати Германиядан 1922 йил кузига қадар қадимий пул билан 2 млрд. 100 млн марка, ҳар хил мол билан 16 млрд. 30 млн марка репарация тўловларини олди... Франция ҳукумати Германиядан товон олгон молларидан 200 адад паравоз ҳамда 6000 адад вагонларни ҳозирда ўз моллари каби Полшага сотгон»³⁰⁷.

Газеталарда Рур ўлкасига киритилган Франция ҳарбийларини танқид тиғи остига олган мақола ва хабарлар эълон қилинган. 1922-1923 йилларда Рурдаги Германия-Франция тўқнашувлари, унинг сабаблари очиб берилган³⁰⁸.

БХСР матбуоти 1920-1924 йилларда Германиянинг ички ва ташқи сиёсати билан боғлиқ муамоларини атрофлича ўрганишда, тарихий воқеаларга ҳолисона баҳо бериб, улар моҳиятини кенгқамровли очиб беришда муҳим манбалардан биридир.

«Бухоро ахбори» ва «Озод Бухоро» газеталари юқорида зикр қилинган давлатлар ва улар атрофида кечган воқеалар тафсилотиغا кенг эътибор қаратган ҳолда айрим сонларида Ғарб ва Шарқнинг Польша, Чехословакия, Болгария, Италия, Юнонистон (Греция), Афғонистон, Эрон, Ҳиндистон, Хитой, Мўғулистон, Япония каби мамлакатларига тегишли муҳим воқеаларни ҳам «Чет элларда», «Шарқ оламида», «Бошқа жумҳуриятларда» рукнлари остида хабар беради.

«Бухоро ахбори» газетасининг 1923 йил сентябр ойи сонларидан Японияда рўй берган даҳшатли табиий офат, яъни zilзила тафсилотлари ва БХСР халқининг жабр кўрган япон халқига маънавий ҳамда моддий ёрдами

³⁰⁶ Файзулла Хўжа. Берлин мактублари //Бухоро ахбори. 111-сон. 1922 йил 19 ноябр.

³⁰⁷ Ғанимлар билан савдо қиладур //Бухоро ахбори. 111-сон. 1922 йил 19 ноябр.

³⁰⁸ Германияни талайлар. Рур ўлкасини ишғол //Бухоро ахбори. 128-сон. 1923 йил 21 январ; Рур ўлкасида намоиш //Бухоро ахбори. 129-сон. 1923 йил 28 январ; Рур ўлкаси ишғол этилиши муносабатила //Бухоро ахбори. 130-сон. 1923 йил 1 феврал; Франциянинг зулми //Бухоро ахбори. 137-сон. 1923 йил 1 март; «Мухбир». Чоржўйда Рур ўлкасини босиб кирмак муносабатила намоиш //Бухоро ахбори. 149-сон. 1923 йил 31 март; А. Аҳмедов. Рур масаласи ҳали ҳам қилинмайдур //Бухоро ахбори. 156-сон. 1923 йил 14 июл.

баён қилинади³⁰⁹. «Токио, Иокагама ва бошқа шаҳарлар хароб бўлди. Токио ёнадур. Темир йўл, радио, телеграф бузилгон. Пойтахтдаги подшо саройи, театр, полиция биниси, дорилфунун, курол-яроғ заводи, дори омбори, газета идоралари ва 20 000 қадар уй емирилди. Шаҳарга қуруқлик орқали борадургон йўл кесилди... Сумигава дарёси тескари қараб оқмоққа бошлади»-деб ёзилади «Бухоро ахбори»нинг 1923 йил 9 сентябрда чоп этилган 199-сониди. Япония зилзиласи ва япон халқига Бухоро халқи томонидан кўрсатилган ёрдам билан боғлиқ маълумотлар газетанинг 209-сониди ҳам «Қисқа хабарлар» рукни остида баён қилинган: «23 сентябр (1923 йил) Зиробод қишлоқ ячейкаси билан деҳқонлар иттифоқи аъзоларининг кўшма мажлисида Кайдани Оғасев (?)нинг Япониядаги фалокат (зилзила) тўғрисидаги маърузаси эшитилгондан сўнг мажлисда иштирок қилгон 70 киши бир овоздан Япония меҳнаткашлариға ёрдам бермакни қарор бердилар»³¹⁰.

Хулоса қилиб айтганда, «Бухоро ахбори» ва «Озод Бухоро» газеталаридан 1920-1924 йилларда хорижий мамлакатларда кечган энг муҳим ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маданий жараёнлар, халқаро муносабатлардаги муаммолар, Шарқ ва Ғарб давлатларнинг умумий аҳволи билан боғлиқ қимматли маълумотлар олиш мумкин.

БХСРнинг хорижий мамлакатлар билан ўзаро савдо - сотиқ алоқалари тарихини ўрганишда даврий матбуот материаллари бой манбавий асос бўла олади. Газеталарда босилган кўп сонли хабар ва мақолаларда Бухоро Республикасининг РСФСР, Туркистон АССР, ХХСР, Шарқ мамлакатларидан Эрон, Афғонистон каби давлатлар билан бирга Ғарбнинг Германия, Франция, Латвия, Чехославакия каби давлатлари билан ҳам савдо-сотиқ алоқаларига киришилганлиги баён қилинади. Негадир, «Бухоро ахбори» газетасининг 1920-1921 йил сонларида ташқи иқтисодий алоқалар билан боғлиқ материаллар деярли чоп этилмаган. Қайд этилган йилларда хориж билан дипломатик ва элчилик муносабатлари ўрнатиш, ўзаро вакиллар алмашиш, турли мамлакатларда Бухоро ваколатхоналарини очиш жараёнлари кечган. Газетанинг 1922 йилги сонларида Россия билан БХСР савдо алоқалари анча ривожланганлиги, Россиядан республика ҳудудига металл, саноат моллари, пойабзал, матбаа ва босмахоналар (тошбосма) учун машина, асбоб-

³⁰⁹ Японияда мисли қўрилмаган офат //Бухоро ахбори. 199-сон. 1923 йил 9 сентябр; Япония: 11 шаҳарнинг ҳалок бўлиши. Зарар 50 млрд. сўм олтин //Бухоро ахбори. 200-сон. 1923 йил 12 сентябр; Японияда табиий офат: 1029 марта ер қимирлаш. Халқ ўртасида ҳаяжон //Бухоро ахбори. 201-сон. 1923 йил 14 сентябр; Япония офатларига ёрдам //Бухоро ахбори. 209-сон. 1923 йил 3 октябр.

³¹⁰ Бухоро ахбори. 209-сон. 1923 йил 3 октябр.

ускуналар, ёқилғи кабилар кўп миқдорда келтирилганлиги хабар қилинади. “Бухоро ахбори”нинг 1922 йил январ ойидан декабр ойи охирларига қадар чоп этилган сонларида Россиядан 3000 пуд лампа ёғи, 1500 пуд темир, 150 пуд мих³¹¹, 19 вагон чит, 1854 пуд керосин, 577 пуд тошкўмир³¹², 25.000 жуфт калиш ва этик, 420 пуд қоғоз³¹³, биргина ноябр ойи бошида 1100 пуд ҳар хил чит, 1360 пуд идора асбоб-ускуналари, 340 пуд иплар келтирилганлиги³¹⁴, 1922 йил 1-кварталида Москвадан Бухорога 61 вагон турли моллар юборилганлиги³¹⁵ қайд этилади.

БХСРда савдо-сотиқнинг дастлабки йиллардаги инқироzi Тошмат муаллифлигида босилган “Бухоро савдоси” номли йирик танқидий рухдаги мақолада³¹⁶ таҳлил қилинар экан, унинг сабаблари сифатида Биринчи жаҳон уруши асорати, кўп жиҳатдан иқтисодиёти Россияга боғланиб қолган Бухоронинг савдо йўлларининг издан чиқиши, Россияда иқтисодий аҳволнинг оғирлиги ва очарчилик, ҳосилсизлик, деҳқонлар кўлида пахта, қорақўл, юнг хом ашёсининг тўпланиб қолиши, савдогарларнинг ушбу соҳадаги даромади пасайиши, маҳсулот нархларининг кескин тушиши каби омиллар кўрсатилган.

БХСР ҳукуматининг Россия билан савдо-сотиқ муносабатларини кучайтириш мақсадида бу мамлакатнинг айрим шаҳарларида ташкил қилинадиган ва 1-1,5 ой давом этадиган ярмаркаларда иштирок этиши газетада рақамлар орқали очиб берилган. Газета хабарларида 1922 йилнинг октябридан бошлаб бир ярим ой давом этадиган Макар ярмаркаси учун Хивадан Чоржўйга келган “Ленин” пароходига 100 пуд турли маҳсулотлар юклангани³¹⁷, ярмаркада 1,5 сўмлик Бухоро қорақўли ва пахтасини 9-10 сўмга сотса бўлади³¹⁸, - мазмунидаги маълумот билан бирга ушбу ярмаркадан Бухоро учун 7000 челақ цемент, 8 вагон фанер-тахта, 48000 аршин ҳар хил чит, 1000 дона мактаб дафтари олинганлиги³¹⁹ ҳам ёзилади.

РСФСРнинг Нижний Новгород, Ирбит ярмаркаларида ҳам Бухоро савдогарлари фаол иштирок қилганлар. Газеталарда қайд этилишича,

³¹¹ Мол келиши //Бухоро ахбори. 66-сон. 1922 йил 19 январ.

³¹² Мол айирбош қилмоқ //Бухоро ахбори. 79-сон. 1922 йил 23 апрел.

³¹³ Бухорога мол келгөн //Бухоро ахбори. 102-сон. 1922 йил 15 октябр.

³¹⁴ Бухорога мол келгөн //Бухоро ахбори. 108-сон. 1922 йил 5 ноябр.

³¹⁵ Бухорога шунча мол келгөн //Бухоро ахбори. 79-сон. 1922 йил 23 апрел.

³¹⁶ Тошмат. Бухоро савдоси //Бухоро ахбори. 89-сон. 1922 йил 8 июль.

³¹⁷ Макар ярмаркасига //Бухоро ахбори. 92-сон 1922 йил 15 июл.

³¹⁸ Тошмат. Бухоро савдоси //Бухоро ахбори. 89-сон 1922 йил 8 июл.

³¹⁹ Макар ярмаркасида Бухоро учун олингөн моллар //Бухоро ахбори. 102-сон. 1922 йил 15 октябр.

Бухородан Нижний Новгород ярмаркасига 145 000 қорақўл тери, 5000 дона қорақўлча, 15 000 пуд юнг, 30 000 сўмлик қолин (гилам), 30 000 сўмлик ипак матолар олиб борилиб³²⁰, мазкур ярмаркадан 900 000 сўмлик газмол, 160 000 сўмлик чой, 140 000 сўмлик темир, 170 000 сўмлик галантерия моллари ҳамда 5 000 сўмлик қанд, 100 000 сўмлик газмол, 48 000 сўмлик чиннivor, ҳар хил идишлар сотиб олинган³²¹. Сотиб олинган маҳсулотлар орасида қозон, офтоба, резина-ковуш, челак, қанд-шакар, мебел, уй жиҳозлари, папирустамаки, тайёр кийимлар бўлган³²². 1923-1924 йиллар давомида “Озод Бухоро”да Россия ярмаркаларига тайёргарлик билан боғлиқ маълумотлар ва тўпланган моллар миқдори суммаси ҳақида ўнлаб хабарлар чоп этилган³²³. Макар, Ирбит, Нижний ярмаркаларидан қорақўл териси, жун, қуруқ мева, пахта каби Бухоро маҳсулотларини хориждан Россия ярмаркаларга келган савдогарлар учун ҳам намоёниш қилиш мақсадида фойдаланилган.

Газета манбаларида Бухоро хусусий савдо хайъати Абдулқодир Муҳиддинов раҳбарлигида Россияга етиб келганлиги, А.Муҳиддинов Латвия элчисига 1922 йилнинг июлида 40 000 дона қорақўл тери сотганлиги ҳақида хабар қилинади³²⁴. Ёки газета мақолаларидан бирида: “Макар ярмаркасида Германия савдогарлари иштирок қилар экан”³²⁵, - мазмунида маълумот берилади. БХСР давлати РСФСР орқали Европа мамлакатларидан Германия билан 1922-1923 йилларда қизғин савдо-сотиқ муносабатларида бўлган. “Бухоро ахбори” ва “Озод Бухоро” газетасининг сонлари билан танишилар экан, Бухоро хабарлари рукни остида “Германиядан касалхона асбоблари”³²⁶, “Ширин бўядан фойдаланиш”³²⁷ “Ширин бўя тўғрисида Германия савдо ширкатининг таклифлари”³²⁸, “Ширин бўя тўғрисида”³²⁹, “Бухоро ширин бўя заводи Германияга”³³⁰, “Четга ичак чиқариш”³³¹, “Ичак тайёрлаш ширкати”³³² каби хабарлар мавжуд. Германиянинг “Шредер ва унинг шериклари”

³²⁰ Нижний ярмаркасига хом ашё //Озод Бухоро. 100-сон. 1924 йил 7 июнь; Давлат савдо шўъбаси ярмаркада //Озод Бухоро. 114-сон. 1924 йил 17 июл.

³²¹ Ярмаркадан нималар олинур. Нижний ярмаркасида биринчи Бухоро ҳиссалик ширкатининг иштироки //Озод Бухоро. 114 -сон. 1924 йил 17 июл.

³²² Нижний ярмаркасида Бухоро савдо иши //Озод Бухоро. 1924 йил 27 сентябр.

³²³ Юнг тайёрлаш //Бухоро ахбори. 204-сон. 1923 йил 21 сентябр; Ичак тайёрлаш ширкати //Бухоро ахбори. 205-сон. 1923 йил 23 сентябр.

³²⁴ Бизнинг хусусий савдо хайъатимиз Маскавда //Бухоро ахбори. 89-сон. 1922 йил 8 июн; Маскавда бизнинг қорақўл //Бухоро ахбори. 89-сон. 1922 йил 8 июнь.

³²⁵ Тошмат. Бухоро савдоси //Бухоро ахбори. 89-сон. 1922 йил 8 июн.

³²⁶ Бухоро ахбори. 8-сон. 1922 йил 8 июль.

³²⁷ Бухоро ахбори. 116-сон. 1922 йил 10 декабр.

³²⁸ Бухоро ахбори. 159-сон. 1923 йил 19 апрель.

³²⁹ Бухоро ахбори. 189-сон. 1923 йил 19 апрель.

³³⁰ Бухоро ахбори. 192-сон. 1923 йил 22 август.

³³¹ Бухоро ахбори. 194-сон. 1923 йил 26 август.

³³² Бухоро ахбори. 205-сон. 1923 йил 23 сентябр.

ширкати ва “Рус пайчилик савдо уюшмаси” Бухоро ҳукумати билан ҳамкорликда 1923 йилда 5 йил муддатга мўлжалланган ширин бўя (ширинмия, чучукмия) савдоси билан боғлиқ уч томонлама шартнома тузишган³³³. Ширкатларнинг ҳар бири ширинмия савдоси учун 30 000 олтин сўмдан дастлабки маблағ айланмасини ҳам йўлга қўйган эдилар. Амирлик замонида ишлаб турган, республиканинг дастлабки икки йилида яроқсиз ҳолга келган Чоржўй шаҳридаги махсус ширинмия заводи 1923 йилда ишга туширилди. Заводда қисқа вақт ичида 200000 пуд миқдорида ширинмия илдизи тўпланган. Завод ҳар куни ярим вагон миқдорида ширинмияни пресслаб, қисқа вақт ичида 20 000 олтин сўмлик 10 вагон ширинмияни Германияга юбориш учун тайёрлаб қўйганлигини газеталардан ўқиб олиш мумкин³³⁴. Бундан кейинги воқеалар жараёни шуни кўрсатадики, Германиянинг иккита ширкати (“Шредер ва унинг шериклари”, “Германия - Қора денгиз ширкати”) иштироки билан 1923 йил охирида 10 000 пудлик ширинмия ва 60 вагон пахта тойлари Ботуми ва Астрахан портлари орқали Германияга жўнатилган. Германиянинг Берлин ва Гамбург шаҳарларидаги бир қатор ширкатлар ҳам Бухоро ширинмияси ҳамда маҳсулотлари билан қизиққанлиги газетада кўрсатиб ўтилган. Германияга ширинмиядан ташқари қоракўл терилари ҳамда мол ичаги кўп миқдорда экспорт қилинганлиги матбуот хабарларида мавжуд: “1923 йил ёзида Боку ҳамда Маскав орқали Олмонияга 25 000 дона ичак қайта ишлаш учун юборилган”³³⁵. Бухородан Германияга юборилган маҳсулотлар эвазига асосан дори-дармонлар ва касалхона асбоблари сотиб олинган.

Германия савдо ширкатлари ривожланган мамлакатларнинг техника воситаларини Бухорога етказишда воситачилик ҳам қилишган. “Биринчи марта чет эллардан сотиб олингон 167 та амриқо машина ўроқлари Бухорога келди. 22 та сомон кесадигон машиналар ва бир неча машина ҳали йўлда келмоқдадур”³³⁶, - деб ёзади “Бухоро ахбори” газетаси.

“Бухоро ахбори” газетасида 1923 йил Хитойдан Бухорога 500 бош миқдорида қорамол келганлиги, яна бир бошқа маълумотда эса 116 бош қорамол келтирилиб, хўкизлар тиббий текширилганидан кейин Карки туркманлари орасида тарқатилганлиги айтилади³³⁷.

Матбуотда Бокудан Бухорога тамаки ва тамакидан ясалган маҳсулотлар ва Ботумидан фотография асбоблари, ойналар келтирилганлиги

³³³ Озод Бухоро. 79-сон. 1924 йил 19 апрель.

³³⁴ Ширин бўядан фойдаланиш //Бухоро ахбори. 159 -сон. 1923 йил апрел.

³³⁵ Четга ичак чиқариш //Бухоро ахбори. 192-сон. 1923 йил 22 август.

³³⁶ Дехқончилик асбоблари //Бухоро ахбори. 183-сон. 1923 йил 19 июль.

³³⁷ Қорамол келди //Бухоро ахбори. 177 -сон. 1923 йил 23 июн.

ёзилган³³⁸. БХСР мамлакати Афғонистон, Эрон каби қўшни давлатларга Россия саноат маҳсулотларини чиқаришга воситачилик қилган.³³⁹ Ушбу мамлакатлар билан республиканинг иккинчи йилида ўзаро савдо шартномалари ҳам имзоланган. Бу давлатларга Бухородан қоракўл тери, каштачилик, жойпўш, сўзана, чопон-тўн, шойи-адрас, олача каби маҳаллий моллар ҳамда қанд-шакар, темир, чўян, керосин, лампа ёғи каби рус моллари сотилганлигини матбуот орқали билиб олиш мумкин³⁴⁰.

Хатто қорамол савдоси масаласида БХСР ҳукумати Туркистон АССР воситачилигида Хитойдан қорамоллар келтириш учун махсус шартнома тузган³⁴¹. Бухорога Туркистондан зироат машиналари, ғалла, ишчи ҳайвон сифатида от келтирилган³⁴². Айрим йирик мақолаларда БХСРдан хорижга чиқарилган маҳсулотларнинг амирлик давридаги товар экспорти билан қиёсий таҳлили кўп сонли рақамларда қайд қилинган. Жумладан, “Озод Бухоро”нинг 1924 йилдаги 73-сонида босилган “Бухородан бу йил қанча мол чиқариладур” номли салмоқли мақола³⁴³ шу мазмунга эга.

БХСРдан четга чиқарилган маҳсулотлар орасида қуруқ мева ва майизнинг миқдори етакчи маҳсулотлардан бири эканлигидан далолат беради. “Бухорода қуруқ мева тайёрлаш ишлари” номли мақолада³⁴⁴ 1923 йилда Бухородан 40 вагон қуруқ мева чиқарилганлиги қайд қилиниб, 1924 йилда 150 000 пудгача қуруқ мева тайёрлаш имконияти мавжудлиги ҳақида фикр юритилган. Бухоро қуруқ мевалари сифати жиҳатидан паст бўлганлиги туфайли республика ҳукумати Туркистон АССР шаҳарларида ўз савдо шахобчаларини очиб, 220 000 пуд қуруқ мевани қайта тайёрлаб, асосий қисмини хорижга экспорт қилган³⁴⁵. Газеталар 1920-1924 йилларда БХСРнинг хорижий мамлакатлар билан савдо-сотиқ муносабатлари, маҳсулотларнинг турлари, 4 йил давомида уларнинг миқдори, ички ва ташқи нарх-навоси, мамлакат иқтисодиётидаги аҳамияти ва роли билан боғлиқ аниқ маълумотларни олиш учун манбалардан биридир.

БХСР эълон қилинганидан сўнг, мустақил субъект сифатида хорижий мамлакатлар билан сиёсий ва дипломатик алоқаларга тенг ҳуқуқлилиқ асосида киришиш ҳамда жаҳон давлатлари орасида ўзининг мавқеи ва ўрнига эга бўлиш йўлида амалий қадамлар қўйди. “Бухоро ахбори” ва “Озод

³³⁸ Мол сотиб олиш //Бухоро ахбори. 149-сон. 1923 йил 31 март.

³³⁹ Афғонистон билан Бухоро ўртасида савдо //Озод Бухоро. 60-сон. 1924 йил 9 март.

³⁴⁰ Афғонистон билан савдо //Озод Бухоро. 101-сон. 1924 йил 8 июн.

³⁴¹ Хитойдан қорамол //Озод Бухоро. 76-сон. 1924 йил 13 апрель.

³⁴² Мол сотиб олиш //Бухоро ахбори. 149-сон. 1923 йил 31 март.

³⁴³ Бухородан бу йил қанча мол чиқариладур //Озод Бухоро. 73-сон. 1924 йил 4 апрел.

³⁴⁴ Озод Бухоро. 133-сон. 1924 йил 27 август.

³⁴⁵ Ўша жойда.

Бухоро” газеталарида чоп этилган БХСР ташқи алоқалари билан боғлиқ хабар ва мақолалар устида фикр юритиб, айтиш мумкинки, 1920-1922 йилларда фаол дипломатик ва сиёсий муносабатлар йўлга қўйилганлигидан воқиф бўлинади. Газеталарда республиканинг дастлабки йилларида қўшни РСФСР, ХХСР, Туркистон АССР билан ўзаро шартномалар имзолаш, дипломатик вакиллар алмашиш жараёни бошлаб юборилганлиги хабар берилади. “БХСР томонидан Хива (ХХСР)га Мирбобо Мухсин ўғли ва Фатхулло Комил вакил бўлиб кетдилар... Русияга муваққат намоёнда бўлиб, Мухиддин Мансуров, Нажиб Хусаинов, Мирзо Баҳром Аҳмадқул жўнаб кетди... Туркистон АССР (Тошкент)га Мирмуҳсин Фозилов элчи қилиб тайинланди. 1922 йилда эса Акмалов ва Абдувоҳидовлар элчи бўлишди... Қирғизистон Жумҳурияси (Қozoғистон АССР - К.Р.) пойтахти Ўринбург (Оренбург)га БХШЖ консули юборилгандур... Астрахан вилоятига БХШЖ фуқаролари манфаатини ҳимоя қилмак учун консул ўртоқ Абдулла Искандар юборилди...”³⁴⁶, - каби маълумотлар “Бухоро ахбори” газетасида келтирилади. Юқоридаги газета маълумотлари БХСР ҳукуматининг қўшни республикалар билан дипломатик алоқалар ўрнатиш йўлидаги фаол уринишлари рўй берганлигини исботлайди. Республикалар ўртасида истиқболга мўлжалланган ўзаро манфаатли ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиш мақсадида икки ёқлама шартномалар тузилган, уларнинг тўлиқ матнлари эса “Бухоро ахбори” сонларида мутассил чоп этиб борилган. БХСР - РСФСР ўртасидаги 10 банддан иборат шартнома ва ушбу шартномадан кўзланган мақсад ўзаро элчилик алоқаларини янгидан ўрнатиш тўғрисида батафсил фикр юритилган. Туркистон АССР билан ҳам ўзаро дипломатик ва сиёсий алоқалар 1920 йилнинг ноябр ойи охиридаёқ ўрнатилганлиги, элчихоналар ташкил этиш, элчилар алмашинуви билан боғлиқ хабарлар мавжуд³⁴⁷.

1921 йилнинг 13 ноябрида ХХСР билан БХСР ўртасида тузилган 15 моддадан иборат шартнома матни ҳам “Бухоро ахбори” газетасида чоп этилган³⁴⁸. Мазкур матн икки республика ўртасидаги ўзаро муносабатларни таҳлили учун муҳим манба бўла олади.

Муҳими шундаки, матбуот органларида қўшни РСФСР, Туркистон АССР, ХХСР билан БХСРнинг ўзаро вакиллар алмашинуви жараёни 1923 йилнинг кузига қадар чоп этилган сонларида бериб борилган. 1923 йилнинг охири ва 1924 йил давомида нашр этилган сонларида республикаларaro дипломатик ва сиёсий алоқалар ҳақида маълумот учрамайди. Газетанинг “Тошкент консулхонасининг битирилиши” номи билан 1923 йил 16 сентябрда чоп этилган хабарда: “Туркистон жумҳуриясидаги сафоратхона (БХСР элчихонаси) бирор-бир вазифани ҳал қила олмайдур. Хазинага хийла зарар. БХСР ҳукумати уни битиришни қарор қилди. Консулхонага қарашли уй жиҳозлари билан Ўрта Осиё иқтисодий кенгаш ваколатлариға берилгон. Туркистон масаласида хорижия (ташқи ишлар) назоратиға мурожаат

³⁴⁶ Бухоро ахбори. 39-сон. 1921 йил 7 июн; 41-сон. 30 июн; 135-сон. 1923 йил 28 феврал.

³⁴⁷ Бухоро ахбори. 9-сон. 1920 йил 24 ноябр; 41-сон. 1921 йил 30 июн.

³⁴⁸ Бухоро ахбори. 70-сон. 1922 йил 11 феврал.

килинсун экан”³⁴⁹, - деб ёзилади. Бу маълумотдан англашиладики, РСФСР ҳукумати БХСРнинг қўшни республикалар билан мустақил алоқаларини аста-секин чеклаб, бу вазифаларни РСФСР ташқи алоқалар идоралари ваколатига киритиб юборган.

“Бухоро ахбори” ва “Озод Бухоро” газеталарининг маълумотларига кўра, БХСР қадимда Буюк Ипак йўли орқали қизғин алоқаларда бўлган Туркия, Афғонистон, Эрон ва Озарбайжон давлатлари билан дипломатик, савдо-сотиқ муносабатларини ўрнатишга муваффақ бўлган.

БХСР ташкил топган 1920 йилда Усмонли турк султонлиги (Туркия) сиёсий ҳаётида мустақилликни сақлаб қолиш учун курашлар давом этаётган эди. Икки ҳукумат ўртасидаги дипломатик алоқалар 1920 йилнинг охиридаёқ бошланган. Мустафо Камолнинг Анқара муваққат ҳукумати БХСР ҳукумати ташкил топганидан 4 ой ўтар-ўтмас ўзининг элчиларини Бухорога юборди. Туркиянинг Бухородаги элчихонасига Ғолиб пошо бошчилик қилган. Анқара ҳукуматининг Бухоро Республикасидаги элчихонаси биринчи котиби таниқли турк ёзувчиси Рушан Ашраф бўлган эди³⁵⁰.

Туркия озодлик кураши воқеалари БХСР аҳолиси ва ҳукуматининг диққат марказида бўлган. Турк-юнон уруши, кураш жараёнлари ҳамда туркларнинг жасоратлари “Бухоро ахбори”да мунтазам бериб борилган³⁵¹.

1922 йилнинг март ойида БХСРдан Мустафо Камол пошо ҳукуматини расмий суратда таниш ва ўзаро дипломатик муносабатлар ўрнатиш мақсадида Маҳмуд Назар ва Маҳмуд Ражаб бошчилигидаги Бухоро вакиллари Анқарага ташриф буюришади. БХСР элчиларини Анқара муваққат ҳукумати ташқи ишлар нозирининг муовини Зиёдбек ҳамда хорижий ишлар вакили Юсуф Камолбек расмий кутиб оладилар.

Мустафо Камол ва Бухоро ваколатхонаси ўртасидаги музокаралар, Маҳмуд Назар ва турк йўлбошчисининг нутқлари тўлалигича “Бухоро ахбори” газетасида келтирилган.³⁵² “Бухоро ҳайъати вакиллари ҳурмат ва эҳтиром рамзи сифатида Мустафо Камол номига олтин дастали қилич, Амир Темур замонида кўчирилгон Қуръони Каримнинг нодир нусхаларидан

³⁴⁹ Бухоро ахбори. 202-сон. 1923 йил 16 сентябр.

³⁵⁰ Mehmet Saray. Mulli Mucadele Yillarinda Buhara Cumhuriyetinin Turkieye Yardimi //Turkistonda Yenilik Hareketleri ve Ihtilaller: 1900-1924. Osman Noca Anisina Incelemeler. Hazirlayan Timur Kocaoglu (турк, инглиз, ўзбек тилларида). -Haarlem, 2001. -Б. 340.

³⁵¹ Зиё Усманий. Туркия ҳамда юнон муҳорабаси //Бухоро ахбори. 50-сон. 1921 йил 25 сентябр; Ғ.Ҳасаний. Туркларнинг ғалабаси муносабатида //Бухоро ахбори. 101-сон. 1922 йил 28 сентябр; Қосимов. Инқилобий Туркияга ёрдам керак //Бухоро ахбори. 121-сон. 1922 йил 28 декабр; Мустафо Камол пошо баёноти //Бухоро ахбори. 129-сон. 1923 йил 28 январ; Туркия урушга қарор берган //Бухоро ахбори. 212-сон. 1923 йил, 12 октябр.

³⁵² Бухоро ҳайъати Мустафо Камол пошо ҳузурида //Бухоро ахбори. 77-сон. 1922 йил 4 апрел.

бирини, бухороча сарупо, Туркия зобити ва аскарлари учун Бухоро тасвири туширилгон нишонлар тақдим этдилар”³⁵³, - деб ёзади “Бухоро ахбори”.

Маълумки, 1922 йилнинг 9 сентябрида бўлган Муддания жангида турклар юнонлар устидан ҳал қилувчи ғалабага эришиб, Измир шаҳридан юнонлар ҳайдаб чиқарилди. 1922 йил октябр ойига қадар эса Мустафо Камол бошчилигидаги Туркия армияси Бурса, Ардахан, Иғдир, Эскишеҳирларни ҳам босқинчилардан озод қилдилар. “Бухоро ахбори”нинг 103-сониди (1922 йил 12 октябр) туркларнинг ғалабаси муносабати билан БХСР пойтахти Эски Бухорода ўқувчи, мадраса талабалари, ислом пешволари, оддий меҳнаткаш аҳоли иштирокида митинг намоиши ўтказилиб, намоишда БХСР Халқ Нозирлар Шўроси муваққат раиси Ато Хўжа (Атоулло Хўжаев), БХСР МИҚ раисининг биринчи муовини Муинжон Аминов, маориф нозири Қори Йўлдош Пўлатов, Россиянинг Бухородаги вакили Фонштейн иштирок қилиб, сўзлаган нутқлари тўлиқ бир саҳифада берилади. Сиёсий тадбирда Бухоро халқи номидан Туркия ҳукумати номига табрик телеграммаси тайёрлаб жўнатган³⁵⁴.

Туркия - БХСР дипломатик алоқаларини ўрнатган ва элчилик вазифасини бажарган Маҳмуд Назар ва Маҳмуд Ражабларнинг кейинги фаолиятлари билан боғлиқ масалалар негадир газеталарда ёритилмаган. Турк тарихчиси Меҳмет Сарайнинг маълумотича, улар Туркиядан Бухорога қайтаётганда номаълум сабабларга кўра вафот этишган³⁵⁵. Тарихчи Қаҳрамон Ражабовнинг ёзишича, Фитрат 1937 йилда қамоққа олинган, унга қўйилган айблардан бири айнан Маҳмуд Назар ва Маҳмуд Ражабни элчи сифатида Туркияга юборишдаги жонбозлиги бўлган³⁵⁶.

БХСР - Афғонистон ўртасидаги дипломатик алоқаларнинг ўрнатилиши бир қадар мураккаб вазиятда рўй берганлиги “Бухоро ахбори” дастлабки сонларидаёқ босилган мақола ва хабарлар маълумотларидан аён бўлади. 1920 йилнинг 20 сентябрида БХСР ҳукумати Афғонистон амирига махсус нота юбориб, ўзаро элчилар алмашишини йўлга қўйишни сўраган. Афғон ҳукумати ҳам 1920 йилнинг 17 декабрида Бухорога юборган жавоб нотасида иккала мамлакат ўртасидаги муносабатлар ўрнатишдан мамнун эканлигини маълум қилади. Ф.Хўжаев ва Афғонистон ҳукумати бошлиғи ҳамда ташқи

³⁵³ Ўша жойда.

³⁵⁴ Туркларнинг ғалабаси муносабатида Бухорода байрам // Бухоро ахбори. 103-сон. 1922 йил 19 октябр.

³⁵⁵ Mehmet Saray. Mulli Mucadele Yillarinda Buhara Cumhuriyetinin Turkkiye Yardimi // Turkistonda Yenilik Hareketleri ve Ihtilaller: 1900-1924. Osman Noca Anisina Incelemeler. Hazirlayan Timur Kocaoglu (турк, инглиз, ўзбек тилларида). - Haarlem, 2001. - Б. 342.

³⁵⁶ Ражабов Қ. Фитрат фожеси (қўлёзма), 2006-2007 йиллар.

ишлар вазири Махмудбек Тарзий (1868-1943) ноталари тўла ҳолича ўзбек ва форс-тожик тилларида “Бухоро ахбори”да чоп этилган³⁵⁷.

Бухоро амирлиги билан Афғонистон ўртасида БХСР ташкил топгунга қадар ҳам элчилик алоқалари мавжуд эди. 1920 йилда афғон амири (Ҳабибулло)нинг Абдушукурхон бошчилигидаги элчилари Эски Бухорода туришган. Амир томонидан Афғонистонга вакил бўлиб эса Қори Ҳабибулло тўқсабо юборилган эди. Шунинг учун Ф. Хўжаев нотасида: “Афғонистон билан Бухоро орасида меним ҳукуматим томонидан дўстлик муносабатини қонун қилув учун Абдулрахим Юсуфзода бошлиқ тахт раёсатинда фавқулодда бир ҳайъат юборилмоқда. Шунинг баробаринда сизга билдираманки, бурунги амир ҳукумати томонидан Афғонистонга вакил этилган Ҳабибулло тўқсабонинг ваколати ҳукмдин соқит қилинадур”³⁵⁸,- деб ёзилади.

Абдулрахим Юсуфзоданинг³⁵⁹ 1921 йил 11 январда Эски Бухоро вокзалидан 12 нафар ваколатхона аъзолари билан Афғонистонга жўнаб кетганлиги газетада хабар қилинган³⁶⁰.

Афғонистон - БХСР муносабатлари машаққатли кечганлигини қуйидаги омилларда кўриш мумкин: БХСР ҳукуматига муҳолифатда бўлган сиёсий ва ҳарбий кучларнинг Афғонистондан паноҳ топганлиги, амирлик тузуми ағдарилган пайтда 35000 нафар туркман қочоқларининг Амударёнинг нариги томонига ўтиб кетганлиги ва уларга Маймана, Андхўй вилоятлари маҳаллий ҳокимларининг тазйиқ ўтказиши, кейинчалик туркманларнинг асл ватанларига қайтишларига тўсқинлик қилиниши, совет Россияси элчихонасининг БХСР ваколатхонасига ўз таъсирини ўтказиш ва ҳоказо. Бу масалалар ҳақида “Бухоро ахбори” ва “Озод Бухоро” газеталарида ўнлаб мақола ва хабарлар босилган³⁶¹.

“Бухоро ахбори” саҳифаларида босилган йирик мақолалардан бирида Афғонистонга нисбатан: “Шўро Жумҳуриятлариға бўлгон душманлиғини

³⁵⁷ Афғонистонга телеграмм. Бухородан Қобулға. Афғонистондан жавоби телеграмм //Бухоро ахбори. 19-сон. 1921 йил 13 январ.

³⁵⁸ Ўша жойда.

³⁵⁹ Юсуфзода Абдурахим (1890-1938) - Андижон шаҳрида туғилган. Бухорода мадрасани тугатиб, мударрислик қилган. 1920-1924 йиллар давомида Чоржўй вилоятида ревком раиси, БХСРнинг зироат ишлари нозири, БХСРнинг Афғонистондаги мухтор вакили каби вазифаларда ишлаган.

³⁶⁰ Афғонистон сафаротимиз //Бухоро ахбори. 20-сон, 1921 йил 18 январ.

³⁶¹ Карки шаҳрида афғон савдогарлари //Бухоро ахбори. 79-сон. 1922 йил 23 апрел; Афғонистон ҳукуматининг эълони //Бухоро ахбори. 95-сон. 1922 йил 12 август; Бухороға Афғонистон сафорат ҳайъати келгусидир //Бухоро ахбори. 105-сон. 1922 йил 26 октябр; Бухоро ҳукуматининг Афғонистон ҳукуматига нота билан мурожаати //Бухоро ахбори. 208-сон. 1923 йил 30 сентябр; Афғонистон билан савдо шартномаси //Озод Бухоро. 1-сон. 1923 йил 16 октябр; Туркман қочоқлари тўғрисида //Озод Бухоро. 4-сон. 1923 йил 25 октябр.

ичига сиғдира олмагон ахлоқ ўтган йили (1922) ҳам Анвар пошо воситаси билан ўзининг қора планларини вужудга чиқаришга ҳаракат қилгон эди. Энди ҳозирда Анвар ўрнига Туркияни Оврупа жаҳонгирларидан ҳимоя қилувчи Анқара аскарлари ўзига жой топмагон Салим пошо бир тўда афгон зобитлари билан майдонга чиқадур”³⁶²,- каби салбий фикр билдирилган.

Афғонистонда БХСР элчиси вазифасини бажарган А. Юсуфзода ўрнига 1922 йилнинг кузида БХСР ташқи ишлар нозирининг ўринбосари Ҳошим Шойиқ Ёқубов юборилган. У кейинчалик Бухорога қайтмай, Қобулда қолиб кетган. Шундай қилиб БХСР - Афғонистон дипломатик ва сиёсий алоқалари тарихи 1922-1923 йилларда Бухоро ваколатхонасининг Қобулдаги РСФСР ваколатхонасига қўшиб юборилгунга қадар даврни ўз ичига олади.

Газеталарда БХСР-Эрон, БХСР-Япония, БХСР-Ҳиндистон, БХСР-Хитой, БХСР-Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатлари ўртасидаги сиёсий-дипломатик, иқтисодий, маданий ҳамкорлик алоқалари ҳақида жуда оз миқдорда маълумотлар келтирилган. Ҳолбуки, БХСР ташкил топган йилиёқ (1920 йил) Қосим Қориев ва Муҳаммад Абдулкаримов Эронга элчи қилиб юборилган. Эрондан БХСРга Абдулфариҳон бошчилигидаги элчилар етиб келганлиги тарихий адабиётларда қайд қилинган. “Бухоро ахбори”нинг бир хабарномасида: “Бухорога Эронистондин 5 вагон гурунч ва бошқа моллар келгандур”³⁶³,- деб ёзади.

Республика матбуотида ёритилган БХСР ва Озарбайжон Республикаси сиёсий-дипломатик алоқалари билан боғлиқ маълумотлар салмоқлидир. “Бухоро ахбори”да ёзилишича, 1921 йилнинг октябрида БХСР ҳукумати бошлиғи, ташқи ишлар вазири Ф.Ҳўжаев Озарбайжон Республикаси ташқи ишлар нозирлигига телеграмма йўллаб, икки республика ўртасида вакиллар алмашинувини йўлга қўйишни сўраганлиги ва ушбу телеграммага Озарбайжон ташқи ишлар вазири Ҳасанов (Хусанов)нинг жавоб телеграммаси матни босилган. Ҳасановнинг жавоб телеграммасида ёзилишича: “Озарбайжон Жумҳурияти билан биродарлик робитасини қурмак орзу-изҳорингизга ҳукуматим номидан арз қиладирманки, тарафингиздан юборилатурғон намояндангизни сабрсизлик билан кутамиз. Унинг учун шаҳримизнинг марказида хусусий жой тайёрланадур. Сизнинг жумҳуриятингизда бизнинг намояндамизни бўлиши тўғрисида бўлса, ҳеч

³⁶²Биз дўст деб билсак, у бизнинг душманимиз экан //Бухоро ахбори. 146-сон. 1923 йил 22 март.

³⁶³ Бухоро ахбори. 66-сон. 1922 йил 30 август.

иккиланмасдан тарафимиздан бир киши тайин қилиниб сизга юбориладур”³⁶⁴.

“Бухоро ахбори” газетасининг 1922 йилда чоп этилган мақола ва хабарларида Маҳмуд Саид Аҳрорий Озарбайжон пойтахти Бокуда Бухоро Республикаси ваколатхонасини бошқарганлиги, Али Ризо Наримонов Эски Бухорода Озарбайжон Республикаси элчиси сифатида фаолият олиб борганлиги билан боғлиқ маълумотлар мавжуд³⁶⁵.

Ўзаро сиёсий-дипломатик алоқалар иқтисодий ва савдо-сотиқ, маданий муносабатларнинг ривожига йўл очган. Газета хабарларидан аён бўладики, БХСРнинг Озарбайжон Республикасидаги ваколатхонаси жуда самарали фаолият олиб борган. Унинг воситачилигида Бухоро савдогарлари Боку ярмаркасида ўзларининг қоракўл териси, ичак-чавоқ ва озиқ-овқат маҳсулотлари билан иштирок қилишган³⁶⁶. БХСР ўзининг иқтидорли ўқувчи-талабаларини Туркия Республикасига қўшни Озарбайжон ҳудуди орқали юборган. Озарбайжон Республикасининг ўзида ҳам газета маълумотлари ва архив ҳужжатларига кўра, БХСР ваколатхонаси ёрдамида бухоролик ёшлар таълим олишган. “Маориф назорати тарафиндан намояндамиз Муҳиддин Рафиқ ила Боку мактабларида илми таҳсил қилмак учун Бухородан 5 нафар талаба юборилиб, у талабаларнинг тарбиялари Боку намояндамиз ҳузурида бўлғусидир”³⁶⁷, - деб ёзилади “Бухоро ахбори” газетасида.

Хуллас, “Бухоро ахбори” ва “Озод Бухоро” газеталари БХСРнинг ташқи сиёсий-дипломатик алоқалари тарихини холисона ва давр талаби асосида талқин қилиш учун ёрдамчи манба бўлади. Бироқ ўз даври мафкураси асосида ёзилган газеталардаги мақола ва чоп этилган хабарларни архив ҳужжатлари, бошқа тарихий манбалар билан қиёсий ўрганиб, алоҳида мустақил тадқиқот объектига айлантириш зарурати мавжуд деган фикр туғилади.

БХСР ҳукумати хорижий мамлакатлар билан сиёсий-дипломатик, иқтисодий алоқаларни ривожлантириб, мустаҳкам маданий ҳамкорликка имкон қадар эришиш чора-тадбирларини кўрганлиги “Бухоро ахбори” ва “Озод Бухоро” газеталарида бир қатор хорижий давлатларга замонавий илм-фан асосларини эгаллаш учун талаба ва ўқувчилар юборганлиги билан боғлиқ хабарларда аён бўлади. 1921-1922 йилларда эълон қилинган мақола ва

³⁶⁴ Бухоро ахбори. 52-сон. 1921 йил 12 октябр.

³⁶⁵ Бухорода Озарбайжон вакили //Бухоро ахбори. 99-сон. 1922 йил 14 сентябр.

³⁶⁶ Бокуда ярмарка //Бухоро ахбори. 98-сон. 1922 йил 2 сентябр; Бокудан Бухорога мол //Бухоро ахбори. 105-сон. 1922 йил 26 октябр; Боқунинг ярмарка моллари //Бухоро ахбори. 108-сон. 1922 йил, 5 ноябр.

³⁶⁷ Бухородан талабалар юборилди //Бухоро ахбори. 82-сон. 1922 йил 4 май.

хабарларда хорижий давлатлардан Германия ва Туркияга талаба-ўқувчилар юбориш, уларни танлаш, юборилажак ўқувчиларнинг ёши, ижтимоий аҳволи, сони ҳақидаги хабарларнинг берилиши алоҳида ўринга эга.

Мақола ва хабарларни характерига қараб бир неча гуруҳга бўлиш мумкин. 1921 йилнинг охири ва 1922 йил кузига қадар чоп этилган биринчи гуруҳ мақола ва хабарларда хорижга талабалар юбориш билан боғлиқ моддий ва маънавий имкониятларни излаш, саводхон болаларни танлаб олиш, уларни тиббий кўрикдан ўтказишга доир ташкилий ишлар жараёни изчил бериб борилган³⁶⁸.

Хабарларда ёзилишича, Германияга ўқувчи ва талабаларни юбориш иши БХСРнинг Москвадаги ваколатхонаси бошлиғи Ато Хўжанинг фаол иштироки ҳамда Германиядаги Винсдорф шаҳарчаси мусулмонлар мачити имоми, татар миллати вакили Олимжон Идрисий, ҳукумат раҳбарларидан Файзулла Хўжаев, Қори Йўлдош Пўлатов, Абдулвоҳид Бурҳонов, Абдурауф Фитрат ташаббуслари билан амалга оширилган³⁶⁹.

“Бухоро ахбори”да 1922 йилда бухоролик 43 талаба татар халқи вакили Идрисий ҳамда Бурҳонов ва Каменскийлардан иборат махсус комиссия билан Германияга боради, деб қайд қилинган³⁷⁰.

Газета маълумотларининг муҳим манбалиги шундаки, хорижга ўқиш учун талаба ва ўқувчиларни саралаб олиш ишлари енгил кечмаган, бу сабаблар билан боғлиқ аввалдан мавҳум бўлган айрим масалаларга аниқлик киритиш мумкин. Бир қатор мақола ва хабарларда бухоролик ўзига тўқ хонадонлар фарзандларини хорижга ўқишга юборишга қаршилиги туфайли сағирхоналар (етимхоналар)даги болаларни жалб қилишга тўғри келганлиги танқидий руҳда баён қилинган³⁷¹. Айрим ҳолларда эса талаба-ўқувчилар сафини тўлдириш учун БХСР номидан Туркистон АССРдан ҳам болалар танлов йўли билан рўйхатга киритилган.

Хорижга ўқиш учун йўлланма олган ўқувчи ва талабаларни Германия ва Туркия сингари мамлакатларга юбориш, уларни жойлаштириш, моддий

³⁶⁸ Туркияда Бухоро талабалари //Бухоро ахбори. 76-сон. 1922 йил 27 март; Хорижга талабалар юборув учун курс //Бухоро ахбори. 79-сон. 1922 йил 23 апрел; Бокуга талабалар юбориладур //Бухоро ахбори. 82-сон. 1922 йил 4 май; Германияга талабалар юбормак ишининг бориши //Бухоро ахбори. 93-сон. 1922 йил 27 июл; Масковнинг Шарқ Дорилфунунида бухороликлар учун ўрин //Бухоро ахбори. 94-сон. 1922 йил 3 август; Олмонияга талабалар юбормак //Бухоро ахбори. 95-сон. 1922 йил 16 август; Қори Йўлдош. Болаларимиз истиқболни тушунмак керак //Бухоро ахбори. 98-сон. 1922 йил 2 сентябр; Ўша муаллиф. Истиқболни ўйлаган миллат ўғлонларининг назари диққатига! //Бухоро ахбори. 113-сон. 1922 йил 30 ноябр.

³⁶⁹ Германияга талабалар юбормак ишининг бориши //Бухоро ахбори. 93-сон. 1922 йил 27 июл.

³⁷⁰ Германияга талаба кетадур //Бухоро ахбори. 97-сон. 1922 йил 27 август.

³⁷¹ Қизларнинг сағирхонаси керак //Бухоро ахбори. 158-сон. 1923 йил 18 апрел.

жиҳатдан таъминлаш билан боғлиқ газеталардаги мақола ва хабарларни иккинчи гуруҳга киритиш мумкин. “Бухоро ахбори”даги маълумотлардан аён бўладики, Туркияга ўқиш учун юборилган талабалар ушбу мамлакатда БХСР вакиллари фаолият олиб бораётганлари сабабли ҳеч қийинчиликларсиз жойлашиб, ўқув юртларида таҳсилни бошлаганлар³⁷².

Германияга юборилган Бухоро талабалари эса уч даражага бўлинган: кичиклар, ўрталар, катталар. “Кичиклар Берлинга яқин бир шаҳарда немис болаларига аралаш пансионга қўйилгон. Ўрталар вилоятларга юборилуб, хусусий оилаларга қўйилгонлар. Катталар Берлин шаҳрига қўйилгонлар”³⁷³, - деб ёзилади “Бухоро ахбори”да. Маълумотлар шуни кўрсатадики, бухоролик болалар Германияда дарҳол ўқишни бошламай, анча муддат давомида немис тилини ўрганганлар. Улар Германиянинг ўнлаб шаҳарларидаги турли олий, ўрта махсус ва хусусий ўқув юртлари бўйлаб тарқалиб кетганлар.

“Бухоро ахбори” ва “Озод Бухоро” газеталарида хорижга ўқиш учун юборилган ўқувчи ва талабалар сони турлича рақамларда ифодаланади. Бу эса улар сонини аниқ қайд қилиш имконини бермайди.

Учинчи гуруҳ мақола ва хабарларда Германия ва Туркияда таҳсил олаётган талабаларнинг ўқишлари қай тариқа давом этаётганлиги, моддий жиҳатдан таъминланганлиги (стипендиялар миқдори), Германиядаги иқтисодий инқирознинг талабалар моддий-маънавий турмушига салбий таъсири, айрим ҳукумат раҳбарларининг улар аҳволидан хабар олиб туриши кабиларга эътибор қаратилган³⁷⁴.

“Озод Бухоро”нинг 1923 йил чоп этилган 2 та сониди таниқли давлат арбоби Турар Рисқуловнинг³⁷⁵ “Германияда Ўрта Осиё талабалари” номли йирик мақоласида танқидий фикрлар ҳам мавжуд бўлиб, унда: “Германияга кетган талабаларнинг ҳаммаси у ерда ўрнаша олмасдан кўписи Русияга қочиб кетибди, айрими ташқари элларда яшовчи шахслар таъсирига берилгон экан деган хусусий хабарлар эшитила бошланди... Германиядаги талабалар ўзларининг мухтожликлари тўғрисида сўзлаб, ўзлариға ёрдам берилмагини

³⁷² Туркияда Бухоро талабалари //Бухоро ахбори. 76-сон. 1922 йил 27 март.

³⁷³ Германияда Бухоро талабаси //Бухоро ахбори. 144-сон. 1923 йил 17 март.

³⁷⁴ Файзулла Хўжа. Берлин мактублари //Бухоро ахбори. 111-сон. 1922 йил 19 ноябр; Рисқулов Т. Германияда Ўрта Осиё талабалари //Озод Бухоро. 25-сон. 1923 йил 16 декабр; 26-сон. 1923 йил 19 декабр. “Игна”. Германиядаги талабаларимизнинг аҳволи //Озод Бухоро. 23-сон. 1923 йил 13 декабр.

³⁷⁵ Турар Рисқулов (1894-1938) - Туркистон халқининг таниқли давлат ва жамоат арбоби. 1918-1924 йиллар Т.Рисқулов ҳаётида асосий давр ҳисобланади. Шу йилларда у Туркистон Автоном Республикасида муҳим вазифаларни бажаради: Туркистон Соғлиқни сақлаш халқ комиссари (1918-1919), РКП(б) ўлка Мусулмонлар бюроси раиси (1919-1920), Туркистон АССР МИК раиси (1920 йил январ-июл), Туркистон АССР ХКС раиси (1922 йил сентябр-1924 йил январ).

сўрайдурлар”³⁷⁶, - тарзидаги сўзларни ўқиш мумкин. Т. Рисқулов Германиядаги ўқув юртларида ўқиётган талабалар сони, уларнинг моддий аҳволи ва асл ватанлари билан алоқаларини воқеаларнинг жонли гувоҳи сифатида Германия сафари таассуротлари асосида ёзган.

Мазкур тадқиқот доирасидан ташқарида бўлганлиги туфайли талабаларнинг кейинги тақдирига тегишли муаммолар ҳақида фикр юритилмади.

“Бухоро ахбори” ва “Озод Бухоро” манбалари устида фикр юритилар экан, БХСРнинг РСФСР билан маданий алоқаларига оид маълумотлар ҳам мавжудлигини алоҳида қайд қилиб ўтиш зарур³⁷⁷.

Газеталарда Туркия, Германия, Озарбайжон, Россия, Туркистон АССРга юборилган БХСР ўқувчи ва талабалари ҳақида кенг маълумотлар берилган бўлсада, бошқа хорижий давлатлар билан маданий алоқалар четда қолган.

Хулоса қилиб айтганда, “Бухоро ахбори” ва “Озод Бухоро” газеталари БХСР маорифи, маданияти, хорижий мамлакатлардаги 1920 йилларда кечган ижтимоий-сиёсий жараёнларни, ҳукуматнинг ташқи дипломатик алоқалар тарихини ўрганишда, ушбу йўналишларда ўтмиш тажрибасидан тегишли хулосалар чиқаришда муҳим манбавий аҳамиятга эга. БХСР ҳукумати маориф соҳасида амалга оширган ёки лойиҳа ва режаларда қолиб кетган маориф ва мактаб соҳасидаги айрим тадбирлар ҳозирги давр миллий таълим асосларини яратилишига, мустаҳкамланишига хизмат қиладиган жиҳатлари билан қимматлидир.

БХСР матбуоти ўз саҳифаларида республикадаги театр, музей, кутубхоналар фаолияти билан боғлиқ воқеаларга кенг ўрин ажратган. Бу мавзуда ёзилган хабар ва мақолалар ўзининг объективлиги, йўл қўйилган камчиликларни тўғридан-тўғри очиқ ташлаши билан ажралиб туради. Шунингдек, БХСРнинг охириги йилида ҳам ҳукуматнинг уриниш ва ҳаракатларига қарамай, театр санъатини оммавий томоша даражасига кўтарилишига эришилмаганлиги матбуот орқали очиқ аён бўлади.

³⁷⁶ Рисқулов Т. Германияда Ўрта Осиё талабалари //Озод Бухоро. 15-сон. 1923 йил 16 декабр; 26-сон. 19 декабр.

³⁷⁷ Маскавда бухороликлар маориф юрти //Бухоро ахбори. 136-сон. 1923 йил 23 феврал; Хорижга ўқиш учун //Бухоро ахбори. 161-сон. 1923 йил 24 апрел; Маскавда “Бухоро билим уйи” //Бухоро ахбори. 163-сон. 1923 йил 28 апрел; Маскавда Бухоро билим юрти //Бухоро ахбори. 204-сон. 1923 йил 21 сентябр; Хорижда қанча Бухоро талабаси бор? //Озод Бухоро. 9-сон. 1923 йил 8 ноябр. Чет эллардаги Бухоро ўқувчиларига ойлик //Озод Бухоро. 26-сон. 1923 йил 19 декабр. Аббос Алиев. Четга талабалар юбориш комиссияси тарафидан //Бухоро ахбори. 200-сон. 1923 йил 12 сентябр.

Газеталарда Шарқ ва Ғарбнинг ўнлаб мамлакатларида юз берган сиёсий воқеалар, ижтимоий-иқтисодий ҳаётдаги ўзгаришлар ўша даврнинг айрим тарихий шахслари, уларнинг фаолияти билан боғлиқ дунё матбуотидан кўчириб босилган хабар ва мақолалар ҳам илмий тасаввурни кенгайтиришга хизмат қилади.

Матбуот нашрлари БХСРнинг хорижий мамлакатлар билан иқтисодий, сиёсий-дипломатик ва маданий алоқаларини мукаммал ва атрофлича таҳлил қилишда муҳим манбалардан бири бўлади. Газеталардаги маълумотларни тўплаш, уларни бошқа манбалар билан қиёсий таҳлил қилиш БХСР тарихининг мунозарали жиҳатларини аниқлаштиришда амалий ёрдам беради. “Бухоро ахбори” ва “Озод Бухоро” газеталаридаги маълумотларга таяниб айтиш мумкинки, 1920-1922 йилларда БХСРнинг хорижий давлатлар билан дипломатик алоқалари фаол ривожланган.

Айни шу йилларда БХСР қўшни республикалар ва бир қатор Шарқ мамлакатлари билан мустақил равишда иқтисодий, дипломатик-сиёсий, маданий алоқалар ўрнатиш йўлини тутди. Аммо республиканинг кейинги 2 йили (1923-1924)да “Марказ” таъсирининг кучайиши ва уларнинг ички масалаларга аралашуви, “советлаштириш” тадбирлари ҳукуматни ташқи сиёсатда совет Россияси (аслида СССР)га тобе қилиб қўйди. Шунинг учун “Бухоро ахбори” ва “Озод Бухоро” газеталарининг 1923-1924 йилларда чоп этилган сонларидаги хабар, мақолаларда коммунистик мафкура узил-кесил етакчи кучга айланганлиги яққол кўзга ташланади. Хуллас, ушбу газеталар БХСР тарихини мукаммал ўрганишда муҳим манба бўлиб хизмат қилади.

Адабиётлар:

1. Ишанов А. Бухарская Народная Советская Республика. -Т.: Узбекистан, 1969. -392 с.
2. Йўлдошев Н. Матбаа ва матбуот тарихидан //Бухоро ҳақиқати. 1990 йил 15 август.
3. Каримов Р., Раджабов К. Политическая и экономическая ситуация в Бухарской Республике (1920-1924 гг.) //Истории Узбекистана (1917-1991гг.) - Т.: Шарқ, 2002. -С. 63-70.
4. Мажид Ҳасаний. Файзулла Хўжаев. -Т.: Ўзбекистон, 1990. -204 б.
5. Маҳмудов М. Барҳаёт сиймолар (Қатағон қурбонлари ҳақида лавҳалар). - Т.: Ўзбекистон, 1991. -96 б.
6. Маҳмуд Саид Ахрорий. Танланган асарлар /Тўплаб нашрга тайёрловчи Холида Ахророва. -Т.: Маънавият, 2001. -101 б.

7. Ражабов Қ. Бухоро Халқ Республикаси: монархиядан демократия сари дастлабки қадамлар (1920-1924 йиллар). Ўзбекистон тарихининг долзарб муаммоларига янги чизгилар /Даврий тўплам. № 2. -Т.: Шарқ, 1999. -Б.149-158.
8. Ражабов Қ. Бухоро ва Хоразм Республикаларидаги қуролли муҳолифат кураши /Ўзбекистоннинг янги тарихи. 2-китоб. -Т.: Шарқ, 2000. -Б.249-270.
9. Ражабов Қ. Бухоро ва Хоразм Халқ Республикалари: давлатчиликнинг демократик шакли /Ўзбекистон давлатчилиги тарихи очерклари. -Т.: Шарқ, 2001. -Б.185-202.
10. Ражабов Қ. Бухорога қизил армия босқини ва унга қарши кураш. -Т.: Маънавият, 2002. -144 б.
11. Ражабов Қ. Бухоро Халқ Совет Республикаси /ЎзМЭ. 2-жилд. -Т., 2001. -Б.299-302.
12. Ражабов Қ., Раҳмонов К. “Бухоро ахбори” ва “Озод Бухоро” газеталарида маориф масаласининг ёритилиши // Ўзбекистон тарихи ва маданияти (Республика илмий-амалий анжумани материаллари). Тошкент – 2011. –Б. 154-160.
13. Ражабов Қ. Файзулла Хўжаев (тарихий эссе). –Т.: “ABU MATBUOT-KONSALT” нашриёти, 2011. -48 б. –(Тарих ва тақдир).
14. Рашидов У. Бухоро инқилоби: у қандай бўлган эди? //Бухоро ҳақиқати. 1995 йил 23 август.
15. Рашидов У. Бухоро Республикасида қаршилик ҳаракатининг биринчи босқичи (1920-1922 йй.) /Бухоро тарихи масалалари (мақолалар тўплами). – Бухоро, 1996. -Б.95-123.
16. Рашидов У. Бухоро Халқ Республикаси. -Бухоро: Бухоро, 2003. -99 б.
17. Раҳмонов К. БХСР тарихи матбуот саҳифаларида. -Т.: ABU MATBUOT-KONSALT, 2012.
18. Қосимов Ф. Бухоро Республикаси тарихшунослиги. -Бухоро, 1997. -70б.
19. Қосимов Ф. Бухорода миллий демократик ҳаракатнинг ўзига хос хусусиятлари /Марказий Осиё XX аср бошларида: ислохотлар, янгиланиш ва тараққиёт учун кураш. -Т. , 2001. -Б.115-118.
20. Ҳайитов Ш. Биринчи муҳаррир //Бухоронома. 2003 йил 10 сентябрь.
21. Ҳайитов Ш., Раҳмонов К. Бухоро Халқ Республикаси ва Германия: ҳамкорликнинг тарихий лавҳалари (1920-1924 йиллар). -Т.: Фан, 2004. -101б.
22. Ҳайитов Ш., ва б. Бухоро Халқ Совет Республикаси: иқтисодиёт, ижтимоий сиёсат, маданий ҳаёт. – Бухоро: Бухоро, 2005. - 154 б.
23. Ҳайитов Ш. Ўзбек муҳожирлиги тарихи (1917–1991 йиллар). -Т.: ABU MATBUOT-KONSALT, 2008. – 207 б.
24. Ҳайитов Ш., Орзиев М. Садриддин Айний асарлари – Бухоро матбуоти тарихидан маълумот берувчи муҳим манба // Бухоро давлат университети илмий ахбороти. -Бухоро. 2009. № 4. -Б. 3 - 6.

25. Ҳолбоев С. Бухоро амирлигининг олтин хазинаси. -Т.: Фан, 2008. -180 б.